

# **АМИР ТЕМУР ЕВРОПА ЭЛЧИЛАРИ НИГОҲИДА**

**Руи Гонсалес де Клавихо**

**БҮЮК АМИР  
ТЕМУР ТАРИХИ**

**(1403–1406)**

---

**Султония архиепископи Иоанн**

**АМИР ТЕМУР ВА УНИНГ САРОЙИ  
ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР**

Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи  
Тошкент—2007

2007

Таржимонлар:  
**Улуғбек Жураев, Баҳодир Эрматов**

Масъул муҳаррир:  
 юридик фанлари доктори, профессор **А.Х.Саидов**

Нашр учун масъул  
**Муҳаммад Исмоил**

Амир Темур Европа элчилари нигоҳида / Клавихо Руи Гонсалес де. Буюк Амир Темур тарихи (1403–1406); Тарж., У.Жўраев. Султония архиепископи Иоанн. Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар. Тарж., Б.Эрматов; Масъул муҳаррир А.Х.Саидов. – Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007. – 208 б.


Шавкатли саркарда ва давлат арбоби Амир Темур билан ўз вақтида юзма-юз мулоқотда булган европалик икки элчи – Руи Гонсалес де Клавихо ва Султония архиепископи Иоанн хотиралари илк бор ўзбек тилида тўплам ҳолида чоп этилмоқда.

Ушбу китоб миллатимиз ва юртимиз довуғини оламга ёйиш борасидаги улкан хизматлари учун Соҳибқирон бобомизга ворисларининг хурмати ва эҳтироми белгисидир. Бу нашр, ўз навбатида, Ўзбекистон билан Франция, Испания ва умуман, Европа давлатлари ўртасида тобора кенгайиб бораётган маданий ва илмий алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилишига ишончимиз комил.

Тўплам кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ББК 63.3 (5У) 4

4702620101–57 қатъий буюртма – 2007  
 К М352(04)–2007



ISBN 978-9943-03-102-9

1033892  
2  
© А.Саидов, У. Жураев,  
 Б.Эрматов, Фафур Фулом  
 номидаги нашриёт-матбаа  
 ижодий уйи, 2007 й (тарж.).

---

---

## ОСИЁ ВА ЕВРОПАНИ БОҒЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛГАН ЗОТ

(Муқаддима ўрнида)

Мамлакатимиз истиқлолга эришгач, Амир Темури шахси яна Ватан ва миллат тимсолига айланди. Мустақиллигимизнинг ҳар бир тадбирида, суверен Ўзбекистоннинг ҳар бир қадамида ул буюк зот руҳи бизга ҳамроҳу ҳамнафас бўлиб бормоқда.

Юртимизда ҳар йили Амир Темурининг таваллуд санаси кенг нишонланади. Соҳибқирон номи, унинг фаолияти билан боғлиқ тадбирлар алоҳида кўтаринки руҳда ўтади. Бошқача айтганда, Амир Темури номи, сиймоси халқимизни бирлаштиришда, жипслаштиришда, иймон-оқибатли бўлишда, маданий-маърифий илдизларимизни чуқур англашда, қудратли келажагимизни қуришда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бағишлаб турибди.

Буюк аждодимизнинг энг муҳим фазилатларидан бири шуки, у бундан олти аср аввалоқ ҳеч қандай давлатнинг қўшнилари билан ўзаро яхши алоқалари, манфаатли ҳамкорлигисиз ёрқин истиқболи бўлмаслигини теран англаган. Шу сабабли, у Европа ва Осиёни боғлашга хизмат қилган улкан ишларни амалга оширган. Бир томондан — Хитой, Ҳиндистон, бир томондан — Франция, Испания, Англия ва бошқа давлатлар билан алоқалар ўрнатган ва шу муносабатларни мустаҳкамлашга интилан.

Давлатимиз раҳбари 1996 йил 24 октябрда Амир Темури таваллудининг 660 йиллигига бағишлаб ўтказилган халқаро илмий конференциядаги маърузасида қайд этганидек: «Амир Темури фаолиятидаги биз учун ибратли нуқталардан яна бири шундаки, у савдо-иқтисод муносабатлари орқали халқлар, мамлакатлар ўртасида ягона макон барпо этиш соҳасида шундай ютуқларга эришганки, бунга қойил қолмасдан иложимиз йўқ»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Амир Темури — фахримиз, гуруримиз. — Т.: «Ўзбекистон», 1996, 63-бет.

Амир Темур Кастилия ва Леон қироли Дон Энрике III (айрим манбаларда — Испания қироли Генрих III), Франция ҳукмдори Шарл VI (айрим манбаларда — Карл VI), Англия қироли Генрих IV саройларига элчилар юбориб, мутаносиб равишда испаниялик, франциялик, англиялик, хитойлик ва бошқа бир қатор — жами йигирмадан ортиқ хорижий давлатлар элчиларини ўз салтанатида қабул қилгани ҳақида атрофлича баён этилган кўплаб тарихий ва илмий асарлар бу фикрни яққол тасдиқлайди.

Тарихий манбаларда ёзилишича, 1402 йилнинг 28 июлида Анқара шаҳри яқинидаги Чубуқ водийсида Амир Темур билан Усмонли турк султони Боязид Йилдирим аскарлари ўртасида кечган ва Соҳибқирон ғалабаси билан яқун топган жангга гувоҳ бўлганлар орасида Кастилия ва Леон қироли Дон Энрике III томонидан Амир Темур ҳузурига йўлланган элчилар — Пайо де Сато Майор ва Эрнан Санчес де Паласу-энос ҳам бор бўлган. Жангдан сўнг Амир Темур элчиларни қабул қилади, улардан испанлар давлати ва қиролнинг ҳолаҳволи ҳақида суриштиради, зиёфатларга таклиф этиб, кўп ҳадялар беради.

Элчиларнинг қайтиш пайти келганида Соҳибқирон икки давлат ўртасидаги алоқаларни янада мустаҳкамлаш мақсадида улар билан бирга қобилиятли беклардан Муҳаммад Кешийни ҳам мактуб ва совғалар билан Кастилияга элчи қилиб жўнатади. Кеший у ерга эсон-омон етиб бориб, мактуб ва совғаларни қирол Дон Энрике III га топширади.

Шу ўринда Амир Темур элчисининг шахси ҳақида тўхталиб ўтишни жоиз деб билдик. Унинг номи баъзи бир манбаларда «Муҳаммад Қози», «Муҳаммад ал-Қози», кейинги, янги тадқиқотларда эса «Муҳаммад Кеший», «Муҳаммад ал-Кеший» тарзида келтирилган. Маълумки, Амир Темур Насаф ва Кеш олимлари, диний ва дунёвий илмлардан хабардор, хорижий тилларни биладиган қобилиятли шахсларни ўз саройига ишга жалб этган. Улар турли лавозимлар қатори элчилик вазифасини ҳам адо этишган. Масалан, Муҳаммад Кеший Соҳибқироннинг элчиси сифатида маълум муддат Испанияда яшаб келган бўлса, Мавлоно Абдуллоҳ Кеший Амир Темур томонидан Миср султони Фаражга элчи қилиб юборилади.

«Кеш» сўзининг «қоз»га айланиб қолиши масаласига келсак, буни Европа тилларининг ўзига хос талаффуз талаби билан ҳам изоҳлаш ўринлидир. Масалан, ҳатто Руи Гонсалес де Клавихонинг ўзи ҳам баъзан тарихий шахслар ва жойлар номини турлича ишлатган. У Тўхтамиш номини бир ўринда – Тотамих, бошқа жойда – Керамих, яна бир ўринда –Тетанис деса, Табриз шаҳри номини Торис, Турис, Таурис қабилида қўллайди.

Амир Темур одатда Европа мамлакатларига масиҳийлик дини пешволарини элчи қилиб юборган. Франциско, Франциско Садру, Султония шаҳри архиепископи Иоанн ана шундай вазифаларни адо этганлар. Мисол учун, 1402 йилда Иоанн Франция ва Англия қиролларига Соҳибқироннинг мактубларини олиб борган. Муслмон дипломатлардан фақат Муҳаммад Кешийгина Европага боришга муяссар бўлган. Бу ҳам унинг қобилиятидан, бир неча тилларни, эҳтимол, Европа тилларидан бирини билганлигидан далолат беради.

Ўша даврда Амир Темурнинг шуҳрати бутун Европага тарқалган эди. Шу сабабли Муҳаммад Кеший Кастилия қироли Дон Энрике III ҳузурида катта ҳурмат-эътибор билан кутиб олинади. У қирол саройидаги ва йирик зодагонлар қасридаги қабулларда иштирок этади. Қирол унга Руи Гонсалес де Клавихо бошчилигидаги ўз элчиларини қўшиб, ҳурмат-эҳтиром билан Самарқандга кузатиб қўяди.

1403 йили испанларнинг иккинчи элчиси Клавихо билан бирга Муҳаммад Кеший узоқ ва машаққатли йўл босиб, 1404 йилнинг август ойи охирларида Самарқандга етиб келади. Соҳибқирон Кастилия элчиларини 8 сентябрь кuni Самарқанд ташқарисидаги Дилкушо боғида қабул қилади. Улар билан келган Муҳаммад Кеший ҳам испанияликлар кийимини кийиб олган эди, деб гувоҳлик беради тарихий манбалар. Хусусан: «Темурбекнинг Кастилия қироли ҳузурига йўллаган элчиси ҳам биз билан бирга эди. Испанча кийинган элчини кўриб, ватандошлари кулиб юборишди», деб ёзади Клавихо.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, 2006 йили таваллудининг 670 йиллиги кенг нишонланган Амир Темурнинг башарият оламидаги ўлмас хизматларини маърифатли жаҳон муносиб баҳолаб келмоқда. Бугун юртимизда, шунингдек, хорижий мамлакатларда Амир Темур ва темурийлар даври ҳақида қўплаб китоблар нашр этилмоқда. Дунёнинг эллик-

дан ортиқ мамлакатида темуршунос олимлар фаолият кўрсатмоқда. Ўтган олти юз йил мобайнида Амир Темурга бағишлаб яратилган жиддий асарлар сони Европа тилларида 500 дан зиёд бўлса<sup>1</sup>, Шарқ тилларида қарийб мингтага етди<sup>2</sup>.

Бу китоблар орасида Кастилия қироли элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг «Самарқандга, Темур саройига саёҳат кундалиги. 1403—1406 йиллар» номли асарида баён этилган хотиралари ва ҳисоботлари шак-шубҳасиз, алоҳида ўрин тутади.

Клавихонинг Самарқанд сафари кундаликлари кўпчиликка яхши маълум. Афсуски, элчининг шахси ҳақида у қалар бой маълумотлар етиб келмаган. Тарихдан шу маълумки, Клавихо мадридлик, унинг қўргони эски шаҳарнинг бир чеккасида жойлашган, фаолияти қироллик саройида кечган. Қадимий ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, Клавихо аввалига қирол Дон Энрике III нинг ота-боболари — Энрике II ва Хуан I саройида мулозим бўлган. Сўзга чечанлиги ва ҳассос нотиқлиги туфайли Энрике III уни Амир Темур ҳузурига элчи этиб юборишга муносиб топган.

Амир Темур салтанати ҳақидаги кундаликлари Клавихони оламга машҳур қилиб юборди. Зотан, неча асрлардан буён бу бебаҳо кундаликлар Марко Поло, Иоанн Галонифонтибус, Афанасий Никитин, Барбаро ва Контарини асарлари билан бир қаторда ўрта асрлар жаҳон адабиётининг олтин фондиди безаб турибди.

Шу билан бирга, Кастилиядан махсус топшириқ билан Клавиходан олдин юртимизга келган биринчи элчилик вакиллари томонидан қиролга топширилган ҳисоботлар ҳам Испания архивларида сақланиб қолган. Маълумотларга қараганда, Кастилиянинг биринчи элчиси Хуан Эскамильонинг йўл хотиралари ҳозирги пайтда Мадриддаги Қироллик музейида сақланмоқда<sup>3</sup>. Энг муҳими, унда элчи Амир Темур ҳузурини батафсил қоғозга туширган.

Кастилиянинг иккинчи элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг «Самарқандга, Темур саройига саёҳат кундалиги. 1403—

---

<sup>1</sup> Ртвеладзе Э.В., Саидов А.Х. Амир Темур в зеркале мировой истории. Т., 1999. 112-б.

<sup>2</sup> Амир Темур — фахримиз, ғуруримиз. Т., «Ўзбекистон», 1998, 61-бет. Амир Темур ва темурийлар ҳақида Миср кутубхоналарида сақланаётган манбаа ва қўлланмалар фикристи. Қоҳира, 1996.

<sup>3</sup> Муҳаммадиев Н. Испан элчисининг саёҳатномаси // «Халқ сўзи», газетаси, 2005 йил 7 апрель.

1406 йиллар» китоби ҳам бу борала алоҳида аҳамият касб этади. Ушбу асарнинг асл иккита қўлёзмаси Мадрид Миллий кутубхонасида сақланиб қолган. Мутахассисларнинг фикрича, XV асрнинг биринчи ярмига, яъни муаллиф ҳали ҳаётлик даврига мансуб қўлёзма ноёброқ бўлиб, у икки бетига ҳам ёзилган 154 варақдан иборат, саҳифалардаги матн икки устунга жойлаштирилган, айрим варақлари яроқсиз ҳолга келиб қолган, бошланиш ва якуний қисмлари йўқ. Иккинчи қўлёзма XV аср охирларига мансуб ва нисбатан яхши сақланган<sup>1</sup>. Шу боис Клавихо кундаликларини нашр этишда, даставвал, ана шу қўлёзма асос бўлиб хизмат қилган.

Клавихо кундаликлари илк бор 1582 йилда Испаниянинг Севилия шаҳрида Арготе де Молина томонидан нашр қилинган. Ношир китобга тигул варағи ва қисқача такриз ҳам киритган. Китоб 1881 йилда ва кейинги даврда Испанияда бир неча марта қайта нашр этилган<sup>2</sup>. Шунингдек, Япония<sup>3</sup>, Россия<sup>4</sup>, Аргентина<sup>5</sup> каби дунёнинг бир қанча мамлакатларида инглиз<sup>6</sup>,

---

<sup>1</sup> Clavijo Ruy Gonzalez de. Historia del Gran Tamerlan e itinerario y enarracion ad viage, y relanion de la Embaxada one que Ruy Gonzalez de Clavijo le hizo por mandado del muy poderoso senon rey don Henrique el Tercero de Castilla. ed Goncalo Argote de Molina. Seville, 1582.

<sup>2</sup> Clavijo Ruy Gonzalez de. Historia del Gran Tamerlan e itinerario y enarracion ad viage, y relanion de la Embaxada one que Ruy Gonzalez de Clavijo le hizo por mandado del muy poderoso senon rey don Henrique el Tercero de Castilla. ed Antonia Sancha, Madrid, 1782. Сунгги марта Клавихо кундаликлари Испания Ташқи ишлар вазирлиги ҳомийлигида 2000 йили Мадридда чоп этилди. Gonzalez de Clavijo, Ruy. Mision diplomatica de Castilla a Samarcanda (1403—1406), Madrid, 2000; Дипломатическая миссия из Катилии в Самарканд (1403—1406). Мадрид, 2000.

<sup>3</sup> Clavijo. Yamado Nobuo. Embassy to Tamerlane, 1403—1406. Tokio, Torenca 1967/4/20. 345 p. (япон тилида).

<sup>4</sup> Клавихо Руи Гонсалес де. Дневник путешествия ко двору Тимура в Самарканд в 1403—1406 гг. Подлинный текст с переводом и примечаниями, составленными под ред. И.И.Срезневского. Санкт-Петербург, 1881; Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403—1406) //Перевод, предисловие и комментарий И.С.Мироковой., М., «Наука», 1990.

<sup>5</sup> Clavijo Ruy Gonzalez de. Relacion de la Embajada de Enrique III al Gran Tamerlan. Ed. Lopez Francisco Estrada. Buenos Aires, 1952.

<sup>6</sup> Clavijo Ruy Gonzalez de. Life and acts of great Tamerlane narrative of the Castilian embassy to the court Timur at Samarkand, 1403—1406, translated with notes by C.R.Markham, London, 1859; — Clavijo Ruy Gonzalez de. Embassy to Tamerlan, translated by Guy Le Strange with an Introduction., London, 1928.

француз<sup>1</sup>, турк<sup>2</sup>, форс<sup>3</sup> тилларидаги таржималари чоп этилган.

Клавихо кундаликларининг бевосита испан тилидан илк бор ўзбек тилига ўгирган таржимон Улуғбек Жўраев, асосан, иккита нуфузли манбага таянган. Биринчи манба — йирик испан тарихчиси, таниқли эксперт, профессор Лопес Эстраданинг 1943 йили Мадридда Николас Антонио институти томонидан нашр этирилган тадқиқотидир. Асар икки қисмдан иборат бўлиб, беш бобни қамрайдиган биринчи қисмида Самарқандга элчилик тарихи ҳақида сўз боради ва саёҳат солномаси баён этилади. Етти бобдан иборат иккинчи қисм матннинг филологик таҳлилига бағишланган. Профессор Лопес Эстрада ушбу китобини тайёрлашда манба сифатида Испания Миллий кутубхонасида сақланаётган XV асрга мансуб Bd 72–9218–рақамли асл қўлёзмадан фойдаланган<sup>4</sup>.

Таржимон асос қилиб олган кейинги манба профессор И.Срезневскийнинг илмий изланишлари натижаси бўлмиш икки тилда чоп этилган асар — ўрта асрларга хос рус тили ва эски испан тилидаги китобдир. 1881 йилда чоп этилган ушбу китоб 1971 йилда Иван Дуйчев томонидан Лондонда қайта нашр қилинган. И.Срезневский, ўз навбатида, Арготе де Молина нашрга<sup>5</sup> тайёрлаган 1582 йилги испанча китобга таянган.

Бобомиз Амир Темур билан юзма-юз суҳбатда бўлган элчи Клавихонинг испан тилида битилган кундаликлари ўзбек тилига ўгирилиб, 2006 йили китоб ҳолида чоп этилди<sup>6</sup>. Амир Темур таваллудининг 670 йиллик тўйига муносиб туҳфа бўлган ушбу нашр жамиятимизнинг маданий-маърифий ҳаётида муҳим воқеа сифатида баҳоланди.

Ушбу тўпламда ҳам биринчи навбатда Клавихо хотираларига жой берилгани бежиз эмас. Зеро, Клавихо Амир Темур-

<sup>1</sup> Kehren L. *La Route de Samarkand an temps de Tamerlan*. Paris, 1990, 354 p.; 2-ed. Paris, 2002; 3-ed. Paris, 2006, 354 p.

<sup>2</sup> Clavijo R. *Timur nezdine gonderilen ispanyol sefiri Clavijo seyahat ve seferat izlenimleri*. Turhce Tnr. Omer Riza Dogrul. Istambul, 1993, 208 p.

<sup>3</sup> Clavijo Ruy Gonzalez de. *Embassy to Tamerlan (1403–1406)*, translated into Persian by Masoud Rajabesia. BTNK, Teheran, 1958.

<sup>4</sup> Clavijo Ruy Gonzalez de. *Itinerario de la embajada due por mandado de Enrique III llevo al Gran Tamerlan*. Biblioteca Nacional, Madrid, Bd-72-9218.

<sup>5</sup> Gonzalez de Clavijo, Ruy. *The Spanish Embassy to Samarcand 1403–1406*, Reprinted with a Foreword by I. Dujcev. London, 1971.

<sup>6</sup> Клавихо Руи Гонсалес де. Буюк Амир Темур тарихи (1403–1406). Таржимон У.Жўраев. Т., «Зарқалам», 2006.



ни кўриб, у билан бевосита суҳбатлари асосида хотиралар ёзган санокли, яъни турт кишидан биридир. Бу ҳолат Ибн Арабшоҳ<sup>1</sup>, Ибн Халдун<sup>2</sup>, архиепископ Иоанн яратган хотиралар каби унинг кундаликларининг ҳам ҳаққонийлигини янада оширади.

Тўпلامдан урин олган кейинги ишончли ва холис тарихий манба — архиепископ Иоаннинг «Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар» асари ўтган олти юз йил мобайнида турли тилларда яратилган мингдан зиёд асарлар орасида алоҳида ўрин тутди. Чунки у асрлар мобайнида дунё миқёсида яратилган кўп сонли солномалар, эсселар, бадий ва драматик асарлар ичида Амир Темур, унинг тарихи, давлат арбоби ва саркардалик фаолияти, ғанимлари ва дўстлари, ўз қўшинида ўрнатган тартиб-қоидалари, салтанати ва саройи, у ердаги урф-одатлар ҳақида европаликларга илк бора ҳикоя қилиб берган асардир.

Бу асар Соҳибқирон билан Самарқандда учрашган европалик бошқа бир инсон — Кастилия қироли элчиси Руи Гонсалес де Клавихонинг кундаликлари, шунингдек, Амир Темур билан бевосита мулоқотда бўлган машҳур тарихнавислар Ибн Арабшоҳ ва Ибн Халдун қаламига мансуб тарихий китоблар каби бирламчи манба саналади.

Яна бир муҳим жиҳат — бугун Клавихо, Ибн Арабшоҳ, Ибн Халдун номларини ва уларнинг асарларини юртдошларимиз яхши биладилар. Аммо, афсуски, руҳоний Иоанн хотиралари бизда ҳам, хорижда ҳам аксарият кўпчилик учун номаълумлигича қолмоқда. Элчи Иоанн хотираларининг ҳозирга қадар на ўзбекча ва на русча нашри мавжуд эмаслиги ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлайди.

Архиепископ Иоаннинг ушбу асари билан илк бора танишган кишида у афсоналар ва ҳақиқат омихтасидан иборат китоб, деган таассурот туғилади. Иоанн ўз хотираларида Амир Темур ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ бир қатор бошқа манбаларда тасдиқланган аниқ тарихий маълумотлардан ҳам, шунингдек, Соҳибқирон шахси ва унинг феъл-атвори, диди ва таъби ҳамда қизиқишлари ҳақида қимматли, баъзан бошқа ҳеч

---

<sup>1</sup> Ибн Арабшоҳ. Ажойиб ул-мақдур. Амир Темур тарихи. У.Увагов таржимаси. Тошкент, 1992.

<sup>2</sup> Ибн Халдун. «Таржимаи ҳол»дан // Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. Тошкент, 1996. 35–57-бетлар.

бир манбада тилга олинмаган тафсилотлардан, талайгина маълуму номаълум афсона ва ривоятлардан ҳам кенг фойдаланган.

Шу боис, мазкур асарни, биринчидан, ўша тарихий давр воқелигидан келиб чиққан ҳолда, иккинчидан, Амир Темур элчиси сифатида архиепископ Иоаннинг зиммасига юкланган муайян вазифалар масъулиятини эътиборда тутиб мутолаа қилиш лозим.

Элчи Иоанн хотираларининг иккита французча қўлёзмаси мавжуд бўлиб, улар Франция Миллий кутубхонасидаги француз фондида сақланмоқда. Асар 23 бобдан иборат, унда Соҳибқирон Мовароуннаҳр тахтига ўтирган кундан бошлаб 1402 йилнинг августигача бўлиб ўтган асосий воқеалар қаламга олинган.

Ушбу асар биринчи марта бевосита француз тилидан ўзбек тилига таржима қилиниб, Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига тўғна сифатида «Жаҳон адабиёти» журнали (2007 йил апрель сони) саҳифаларида юртдошларимиз эътиборига ҳавола этилди. Кези келганда, асарнинг айрим ўринларига таржимон томонидан ҳавола этиб борилган изоҳларни алоҳида таъкидлашни истардик. Изоҳлар нафақат китобхоннинг асарни тушунишини осонлаштиради, айтиш мумкин унга муайян талқини тафсилотлар юзасидан тарихий ва илмий далилларга асосланган тўғри йўналишни кўрсатишга кўмаклашади.

Китоб таржимони истеъдодли олим ва француз тили билимдони Баҳодир Эрматов томонидан она тилимизга раво ва мароқли услубда ўтирилган архиепископ Иоаннинг хотиралари юртимизнинг маданий-маърифий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Соҳибқирон бобомиз билан ўз вақтида юзма-юз мулоқотда бўлган европалик икки элчи — Клавихо ва Иоаннинг хотираларини ўзида мужассам этган ушбу тўпламнинг юртимизда чоп этилиши буюк ажодимиз Амир Темур руҳи олдидаги ворислик бурчимизни адо этиш йўлидаги камтарин бир хизмат сифатида қабул қилинади, деган умиддамиз.

Бу нашр, ўз навбатида, Ўзбекистон билан Франция, Испания каби Европа давлатлари ўртасида тобора кенгайиб бораётган маданий ва илмий алоқаларни янада кенгайтиришга хизмат қилишига ишончимиз комил.

*Акmal САИДОВ,  
юримдик фанлари доктори, профессор,  
Ўзбекистон Республикасининг  
Фавқулодда ва мухтор элчиси*

**Руи Гонсалес де Клавихо**

**БУЮК АМИР  
ТЕМУР ТАРИХИ**

**(1403—1406)**

Испан тилидан *Улугбек Жураев* таржимаси



---

*Тарих манбааларида қайд этилишича, испаниялик маш-хур тарихчи Руи Гонсалес де Клавихо анча вақт давомида Амир Темур саройида яшаган. Уша вақтда нафақат Испания, балки бутун Европа Клавихо асарлари орқали мамлакатимиз, бу заминда яшовчи халқларни таниган. Амир Темур давлатида юритилаётган сиёсат, минтақамиздаги сиёсий жараён, халқимизнинг маданияти ва илм-фанда эришган ютуқларидан бохабар бўлган\*.*

*И.А.Каримов,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти*

---

\* Президент Испанияга жўнаб кетди // «Халқ сўзи» газетаси, 2003 йил, 28 январь.

---

**1-боб.** Буюк саркарда Амир Темур (Темурбек) Самарқанд тахтини эгаллагандан сўнг, унинг ҳукмдорлиги бошланди. Кейинроқ унинг бутун Мўғилистон ва Кичик Ҳиндистон<sup>1</sup> ерларини забт этганлиги ҳақида билиб оламиз. Шундан сўнг Амир Темур Хуросон ҳамда Тожикистон ўлкасини, бутун Форс кўрфази ерларини, Табриз ва Султония подшоҳлигини ўз тасарруфига олди. Гилон, Дарбант, Арманистон, Озарбайжон, Курдистон ерлари ҳам унинг қўл остига ўтди.

Кичик Ҳиндистоннинг кагга қисмини машаққатли жанглар эвазига қўлга киритиб, Дамашқ шаҳрига эга чиқди. Бобил<sup>2</sup> ни эгаллаб, бир қанча мамлакатларни ўзига бўйсундиргач, Бағдод<sup>3</sup> ни эгаллади. Катта куч билан ўша даврда салобатли давлат ҳисобланган Турк ерларига<sup>4</sup> юриш бошлади ва ўз даврининг машҳур саркардаси турк султони Боязид Йилдиримга қарши жанг қилди. Туркиянинг Анқара қасри ёнидаги катта жангда Амир Темур ғолиб келиб, Турк султонини ўғиллари билан биргаликда асирга олди. Ўша даврда Испаниянинг, яъни Кастилия ва Лионнинг қироли Энрико томонидан тайинланган икки элчи — Пайо де Сатомайор, Фернан Санчес де Палесуельслар бу жангнинг гувоҳи бўлган эдилар. Бу элчиларнинг мақсади Темурбек ва Турк султони Йилдирим кўшинларининг куч-қудратини, бойлиги, аскарларининг сон-саногини билиш ҳамда бу катта жангни ўз кўзлари билан кўриш эди. Элчиларнинг келганидан Темурбек хабар топди ва Кастилия қиролига ҳурмати бениҳоят баландлиги боис уларни ўз саройига таклиф қилиб, элчилар шарафига

---

<sup>1</sup> Кичик Ҳиндистон — ҳозирги Афғонистон.

<sup>2</sup> Бобил — Миср.

<sup>3</sup> Бағдод — Ироқнинг пойтахти.

<sup>4</sup> Турк ерлари — Туркия.

зиёфат уюштирди ва совға-саломлар ҳады этди. Шу ўринда элчилардан Кастилия қиролининг саломини ва қирол ҳақидаги кўпгина маълумотларни эшитди. Бундан кейин Кастилия қироли билан дўстона муносабатларни мустақкамлаш ва катта бир жангда ғолиб келганлиги муносабати боис ўз томонидан элчи тайинлаб, уни совға-саломлар билан жўнатишни буюрди. Бу элчи Чигатой қавмидан бўлмиш Муҳаммад ал-Кеший бўлиб, барча совға-саломлар ва қирол номига ёзилган мактубни шу инсон орқали жўнатди. Муҳаммад ал-Кеший Кастилияга етиб келиб, Темур томонидан ёзилган мактубни, совға-салому зебу зийнатларни, урф-одатларга кура, Кастилия қироли учун юборилган канизакларни унга тўхфа этди.

Бу ҳурмат-эҳтиромдан, совға-саломлару ўз шанига айтилган илиқ гаплардан ва буюк Темурнинг ёзган номасидан таъсирланган қирол ўртадаги дўстликни янада мустақкамлаш учун совға-саломлар тайёрланиб, элчилар тайинланиши ҳақида буйруқ берди. Магистр Фра Альфонсо Паэсса де Санта Мария, ўз соқчиси Гомес де Саласар ва Руи Гонсалес де Клавихони элчи этиб тайинлади. Уларни мактуб, совға-саломлар билан Самарқандга жўнатди.

Йўлда содир бўладиган воқеа ва маълумотларни тўлиқ ёритиб бориш мақсадида Худодан изн сўраб Руи Гонсалес де Клавихо котиб сифатида Муқаддас Марям бандаргоҳи (бу бандаргоҳ Кадис шаҳридан сал нарироқда жойлашган)га элчилар билан келишимиз биланоқ, қуйидагиларни тарихий ҳужжат сифатида ёзишни бошладим. Бу сана Бир минг тўрт юз учинчи йил йигирма биринчи май эди. Қиролнинг элчилар билан бирга Темурбекнинг Кастилияга жўнатилган элчиси Муҳаммад ал-Кеший ҳам ўз юртига қайтиб келаётган эди.

**2-боб.** Бир минг тўрт юз учинчи йил, йигирма биринчи май, душанба куни элчилар Муқаддас Марям бандаргоҳига етиб келганларида, худди шу куни бандаргоҳдаги кемаларга турли озиқ-овқатларни ортишаётган эдилар. Элчилар юк ортилаётган кемаларнинг бирида кетишни мўлжалладилар. Кемаларнинг бири Севилиядан Херес шаҳрига томон йўл олаётган ва бошқа кўпгина одамлар ҳам кемага чиқишаётган эди.

Эртасига, сешанба, йигирма иккинчи май куни элчилар кема дарғаси Миссер Хулио Сентурио билан бирга қайиққа

ўтиришиб, Кадис шаҳридаги Лас Муелос бандаргоҳига боришди ва чоршанба куни кема йўлга тушди. Денгизга чиқиш олдидан ҳаво яхши бўлиб, элчилар кечга яқин Гибралтар бўғозига кириш жойидаги Марокаш қирғоқларидан, кейинроқ Марокашнинг Тангер шаҳарлари қирғоқларидан, сўнг бирин-кетин Берберия ерларидан, Химена ва Сеута<sup>1</sup> шаҳарлари қирғоқларидан, бир оз фурсатдан кейин Гибралтар ва Марбела<sup>2</sup> қирғоқлари ёнидан ўтишаркан, бу шаҳарларнинг манзараларини, гўзал жойларни бемалол томоша қилиб ўтишарди. Шу тарзда йўл босиб, кечқурун Фигерола тоғига яқинлашдилар.

**3-боб.** Жума, йигирма бешинчи май тонгида, кема Малага<sup>3</sup> шаҳар бандаргоҳида лангар ташлади. Элчилар жума, шанба ва якшанба кунлари бандаргоҳда бўлдилар. Бунга сабаб, кема дарғаси катта хум идишлардаги ёғларни ва шунга ўхшаш бошқа юкларни кемага юклади. Малага шаҳри текисликлардан иборат бўлиб, бир қисми денгиз билан қўшилиб кетган, чеккароқда эса бир қаср қад ростлаган, қаср Алкасаба<sup>4</sup> деб номланарди. Бу қасрнинг ёнида яна бир кичикроқ қаср ҳам бор бўлиб, ҳар икки қаср ҳам денгизга яқин жойлашган, қасрлар бир-бирига уланган, атрофлари баланд деворлар билан ўралган, девор билан ўралган қаср ичкарасида бинолар, узумзор боғлар, денгизга яқин ерларда ҳам бир қанча бинолар қад ростлаган эди. Бу ерларда қишлоқ аҳолиси кўпчиликни ташкил этарди.

Чоршанба, йигирма тўққизинчи майда кема йўлга тушиб, узумзор боғлар билан бурканган Малага тоғ тизмалари олдидан сузиб ўтиб, кейин Велес Малага ерларига яқинлашди. Бу тоғ тизмалари устида ҳам бир баланд қалъа қад ростлаб турарди. Улар шаҳар пастроғида денгиз кўриниб турган Альмуньескар<sup>5</sup> шаҳри ёнидан ўтиб, кечга яқин Сиерра Невада шаҳрига етиб келдилар.

---

<sup>1</sup> Сеута — Шимолий Африка қирғоқларидаги Испанияга қарашли шаҳар.

<sup>2</sup> Марбела — Испаниянинг Малага вилоятига қарашли шаҳар.

<sup>3</sup> Малага — Испаниядаги вилоят.

<sup>4</sup> Алкасаба — Араблар қурган қаср.

<sup>5</sup> Испаниянинг Гранада вилоятидаги шаҳар.

Пайшанба куни улар Картахена<sup>1</sup> яқинидаги Палос бўғози яқинидан ўтиб, жума куни Мартин бўғозига келдилар. Бу ерда Каталония тоғ тизмаси бор эди.

**4-боб.** Шанба куни, тонг ёришиши билан кема Форментера<sup>2</sup> деб номланган оролни ортда қолдириб, Ибиза<sup>3</sup> оролига келганида лангар ташлади. Улар кемадан тушишиб, шанба ва якшанба кунлари шу оролда бўлишди. Душанбада йўлга чиқиш учун тараддуд кўраётганда бирдан жуда кучли шамол кўтарилиб, яна бир кун оролда қолишга мажбур бўлдилар. Сешанба, бешинчи июнь куни кечга яқин шамол тингач, кема Ибиза бандаргоҳидан йўлга чиқишдан олдин дарға кемадаги юкларни шу оролда қолдириб, бу ердан эса кемага кўп миқдорда қопланган туз юклатди. Юклар ортиб бўлингач, чоршанбадан яна қаттиқ шамол кўзғалиб, ҳаво айниди, кема денгизга чиқолмай яна анча вақт оролда туриб қолди. Бир ҳафтадан сўнг, чоршанба, ўн учинчи июнь куни улар йўлга чиқдилар. Денгизга чиққан кема пайшанба ва жума кунлари қулай об-ҳавода тинч ва осойишта, шовқинсиз денгизда сузиб борарди.

**5-боб.** Ибиза ороли унча катта бўлмаган, узунлиги беш лига<sup>4</sup>, энига эса уч лига келадиган ўртача оролча ҳисобланарди. Элчилар оролга келиб тушганда, уларни бу ернинг ҳукмдори қирол Арагон кутиб олди ва яшашлари учун турар-жой ажратиб беришни мулозимларига буюрди. Мулозимлар элчиларни кичикроқ қишлоққа олиб боришиб, уй-жой билан таъминладилар. Орол баланд тоғлар-у, майда дарахтларга бой ўрмонлардан иборат бўлиб, тўсиқлар билан учга бўлинган, ҳар бир чегараланган тўсиқлар ичкарисида аҳоли яшар, қишлоқнинг бир тепалигида катта қалъа бўлиб, қалъага яқин жойда кичик черков ҳам мавжуд экан. Қалъа ва черков атрофи тўсиқлар билан ўралган.

---

<sup>1</sup> Картахена – Испаниянинг Мурсия вилоятидаги шаҳар.

<sup>2</sup> Форментера – Испаниянинг Балеар ороллари деб номланади.

<sup>3</sup> Ибиза – Испаниянинг Балеар ороллари деб номланади.

<sup>4</sup> Лига – 3 миля. Испания (1658 йил)да 1 лига 3 миляга тенг бўлган.

1 миля – 5572 метр.



Орол қирғоқларида денгиздан чиққан анчагина тузлар йиғилиб, катта-катта туз конларини пайдо қилган. Бу конлардаги тузлар бошқа мамлакатларга сотилар, ҳар йили бошқа мамлакатлардан келган кемалар бу ердаги тузлардан ортишиб олиб кетишар экан. Қишлоққа яқин жойда бир қалъа, қалъа ичкари-сида анчагина уйлар ва минора бўлиб, миноранинг номи “Авиценна”<sup>1</sup>, айтишларича, қалъани ҳам Авиценна деб аташаркан.

Кейинги шанбада, яъни ўн олтинчи июнь куни Майорка ороли яқинидан ўтиб, якшанбада Кабрера оролига яқинлашди. Бу оролда ҳам бир кичкина қаср бор экан.

Душанба ва сешанба кунлари ўз саёҳатларини давом эттирган элчилар кемаси чоршанбада, кечга яқин Менорка оролини четлаб, Лион кўрфазига кириб келди. Элчилар пайшанба, жума ва шанбани Лионда ўтказишди. Шу кунлари ҳаво ҳам мўътадил бўлди. Якшанба, Авлиё Хуан кунда улар йўлни давом эттириб, Арагон қироллигига тегишли Линера оролидан ўтишди.

**6-боб.** Душанба тонготарида улар икки орол оралиғидан сузиб ўтишди. Биринчи оролнинг номи Корсега бўлиб, унда генуяликларга<sup>2</sup> тегишли Бонифацио деб номланган қаср, иккинчи орол Сердения деб номланиб, унда каталонияликларга<sup>3</sup> тегишли Луисигозардо қасри бор эди. Бу орол ва қасрлар бир-бирига қарама-қарши турар, ороллар оралиғи тор, ундан ўтиш жуда хавфли эдики, жой номини Бонифацио бўғози деб аташарди.

Сешанба, шомда Понца<sup>4</sup> ороли яқинидан ўтишаркан, бу жойлар кимсасиз кўринса-да, оролда бошқа вақтларда одам кўп. Оролда иккита ибодатхона ва дид билан қурилган иморатлар анчагина. Оролнинг ўнг томонида Монте Карсен<sup>5</sup> тоғи, тоғ ёнида Ланцелот<sup>6</sup> қироллигига қарашли Сант Фелис қалъаси

<sup>1</sup> Клавихо Авиценнани шу оролда туғилган деб хато қилган. Аслида Авиценна — файласуф олим, тиббиёт илмининг султони Абу Али ибн Синонинг европача номи. У 980 йилда Бухоро вилоятидаги Афшона қишлоғида туғилган. 1037 йилда Ҳамадонда вафот этган.

<sup>2</sup> Италияликларга тегишли.

<sup>3</sup> Италияликларга тегишли.

<sup>4</sup> Газта кўрфази қаршисидаги Понциане ороллари (Италия).

<sup>5</sup> Италиянинг Лацио шаҳри ёнидаги Монте Кассино тоғи.

<sup>6</sup> Наполес қироли Карлос III нинг ўғли Ладислао (1386–1414).

бор. Бир оз ўтиб, яна тоғларга дуч келишди. Бу тоғлар ёнбағрида кичикроқ Таразина деб номланган Римга қарашли ер бўлиб, бу ердан Римгача ўн икки лига келарди. Ер денгизга яқинлиги учун атрофи гўзал боғлар ва қалин ўрмонлардан иборат. Бу ерда қад ростлаб турган ягона ибодатхонага Бербериядан ҳам одамлар келиб ибодат қилар экан.

**7-боб.** Элчилар чоршанбада ўз саёҳатларини давом эттириб, пайшанба — йигирма еттинчи июнь кечқурун Газта<sup>1</sup> шаҳрига яқин келиб, кемани бандаргоҳда қолдириб, ўзлари бирин-кетин қуруқликка тушиб, шу ерда дам олишга қарор қилдилар ва Сан-Францискога яқин бир уйга жойлашиб, ўн олти кун шаҳарда яшашди. Бу вақт оралиғида кема дарғаси ва савдогарлар молларини сотишиб, ўрнига махсус идишларда қадоқланган ўсимлик ёғларидан кемага ортишди.

**8-боб.** Газта жудаям гўзал бўлиб, бандаргоҳ-шаҳарлардан ҳисобланар, бандаргоҳнинг кириш қисми тор ва ингичка, ичкари қисми жуда кенгдир. Атроф тоғ тизмалари билан ўралган, қалъалари бор, ерлари ҳосилдор, обод боғлари шаҳар кўркига кўрк қўшиб турибди. Турар-жой бинолари ажойиб тарзда қурилган. Бандаргоҳга кирганда, ўнг томонда баланд тоғ чўққиси кўриниб турар, чўққида Ролдон деб номланган кўркам минора қурилган. Қурилган уйлар кенг майдонни эгаллаб, денгизгача чўзилиб кетган. Баланд деворлар билан ўралган қалъа қаттиқ қўриқланарди. Ролдон минорасидаги аскарлар атрофни кузатиш билан бирга шаҳарни ҳам ҳушёр туриб ҳимоя қилишади. Шаҳар ичкарасида узумзорлар ва турли мевали боғлар мавжуд бўлиб, кўплаб уйлар ва савдо расталари қурилган, шаҳар кўчалари кенг, Муқаддас Мария ибодатхонаси бор. Аҳоли бу ибодатхонага кўпроқ келади.

Шаҳарда яна Авлиё Антон черкови ҳам мавжуд. Муқаддас Мария ибодатхонаси ёнида Авлиё Франсиско ибодатхонаси бор. Ибодатхона олдидаги кўча бўйлаб борганда, кўча охирида бир тепаликка чиқилади. Тепалик айланасига тўсиқлар билан ўралган ва у денгизга яқин, аҳоли бу тўсиқларни ўзларини турли хавф-хатардан ҳимоя қилиш учун қурган.

---

<sup>1</sup> Лацио вилоятидаги шаҳар (Италия).

Бу ерда яна Тринидад<sup>1</sup> черкови, черковга яқин кичик-роқ қалъа бор. Черков ёнида тоғ, тоғнинг пастки қисмида ғор кўринади. Ғорнинг эни ўн қулоч, узунлиги эллик қадамча келади. Унинг тешиги тор, битта одам бемалол кира олади ва жойнинг номини Санта Круз<sup>2</sup> деб аташади. Одамлар бу ерга келиб ибодат қилиб кетишади. Исо пайғамбар хочга тортилган куни қоя ёрилиб, ушбу ғор пайдо бўлган дейишади.

Тўсиқлар билан ўралган қўрғонда аҳоли кўп, катта-катта боғлар, кўплаб уйлар мавжуд. Боғлар ҳам турли ҳажмдаги майдончаларга бўлинган бўлиб, унда лимон, апельсин, узум ва шунга ўхшаш бошқа мевали дарахтлар мавжуд. Бундай чиройли боғларни кўрган одамнинг кўзлари қувонади. Қўрғондан ўтгач, денгиз бўйида кичик жой бор, унга йўл орқали борилади. У ерда ҳам ҳашаматли бинолар, қасрлар ва боғлар кўзга ташланади. Бу жой бандаргоҳга яқин, номи Мола. Бу ердан шаҳаргача икки лига келади. Жой тоғ тизмасига яқин, тоғ ёнбағриларида ҳам анчагина уйлар, бир нечта қишлоқлар бор. Бу манзара бир қарашда жуда чиройли, узоқдан қараганда худди катта шаҳар қад ростлагандек кўринади.

Элчилар бу жойларни томоша қилгани тўхтадилар. Моланинг ёнида катта қишлоқ, унда баланд қаср, қаср ёнида қалъа мавжуд, қалъанинг номи Кореляно. Айтишларича, бу ерлар аввал граф Фундига тегишли, ҳозирда Лонцелот қиролига қарашли.

Газта шаҳри жуда гўзал, у бандаргоҳнинг ўнг томонида. Шаҳарнинг баланд-баланд қурилган уйлари, боғлари, қасрлари, уйларининг деразалари денгизга қараганлиги, денгизга олиб чиқадиган кенг кўчалари мафтункор. Шаҳарнинг яна бир қулайлиги, унинг денгиз бўйида жойлашганлиги ва бу ерга ҳар йили савдогарлар келиб-кетишидир.

**9-боб.** Қирол Ланцелот катта жангда қирол Луисни енгиб, унинг ерларини ва шаҳарларини ўз қироллиги ҳудудига қўшиб олди ва бу жойлар ҳамда шаҳарларнинг бари унга тегишли бўлди. Қирол Ланцелот бу шаҳарларни эгаллаган пайтда қирол Монфред Констанзадан фарзанди йўқ эди.

<sup>1</sup> Тринидад — “учлик” деган маънони англатади. Русчада — Троица.

<sup>2</sup> Санта Круз — Муқаддас Салб хилватхонаси.

Қирол Констанзага уйлангач, орадан бир қанча вақтлар ўтиб Кипр қиролининг синглиси Мария хонимга уйланди. Шундан сўнг Ланцелот иккинчи хотинидан фарзанд кўрди.

Қирол Ланцелотнинг ёлғиз синглиси Хуанела хоним Бавиера герцоглигининг герцоги Стерлинга турмушга чиқди.

**10-боб.** Жума, ўн учинчи июлда элчилар кемада Гаэта шаҳридан чиқиб, ўз саёҳатларини давом эттириб, шанба куни Исела деб номланган орол яқинидан, бир оз вақт ўтгач, бошқа бир — Прочеда ороли биқинидан ўтишди. Ҳар иккита орол ҳам кимсасиз ҳисобланарди. Шундай қилиб, эртаси куни одамлар анча кўп бўлган, Наполес қироллигига қарашли Трапе ороли олдидан ўтишиб, қуруқликка яқин Минерва тоғи олдига етиб келишди ва қуруқликка тушишгач, бу ерда иккита бир-бирига қарама-қарши турган баланд тоғларни кўришди. Баланд тоғлар орасида Амальфи<sup>1</sup> шаҳри салобат тўкиб турарди. Айтишларича, Авлиё Андрейнинг боши шу шаҳарда сақланармиш.

**11-боб.** Шанба куни тонг саҳарда денгизда об-ҳаво ўзгарди, қаттиқ шамол кўтарилиб, осмонни бамисоли тутунга ўхшаган қора булут қоплади. Булутлар борган сари пасайиб, денгиз билан туташиб кетадигандай бўлиб кўринарди. Эсаётган кучли шамолдан денгиз жумбушга келар, бора-бора шамол тўфонга айланиб, чор атроф қоронғилашгандай кўзга ташланса-да, бу кучли тўфон элчилар тушган кемага ҳеч бир зарар етказгани йўқ.

**12-боб.** Якшанба тонгида бири Арку, иккинчиси Фирику деб номланган кимсасиз икки орол ўртасидан ўтишгач, чап томонда яна бир орол кўзга ташланди. Оролга яқинлашгач, бу ерда Стромболи<sup>2</sup> деган баланд тоғ тизмаси борлигига гувоҳ бўлишди. Тоғнинг тепа қисмидан тутун ва олов отилиб чиқарди. Кечаси билан шанғиллаган шовқин-сурон уйғонган вулқонларнинг овози эди. Шовқин-суронга эътибор бермаган кема бамайлихотир йўлида давом этиб, орадан бир қан-

---

<sup>1</sup> Амальфи — Италиядаги шаҳар.

<sup>2</sup> Стромболи — Тиррен денгизидаги кичикроқ бир оролдаги тоғ.

ча вақт ўтиб, ўнг томонда яна бир — Липари номли, одамлар яшайдиган оролга яқинлашишди. Орол қирол Ланселотга тегишли экан. Бу оролни чеккалаган кема бир неча фурсатдан сўнг Муқаддас Агеда оролини айланиб ўтди.

Душанба куни эрталаб тутун чиқиб, шовқин-суронлар эшитилиб турган Салинас, Эстранголан ва Болкани ороллари-дан, бир оз сузишгач эса яна икки орол — Паранея ва Паранин ороллари орасидан ўтишди. Бу оролларнинг бари кимсасиз, одамлар яшамайдиган ороллар эди.

**13-боб.** Эртаси куни, яъни ўн еттинчи июль, сешанбада кимсасиз саналган ороллар ўртасидан сузиб ўтаётган кема шовқин-сурон ва нотинчлик сабаб ҳеч бир ерда тўхтамади, тунни эса оролларга яқин жойда ўтказишар экан, тун яримдан оққанда денгизда кучли тўфон кўтарилиб, у эрталабгача давом этди. Чоршанбада ҳам давом этган тўфон кема елканларига зарар етказди. Кема хизматчилари хавфнинг олдини олиш мақсадида тезда кемани таъмирлашга киришдилар. Сешанба ва чоршанба кечаси соат иккигача давом этган тўфон пайтида денгизга яқин Болкани ва Стромболи оролларида вулқон отилар, вулқондан чиқаётган олов эса кишида худди ўзига чорлаётгандай таассурот уйғотарди. Тўфон пайтида, кема дарғаси кемадагилардан лотин тилида худога илтижо қилишни сўради. Дарға гапини тугатар-тугатмас, узоқдан ўчиб-ёнаётган ёруғлик кўринди. Тўфон эса борган сари авжига чиқиб, кема палубасини сувга тўлдириб ташлаган эди. Шамол билан бирга ёмғир ёғиб, чақмоқ чақди, гумбурлаган шовқин-сурон қулоқларни қоматга келтирди. Ҳар чақмоқ чаққанда, атроф кундузгидек чароғон бўлиб кетарди. Кема дарғаси аввал айтганимиздек, ёниб-ўчаётган ёруғликка томон сузишга буйруқ берди. Кўринаётган ёруғлик, айтишларига қараганда, Авлиё Педро Гонзалес Тускийники бўлиб, нурлар эса гўё ўз ихтиёрларини шу авлиёга топширган эмиш. Тонгга яқин тўфон тиниб, денгизда осойишталик ҳукм сурди ва кема Сицилия ороли томон суза бошлади.

**14-боб.** Жума куни кема Сицилия ороли ёнидан сузиб ўтди. Оролда Фаро минораси бўлиб, кема бу минорага яқин

жойдан ўтиб, Мессина<sup>1</sup> бўғози томон йўналди. Шу куни Мессина оролидаги бандаргоҳга кириш жуда катта қийинчилик туғдирди. Чунки жуда кучли эсаётган шамол кема ҳаракатига халақит берарди. Кечқурунга бориб шамол яна кучайди. Дарға рулни орқага буришга буйруқ бераркан, кема ўз йўлини ўзгартириб, орқага — Сицилия оролига сузиб, Фаро минорасига яқин жойда тўхтади ва шу ерда тунни ўтказди. Эртаси куни тонгга яқин шамол тўхтади ва кема яна йўлини давом эттирди. Оз фурсатдан кейин шамол яна кучая бошлаганда дарға фурсатни бой бермай, тезликни оширишни буюрди ва кема тезлиги ошиб, Мессина бандаргоҳи томон сузди. Катта тезликда сузиб бораётган кема Фаро минорасидан ўтганларидан сўнг, улар ўнг томонда Сицилия оролига яқин жойда жойлашган Калобрия ерларига дуч келишди. Фаро минорасида ўрнатилган чироқ кечқурунлари ёниб-ўчиб денгизда ҳаракатланаётган кемаларга йўл кўрсатиб турар, кемалар чироққа қараб, адашмасдан оролга томон сузиб келарди. Калабрия ерлари ҳосилдор, у ерда буғдойзорлар, узумзорлар ва турли мевали боғлар ястаниб ётарди.

**15-боб.** Мессина оролига етиб келган элчилар денгизга яқин жойда баланд деворлар билан ўралган бир қалъани кўришдики, қалъа деворлари ортида гўзал шаҳар бор, шаҳар шу орол номига вобаста бўлиб, уни Мессина деб аташаркан. Шаҳарга кўрк бериб турган уйлар жуда чиройли, баланд-баланд қурилган, денгиздан туриб қараганда шаҳар тамоман гўзал кўринар, уйларнинг деразаси ҳам денгизга қараган. Ўша уйлардан туриб денгизга қараганда, кўзни қувонтирадиган ажойиб манзарани кўриш мумкин. Уйлар баланд қурилгани билан бирга шаҳар кўчалари кенг ва узун. Шу кўчаларнинг бири тўғри денгизга олиб чиқади. Шаҳарнинг адоғида, ўнг томонда катта ибодатхона бор бўлиб, бу қора танлиларга тегишли, у Авлиё Салвадор номи билан юритилади. Шаҳарда Авлиё Салвадор номида яна бир қаср ҳам мавжуд.

**16-боб.** Йигирма иккинчи июль, душанба куни бу шаҳарни ортда қолдириб, оролнинг ўнг томонидаги Мон-

---

<sup>1</sup> Мессина — Апенин ярим ороли ва Сицилия оролини ажратиб турувчи бўғоз.

жибле<sup>1</sup> тоғини четлаб, яна бир Регол<sup>2</sup> деб номланган ердан ҳам ўтишиб, Венеция кўрфазига киришди. Кўрфазни ҳам ортда қолдириб, сешанба, чоршанба ва пайшанба кунларини йўлда ўтказишди. Жума куни кечга яқин эса Венеция қироллигига қарашли Мондон ерларига етишди. Шу куни Сопьенсия<sup>3</sup> ороли томон сузиб, оролга ҳам етишди, бир оз вақтдан сўнг у ердан йўлга чиқиб, Бенетико ороли яқинидан ва яна анча сузишиб Серне ороли яқинидан, сўнг Гало Корон ерларига келишди. Шанбада Венеция қироллигига қарашли Мария Маталан<sup>4</sup> ва Авлиё Анхел бурунига яқинлашдилар. Кун ярмида Сетул оролини кўришди. Оролда анчагина аҳоли яшар экан. Кема оролдан ўтаётиб, элчилар Лобо деб номланган баланд қояга дуч келди. Кема қояни четлаб, айланиб ўтди. Сетул оролида баланд қалъа, қалъанинг кичикроқ минораси бор, у денгиз бўйига яқин жойда қурилган. Қалъадан денгизга тушиш жойида, пастроқда, денгизга яқин яна бир баланд минора, минора ёнида бузилган деворлар ва минораларнинг вайроналари кўриниб турарди. Прямо қиролининг ўғли Парис Греция мамлакатига уруш эълон қилгандан сўнг бу ерлар шундай хароба ҳолатга келиб қолган экан.

Кема бу оролдан ҳам ўтгач, “Трес”, “Дос”, “Ас”<sup>5</sup> деб номланган учта тоғ қояларини ёнлаб, якшанба, йигирма тўққизинчи июль куни, Сенилио ороли томон сузди. Бу орол ҳам кимсасиз эди. Орол ёнида баланд тоғлар бўлиб, осмонда лочин қушлар учиб юрарди. Кема баланд қоялар орасидан сузиб ўтмоқчи эди, бироқ бу ерда сув оқими тез, кема атрофдаги каттакон тошларга урилиб, парчаланиб кетиши мумкин, деган қарорга келишди ва хавфга рўбарў келмаслик учун у ердан узоқлашиб, бошқа томондан айланиб ўтишди.

---

<sup>1</sup> Бу ном араблар томонидан берилган бўлиб, “Этна жабал”, Жабал тоғи деб номланган.

<sup>2</sup> Италиянинг Режио Калабрия шаҳри. Мессина бўғози яқинида жойлашган.

<sup>3</sup> Морей ярим оролининг жануби-ғарбидаги кичик орол.

<sup>4</sup> Греция ерларига яқин Мессина ва Локония бўғози оралиғидаги бурун.

<sup>5</sup> Учлик, иккилик, тузлик.

Душанбада элчилар аҳоли яшайдиган Нило<sup>1</sup> ва Антенило ороллари ўртасидан ўтишаркан, бу ерларнинг аҳолиси венецияликлардан иборат эканлигидан, улар асосан чорвачилик билан шуғулланишларидан воқиф бўлдилар. Сешанба ва чоршанбада кемадагилар шу ерда кўним топдилар. Пайшанба куни улар учта, кетма-кет жойлашган, бири Мо, иккинчиси Сентуриона, яна бири Кристияна деб номланган ороллари ортда қолдириб, кечга яқин Нексия<sup>2</sup> оролига оёқ босдилар.

**17-боб.** Жума, учинчи август куни эрта тонгда элчилар ерлари ҳосилдор, буғдойзорлари кўп Каламо оролидан, Родосга қарашли, аҳолиси кўп Ланго оролига етиб келишди ва оролдан бир оз ўтишгач, чап томонда Туркияга қарашли Низарри<sup>3</sup> ва Лукрио ороллари яқинлашишди. Бу ороллар Туркия ерларига шунчалик яқин эдики, кемадагилар бу ороллар орасидан ўтишни ўзларича хавфли деб ҳисобладилар. Улар тунни ўз кемаларида ўтказишди. Тонг отиши билан Родоснинг бошқа, Туркия ерлари қаршисидаги Пископия, Сан Николас де Корнини ва Пимия оролларидан ўтиб, шу куни кечга яқин Родос шаҳрининг бандаргоҳига кўндилар.

Бандаргоҳга киришлари биланок, элчилар шаҳар ҳукмдорининг ҳузурига чопар жўнатдилар. Чопар, ҳукмдор сарой аёнлари ва бир қанча генуяликлар ҳамда кема дарғаси Масен Вочинанте билан машварат ўтказганини, улар ҳозирда Александрияга қарши бўладиган урушга кетганликларининг хабарини олиб қайтди.

**18-боб.** Шанба куни элчилар бу ерга тушиб, шаҳар ҳукмдори билан учрашиш мақсадида саройга бордилар. Саройда элчиларни вақтинча ҳукуматни бошқариб турган лашкарбоши қабул қилди ва элчилардан ҳукмдорнинг ҳузурига келишларининг сабабини сўради. Элчилар ташрифларининг сабаби, саёҳатларини мақсади нимадан иборат эканлигини баён

---

<sup>1</sup> Грецияга қарашли Мелос ва Мило ороллари.

<sup>2</sup> Грециянинг Наксос ороли. Наксос – Сицилиядаги грекларнинг қадимий шаҳри.

<sup>3</sup> Греция қарамоғидаги Нисиди ва Нисиро ороллари.



қилиб, ҳукмдордан буюк саркарда Амир Темур ҳақида маълумотлар олиш эканини айтишди. Лашкарбоши элчиларнинг дам олишлари учун хона ҳозирлашни ва шу ерда дам олишларини айтгач, элчиларга Авлиё Каталина ибодатхонасидан жой ажратишди. Улар ибодатхонага якшанба, бешинчи август кuni келиб жойлашиб, пайшанба, ўттинчи август кунигача шу ерда яшаб, шу кунлар давомида ҳеч қандай маълумотга эга бўлмасалар-да, Суриядаги урушдан қайтган аскарлардан турли хабарларни билиб олдилар, холос. Худди шундай хабарларни Қуддусдан қайтиб келган аскарлардан ҳам эшитдилар. Аскарларнинг айтишларича, Темурбек Бобил султони билан махораба қилиш мақсадида Сурияга қўшин тортган. Темурбек Сурияга ўз элчиларини жўнатиб, ҳар йили тўланадиган божни ўз вақтида тўланишини тушунтирган, акс ҳолда бу мамлакатни ҳимоя қилмаслигини айтган. Бу хабарни бутун Қуддус аҳолиси бир-бирларига айтиб юришарди. Лекин элчилар бу гапларга ишонишмади.

**19-боб.** Элчилар ўша ерда туришган пайтда, тўртта катта кемада Генуядан аскарлар келди. Аскарларнинг гапига қараганда, улар бу ерда озроқ туриб, сўнг Туркиянинг Канделар қалъасига йўл олишар эмиш. Ҳақиқатан ҳам аскарлар ўша қалъани ўн икки кун қуршовда ушлаб туришди. Шундан сўнг у ердаги катта сўқишишда франциялик ва генуялик аскарларнинг кўпчилиги ҳалок бўлишди. Улар у ердан Суриянинг Рипули деган жойига келганларида қўшин бошлиқлари Кенгаш тузиб, кемаларни олдинга, яъни Александрияга қараб йўл олишини келишиб олдилар. Қўшиннинг бир қисми Александрияга йўл олгани билан, рақиб қўшини аскарлари Суриянинг Байрут<sup>1</sup> шаҳри томон чиқдилар. Қўшин Байрутни ишғол қилиб, сўнг кемалари билан Родос шаҳрига қайтиб келдилар.

Элчилар бу ерда Темурбек ҳақида бошқа маълумот эшитмадилар. Улар Эрон ерларидан ўтиб, Қорабоғга<sup>2</sup> боришни келишиб олдилар. Соҳибқирон бутун қиш фаслини Қорабоғда ўтказарди, элчилар ҳам Темурбек ҳақида кўпроқ маълумот олиш мақсадида шу томонга юриш қарорига келдилар.

<sup>1</sup> Ливаннинг пойтахти.

<sup>2</sup> Қорабоғ — Озарбайжон.

**20-боб.** Родос унча катта бўлмаган денгизга яқин, текисликда жойлашган шаҳар. Бу ерда катта қалъа ҳам мавжуд. Шаҳар атрофи девор билан ўралган, ичкарида ҳукмдорнинг катта қасри бор, қасрнинг атрофи девор билан мустаҳкамланган, ичкарида баланд миноралар ва чиройли ибодатхона салобат тукиб турибди. Ибодатхонада касалманд ҳамда бетобларга ёрдам кўрсатилади. Қалъадан ҳеч бир сарой хизматчиси рухсатсиз ташқарига чиқа олмайди. Мабодо қалъадан чиқишмоқчи бўлишса, ўз бошлиқларининг рухсати билан ташқарига чиқишлари мумкин экан. Шаҳар бандаргоҳи жуда катта ва у мустаҳкам девор билан ўралган, артофи жиддий қўриқланган.

Шаҳарда ўн тўртта катта шамол тегирмони бор бўлиб, кўпгина уйлар жуда чиройли ва ҳанаматли, цитрусли мевачевага бой боғлари ундан-да чиройли. Шаҳар ва оролнинг туб аҳолиси греклардан иборат. Аҳоли грек черковига бориб ибодат қилади. Шаҳар қулай жойда жойлашгани боис савдо-сотиқ ишлари бу ерда анча ривожланган. Бандаргоҳ-шаҳар бўлганлиги учун, дунёнинг тўрт томонидан бу ерга турли савдо кемалари қўним топар, Александрия, Сурия ва Қуддусга ўтиб турадиган савдо кемаларининг барчаси ҳам бу бандаргоҳда тўхтаб ўтади. Орол Туркия ерларига жуда яқин бўлганлиги учун оролдаги бир қанча жой ва қасрлар Родос шаҳрига тегишли эмас эди.

**21-боб.** Ўттиз биринчи август, жума куни элчилар Хио оролига етиб олишлари учун бир кема дарғаси генуялик Мисер Леонардо Хентилнинг олдига келишди. Шу куни денгизда шамол кўтарилган бўлса-да, кема Родос шаҳридан йўлга чиқди. Родосдан Хио оролига борадиган йўл хавфли эди, ўнг томонда Туркия ерлари, чап томонда эса бир қанча кимсасиз ороллар бор. Устига-устак ноқулай об-ҳавода, кечқурун денгизда сузиш жуда қийин ва хатарли. Шундай бўлса-да, улар йўлга чиқиб, шанба, якшанба, душанба ва сешанба кунлари шамолга қарши сузиб борарканлар, кемани Туркия қирғоқларига йўналтирмоқчи ният қилдилар, лекин шамол бу ниятни амалга ошишига изн бермади.

Бешинчи сентябрь, чоршанба куни кема Лонго оролига етиб келаркан, ҳаво ёмон бўлгани учун элчилар шу оролда қўним топишни ўзларига маъқул кўришди. Кун бўйи оролда

юриб, бу ердаги тансиқ мева-чевалардан тановул қилишди. Родос қироллигига қарашли Лонго ороли аҳолисининг яшаш жойлари денгиз бўйида жойлашган, бу ерда кичикроқ қалъа, қалъа ичкарасида сунъий ҳовузларга денгиздан сув оқиб келади. Чор атроф гўзал боғлар, узумзорлар ва кўплаб уйлар билан ўралган. Родос саройида юзга яқин лашкарлар ва бош лашкарбоши учун алоҳида қаср мавжуд.

Олтинчи сентябрь, пайшанба куни элчилар бу ердан йўлга чиқишганда, кема денгизда жуда секин сузар, чунки эсаётган шамол кема тезлигини оширишга халақит берарди. Жума куни ҳам ҳаво ёмонлиги сабаб кема жуда секин сузди. Кема орқага қайта олмас, чунки кучли шамол кемани буришга йўл бермасди. Кема Туркия ерлари яқинроқ бўлганлиги учун ўша томон юришга ҳаракат қилди, лекин кемани у томонга буришнинг ҳам ҳеч иложи бўлмади. Кечга яқин кимсасиз Бестиас<sup>1</sup> оролига етиб келганларида, шамол янада зўрайди, олдинга ҳаракатланиш хавфи ошди ва кечаси билан шу ерда қолишга мажбур бўлдилар.

Якшанба куни йўлни давом эттирган элчилар бир нечта кимсасиз ороллардан ўтиб, аҳолиси кўп, Родос қироллигига қарашли Каламо оролига кириб келиб, тунни шу ерда ўтказишди ва душанба куни Туркиянинг Янги Сарой шаҳрига қараб юрдилар. Темурбек Туркия устидан ғалаба қозонганда шу шаҳарда бўлган экан.

**22-боб.** Сешанба тонгида элчилар Родос қироллигига қарашли яна бир Берро оролини ёнлаб ўтишди. Шамол кучайиб, кеманинг сузишига халақит берди. Оролнинг денгизга яқин қисмида уйлар ва қасрлар кўриниб тураркан, кема ноилож шу томонга ўз йўналишини ўзгартирди. Оролдаги баланд минора, қаср ва уйлар яхши сақланмаган, деярли қаровсиз ҳолатда ётарди. Ерлик аҳолининг асосини греклар ташкил қиларди. Айтишларича, Туркиянинг Янги Саройидан келган одамлар бу оролга кўп зарар етказиб, уйларни вайрон қилган, ўзлари билан молларни ва бугдой ўрими учун одамларни олиб келишган. Элчилар пайшанба куни у ерни тарк этиб, жума тонгида Мадрия деган кимсасиз орол-

---

<sup>1</sup> “Йиртқич” ороли.

га етдилар. Оролда моллар учун ем-хашак мўл бўлиб, сувлари жуда ширин экан. Шу куни бу ерни ҳам ортда қолдириб, яна бир қанча ороллардан ўтдиларки, бу оролларнинг барида грек миллатига мансуб одамлар яшашига гувоҳ бўлдилар. Эртаси куни катта Хамо оролига келиб, орол аҳолиси турклардан иборат эканлигини кўрдилар. Кема оролда тўхтамай, тўғри Микарея оролига йўл олди. Улар яна бир нечта оролларга дуч келдилар.

Ўн бешинчи сентябрь, шанба ва якшанба куни йўл юриб, душанбада Туркия қирғоқларини кўришди. Бу ердан Хио<sup>1</sup> оролига борса бўлар, лекин ҳаво авзойи бузуқлиги учун элчилар Туркия қирғоқларига туша олмадилар. Сешанба куни тонгида Хио оролига етиб келган элчилар шу куни қуруқликка қадам босиб, ўзлари билан олиб келган буюмларни ҳам туширдилар.

**23-боб.** Кичкина Хио оролида генуяликлар яшарди. Оролдаги иккига бўлинган, бири оролнинг бир тарафида, иккинчиси бошқа тарафида жойлашган шаҳар текисликда, денгиз бўйида жойлашган ва турли гўзал боғлару узумзорлардан иборат. Шу оролга яқин жойда Туркияга тегишли орол ҳам кўзга ташланади. Оролда бир қанча қишлоқ ва қалъалар бўлиб, худди шу ерларда “алмастига”<sup>2</sup> ишлаб чиқарилган. Буни улар қандайдир бир дарахтлардан ажратиб олишган. Шаҳар ва қишлоқлар тевараги баланд девор ҳамда миноралар билан ўралган. Элчилар шу ердалигида Темурбек ҳақида янги хабар эшитдилар. Хабар Туркия султонининг тўнғич ўғли билан Темурбекнинг шу ерда олиб борган жанги ва бу жангда Темурбекнинг ғалаба қозонгани, турк султонининг ўғли тахтдан кетганидан сўнг, унинг укалари ўртасида тахт учун кураш бошланиб, бир-бирлари билан жиққамушт бўлгани ҳақида эди.

**24-боб.** Элчилар Хио оролидан йўлга чиқмоқчи эдилар, лекин улар минган савдо кемаси юklarини оролга тушириб орқага қайтиши кераклиги учун, бошқа бир кема топишларига тўғри келди ва улар бу оролда сешанба, чоршанба,

<sup>1</sup> Хио — Греция ороли. Этей денгизининг шарқидаги орол.

<sup>2</sup> Каучук ёки бўёқсимон модда. Клавиҳонинг таъкидлашича, у дарахтлардан олинар экан.

пайшанба кунлари қолишга мажбур бўлишди. Ўттизинчи сентябрь, якшанба куни оролга Кастилиянинг кичикроқ бир кемаси етиб келди. Элчилар кеманинг дарғаси генуялик Мисер Бакира де Марта билан келишиб, йўлга отланишди. Якшанба кечқурун элчилар шу елканли кемада оролдан чиқдилар. Кема ҳаво мўътадиллиги сабаб тез ҳаракатланиб борар, эсаётган шамол эса кеманинг жадал ҳаракатланишига кўмаклашарди. Эртаси куни элчилар минган кема аҳолиси кўп, Туркияга қарашли Метелия оролига етиб келди. Метелия оролидан ўтган элчилар чап томонда Тихорра ва Антипихорра деб номланган иккита оролга дуч келишди. Кечқурун Туркияга яқин Муқаддас Мария қирғоқларидан сузиб боришаркан, шамол кучая бошлади ва кеманинг сузишига тўсқинлик қилгач, кема ўз йўналишини Роман кўрфази томон ўзгартирди. Кема анчагача шу йўналиш бўйича секинлик билан сузди. Тун яримлаганда денгизда тўфон бошланиб, кема анчагача бир жойда туриб қолди. Эртасига ҳаво очилди, кема ўз йўналиши бўйича ҳаракатини давом эттириб, шу куни Туркиянинг кириш қисмидаги, Моленас ва Куарора номли қасрлар билан зийнатланган Метелия оролига етиб келди. Йўлдаги тўфондан кеманинг елканлари шикаст еган ва уни таъмирлаш учун анча вақт керак эди. Кема таъмирлангунча элчилар сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари шу оролда қўним топдилар.

**25-боб.** Метелин шаҳри денгиз бўйидаги баланд тепаликда жойлашган бўлиб, шаҳарнинг икки тарафи денгиз. Бандаргоҳ томонидан ҳам икки томонлама ўралганига қарамай, шаҳар минорали деворлар билан иҳоталанган. Бу деворлар шаҳар муҳофазаси учун хизмат қилади. Оролнинг айланаси уч юз мил, кўплаб қишлоқ ва қалъалар шаҳарнинг ичкараси ҳамда атрофида жойлашган. Мевали боғлари ва узумзорлари кўркига кўрк бағишлаган шаҳар яқинида ибодатхоналар, уйлар, катта-катта бинолар қад ростлаб турибди. Аҳолиси жуда зич жойлашган шаҳарнинг четидаги боғ ва булоқлар ёнидаги текисликда сарой харобалари, мрамрдан йўнилган қирққа яқин устунлар кўзга ташланади. Айтишларича, бу устунлар қулаб ётган жойда авваллари шаҳар аҳли йиғилиб мажлислар ўтказишган экан.

Илгари Константинополь салтанатига қарашли, греклар истеъқомат қиладиган бу оролнинг ҳозирги ҳукмдори генуялик Мисер Хуан де Каталусдир. Унинг отаси Константинополь ҳукмдорининг қизига уйланган. Орол аҳолиси элчиларга Мисер Хуан де Каталуснинг қандай қилиб бу ерга ҳукмдор бўлганлиги ҳақидаги ажойиб воқеаларни сўзлаб беришди. Айтишларича, бундан йигирма йил аввал, тунда оролда бўлган зилзила пайтида Мисер Хуан де Каталус ота-онаси ва икки акаси билан қасрда ухлаб ётганда, қаср қулаб тушади ва Мисер Хуан де Каталусдан бошқа барча оила аъзолари ҳалок бўлади. Мисер Хуан ётган бешикни эртаси куни қасрдан пастроқдаги узумзордан толиб олишаркан, одамлар унинг тирик қолганини мўъжиза санашади.

**26-боб.** Элчилар оролда Метелин ҳокимининг қизига уйланган, ўзининг кўп вақтини оролда ўтказадиган Константинополнинг сургун қилинган ёш ҳукмдорини учратдилар. Қайната билан куёв, иккита ҳарбий ва бешта оддий кемада Константинополь ҳукмдорига тегишли Салоника<sup>1</sup> шаҳрини эгаллаш учун йўлга отланадилар. Бу ҳарбий юришнинг сабаби қуйидагича эди: ёш ҳукмдор Туркия султони Мурод<sup>2</sup> ҳузурида яшарди. У Саламбрия деган турк шаҳрига келганида Генуя ҳокими Мозен Бучикате ҳарбий кемада келиб, ёш ҳукмдорни асирга олиб, Константинополга келтиради. Ёш ҳукмдорнинг Салоника шаҳрида яшаши ва шаҳар ҳокимлигини унга топшириш шарти билан Мозен Бучикате унинг тоғаси, Константинополь ҳукмдори билан яраштиради. Тоға ва жиян ўртасидаги келишмовчилик ҳақида бир оз кейинроқ сўз юритамиз.

Мозен Бучикате уларни яраштириб қўйганидан сўнг, ҳукмдор билан бирга Франция қиролидан ёрдам сўраш учун бу мамлакатга ташриф буюради. Ҳукмдор сафардан қайтгунича давлатни бошқариш ёш ҳукмдор тасарруфига ўтади. Ҳукмдор Францияда бўлган вақтда, ёш ҳукмдор Темурбек билан Мурод ўртасида уруш тадорикини кўрилаётганидан

---

<sup>1</sup> Тесалоника — Греция бандаргоҳига яқин, Македонияга тегишли шаҳар.

<sup>2</sup> Мурод I Усманийлар султони. 1389 йилда вафот этгач, ҳокимият ўғли Боязид I нинг қўлига ўтган.

фойдаланади ва Мурод ғалаба қозонадиган бўлса, Константинополни унга топшириш ва бож тўлаб туриш ҳақида битим тузади.

Франциядан қайтган ҳукмдор жиянининг бу ишидан ғазабланиб, уни сургун қилади. Ундан Салоника шаҳрини олиб, ўрнига Эскалинас<sup>1</sup> оролини беради. Қайната билан куёв ваъда қилиб, рад этилган Салоника шаҳрини эгаллаш учун йўлга отланаркан, Генуя ҳокими Мозен Бучикате махсус кемада элчилар юбориб, куёвига Салоника шаҳри эмас, Эскалинас ороли берилганини хабар қилади. Шунинг учун Мозен Бучикате Александрияга жўнаб кетаётганида, ўз қўшини билан Эскалинас оролига келади ва у юборган кема ва элчилар қайтиб кетади. Улар Мозен Бучикате ўз қўшини билан кемада Родос ороли яқинида айланиб юриб, сўнг номаълум томонга кетганини айтадилар.

**27-боб.** Олтинчи октябрь, шанба тонготарида кема яна Метелин бандаргоҳига кириш йўлидан ўтиб, турк ерлари бўйлаб Метелин ороли оралиғидан Туркиянинг Биби Марям бурунигача сузиб борди. Якшанба куни эрталаб эса элчилар Биби Марям бурунининг нариги томонига ўтиб қолганларини билишди. Чап томонда кимсасиз Тенио ороли, сал нарироқда эса Константинополь ҳукмдорига тегишли Нембро ороли кўриниб турарди. Шу куни шамол қаршидан эсиб, кема ҳаракатини сусайтирди, натижада жуда оз масофа босиб ўтилди. Кема Тенио бандаргоҳига кирмоқчи эди, бироқ шамолнинг кучлилигидан, у ерга кира олмади ва Турк ерлари ва Тенио ороли оралиғида лангар ташлади. Бу кўрфазга яқин жойда Роман деган тор жой, унинг қаршисида улуғ Троя шаҳри салобат тўкиб турарди. Троянинг бино ва минораларининг харобалари кўринар, бу харобалардан шаҳарнинг ўрнини чамалаш мумкин эди. Шаҳар денгиздан анча узоқликдаги текисликдан бошланиб, ичкарига – баланд тоғлар томон чўзилганидан, шаҳар харобаларидан унинг катталиги кўп мил масофани ташкил этганини билиб олса бўлади. Шаҳарнинг адоғида баланд тоғ кўриниб турар, бир вақтлар бу тоғ тепасида Элион деган қаср бўлган экан.

---

<sup>1</sup> Грециядаги орол.

Троя қаршисидаги Тенио ороли, шаҳарнинг кемалар тўхтайдиган бандаргоҳи ҳисобланиб, қирол Приямо шаҳарга ташриф буюрадиган кемаларни қўриқлаш учун Тенио оролига аҳолини жойлаштириб, катта қўрғон қурдирган, дейдилар. Ҳозирда бу оролда ҳеч ким истиқомат қилмайди. Кема тўхтаганда, ичимлик суви ва ўтин келтириш учун оролга қайиқ юборилди. Элчилардан баъзи бирлари бу қайиқда оролга тушишди ва кўплаб боғлар, узумзорлар, экинзорлар, булоқлар борлигига, бу ерда тустовуқ, қуёнларни овлаш мумкинлигига, оролда харобага айланган қаср борлигига гувоҳ бўлишди. Оролда одам яшамаслигининг сабаби шунда эдики, Константинополь ҳукмдори ўз қарамоғидаги бу жойни Турк султони Мурод билан жангда бир неча ҳарбий кемалар билан ёрдам берган генуяликларга совға қилишни ваъда берди, бироқ у ваъдасини бузиб, оролни Венецияга сотиб юборди. Венецияликлар оролга кўчиб келиб, бино ва қасрлар қуради. Бундан хабар топган Генуя ҳукмдори бу орол ўзларига совға қилганлигини айтганда, икки ўртада, яъни генуяликлар билан венецияликлар ўртасида жанжал чиқади, натижада ҳарбий кемаларнинг тўқнашуви оқибатида орол харобага айланади. Шундан кейин икки томон Венецияга келиб, шаҳар ва қўрғонни бузиб ташлаш, аҳолини кўчириб, оролга ҳеч қайси томон эгалик қилмаслик ҳақида битим туздилар. Натижада орол кимсасиз бўлиб қолади. Венецияликлар билан генуяликлар ўртасида ҳозиргача давом этаётган келишмовчиликнинг асил сабабларидан бири ҳам шу эди.

**28-боб.** Чоршанба куни элчилар бу ердан жўнашмоқчи бўлишганда, пайшанба, жума ва шанба кунлари кучли шамол эсиб, кема ҳаракатланишига имкон йўқлиги боис яна шу ерда қолишди. Якшанба куни кечқурун Константинополдан Тенио бандаргоҳига бир савдо кемаси келди. Элчилар томонидан юборилган кишилар бу савдо кемасига ғалла ортилгани, кема Грециядаги туркларга қарашли Голлиполи деган жойдан чиқиб, Хио оролига кетаётгани, Галлиполида тарқалган касаллик туфайли кўп киши ўлганлиги хабарини олиб келишди. Қаршидан эсаётган қаттиқ шамол туфайли кема денгизда суза олмасдан, бу оролда ўн уч кун қолиб кетди.



Тенио оролидан чап томонда, Грециядаги Монтестан деган катта тоғ кўриниб турар, айтишларича, тоғда роҳиблар яшайдиган ибодатхона бўлиб, роҳиблар аёлни, ит, мушук каби болалайдиган уй ҳайвонларини у ерга яқинлаштирамас, ўзлари умуман гўшт емас экан. Ибодатхона жуда бадавлат, тоғ этагидан ибодатхонагача икки кунлик йўл. Тоғда яна эллик ёки олтмишга яқин ибодатхона бор бўлиб, бу ердаги роҳиблар қора кийим кийиб, гўшт, ёғ, балиқ емас, шароб ичмас, белгиланган қонун-қоидаларга қаттиқ риоя қилишар экан. Бу муқаддас тоғдаги манзарани ўз кўзлари билан кўрган греклар ҳам кемада шу ҳақда гаплашиб кетишарди.

**29-боб.** Йигирма иккинчи октябрь, чоршанба куни йўналиш бўйлаб эсган енгил шамол туфайли кема елканлари кўтарилди, олдинга қараб ҳаракатланиб, Тенио ороли билан Туркия ерлари оралиғида ўн беш кунча судралди ва сешанба куни кимсасиз Момбре оролига етиб келди. Эртаси куни ҳаво ёмон айнигани боис кема бу оролдан ўтолмади, шу билан бирга шундоққина кўриниб турган кўрфазга ҳам киролмади. Жума куни шомда орқа тарафдан эсган шамол ёрдамида кема Роман кўрфазига кирди. Кўрфазга кириш йўли жуда тор, кенглиги саккиз милдан ошмас, кираверишда ўнг томонда турк ерлари, кўрфазга киргач шаҳар, шаҳар ўртасида бир қаср турарди. Шаҳарнинг тўсиқ деворлари қулаган. Айтишларича, бир ярим йил муқаддам кўп эшкакли ҳарбий кемаларда келган генуяликлар шаҳарни забт этиб, талон-тарож қилган. Трояни бузиб ташлаш учун келган греклар шаҳар аҳолиси тўсатдан ҳужум қилиб қолмасликлари ва ўзларини ҳимоя қилиш мақсадида қаср олдида уч қатор хандақ қазиган. Чап томонда Греция ҳудудидаги арман қасри қаршисида, тепалиқда, Роман кўрфазига кириш йўлини кўриқлаш учун қурилган Хетеа қасри, бир оз нарида Турк ерида, атрофлари уйлар билан ўралган иккита катта минора кўриниб турарди. Бу жой Дубек деб аталган. Троя шаҳри Биби Марям бурунидан шу ергача чўзилиб, олтмиш мил масофани ўз ичига олган. Кун ботгач элчилар Грек ерида, денгиз бўйида қурилган Витуперио деган минора ёнига етиб келдилар.

**30-боб.** Шанба куни элчилар минган кема қасрлари кўп, Боязиднинг тирик қолган ўғли Мусулмон Оғалалига қарашли Галлиполи шаҳри ёнидан ўтди. Ҳарбий ва бошқа кемалардан иборат Турк қушини Галлиполида турар, қасрларда кўплаб одамлар ва шу одамларга етарли катта миқдордаги озиқ-овқат ва нарсалар ғамланган эди. Галлиполи — Грек ерларидаги турклар забт этган биринчи жой. Турклар бу қасрни генуяликлар туфайли қўлга киритганлар. Қасрдан Турк ерларигача бўлган масофа ўн мил, яъни уч лига келади. Турклар греклардан тортиб олган барча ерларни Галлиполи қасри ёрдамида қўлга киритганлар ва улар қасрни грекларга бериш, улардан олиб қўйилган барча ерларни қайтариб бериш билан тенг деб ҳисоблардилар. Чунки турк кемалари бу ерда турар, зарур бўлганда ёрдам жуда тез етиб келарди. Шунинг учун туркларнинг бутун умиди ана шу қасрдан эди.

Роман кўрфазидан то Галлиполи шаҳригача ястанган масофада, Турк ва Грек ерлари ўртасида жуда катта денгиз юзаси ҳосил бўлган. Галлиполи шаҳридан юқорида Сатарада ва Эхомилия деб номланган қасрлар бўй кўрсатиб турибди. Бу жойлар манзараси, яъни Турк ерлари тепалик ва тоғликлардан иборат бўлса, Греция ерлари экинзор ва текисликлардан иборат. Элчилар Кинизико деган Турк бурунига етиб келдилар. Айтишларича, Темурбек Боязидни тормор келтирганидан сўнг, Турк султони шу бурунга қочиб келиб жон сақлаган. Баъзи одамлар қазув ишларини олиб бориб, уни оролга айлантиришга уринган.

Эртаси куни, якшанбада элчилар Мармар ороли қаршисига келдилар. Рангли тошлар, мармар ва тош тахталар Константинополга худди шу ердан олиб кетилар экан. Элчилар шу куни кечқурун Редиа ҳукмдорига қарашли ерлардан ўтгач, Турк ерлари томонидан Калонимо ороли, ундан кейин Трилия кўрфази кўринди. Туркиянинг Бурса шаҳрига борадиган савдогар учун Трилия ҳавзаси муҳим савдо жойи ҳисобланарди. Душанба тонготарида шамол бўлмаганлиги учун кема Бурсага яқинлашди. Сешанбада қаршидан шамол эсиб, кема Грек ерларига етмасдан икки мил масофа бериювчида тўхтаб, сувга лангар ташлади. Бу ердан Константинополгача бўлган масофа ўн беш милни ташкил қиларди. Шу ердан элчилар Пера шаҳрига одам жўнатиб, ҳукмдордан ўзларига турар-жой ҳозирлашини сўрадилар.

**31-боб.** Йигирма тўртинчи октябрь, чоршанба куни шамол жуда кучли эсиб, кемани Перага киришига йўл бермади. Элчилар вақтдан унумли фойдаланиш, саёҳатни тезроқ давом эттириш мақсадида маслаҳатлашиб, барча нарсаларини қайиққа юклаб, турар-жой тайёрланган Пера шахрига жўнадилар.

**32-боб.** Йигирма саккизинчи октябрь, якшанба куни Константинополь ҳукмдори одам юбориб, элчиларни Перадан Константинополга олдириди. Константинополда уларни кўплаб одамлар махсус тайёрланган отлар билан кутиб оларкан, элчиларни отларга миндириб ҳукмдор саройига олиб бордилар. Саройга етиб келганларида ҳукмдор ибодат билан машғул, одамлар гавжум бўлиб турарди. Ҳукмдор элчиларни ҳурмат билан кутиб олиб, алоҳида хонага таклиф қилди, ўзи кичик гиламлар тўшалган супачага чиқиб ўтирди. Бир гиламчанинг устига қоплон териси ташлаб қўйилган, орқа томонида қора матога зарли иплар билан тикилган ёстиқ турарди. Ҳукмдор элчилар билан анча суҳбатлашгандан кейин уларни ўз жойларига кузатиб қўйишди. Овчилар келтирган кийикни ҳам ҳукмдор элчиларга элтиб беришни буюрди. Ҳукмдор ёнида унинг рафиқаси ва учта ўғли бирга ўтиришар, катта ўғли саккиз ёшда эди. Душанба куни ҳукмдор элчиларга махсус киши орқали учрашувда сўралган саволларга жавоб йўллади.

**33-боб.** Ўттизинчи октябрь, сешанбада элчилар шаҳардаги ибодатхона ва диққатга сазовор жойларни томоша қилиш мақсадлари борлигини билдириш учун ҳукмдор ҳузурига одам юбордилар. Ҳукмдор асраб олган қизининг эри – куёви генуялик Мисер Иларио ҳамда ўзининг хос одамларини қўшиб, элчиларга хоҳлаган жойларини кўрсатишларини буюрди.

**34-боб.** Элчиларга биринчи навбатда авлиё Хуан Боутис-та черковини кўрсатдилар. Ҳукмдор саройидаги бу черков авлиё Хуан Пиедра деб ҳам юритиларди. Черковга кираришдаги эшик тепасида авлиё Хуаннинг нақшинкор сурати билан бирга тўрт устунли айвон бўлиб, устунлар орасидан ўтилиб черковга кирилар, айвоннинг тепа қисми ва девор-

лари жуда чиройли тасвир ҳамда безаклар билан зийнатланган. Нақшлар орасига тилла суви юргизилиб, шакллар ва тасвирларга оқ, яшил, мовий, қизил каби турли ранглар ишлатилган. Айвон ташқарисида уйлар, соябонли катта ҳовли бор бўлиб, у ерда дарахтлар ўсиб турибди. Черковга кирадиган эшик ёнида саккизта оқ устунли шийпон остида бир қудуқ ҳам бор. қудуқ атрофида бир хилдаги оқ тош тахта ётқизилган. Черковнинг ўртасидаги юмалоқ ям-яшил гумбаз тошдан ясалган устунларга таяниб турар, эшик рўпарасида учта кичик меҳроб, ҳар бир меҳробда минбар мавжуддир. Ўртадаги бош меҳроб эшиги тилла суви билан зарҳалланиб, кумуш билан қопланган. Меҳроб эшиклари олдида учта яшил устун ва бу устунлар ўзаро зарҳал кумуш чизиқлар билан кесишган. Ҳар хил шаклдаги чизиқлар орасига турли усулда тош тахталар терилган. Черковнинг юқори қисми рангли тошлар билан чиройли қилиб кошланган, девор безакларига дид билан зеб берилган. Деворнинг пастки қисми эса ям-яшил тош тахталар билан зийнатланиб, атрофига чиройли курсилар қўйилган меҳробда кўпгина кумуш ва шиша чироқдонлар терилган. Кўплаб муқаддас буюмлари бўлган черковнинг калити ҳукмдорнинг ўзида сақланади.

Шу куни элчиларга авлиё Хуан Боутистанинг елкадан бармоқларигача бўлган, тери ва суяклардан иборат қуриб қолган чап қўли кўрсатилди. Исо пайғамбардан қолган кўпгина муқаддас нарсалар, ҳукмдор йўқлиги учун элчиларга кўрсатишнинг иложи бўлмади. Чунки ўша куни ҳукмдор шикорга кетган, рафиқасидан олинган калитлар орасида эса, айнан ўша хоналарнинг калитлари йўқ эди. Элчилар ўша хоналарни кўрганлари ҳақида кейинроқ сўз юритамиз.

Черков айна пайтда роҳиблар овқатланадиган жой ҳамдир. чунки ўртада узунлиги ўттиз газ келадиган оқ мрамор стол ва стол атрофида кўплаб ёғоч курсилар терилган. Ибодатхона ҳовлисида боғ ва узумзорлар, кўпгина бошқа нарсалар ҳам борки, уларни қисқача сўзлар билан ифодалашнинг иложи йўқ.

**35-боб.** Шу куни элчилар Перевлепти деб аталган Биби Марям ибодатхонасини бориб кўрдилар. Черковга кираверишда ёнғоқ, қайрағоч ва бошқа дарахтлар ўсиб турган

катта ҳовли бор. Черковнинг ташқи деворларига тилла, мовий ва бошқа бўёқларда ҳар хил шакл ва тимсоллар чизилган. Масалан, Биби Марям, унинг бир тарафида ҳукмдор ва иккинчи тарафида унинг рафиқаси тасвирланган. Биби Марям оёғи остида ўттизта шаҳар ва қасрнинг юнонча номлари битилган. Айтишларига қараганда, бу шаҳар ва қўрғонлар черковга тегишли, Роман исмли ҳукмдор томонидан черковга тақдим этилган, ҳукмдор вафот этгач, унинг жасади шу черковда кўмилган. Черковнинг шаҳар ва қасрларга эгалик қилиш ҳуқуқи қўрғошин билан ёзилиб, расмлар остига темир ёрлиқларга ёпиштирилган ҳолда илиб қўйилган. Черков ичидаги бешта баланд меҳроб, айлана шаклдаги зал ва турли рангдаги устунлар қад ростлаб турибди. Залнинг тепа қисми ва деворлари яшил рангларга бўялган.

Бош черков унга бириккан учта кема билан ўралган. Черков ва кемаларнинг устки қисми бир хил ранг билан безатилган. Черковнинг чап томонида рангли катта тобут қўйилган, унда ҳукмдор Романнинг хоки дафн этилган. Айтишларича, тобут тилла ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган, бундан тўқсон йиллар илгари лотинлар шаҳарни забт этганларида тобутни ҳам талаганлар. Черковда яна бир ҳукмдорнинг қабри ҳам бор. Авлиё Хуан Боутистанинг элчиларига кўрсатилган чап қўли билан бирга унинг ўнг қўли ҳам шу ерда. Айтишларича, авлиё Хуан Боутистанинг танаси ҳамда “бу худонинг кўзаси” деб кўрсатган бир бармоғи кўринсада, тирсагидан бармоқларигача бўлган бир қўл жуда бақувват ва у жонлидай кўринади. Панжалари юпқа ва фақатгина битта бош бармоғи йўқ, холос. Роҳиблар авлиёнинг бош бармоғининг йўқлиги сабабини гапириб бердилар.

Мажусийлар дини ҳукм сурган замонларда Атиокия шаҳрида бир аждаҳо пайдо бўлиб, ҳар йили унга бир одамни қурбонлик қилиш зарур ва бу одатга айланганди. Шаҳар аҳолиси йиғилиб қуръа ташлар ва чек кимга тушса, ўша киши аждаҳога ем бўлиш тақдиридан қочиб қутула олмасди. Шундай қуръа ташлашларда қуръа бир қизнинг чекига тушади. Бунини эшитган қизнинг отаси авлиё Хуан Боутиста ибодатхонасига келиб, бу ерда кўпгина кароматлар рўй берганлигини эшитганини ҳамда у шу ердаги авлиёнинг қўлига сигинмоқчи эканини айтиб, қизини аждаҳо комидан қутқариб қолиши-

ни Аллоҳдан сўрайди. Роҳиблар унга ҳамдардлик билдириб, авлиёнинг қўлини унга кўрсатадилар ва у тиз чўкиб авлиёнинг қўлига илтижо қиларкан, ҳасратли кўз ёшлар тўкиб, авлиёнинг бош бармоғини тишлаб узиб олади. Роҳиблар буни сезмайди. Одамлар қизни аждаҳога топшириш учун йиғилганларида, аждаҳо қизни ютишга чоғланганда, қизнинг отаси ўзи тишлаб узган авлиёнинг бош бармоғини аждаҳонинг оғзига ташлайди ва аждаҳо шу заҳоти ўлади. Бу катта мўъжиза эди. Шундан кейин у киши Исо пайғамбарнинг динини қабул қилади.

Бундан ташқари, элчиларга черковдаги қирралик олтин пояча ўрнатилган хурмо навдасидек келадиган, Исо пайғамбарнинг чормихга тортилган кичик сурати туширилган тилладан ишланган хочни кўрсатишди. Хочга пайғамбар сурати маҳорат билан ўйиб ишланган эдики, уни хоҳлаган пайтда чиқариб олиш ва яна жойига қўйиш мумкин эди. Айтишларича, Исо пайғамбар чормихга тортилган сурати туширилган хоч мўъжизакор дарахтдан ясалган. Ранги қорамтирроқ, Константиннинг онаси, марҳаматли Авлиё Елена мазкур ҳаётбахш ёғочни Қуддусдан топиб Константинополга келтиради ва унга Исо пайғамбар шаклини ўйиб ишлашни буюради. Бундан ташқари, элчиларга авлиё Григорийнинг сақланган жасадини ҳам кўрсатишади. Черков ташқарисида тарихни гавдалаштирувчи ажойиб суратлар орасида Исоия шажараси тасвири бўлиб, Биби Марям худди шу шажарадан келиб чиққан. Жуда чиройли ишланган бу суратларни, ибодатхонадаги кўпчилик овқатланадиган катта ва баланд хонани элчиларга черков роҳиблари кўрсатишди. Хона ўртасида ва охирида оқ мрамрдан ишланган стол турарди. Ошхона шифти нақшинкор. Муқаллас Биби Марям, фаришта Жаброилдан Исо пайғамбарнинг туғилишигача, унинг шогирдлари билан дарбадарликда кечирган кунлари, чормихга тортилганига қадар бўлган муборак ҳаёти черков деворларидаги суратларда ўз аксини топган. Хонада идиш-товоқларни қўйишга мўлжалланган тош тахталар алоҳида-алоҳида тарзда териб чиқилган. Ибодатхонада роҳиблар яшайдиган ҳужралар бўлиб, ҳар бир ҳужра олдида боғ, сув, узумзор бор ва ушбу черковни алоҳида бир шаҳар деб ўйлаш мумкин.

**36-боб.** Шу кунни элчиларга кўпгина роҳиблар яшайдиган, ўз бошлиқларига эга Авлиё Хуан номли яна бир эркаклар черковини кўрсатишди. Черковнинг жуда мукамал ишланган катта эшигидан черков ҳовлисига кирилар, черков думалоқ шаклда, бўйига тенгма-тенг учта кема билан ўралган, олтита меҳроби бор, меҳроб ва кемаларнинг тепа қисми, деворлари тарихий воқеликни акс эттирувчи сержило кошинлар билан безатилган, гумбази яшил, йигирма тўртта устунга таянган. Кемалар устидан то черковнинг нақшинкор энг тепа қисмигача кўтариладиган йўл бор. Панжаралар ўрнатилиши лозим бўлган жойда эса ишлов берилган кичкина устунлар мавжуд. Черков ташқарисидаги Биби Марямнинг кошинкор сиймоси экс эттирилган кичик бутхона Биби Марям шарафига қурилган. Бундан ташқари, ибодатхонада катта ошхона, ошхонада мармар стол-стуллар бор. Ошхона деворига Исо пайғамбарнинг ўз шоғирдлари билан овқатланиш олдидан ўтириб ўқиётган ибодат расми тасвирланган. Ибодатхонада уйлар, боғлар, ҳовузлар ва кўплаб бошқа бинолар кўриниб турибди.

**37-боб.** Эртаси кунни элчилар “Ипподром” деб аталувчи отчопарни томоша қилишди. Отчопар кенглиги уч эркак қулочи зўрға етадиган даражада йўгон, баландлиги уч найза бўйдан баландроқ айланасига кетма-кет ўттиз еттита устунлар билан ўралган. Устунлар оқ мармар тошдан йўнилган, бири иккинчисига шундай мустақкам бирлаштирилганки, тепа-сида бемалол айланиб юриш мумкин. Тепасида қиррали панжаралар билан ўралган йўлак тахта ва оқ устунлар билан ораси очиқ қолган ҳолда қурилган. Тўсиқнинг баландлиги одам бўйи келади. Буларнинг ҳаммаси бой-бадавлат хонимларнинг отчопар мусобақаларини томоша қилишлари учун қурилган. Санаб ўтилганлардан ташқари яна бир қанча устунлар мавжуд. Шу жойдан йигирма-ўттиз қадам нарида тўрт устунга ўрнатилган супа, супа устида оқ мармар курси, атрофида ўриндиқлар жойлаштирилган. Одатда мармар курсига ҳукмдор ўтириб от пойгаси ва бошқа мусобақаларни томоша қилади. Ушбу устунлар бир-бирига яқин, ҳар бири бир найза бўйи келадиган икки мармар тош бир-бирига устма-уст, тошлар устига тўртбурчакли тўртта мис бўлаги қўйи-

либ, ҳеч нима билан маҳкамланмаган. Юқори қисми ўткир қиррали тошларни қандай ақл ва куч ёрдамида кўтариб юқорига қўйганлигига ажабланасан киши. Ушбу тошлар шу қадар баланд эдики, денгиз томондан қараганда, шаҳар устида кўтарилиб тургандай кўринади. Устунлар қандай воқеа муносабати ва ким томонидан қурдирилганини унинг пойидаги ёзувлардан билиб олса бўлади. Элчилар кеч кириб, қоронғи тушганлиги боис грек-лотин тилидаги бу ёзувларни ўқишга уринмадилар. Айтишларича, устунлар ўша вақтда кўрсатилган қандайдир жасорат шарафига тикланган экан. Салобатли устунларнинг пойига жасорат кўрсатган олижаноб шахслар ва паҳлавонларнинг номи ўйиб ёзилган. Устунлар орасида мис ва бошқа шунга ўхшаш металллардан ясалган илонлар тасвири ҳам акс этган. Илонлар жуда кўп, ўралиб ётар ва уларнинг орасида оғзини катта очган ҳолда яна учта илоннинг боши кўриниб турарди. Илонлар тасвири фитна рамзини билдиради. Бир вақтлар кўплаб илонлар ва заҳарли ҳайвонлар шаҳардаги одамларни чақиб ўлдирган экан. Шу даврнинг ҳукмдори илонларни бундай тасвирланиши билан уларни алдашни назарда тутган. Шундан кейин илонлар одамларга зарар етказмайдиган бўлган.

Отчопар майдони жуда катта, юқорига кўтариладиган зинапоялар кўзга ташланиб турибди. Оддий фуқаролар ўша зинапояларга ўтириб, турли ўйинларни томоша қилган. Зинапояларнинг пастроғида эшиклари майдонга қараб қурилган хоналарда жавонмард (рицар) лар курашга чиқиш олдидан қуролланишган ва майдондан чиқишгач, қурол-яроғларини яна шу хоналарда қолдиришган.

**38-боб.** Шу куни элчилар Авлиё София черковини бориб кўрдилар. Авлиё София юнонча “Асл донолик” – “Худонинг ўғли” деган маънони англатар, черков шу маънода қурилган. Авлиё София шаҳардаги энг катта, кўпчилик зиёрат қиладиган, кўпгина ҳақ-ҳуқуқларга эга черков саналади. Черковда “калутерлар”<sup>1</sup> деб аталган католик руҳонийлари бош бутхона черковидагига ўхшаб хизмат юмушлари билан банд. Руҳоний Патриарх ҳам шу черковда яшайди, греклар уни

---

<sup>1</sup> Калутерлар – коланжиа, эскича бино ёки черковларнинг номланишидан келиб чиққан.



Марполит деб номлашган. Черков қаршисидаги майдонда жуда катта ва йўғон оқ мрамрдан ясалган тўққизта устун бўй чўзиб турибди. Уларнинг тепасида тирговичлари ҳам бор. Айтишларича, унинг тепасидаги айвонда олдинлари руҳонийлар йиғилишиб, кенгашлар ўтказишган. Майдонда баланд тошдан ясалган устун, унинг тепасида баландлиги жиҳатидан тўрт от катталигигача келадиган мисдан ясалган чавандоз ҳайкали ҳам бор. Шамол туфайли ёки бошқа бир нарса туфайли қулаб тушмаслиги учун ҳайкал ҳар тарафга занжирлар билан боғлаб, устунларга маҳкамлаб қўйилган. Отнинг бир олди ва бир орқа оёғи кўтарилган ҳолда, худди юриб кетаётгандек жонли, чавандоз эса ўнг қўлини кўтариб, чап қўли билан отнинг жиловини ушлаб турган ҳолатда тасвирланган. Ҳайкал ва тош устунлар шу қадар баланд ва улкан қилиб қурилганки, буни кўрган киши ажабланмасдан иложи йўқ. Айтишларича, устун тепасидаги чавандоз мазкур черковга асос солган, туркларга қарши курашда жасорат кўрсатган ҳукмдор Юстиниан рамзи экан.

Черковга кираверишда, эшик ёнида, гумбаз тагида тўртта устундан иборат айвон, унинг остида чиройли тарзда қурилган бутхона ҳам бор. Бутхона олдида черковга кирадиган катта эшик, унинг олдида йўлакчалардан иборат ҳовли мавжуд. Эшикдан кирилгач, шифти ёғочдан ишланган йўлак бошланади. Ундан чап томонда тоштахта ва устунлар билан зийнатланган катта ҳовли, иккинчи эшикдан усти ёпиқ йўлнинг ўнг томонида черков бошланади. Черковнинг бешта баланд ва катта эшиклари бўлиб, энг катта ва баланд ўрта эшикдан ичкарига кирилади. Айлана шаклда қурилган черковнинг баландлиги, катталиги, чиройли қилиб безатилгани таҳсинга сазовор. Черковнинг ўртаси ҳам айлана шаклда, атрофи учта катта йўлаклар билан ўралган. Черков ҳамда бир йўлак устида равоқ бўлиб, бу ердан эрталабки ёки тушки ибодатни, вақтнинг қанча бўлганини билиш мумкин. Бир-бирлари билан туташган равоқлар ям-яшил тошлар билан устунларга таяниб, гумбазлар черков билан бирга равоқлар устини беркитиб турибди. Черков устидаги гумбазлар йўлаклар устидаги гумбазлардан анча баланд ва думалоқ шаклда. Черковнинг узунлиги бир юз эллик, кенглиги тўқсон газ келади. Черков ҳар хил рангдаги тошлар билан ишлов берилган катта ва

йўғон тўртта тиргакка асосланган. Бир тиргакдан иккинчиси га ўтган равоқлар бинонинг ўрта қисмини ушлаб турибди. Равоқлар ўз навбатида ям-яшил тошлар билан ишлов берилган ўн иккита устунга таянади. Уларнинг орасидаги иккитаси ўнг томонда ва иккитаси чап томонда жойлашган. Жуда катта тўртта устун, сунъий кукундан ишланган порфир деб аталган ранг билан бўялган. Черков гумбази кошинлар билан зийнатланган, унинг бош меҳроби устига Худо Ота ҳазратларининг салобатли тасвири туширилган. Гумбаз жуда баландлиги учун, пастдан қараган кишига тасвир бир одам гавдасидай ва ундан ҳам йирикроқ бўлиб кўринади.

Черков саҳнида рангдор тошдан ишлов берилган гўртта устунга ўрнатилган минбарга ўхшаш бир буюм турибди. Унинг сирти ҳар хил рангдор тош тахталар билан ишлов берилган ва уларни худди шундай рангдор тошлардан ишланган саккизта устунга таянган соябон ихоталаб турибди. Байрам кунлари бу минбардан туриб ваъз айтилар, “Инжил” ўқилар экан. Черков деворлари, ён йўлаклари йирик, турли-туман рангдаги тоштахталар билан ишланиб, буларнинг ҳаммаси кўринишдан жуда чиройли суратлар ва нақшлар билан тўлдирилган.

Бош гумбаз тиргаги — равоқ деворининг бир қисмига ёпиштирилган жуда чиройли ва йирик тошларга ҳар хил шакллар чизилган. Деворнинг одам бўйи келадиган баландликдаги қисмига чизиқлар чизилиб, турли шакллар ишланган. Ён тарафдаги равоқлар меҳробдан ташқари, черковнинг барча асосий қисмини қоплаган. Буларнинг барчасини айла-ниб, томоша қилиш имкони мавжуд. Равоқларнинг кенглиги тўқсон қадамча, айланаси қарийб тўрт юз қадам келади. Юқори йўлаклар ва уларнинг гумбазлари рангдор тошлар билан жуда чиройли тарзда безатилган. Юқорига кўтарилган сари йўлак деворлардан бирида кўплаб тоштахталар орасидаги катта оқ тахтанинг бир томонида Исо пайғамбарни кўтариб олган Биби Марям, иккинчи томонда эса Авлиё Хуан Боутиста сурати безакларсиз тасвирланган. Айтишларича, мазкур тошни черковга қўйиш учун бўлакларга ажратиб тайёрлаётганларида сиртида ана шу ажойиб тасвирни кўриб қоладилар ва бу сеҳрли тошни шаҳар бош черковига олиб келиб ўрнатадилар. Мабодо тасвир булутлар қуршовида бўлса, ос-

мон тиниклашиб кўрингандай бўлади. Тасвирнинг пойгагида ибодат қиладиган кичик черков ва меҳроб бор. Худди шу черковда элчиларга бош руҳонийнинг бузилмаган суяклари сақланган табаррук жасадини ва Авлиё Лаврентийнинг куйдирилган панжаларини ҳам кўрсатишди.

Черковда кўплаб ертўлалар, ҳовузлар, харобага айланган уйлар мавжуд, черковнинг айланаси ўн милга яқин, унда сув тўлдирилган жуда катта тунука ҳовуз, ҳовузга юзта кўп эшкакли кема жой бўлар экан. Элчилар шу қадар кўп нарсаларни кўрдиларки, буларнинг барини сўз билан таърифлашнинг имкони йўқ. Бу жойларни қанча томоша қилсангда, барини кўришга улгура олмайсан. Ҳар куни айланганда ҳам, ҳамиша янги нарсаларни кўрасан. Черков бир қанча ҳуқуқ ва имтиёзларга эга, томи кўрғошин билан ёпилган. Агарда бирор киши жиноят содир этиб, ўғрилиқ ёки қотиллик қилса, грек ёки бошқа миллат вакили черковга яширинган бўлса, уни ҳеч ким черковдан чиқара олмайди.

**39-боб.** Шу куни элчилар Авлиё Георгий черковида ҳам бўлдилар. Черковга биринчи дарвозадан киришингиз билан катта майдонга чиқилади. Майдонда кўплаб уйлар бор, боғлар орасида черков биноси қад ростлаб турибди. Черков эшиги олдида болани чўқинтирадиган жой, салгина юқорироқда саккизта оқ устунли даҳлиз мавжуд. Устунларда ҳар хил шакллар чизилган черков жуда баланд, кошинлар билан зийнатланган. Кошинларда Исо пайғамбарнинг кўкка кўтарилиш тасвири акс эттирилган. Черков саҳни жуда чиройли, ерларига ҳар хил нақшинкор тоштахталар ётқизилган, деворлари ҳам ажойиб, гумбазининг ўртасида Худо Ота суратини, деворларида руҳларга фаришталар булутлар орасидан хочни кўрсатиб турган расми кўриш мумкин. Мазкур черковга яшил тошлар билан ишлов берилган ва бу ерда ҳукмдор хонимнинг қабри бор.

Кеч кириб қолганлиги учун элчилар эртаси куни учрашишни келишиб, ўзлари билан ҳамроҳ бўлиб юрган Мисер Иларио ва бошқалар билан хайрлашиб, Перага қайтишди. Улар эртаси, чоршанба куни Константинополнинг Киниго дарвозаси олдида учрашадиган бўлишди.

**40-боб.** Эртасига, чоршанба куни элчилар келишилган вақтда Константинополга келолмадилар. Ўша куни Венециянинг кўп эшакли кемалари Александрия<sup>1</sup> подшолиги билан бўлган урушдан қайтиб келаётган, генуялик Мозен Бучикате бошчилигидаги кемаларга ҳужум қилгани, Монден яқинида уларни тор-мор этиб, кўп кишилар орасида Бучикатенинг жияни Ашастил Морате ҳам асир олинганлиги ҳақидаги хабар бутун Пера бўйлаб тарқалди. Шаҳарда ҳамма саросимада, Перада яшовчи венецияликларни тутишиб, кемаларини олиб қўйишди. Шаҳар ҳокимияти элчиларнинг Тарабзунга борадиган кемасини олиб қўйиб, Перадаги воқеа ҳақида хабар жўнатдилар. Элчилар вақтлари озлигини, бошқа кема топиш қийинлигини ўйлаб, шаҳар ҳокимининг бу ишидан норози бўлдилар ва Константинополга бугун эмас, эртага боришларини Мисер Илариога маълум қилдилар. Шу куни овдан қайтган ҳукмдор, ўзи отган ёввойи тўнғиз гўштининг ярмини элчиларга юборди.

**41-боб.** Эртаси, биринчи ноябрь, пайшанба куни элчилар Константинополга келишиб, Киниго дарвозаси олдида Мисер Иларио ва ҳукмдорнинг бошқа яқинлари билан учрашиб, отларда Биби Марям де ла Черне черкови томон йўл олишди. Черков шаҳар марказида, илгарилари ҳукмдорлар кўп қадам ранжида қиладиган, ҳозирда эса вайронага айланган бир қаср ёнида жойлашганди. Ўз ўғли томонидан асир олинган бир ҳукмдор бу қасрни бузиб ташлаган. Биби Марям черкови илгари ҳукмдорнинг сарой черкови бўлиб, уч кемадан иборат. Ўртасидаги энг катта ва бош кемадан ташқари қолган иккитаси ундан пастроқда. Черков кемалари ям-яшил тошлар билан безатилган устунларга ўрнатилган. Устунларнинг пойдевори ҳам ҳар хил безакларга бой оқ мрамрдан ишланган. Кемаларнинг деворлари ва устки қисми рангли, гўзал безакли тоштахталар билан қопланган. Кеманинг бош қисми ёғоч тўсиқлар билан тўртбурчак шаклда ишланган. Тўсиқларга тилла суви юритилган. Черковнинг кўпгина жойлари бузилган бўлса-да, тепа қисмининг безаклари худди ҳозир ишлангандай кўринади. Бош кемада чи-

---

<sup>1</sup> Искандария — Мисрнинг қуйи қисмидаги бандаргоҳ шаҳар.

ройли тарзда қурилган меҳроб ва минбар бор. Черков томи кўрғошин билан ёпилган.

**42-боб.** Ўша куни Авлиё Хуан ибодатхонасидаги муқаддас нарсаларни кўриш учун борганда, калит йўқлиги учун аввал нарсалар элчиларга кўрсатилмади. Кейин роҳиблар қора кийимларини кийиб, қўлларида шамлар кўтариб, диний ашула айтиб, бир бинога кириб бордилар. Хукмдорнинг амалдорларидан бир киши ҳам элчилар орасида эди. Роҳиблар муқаддас нарсалар сақланаётган қизғиш сандиқни олиб келиб, черковнинг ўртасидаги мато қопланган катта стол устига қўйишди. Сандиқда иккита қулф, қулфлар устидан оқ мумдан муҳр босилган. Сандиқни очишиб, ундан муқаддас нарсалар қўйиладиган иккита кумуш идишни, сўнгра оқ матодан ишланган, оқ мум билан муҳрланган қопни чиқардилар. Қопнинг муҳрини бузишиб, ундан кичикроқ, думалоқ, олтиндан ясалган қутичани олдилар. Қутича ичида бир бўлак нон бор экан. Бу нон — Исо пайғамбарнинг пайшанба, “Арафа ибодати”да ўз шогирдларидан бири Иудага “сотқинлиги” учун берган, лекин Иуда ея олмаган нон бўлаги эди. Уч бармоқ катталигидаги нон бўлаги қизил матога ўралиб, қизил мум билан икки бор муҳрланган. Кейин қопдан яна бир кичикроқ қутини олишди. Қутича ичида олиб бўлмайдиган қилиб маҳкамланган бошқа бир қутичанинг ичида Лонгин<sup>1</sup> найза санчган пайтда Исо пайғамбарнинг биқинидан оққан қон турарди. Қопдан қопқоғи илма-тешик яна бир қутичани чиқаришди. Унда Байрут шаҳрида чормихга тортилган Исо пайғамбарни бир яҳудий масхаралаб урганда, оққан қони бор эди. Кейин қопнинг ичидан оғзи маҳкамлаб ёпилган яна бир биллур қутичани чиқариб очишганда, унинг ичидан бир парча қизил мато чиқди. Исо пайғамбарни чормихга торганларида, яҳудийлар томонидан узиб олинган соқол толалари, шу қизил матога ўралган эди. Кейинроқ қопдан яна бир қутича чиқарилганда, унинг ичида Исо пайғамбарнинг хочдан олиб ётқизилган тошнинг бир бўлаги сақланар экан. Сандиқдан тахминан узунлиги икки ярим хурмо келадиган, тўртбурчак шаклдаги, олтин суви юргизилган кумуш қути-

---

<sup>1</sup> Лонгин — Насронийларга қарши курашган Рим аскарари.

чани чиқардилар. Қутичанинг олти жойига муҳр босилган. Қутича қулфланган, кумуш калити осилиб турарди. Қутичани очиб, тилла қопланган тахтани чиқардилар. Лонгин Исо пайғамбарни яралаган найзанинг бир парчаси шу тахтага ёпиштирилган, темир парчаси найзаддек ўткир. Бу темир парчанинг учида Исо пайғамбарнинг худди ҳозиргина яралагандай янги қони бор. Яна бу ерда Исо пайғамбарнинг Пилат ҳузурида жавоб берганда, унинг бошига урилган ҳассанинг бир парчаси ҳам турарди. Узунлиги бир ярим хурмо келадиган ҳасса парчасининг ранги қизғиш, ҳасса ва найза бўлагининг пастроғида бир пўкак ҳам бор, чормихга тортилган Исо пайғамбарга шу пўкак билан сирка ва сафро ичирганлар. Тахта сақланаётган кумуш қутида Исо пайғамбарнинг кийимлари ҳам мавжуд. Зиёратчилар кийимдан парча узиб олаверганларидан, кийимлар тахланиб, миҳлаб қўйилган бир энги муҳрланмаган ҳолда алоҳида қўйилган. Кийимлар қизил мато устига тахланган. Қўйлакнинг энги тугма ўтказишга мўлжалланиб, тор қилиб тикилган ва тирсаккача кесилган. Енгида чилвирдан ясалган учта тугмаси бор. Кийим, тугмалар бор бўйи билан қизғиш пушти рангда. Йигирилган ипдан қалин қилиб тикилганлиги ҳам кўриниб турибди. Элчилар билан муқаддас нарсаларни кўришга келган шаҳарнинг таниқли кишилари ҳам кўз ёш тўкиб ибодат қилдилар.

**43-боб.** Элчилар шу куни Олампаноҳ деб аталган аёллар ибодатхонасига борганларида, уларга узунлиги тўққиз хурмо дарахтидай келадиган, ҳар хил рангдаги мрамар тошни кўрсатдилар. Айтишларича, Исо пайғамбар хочдан ечиб олинганда, шу тошнинг устига ётқизишган. Пайғамбар ётқизиляётганида Марям ва Авлиё Хуаннинг йиғлаганда тошга тушган кўз ёшлари худди ҳозир томгандай бўлиб кўринарди.

**44-боб.** Константинополь шаҳрида Авлиё Мария деб аталган жуда катта зиёратгоҳга айланган черков бор. Бу черковда католик руҳонийлари ўзларининг қонун-қоидаларига бўйсуниб яшашади. Улар умуман гўшт емайлилар, шароб ичмайдилар, на сариеғ, на балиқ, хуллас, қон чиқадиغان нарсалардан истеъмол қилишмайди. Черковнинг ичи рангли кошин-

лар билан безатилган, бу ерда Биби Марямнинг табаррук Авлиё Лука томонидан чизилган расми турибди. Бу расм ҳар куни кўплаб каромат кўрсатади ва греклар буни қадрлаб байрам қилишади. Расмнинг кенглиги тахминан олти хурмо дарахтидай келадиган, тўртбурчак шаклдаги тахтага чизилган. Кумуш билан қопланган тахта иккита пояга ўрнатилиб, зумрад, ёқут, феруза, марваридлар темир санам қутиси воситасида тахтага ўйиб ўрнатилган. Бу ерда ҳар душанба Авлиё Биби Марям шарафига катта сайил уюштирилади. Бошқа черковдан келган руҳонийлар, роҳиблар ва бошқалар йиғилишади ва бир вақтда Биби Марям тимсоли черковдан майдонга олиб чиқилади. Тимсол шу қадар оғир бўлганидан, уни чарм қайишлар билан ҳар тарафдан боғлаб, кутариб чиқишади, сўнгра йиғилганлар ибодат қилишади. Ўша пайтда бир киши олдинга чиқиб, Биби Марям тимсоли олдига келиб ибодатни бошлайди.

**45-боб.** Авлиё Биби Марям черковига бир вақтлар Константинополдан қувғин қилинган ҳукмдорнинг отаси ҳам дафн этилган. Ҳукмдорнинг қувғин қилиниши ва қасрнинг бузилишига сабаб қуйидагича эди: Ҳозирда Константинополда ҳукмдорлик қилаётган Кирманоли, яъни Мануэлнинг ўзидан олдин ҳукмдорлик қилган акасининг ўғли шундай қайсар эдики, ўз отасига қарши фитна уюштирди. Отасини Темурбек мағлуб этган турк султони Муроднинг ўғли ҳам шундай бебош эди. Турк султони ва ҳукмдорнинг ўғли бирлашиб, ўз оталарига қарши бош кўтаришади. Турк султони Мурод ва Константинополь ҳукмдори билан бирлашиб ўғилларига қарши қўшин тортиб, туркларга қарашли бўлган Голлиполи шаҳрида учрашадилар. Қасрни қамал қилиб, ўз ўғилларини қўлга олган икки ҳукмдор авлодларга ўрناк бўлиши учун, уларнинг кўзларини ўйиб олиб, қасрни бузиб ташлашга фармон беришади. Қасрни бузиб ташлаганларидан сўнг, Турк султони ўз ўғлининг кўзини ўйиб олишни буюради. Константинополь ҳукмдори эса ўғлига раҳми келиб, уни зиндонга ташлатади ва қизиган кўзачалар орқали кўзининг нуруни сўндиради. Ҳукмдор бир қанча вақтдан сўнг, келинини ҳам зиндонга тушириб, ўғли билан яшашга рухсат беради. Хотин эрининг кўзига ҳар хил малҳамларни суртавер-

гач, у бир оз кўрадиган бўлади. Зиндонда яшаётган хотини бир куни ковақдан чиқиб келаётган катта сув илонини кўради ва буни эрига айтади. Эри ўзини сув илон чиққан ковак олдига олиб боришини сўрайди ва пойлаб туриб илонни тутиб олиб ўлдиради. Катта сувилонни ҳукмдорга кўрсатишганларида, унинг раҳми келиб, ўғли ва келинини зиндондан озод этади. Бир неча кун ўтгандан сўнг ўғил ғаразли ниятини амалга ошириб, отасини бир неча вақт асирликда сақлайди. Ҳукмдорнинг амалдорлари уни бир амаллаб қутқариб олишади. Ҳукмдор озод бўлиши билан ўғли қочади. Ҳукмдор ўғлининг қилган ишларидан ранжиб, қасрни тезлик билан буздиреди ва меросдан маҳрум қилади.

Ҳукмдор ўлими олдидан салтанатни ҳозир ҳукмронлик қилаётган Кирманолига қолдиради. Шунда невараси Дмитрий подшоликка даъвогарлик қилиб Кирманолига қарши исён кўтаради. Кейинроқ улар ўзаро келишиб, икковини ҳам ҳукмдор деб аташ, ҳозирги ҳукмдор қазо қилгач, Дмитрий тахтга кўтарилиши, ундан кейин ҳозирги ҳукмдорнинг ўғли подшоҳ бўлиши, Дмитрийнинг ўғли ҳам ҳукмдор бўлиши ҳақида келишиб олишади. Бироқ, уларнинг иккаласи ҳам бу шартга риоя қилмасалар керак.

**46-боб.** Бу шаҳарда Муҳаммад (а.с) қудуғи деб аталган, жуда чиройли қудуқ оқ мармар равоқлардан иборат бўлиб, улар қудуқ атрофидаги устунларга ўрнатилган. Қудуқнинг устидаги ўн олтига гумбаз юқори қисми тўрт юз тўқсонга жуда йўғон мармар устунларга таянган. Қудуқда, атрофда яшайдиган аҳолини таъминлайдиган даражада сув йиғилар эди.

**47-боб.** Константинополь шаҳри баланд ва мустаҳкам деворлар билан ўралган. Шаҳар девори учбурчак, ҳар бир бурчак ораси олти милга тўғри келади. Шаҳар айланаси ўн саккиз мил, яъни олти лига. Шаҳарнинг икки томони денгиз ва бир томони қуруқликдан иборат. Қуруқликдаги бурчак тепасида ҳукмдорнинг қасри жойлашган. Шаҳар айланаси кенглиги учун аҳоли зич жойлашмаган. Шаҳар ичкарасида кўплаб тепаликлар ва текисликлар, экинзорлар ва боғлар мавжуд. Боғ ичкарасидаги уйларнинг ҳаммаси оддий. Аҳолининг катта



қисми шаҳар четидаги денгиз бўйига жойлашган. Шаҳарнинг Пера шаҳри рўпарасидаги дарвозалар олдида юк ташувчи кемалар бўлиб, бу ер жуда серқатнов жой ҳисобланарди. Иккала шаҳар аҳолиси бир-бири билан савдо-сотик ишларини олиб борарди. Константинополь шаҳрида катта бинолар, уйлар ва черковларнинг аксарияти харобага айланган. Шаҳар янги қурилган пайтда, дунёдаги ажойиб шаҳарлардан бири эканлиги сезилиб турарди. Айтишларича, ҳозир ҳам шаҳарда уч мингга яқин черков, ичимлик сув манбалари ва қудуқлар мавжуд. Шаҳарнинг бир четида Авлиё Апостол черкови, унинг қуйи қисмида уйлар ва боғлар ҳамда бир водийни иккинчиси билан боғлаб турган кўприк кўришиб турибди. Аҳоли сув келтириб, Пера шаҳри қаршисидаги дарвозага қадар чўзилган боғ ва кўчаларни сув билан таъминлаганлар.

Кўчаларнинг пул алмаштирадиган ўрта қисмида кунда қўйилган. Шаҳар қонун-қоидасини бузган, гўшт ёки ғаллани қимматига сотган кишилар кундага боғланиб, кечаю кундуз қор-ёмғирда сақланган. Ҳеч ким уларга яқин кела олмаган. Шаҳар ташқарисида, Пера қаршисидаги денгизлар оралиғидаги уйлар атрофида, сотувга келтирилган моллар сақланадиган кўплаб омборлар бўлиб, бу ерда ҳар хил моллар савдоси ўтказилган. Константинополь шаҳрининг икки томони денгиз, қаршисида Пера шаҳри, икки шаҳар оралиғида бандагроҳ бор. Бу шаҳарларнинг қарама-қарши жойлашуви худди Севилия билан Триона шаҳарларига ўхшайди. Греklar Константинополь шаҳрини Эстанболи деб ҳам атайдилар.

**48-боб.** Пера деворлари ва бинолари баланд қилиб қурилган, кўп аҳоли яшайдиган генуяликларга қарашли кичик шаҳардир. Шаҳарда асосан генуялик ва греklar истиқомат қилишади. Пера денгизга жуда яқин, деворларининг ҳар хил жойидаги минораларидан чор атроф бемалол кўринади. Турк султони Константинополь ва Пера шаҳарларини қамал қилганида, шу ердаги тепаликни ўзига қароргоҳ қилиб олган ва шу ердан туриб тўп отиб, жанг қилган. Турк султонининг ўзи икки бор бу ерга келиб, Константинополни денгиз ва қуруқлик тарафидан қамал қилган, дейдилар. Биринчи са-

фар келганида, шаҳар яқинида олти ой туриб, қуруқликдаги тўрт юз минг аскар ва денгизда олти юз кемаси бўлишига қарамай, ҳатто шаҳар яқинидаги қишлоқларни ҳам ололмаган. Туркларнинг шаҳарга кира олмаганликлари уларни дуруст жанг қила олмаслигини кўрсатади.

Пера ва Константинополь орасидаги денгиз масофаси шунчалик яқинки, бир мил, яъни лиганинг учдан бирига тўғри келади. Оралиғ масофа икки шаҳар учун ҳам кемалар тўхташ жойи бўлиб хизмат қиларди. Бу жой кемаларни бўрон ва ҳар хил шамоллардан тўсиб турувчи, душман кемалари хавфидан сақловчи, хавф-хатарсиз, гўзал бир бандаргоҳ ҳисобланарди. Бандаргоҳ жуда чуқур ва суви тиниқ. Бу жойга савдо кемалари бамалол яқинлашиб, кўп эшакли кемалар сингари деворга кўприкча қўйиб, қуруқликка чиқиши мумкин эди. Туркия ерлари билан бу ернинг ораси уч милни ташкил этгани учун турклар шаҳарларга савдо-сотиқ ишлари билан ҳар куни келиб кетишар, ораси яқинлигидан Константинополдан туркларнинг Эскутари деган манзили кўришиб турарди. Икки шаҳар орасида қайиқларни Туркияга кетаётганини кузатса бўларди. Икки шаҳар оралиғидаги денгиз ярим лига юқорига узайиб, кейин қайрилади. Генуяликларнинг Пера шаҳрига эгалик қилишларининг сабаби шунда эдики, генуяликлар бир ҳукмдордан шаҳар қурилган ерни бир ҳўкиз терисига сиғадиган пул бериб сотиб олишган. Шундан кейин бу ерга шаҳар, иккита девор оралиғига шаҳар билан қўшилиб кетган қишлоқлар бунёд этилган. Буни генуяликлар ўз хоҳишлари билан эмас, балки мажбурий равишда қурганлар. Шаҳарни ҳар ҳолда ҳукмдор бошқарарди.

Шаҳарликлар ҳукмдор пулини зарб этишлари, ҳукмдор эса баъзи адлия ҳуқуқларига эга бўлиши лозим эди. Генуяликлар шаҳарни Пера, греклар Галата деб номлашган. Шаҳар қурилмасдан аввал, бу ерда катта бир яйлов бўлиб, ҳар куни сигирлардан сут соғиб олинган ва сотиш учун шаҳарга жўнатишган. Греклар сутни “гала” дейишган. Галата — “сут саройи” деган маънони англатади. Шаҳар тахминан тўқсон олти йил аввал бунёд этилган.

**49-боб.** Пера шаҳрида жуда гўзал уйлар ва бинолар билан бирга иккита ибодатхона ҳам бор. Элчилар ушбу Авлиё Па-

вел ва Авлиё Франциско ибодатхоналарини бориб кўрдилар. Авлиё Франциско ибодатхонаси жуда яхши сақланган бўлиб, у ерда кўплаб муқаддас нарсаларни — чиройли биллур қутини кўрсатишди. Кумуш оёқчали бу қутида Авлиё Андрей ва шавкатли Авлиё Николайнинг суяклари ҳамда Авлиё Францисконинг кийимларининг бир қисми сақланаркан. Бундан ташқари, кумуш билан ишлов берилган биллур қутида Авлиё Екатеринанинг биқин суякларини кўриш мумкин эди. Элчилар кумуш ва марваридлар билан сайқалланган яна бир биллур қутини кўрдиларки, бу қутида франциялик Авлиё Луис ва генуялик Авлиё Фиденинг суяклари сақланар экан. Элчиларга Авлиё Иносентенинг суяклари солинган биллур қутини ҳамда Авлиё Пантелейнинг, Авлиё Мария Магдалена ва Авлиё Лука Евангелистнинг қўл суякларини, учта бош суякни ҳамда Авлиё Игнатнинг Муқаддас Биби Марямга бағишланган суягини, Авлиё Стефоннинг кумуш, тош ва марваридлар билан безатилган бармоқсиз ўнг қўлини, Авлиё Анконинг бежирим безатилган бир бармоғи йўқ ўнг қўлини кўрсатишди. Айтишларича, Константинополь ҳукмдори бу бармоқни олиб, ўзининг муқаддас нарсалари орасига қўшган экан.

Муқаддас ёғочдан ясалган кичик хоч бошқа бир кумушдан ясалган каттароқ хоч ўртасига ўйиб ўрнатилган. Жудаям ҳашамдор биллур қути ичида Авлиё Василийнинг суягини, зарҳал кумуш хочни ҳам элчиларга кўрсатишди. Марварид ва кўплаб тошлар билан сайқалланган бу хочга, ҳар хил авлиёларнинг қоқ суяклари ўйиб ишланган. Жуда чиройли безакланган биллур қутичада Авлиё Ловрентийнинг суяклари, икки бармоғи билан кўтариб турган кумуш қўлни, кумуш билан қопланган қопда марҳаматли Авлиё Хуаннинг, Авлиё Дианисионинг ва бошқа кўпгина авлиёларнинг қоқ суяклари сақланганининг гувоҳи бўлишди.

Лотинлар Константинополни забт этганда, авлиёларнинг суяклари мазкур ибодатхона ихтиёрига ўтган. Грек бош руҳонийси муқаддас нарсаларни қайтаришни сўраганидан сўнг, ўртада жанжаллар бўлган. Кейин элчилар ранг-баранг черков кийимларини, товоқ ва хочларни томоша қилишди.

Турклар Венгрия қироли билан юриш қилган французларни мағлубиятга учратганда, асир олинган улуғ француз маршали, асир тушганларидан сўнг, заҳарлаб ўлдирилган

жаноб де Трухи ва бошқа жавонмардлар ҳам Авлиё Павел ибодатхонасига дафн этилган.

**50-боб.** Элчилар Пера шаҳрига келган чоршанба кунидан то ўн учинчи ноябрь, сешанбага қадар Тарабзунга жўнаш учун биронта кема тополмадилар. Қиш яқинлашиб, денгизда юриш жуда хавфли бўла борди. Шу сабабли тезроқ жўнаш учун генуялик Мисер Никола Сонатонинг кўп эшаккли кема-сини ижарага олиб, сафарга ҳозирлик кўришди ва матрослар ёллашди, ҳамма зарур нарсаларини кемага ортиб, сешанба кuni кема елканларини кўтариб сафарни давом эттиришни буюрдилар. Лекин матрослар етарли бўлмаганлиги ва бир қанча зарур нарсаларнинг тайёр эмаслиги ўша кuni жўнашларига изн бермади.

**51-боб.** Эртаси, ўн тўртинчи ноябрь, чоршанба ибодат пайтида елканлар кўтарилиб, кема ўрнидан қўзғалди ҳамда катта денгизга чиқадиган тор йўлакдан сузиб ўтиб, соат учга яқин Греция еридаги Трапеа минораси ёнига етиб келди. Кема ичимлик суви ғамлаб олиш учун шу ердаги бандаргоҳга кирди. Элчилар овқатланиб олишгач, тушдан кейин йўлга тушдилар. Бир оз юришгач, Греция гироли ва Туркия гироли деб номланган иккита қаср ёнидан ўтдилар. Грек қасри хароба бўлса-да, Турк қасрида одамлар яшарди. Икки қаср оралиғида, денгиз ичида минора қад кўтарган. Турк қасри яқинидаги қоя устида ҳам минора бор, қасрдан минора томонга девор ўтган. Илгари иккита минора оралиғида занжир тортилган экан. Бу ерлар аввал грекларга тегишли бўлиб, қаср ва миноралар денгиз йўлини қўриқлаш учун қурилган. Катта денгиздан юриб, Пера ёки Константинополга кетаётган кема йўллариини шу занжирлар орқали тўсишиб, бож тўламагунларича қўйиб юборишмаган.

Кема кечга яқин катта денгиз бошланадиган жойга етиб келди. Қоронғу туша бошлагани учун эрталабгача шу ерда тўхташди. Бўғоз жуда тор, бир тарафда Грек ерлари, бир тарафда Турк ерлари, ҳар иккала тарафда ҳам, денгиз соҳилида ҳам кўплаб черков ва харобага айланган бинолар кўзга ташланарди. Кема ярим тунда бўғоздан катта денгизга чиқди. Йўл давомида елканлари кўтарилиб, очиқ ҳавода сузиб ке-

таётган пайт, бирдан кучли шамол эсди ва елкан боғланадиган ёғоч синди. Улар эшкаклар ёрдамида қирғоққа сузиб чиқиб, ёғочни тузатишди. Кема йўлга тушиб, тушдан сўнг, Турк еридаги қоя устида қурилган Сенилио қасри ёнидан ўтдилар. Қасрга кириш учун кичик йўл қолдирилган, қоянинг атрофи денгиз билан ўралган экан. Биби Марям шаънига айтиладиган мусиқали ибодат бошланганда, элчилар тушган кема **Финохия**<sup>1</sup> оролига етиб келди.

Пера шаҳар жамоа ташкилоти Венециянинг Тан денгизидан қайтаётган савдо кемаларига пойлоқчилик қилиш учун, Венеция билан Генуя ўртасидаги урушдан беҳабар бўлган ушбу кемани етиб келиши биланоқ, асир олишларини тайинлаб, қуролланган икки кемани катта денгизга юборди. Генуянинг мазкур кемаларидан бири **Финохия** ороли бандаргоҳида кечаси билан турди.

**52-боб.** Элчилар кемаси жума куни **Финохия** бандаргоҳидан жўнамоқчи бўлди, аммо денгиздаги кучли шамол туфайли кема ҳамда пойлоқчи кема шу ерда туриб қолди. **Финохия** оролида ҳеч ким яшамаса-да, бу ерда жуда катта қаср мавжуд эди. Орол билан Турк ерлари орасидаги масофа икки милни ташкил этарди. Элчиларга **Финохия** бандаргоҳи нотинчлиги сабабли, бу ердан олти мил масофа узоқлигидаги **Карпи**<sup>2</sup> бандаргоҳига боришларига тўғри келди. Венеция кемаларига пойлоқчилик қилаётган иккинчи ҳарбий кема **Карпи**да турарди. Кема дарғаси **Карпи**га боришдан кўра, сафарни давом эттиришни афзал деб билди ва кемани қўзғатиб, бандаргоҳ ичкарироғига киришни буюрди. Ярим тунда денгизда шамол кучайиб, тўлқин бошланди. Дарға денгизда кеманинг ўзи тургандан кўра, пойлоқчи кема олдига бориб тургани хавфсизроқ деб тушунтирди ва ўша томонга қараб сузишга ундади. Аммо шамол кучайиб, кема ҳарбий кема олдига бора олмади. Орқага қайтишнинг эса иложи йўқ эди. Кема олдинга ҳам, орқага ҳам суза олмагач, сувга лангар ташланди. Шу пайт тўфон кучайиб, лангар қаттиқ тортилди

---

<sup>1</sup> **Финохия** — Қора денгиз яқинидаги орол.

<sup>2</sup> **Карпи** — **Гарза** деб номланади. Қора денгиз буйида, Туркиянинг **Синоп** ва **Самсон** шаҳарлари орасида жойлашган бандаргоҳ.

ва тўлқин кемани қоя томон олиб кетди. Аллоҳнинг марҳамати билан лангар сув остида бир нарсага илиниб қолиб, кема қояга урилмади. Агарда кема қояга бориб урилганида, титилиб кетарди. Кеманинг иккинчи лангарини ҳам сувдан чиқариб олишди.

Тўфон шу қадар кучайдики, элчилар ва кемадаги бошқа одамлар яшашдан умидларини узиб, худога илтижо қилишарди. Тўлқин борган сари кучайиб, кўтарилган тўлқин кеманинг устига зарб билан урилар, сувларни олиб чиқиб ташларди. Кема у ёқдан-бу ёққа чайқаларкан, охири тешилиб, ичкарасига сув кира бошлади. Буларнинг ҳаммаси жуда тез содир бўлаётган эдики, худодан ўзгага ишонч қолмади. Ҳаммаёқ қоронғи бўлганлиги учун қайси томонга сузишни билишмасди. Орол ёнида турган пойлоқчи ҳарбий кеманинг тиркалган бир қисми тўфон туфайли ажралиб кетиб, элчилар кемаси томон келаверди. Аммо у кемага урилмасдан ўтиб кетди. Бир оз вақт ўтиб ҳарбий кеманинг лангари узилди, кучли тўлқин уни қуруқликка томон суриб кетди.

Тонг отиб атроф ёришгунча ҳарбий кема бутунлай яқсон бўлди. Кемадаги одамларнинг бир қисми қайиқларга ўтириб омон қолган, нарса-буюмлар эса сувга ғарқ бўлди. Ҳарбий кеманинг тумшугидаги елкан ёғочи ажралиб, элчилар кемаси томон оқиб келди, лекин худонинг марҳамати ила бу ёғоч ҳам кемага урилмади. Барибир элчиларнинг кемаси тешилган, тинимсиз сув кирар, ҳар қанча сув олиб ташлашмасин, вазият ҳалокатли эди.

Тўфон билан олишув тонггача давом этди. Эрталаб шамол йўналиши ўзгариб, кема Туркия ерларига қараб сузди. Кемадагиларнинг кўпчилиги ҳолдан тойиб, елкан боғланган ёғочларни буришга ҳам ҳоллари йўқ эди. Бир амаллаб елканлар кўтарилиб, кема шанба куни Туркия ерларига сузиб келди. Ҳарбий кемадан омон қолганлар, элчиларнинг кемаси ҳам ҳалокатга учраб денгизга ғарқ бўлди, деб ўйлашган экан, кема елканлари кўтарилганини кўриб ҳайрон қолдилар. Туркия ерларига етиб келгач, кемадагиларнинг барчаси ўзларини сувга отиб, денгиздан халос бўлганларидан хурсанд, қуруқликка чиқиб олишди. Элчилар қирол йўллаган барча совғаларни денгиздан қуруқликка олиб чиқдилар. Кема соҳилда, тўлқинда чайқалиб турарди. Тўлқин зарб билан ке-

мага урилганда, у сурилиб қирғоққа яқинлашар, одамлар эса нарсаларини қуруқликка отишарди. Қирол йўллаган нар-салар шу тарзда қутқариб қолинди ва бир жойга тўпланди. Буни кўрган кема дарғаси, турклар келиб, бу нарсаларни ўз шоҳларига олиб кетиши мумкин, деб айтди. Шу пайт турк-лар келиб, уларнинг кимлигини суриштира бошлашди. Уларга тўфондан омон қолганлар, кеча Перадан келаётган генуялик-ларнинг нарсаларини Карпида кутиб турган кемага олиб бо-ришлари керак эканлиги, мабодо олиб бориш учун улов топиб берсалар, кира ҳақларини тўлашларини тушунтири-лар. Турклар уловни бугун топиб беролмаслигини, қишлоққа бориб отларни олиб келгунча бир кун вақт ўтишини айтиш-ди. Турклар эртаси кун отларда келишиб элчиларнинг бар-ча нарсаларини Карпида пойлаб турган кеманинг олдига эл-тиб беришди.

Элчилар бандаргоҳда турган кема дарғаси Мисер Амбро-зио билан учрашиб, тўфондан қандай қилиб қутулиб қолганларини айтиб бердилар. Мисер Амброзио элчиларни яхши кутиб олиб, уларни ўз кемасида бемалол жойлашиш-ларини, нарсаларини бус-бутун белгиланган манзилга етказиб беришини ҳамда йўл давомида Туркия божхона хизмат-чиларига булар тўфонда яксон бўлган кеманинг одамлари деб тушунтиришини айтди. Йўлда улар билан кетаётган Те-мурбек элчисига ҳам насроний кийимини кийдириб, бу киши ҳам Пера шаҳридан деб айтдилар. Мабодо турклар сезиб қол-са, уни ўлдирар, элчилар ҳаёти ҳам хавф остида қолар эди. Нарсаларини кемага юклаб, ўзлари ҳам жойлашганларидан сўнг, элчилар худонинг марҳамати ила омон қолганликла-рини сезишди. Кема дарғаси ва матросларнинг айтишларига қараганда, улар йигирма йиллик хизмати давомида бундай тўфонга дуч келмаган экан. Аллоҳнинг яна бир каромати шундаки, элчиларни ва қирол юборган нарсаларни омон сақлаб қолди. Элчилар ушбу бандаргоҳда об-ҳавони яхши бўлишини кутишиб, келгуси сешанбагача қолдилар. Шу кун қишлоқ оқсоқолларидан бўлган бир турк одам келиб, Турк ерларидан ўтаётганликларини, мато ва бошқа нарсаларини олиб бораётганликлари учун бож тўлашларини айтди. Турк-лар элчиларнинг генуялик ҳам, Пера шаҳридан ҳам эмас-ликларини билишгач, шундай қилишаётган эди. Мабодо тур-

клар курукликда учратганларида, уларни қўйиб юбормаган бўлардилар. Шу сабабли улар тезроқ Перага қайтиш учун елканларни кўтариб, у ердан жўнаб кетишди.

**53-боб.** Элчилар йигирма иккинчи ноябрь, пайшанба куни эрталаб Пера шахрига келиб, нарсаларини шахарга олиб боришни буюрдилар. Уларни шундай кучли тўфондан омон қолиб, Перага қайтганликларини кўрган танишлари, бу бир мўъжиза деб айтишди. Элчилар зудлик билан яна йўлга тушмоқчи эдилар, бироқ қиш киргани, Тарабзунга бориш тўхтагани, олдинроқ жўнаган кемалар ҳам март ойигача Перада қишлагани қайтиб келаётгани боис денгизга чиқадиган кема тополмадилар.

Катта денгизнинг бу қадар сертўлқин ва хатарли бўлишининг сабаби, денгиз думалоқ, айланаси уч минг мил келар, Пера ёнидаги бўғоздан денгизга кириб-чиқадиган йўл йўқ, у ҳамма томондан улкан ва юксак тоғлар билан қуршалган, кема кириши учун қулай соҳил мавжуд эмас, кўплаб дарёлар денгизга келиб қўшилганлиги туфайли денгиз ҳамиша ваҳима билан тўлқинланиб турар, бўғозга оқиб кирган сув яна оқиб чиқар, қаттиқ шамол турганда тўлқин бўлиб, тўфон бошланарди. Бундай ҳолат шимоли-ғарбдан эсувчи Маэстро деб аталган кучли шамол турганда юз беради. Бу шамолнинг хавфлилиги шундаки, бўғозга яқинлашиб келаётган кемалар манзилни аниқ кўролмай, саёзликка ўтириб қолади. Бунақа ҳодисалар тез-тез содир бўлиб туради. Бўғозга кириш йўлини кўрганда ҳам шамол ён тарафдан эсиб, кемани қирғоққа олиб бориб уради. Кафадан келаётган кема ана шундай вазиятга тушиб қолган эди. Бу вақт оралиғида Тан денгизидан қайтаётган Венециянинг олтита кемаси бошқа кемаларни олиб кетиш учун Константинополь шахрига етиб келганди. Шаҳар ҳокими, кема эгаларига бандаргоҳ унга тегишли эканлигини, генуяликлар билан венецияликлар ўртасида тинчлик бўлиб тургандагина кемаларни бандаргоҳга киришига рухсат беришини айтди ва венецияликлар генуяликлар билан вақтинча битим тузиб, кемаларини бандаргоҳга киритишди.

Элчилар қишни Перада ўтказишлари лозим эди. Улар ўн тўққиз ўринли кичикроқ кемадан бошқа кема топа олмай,



йўл харажати анча қиммат бўлса-да, ўша кемани сафарга тайёрлашни буюрдилар. Кема бошлиқлари Мисер Николо Пизано ва Мисер Лорензо Венециано март ойида йўлга чиқишни мўлжаллаб, элчилар кемасини сафарга тайёрлади.

**54-боб.** Бир минг тўрт юз тўртинчи йил, йигирма саккизинчи март, пайшанба куни кема сафарга тайёр бўлиб, элчилар кечки ибодат бошланган маҳалида йўлга чиқдилар. Темурбекнинг Кастилия қироли ҳузурига юборган элчиси ҳам улар билан бирга эди. Перадан бир милча узоқлашгач, ичимлик сув ғамлаб олиш учун бир жойда тўхтаб, жума куни у ердан қўзғалиб, тушки ибодат маҳали катта денгизга чиқиб олганларида ҳаво жуда яхши бўлди.

Кечки ибодат маҳали Секели деган қасрга етиб келган элчилар тунни шу ерда ўтказадиган бўлдилар, лекин ярим кечаси бу ердан ҳам жўнаб, кечки ибодат маҳалида аввал кемалари ҳалокатга учраган Финохиа деган жойга етиб келдилар, аммо бу ерда тўхташни хоҳламай, сузишни давом эттирдилар. Кейин Туркиядан оқиб келаётган бир дарё ўзанига кириб, тунни шу ерда ўтказишни ният қилдилар, лекин дарё суви саёз бўлгани учун тун бўйи бандаргоҳдан ташқарида турдилар.

**55-боб.** Якшанба кечки ибодат маҳалида Туркия шаҳарларидан бири, Турк султонининг катта ўғли Мисал Матлабига қарашли Понтаракияга кириб келдилар ва шамол кучли бўлганлиги боис эртаси — душанба куни шу ерда қолишди. Ушбу шаҳар денгиз бўйида, қоялар устига жойлашган бўлиб, энг тепада мустаҳкам қаср кўкка бўй чўзиб турарди. Аҳолисининг кўпчилигини греклар, озчиликни эса турклар ташкил қиладиган бу шаҳар илгари Константинополь ҳукмдори тасарруфида эди, кейинчалик ҳукмдор шаҳарни Мисал Матлабининг отасига бир неча минг дукатга сотиб юборган. Шаҳар ўз бандаргоҳи билан машҳур ва бадавлат, Понта деган ҳукмдор шаҳарни бунёд этганлиги учун унинг шарафига шаҳарни Понтаракия деб аташган.

Йигирма бешинчи март, сешанба куни элчилар бу шаҳардан чиқиб, кечга яқин денгиз бўйидаги туркларнинг кимсасиз Рио қасри ёнига етиб келдилар. Қаср ёнида бандаргоҳ

бор эди, юртимизга зиён етказиш ниятидаги кишилар кемада келишди, деб ўйлаб, қирғоққа кўплаб турклар чиқишганини кўрган элчилар кемаси бандаргоҳга кирмай, бир оз ўтиб, текис қирғоқда тўхташди.

Кема ярим кечаси бу ердан ҳам силжиб, тушки ибодатда ичимлик суви ғамлаб олиш учун Партен деган турк дарёсига кирди. Дарёга кираверишдаги қояда, ҳарбий кемаларни дарёга киришига йўл қўймаслик учун қурилган кузатув пунктини кўриб, элчилар бу ерни четлаб, Самастро шаҳрига келишди.

**56-боб.** Шаҳар Туркия заминиди, денгиз бўйида, баланд тепаликда бўлиб, генуяликларга қарашли эди. Тепалик қаршида, денгиз ичида яна бир тепалик бор эди, шаҳар ана шу икки тепалик қўшилган жойда барпо этилган. Тепаликдан тепаликка кўприк ўтказилган. Шаҳарнинг икки томонида бандаргоҳ бор. Ўзи ва уйлари кичик шаҳар ташқарисида бинолар, миноралар ва черков харобалари кўриниб туради. Бу вайроналар кишида илгари энг яхши бинолар шаҳар ташқарисида қурилган ва ҳозирда харобага айланган деган таасурот уйғотади.

Элчилар шаҳарда бир кун туриб, жума куни кечки ибодат маҳалида Икки қаср деб номланган бандаргоҳга кириб келдилар ва бу ердан эртаси, шанба куни, атрофни қалин туман қоплаган пайтда жўнадилар. Соат учларда денгизда қаттиқ шамол туриб, кемадагилар қуруқликкача бўлган масофани, яқин орада бандаргоҳ бор-йўқлигини билмай, тезроқ сузишга ҳаракат қилишди. Тушдан кейин Туркиянинг Никополи қасри ёнига келишди, лекин бу ерда ҳам бандаргоҳ йўқлиги боис сузишда давом этдилар. Кечга бориб яна атрофни туман қоплади. Қуруқликка яқин келишларига қарамай, ер кўринмасди. Кеч кириб қолган, қаерда тўхташни билишмас, денгизда тўлқин давом этар, бировлар бандаргоҳдан ўтиб кетдик дейишса, кимдир ҳали етиб келмадик, дейишарди. Нима қилишларини билмай турганларида, итларнинг вовуллагани эшитилди. Кемадан берилган овозни қасрдагилар эшитди ва шу ерда бандаргоҳ борлигига ишора қилиб, қаср тепасидаги чироқни ёқишди. Кема бандаргоҳ томон юраркан, кираверишдаги қояга урилаётган сув зарби-

ни кўрганлар, қандай қилиб ичкарига киришни ўйлаб, хавотирга тушишди. Шунда бир матрос ўзини сувга отди, қирғоққа сузиб чиқиб, бандаргоҳ йўлини фонус билан ёритиб турди, кема эса ичкарига кириб олди.

**57-боб.** Эртаси куни, якшанбада кема бандаргоҳда турар, бандаргоҳ тепасидаги баланд қояда Кинолис қасри бўлиб, у мавританиялик Исфандиёр исмли жавонмардга қарашли эди. У ўз ҳудудида Темурбек тангасини зарб этганди. Ўша куни Исфандиёр қасрда йўқ экан, лекин шундай бўлса-да, унинг яқинларидан бири, кемада Темурбек ҳузурига кетаётган элчилар борлигини эшитиб, Темурбекка ҳурмат юзасидан, уларнинг олдига ташриф буюрди, қўй, товуқ гўшти, нон ва шароб келтириб, қуюқ зиёфат уюштирди. Кинолис қасри жойлашган тоғда бутун Римда машҳур, ёғочдан камон ясаладиган дарахт ўсар экан.

**58-боб.** Ўттиз биринчи март, душанба куни элчилар бу ердан лангарни кўтариб, кечки ибодат маҳалида Туркиянинг Синополи бандаргоҳига етиб келдилар. Бу шаҳарнинг ҳам ҳокими Исфандиёр бўлиб, аксига олиб шу куни у шаҳардан уч кунлик масофадаги Кастанеа шаҳрида экан. Исфандиёрнинг Темурбекка бож тўлаб турганлигидан норози бўлган турк султони ўғлига қарши курашиш учун Кастанеада қирқ минг аскар тўплаган эди.

Элчилар подшоҳнинг қаердалигини билиши ва бу ердан қандай чиқиб кетиш йўли ҳақида маслаҳат сўраш учун ҳам Исфандиёр билан кўришишлари шарт эди. Исфандиёрнинг Темурбекка бож тўлаб туришининг сабаби, турк султони Боязид Исфандиёрнинг отасини ўлдириб, ерларини тортиб олган эди. Темурбек Боязид устидан ғалаба қозониб, Исфандиёрнинг ҳамма ерларини ўзига қайтариб берди.

**59-боб.** Элчилар бешинчи апрель, шанба, тонг саҳарда бу ердан жўнаб, шамол йўқлиги учун бандаргоҳга кира олмай тун бўйи денгизда туриб қолишди. Эртаси, якшанба куни тушки ибодат маҳалида, денгиз бўйидаги турк шаҳарларидан Симисога етиб келдилар. Бу шаҳардаги иккита қасрнинг бири генуяликларга, иккинчиси султон Боязиднинг ўғли

Мусо Чалабийга тегишли эди. Шамол йўқлигидан кема бандаргоҳга кира олмай, туни билан яна денгизда қолиб кетди. Душанба куни шамол яхши эсгани учун Хинио деган қаср бандаргоҳига бемалол кириб келишди. Бандаргоҳ ёнидаги баланд қояда греклар яшайдиган кичик шаҳар, шаҳарнинг ёнидаги баланд чўққида қаср бор бўлиб, қасрда бир вақтлар уч юзга яқин турклар яшаган. Ҳозирда шаҳар билан қаср грек амалдори Мелазенога қарашли, у ҳам Темурбекка бож тўлаб тураркан.

Денгиз қирғоғида бир неча темирчилар туришар, улар денгиз тўлқинлари қирғоққа суриб чиққан майда қора қумларни йиғиб темир ясашар экан. Сешанба куни элчилар қаршидан эсаётган шамолдан фойдаланиб Туркиянинг Леона бандаргоҳига кириб келиб, денгиз бўйидаги қояда кимсасиз қаср борлигини кўрдилар. Айтишларича, генуяликлар тўрт йил илгари қасрни талаган. Бу ерлар асли турк амалдори Арзамирга қарашли экан. Шу куни элчилар бир оз сузиб, Авлиё Нисио деган кичик қаср ёнига лангар ташладилар. Дарё денгизга қуйиладиган жойда кечаси билан туришди. Атрофда кўриниб турган қишлоқлар ҳам Арзамирга қарашли, унинг ўн мингга яқин отлиқ аскарлари бўлиб, Темурбекка бож тўларди.

Чоршанба куни ёмғир ёғаётганда, элчилар кемаси бу ердан силжиб, соат учларда денгиз бўйида баланд деворлар билан ўралган, ичкарасида боғлари бор Гиризонда шаҳрига етиб келишди. Туш пайтида денгиз бўйидаги Тарабзун ҳукмдорига қарашли Тароблус шаҳрига, бир оздан сўнг, денгиз бўйидаги Карила қасрига яқинлашиб, ҳавонинг авзойи бузуклиги учун бу ерда тўхтамай, кечки ибодат маҳали Виаполи қасри қаршисида лангар ташладилар.

Эртаси, пайшанба куни шамол ёрдамида жанубга қараб сузиб боришаркан, соат учларда Сантака қасри ёнида дам олишга қарор қилдилар. Бу ердан ҳам тезгина жўнаб, кечки ибодатга яқин Тарабзун шаҳридан ўн икки мил масофа беридаги Платона бандаргоҳига етиб келишиб, денгизда кучли шамол эсаётгани ва бу шамолда йўлни давом эттиришнинг иложи бўлмагани учун шу ерда тунаб қолишди. Денгизда турган шамолни кўрган элчилар ҳалокатга учраймиз, деб саросимага тушдилар.

**60-боб.** Эртаси, ўн биринчи апрель, жума куни, кечга яқин элчилар Тарабзун<sup>1</sup> шаҳрига келдилар. Кема йўлга чиққан Пера шаҳридан Тарабзунгача бўлган масофа тўққиз юз олтмиш милни ташкил этарди. Генуяликларнинг шаҳар ташқарисидаги мўъжазгина кичик қасрига ташриф буюрган элчиларни генуяликлар ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олдилар. Эртасига ҳукмдорнинг ўзи отлар юбориб, элчиларни ҳузурига таклиф этди.

Элчилар саройга етиб келганларида, ҳукмдор иккинчи қаватдаги меҳмонхонада жуда яхши қабул қилиб, улар билан суҳбат қурди. Кейин элчиларни ўз қароргоҳларига кузатиб қўйишди.

Ҳукмдорнинг йигирма беш ёшли ўғли шу куни отасининг ёнида, отаси билан деярли бир хил либосда — отаўғилнинг бошларида тепа қисми сувсар терисидан тикилган, тилла боғичлари юқорига кўтарилган телпақда эдилар.

Ҳукмдорни Германоли, ўғлини Квелекс деб аташарди. Ўғли отаси сингари ҳукмдор деб юритиларди. Ота қонуний никоҳидан туғилган меросхўр ўғлини ёшлигидаёқ ҳукмдор деб атай бошлаган. Греklar ҳукмдорни Базимо деб атайдилар. Ҳукмдор Константинополь ҳукмдорининг қариндошига уйланган, ўз қўшниси туркларга ва Темурбекка бож тўлайди. Унинг ўғли Константинополь амалдорларидан бирининг қизига уйланган, иккита кичик қизи бор.

**61-боб.** Эртаси, якшанба куни кечқурун элчилар уйга қайтишганларида, уларнинг ҳузурларига ҳурматли амалдорлардан икки киши ўз аъёнлари билан ташриф буюришдики, улардан бири Орчи — ҳукмдор олдида камон кўтариб юрувчи, иккинчиси Протевестори — хазинабон деб аталарди. Орчи ҳукмдорга жуда яқин, ҳукмдор у билан барча давлат ишларида маслаҳатлашади. Айтишларича, Орчининг келиб чиқиши паст табақадан, новвойнинг ўғли эди. Ҳукмдор бошқа зодагонларга нисбатан Орчига кўпроқ эътибор берганидан кейин ёш ҳукмдор отасидан бу одамни саройдан четлатишни сўраб, исён кўтаради ва шаҳарни уч ой қамалда

---

<sup>1</sup> Тарабзун — Кичик Осиёнинг шарқи-шимолий тарафида. Қора денгиз соҳилидаги порт-шаҳар.

ушлаб туради. Бошқа улуғ зодагонлар эса ёш ҳукмдорни қўллаб-қувватлайдилар. Алал-оқибат Орчи ёш ҳукмдор ва зодагонлар билан ўзаро келишувга эришиб, улар билан дўстона алоқа ўрнатади. Шундай бўлса-да, Орчини саройда сақлагани учун кейинчалик ҳукмдорнинг бошига кўпгина ғамташвишлар тушади.

**62-боб.** Денгиз соҳилида жойлашган Тарабзун шаҳри деворлари қоядан-қояга тутшиб, юқорига кўтарилиб кетаверади, тоғнинг энг тепа қисмида деворлар билан мустаҳкам ўралган қаср бор, қасрнинг бир томонидан, қоялар орасидаги чуқурликдан кичик дарё оқиб чиқадики, бу тарафдан шаҳар яхши ихоталанган. Шаҳарнинг иккинчи тарафи ясси текислик, девори мустаҳкам. Бундан ташқари, шаҳар атрофи турар-жой бинолари ва боғ-роғлар билан ўралган. Аҳоли яшайдиган жойидан денгиз соҳилигача чиройли бир кўчада савдо-сотик ишлари олиб борилади. Денгиз соҳилида девори ва миноралари баланд, бири венецияликларга, иккинчиси генуяликларга қарашли, ҳукмдор розилиги билан қурилган иккита қаср ва шаҳар ташқарисида кўплаб черков ҳамда ибодатхоналар қад ростлаб турибди.

Арманларнинг унчалик таниқли бўлмаган черкови ва руҳонийси худди католикларникига ўхшаш, улар ҳам католиклар сингари қурбонлик қилади, лекин маросим пайтида поп маҳсус либосда, католикларга ўхшаб кўкрагига хоч белгили китобчани осиб олмайди, Инжил ўқиётганда орқасини иккинчи руҳонийга ўгириб, раиятга қараб туради.

Арманлар истиғфор келтириш, товба-тазарру қилиш удумига риоя қилиб, йилида бир муддат рўза тутади, шанба кунлари гўшт ейдилар. Рўза ва диний байрам расм-русумларига яхши эътибор бериб, кўлчиликлари қони бўлганлиги учун балиқ емайди, бошқалари сариеғ, ҳайвон ёғини-да истеъмол қилмайди. Лекин рўза тутганда балиқ еб, шароб ичмайдилар. Бир кунда хоҳлаганларича овқатланиб, Пасха байрамидан Троица байрамигача, ҳафтанинг ҳар куни, жумадан-жумагача ҳам гўшт еб, Исо пайғамбар туғилган кунидеёқ чўқинтирилган эди, деган ақидага амал қилишади. Уларнинг динида бундан бошқа чалкашликлар ҳам бор, лекин улар жуда тақводор ва ибодатни ғоят катта ихлос билан тинглайдилар.

Греklar ҳам ғоятда диндор, бироқ уларнинг динида ҳам кўпгина чалкашлиklar мавжуд. Диний маросимларда ачиган, нордон нон истеъмол қиладиларки, бунақа нонни кафтдай ёки салгина каттароқ нонни олиб, ўртасига ҳарфлар шаклини муҳрдай босиб тайёрлайдилар. Сўнгра шу ёзувга дуо ўқилади, ибодат ўқиётган руҳоний парда ортида, раиятга кўринмайди. Руҳоний дуо ўқиб бўлгач, нонни оқ матода бошига кўйиб, раият ҳузурига кўшиқ куйлаган ҳолда чиқади. Йиғилган халқ дод-фарёд солиб йиғлайди ва кўкракларига муштлаб, “биз сизни кўришга муносиб эмасмиз”, деб аюҳаннос солишади ҳамда муккадан кетгунча ўзларини ерга ташлайдилар. Шундан сўнг руҳоний орқасига, меҳробга қайтиб, нон ўртасидаги ёзувга кўлини теккизади, ибодатни тутатгач эса дуо ўқилган нонни ўз кўли билан ушатиб, мўътабар нон сифатида йиғилганларга тарқатади. Дуо пайтида китобга қаралмайди, черков кўнғироғи чалинмайди, тахтага уриб овоз чиқарилмайди. Грек руҳонийси уйланган бўлиши, уйланганда ҳам бир марта, мабодо хотини ўлса, қайта уйланмасдан умрининг охиригача бева ўтиши керак.

Ибодат ҳафтада икки марта, чоршанба ва сешанба кунлари бўлади. Ибодат қилувчилар ҳафта давомида уйларига бормай, черковда ўтирадилар, бир йилда олти марта рўза тутиб, рўзада балиқ, шароб ва сариеғ истеъмол қилишмайди. Руҳонийлар ҳам бу вақт орасида уйларига бормайдилар. Рўза тутиш муддатлари куйидагича: биринчи рўза биринчи августдан Биби Марям куни, август ўрталаригача, иккинчи рўза Авлиё Екатерина кунидан то Исо пайғамбарнинг таваллуд кунига қадар ўтказилади. Яна бири биз тутадиган қирқ кунлик рўза, кейингиси Исо пайғамбарнинг ўн икки шогирди — ҳаворийлар шаънига тутиладиган йигирма тўрт кунлик рўза. Улар яна Авлиё Дмитрий шарафига ўн беш кунлик рўза тутадилар. Йилнинг чоршанба, жума ва шанба кунлари гўшт емай, чоршанба одатига жиддий амал қиладилар. Чоршанба кунига қараганда жума куни гўшт ейишлари мумкин, лекин чоршанба русумини ҳеч ҳам бузмай, йил давомида фақат тўрт жума куни — булар ҳафтанинг “Янги йил байрами” олдидан келадиган жума куни, гўшт истеъмол қилинадиган ҳафтанинг жума куни, Пасха ва Троица байрамлари арафасида келадиган жума кунлари гўшт ейдилар. Бундан ташқа-

ри, грекларнинг чўқинтириш ва бошқа баъзи бир удумларида ҳам ноқисликлар мавжуд. Айтишларича, улар бу дунёда кўп ёмонлик ва катта гуноҳлар қилиб ўтган кишини у дунёда шайтон танимаслиги учун маййитнинг номини ўзгартириб, унга роҳибларнинг кийимини кийгазишар экан. Аммо греклар Аллоҳга ишонувчан, тақводор халқ. Бундан ташқари, улар ҳам туркларга ўхшаб камон, найза, қилич каби қурол-яроқлар тақиб, отга минадилар.

**63-боб.** Элчилар Тарабзун шаҳрида ўн биринчи апрель, жумадан йигирма олтинчи апрель, шанбагача бўлдилар, куруқликда юриш учун от ёллаб, зарур нарсаларни ғамлаб олишди. Йигирма еттинчи апрель, якшанба куни ўз ҳудудларида кузатиб бораётган, ҳукмдор томонидан тайинланган кўриқчилар кўмагида Тарабзун шаҳридан йўлга чиқишиб, Пехин (Суюрмансув) деб аталган дарё бўйидаги бўм-бўш черковда тунни ўтказишди. Черков атрофидаги аҳоли яшайдиган баланд тоғли йўл ёнбағирлари серсув ва ҳосилдор ерлар экан. Уларни эртаси, душанба куни бу ердан кўриқчилар кузатиб қўйиб, ўзлари йўлнинг бу ёғига ҳукмдорнинг ғанимлари кўриб қолмасин, дея орқаларига қайтишди. Ўзлари йўлни давом эттирган элчилар кечки ибодат маҳалида баланд қоя устига қурилган ҳукмдор Пиломасуканинг қасрига етиб келишди. Қасрга зинапоялар орқали чиқилар, пастда эса, қоя пойида, бир неча уйлар кўзга ташланиб турибди. Шу куни чиройли манзарали тоғлар орасидаги йўлдан бир оз юриб, қоянинг бир парчаси қулаб, дарёни тўсиб қўйган жойдан машаққат билан ўтиб, яна бир оз юриб, кейин кенг далада тунадилар.

**64-боб.** Эртаси, сешанба куни, қор ва сув босган баланд тоғ йўлидан ошиб, кечқурун баланд қоя устига қурилган Сигана деган қаср ёнида тўхтадилар. Дарвоза қаршисидаги қоядан ўтиш учун қўйилган тахта кўприк орқали ўтиб, Кирилес Арбоселтога қарашли қасрга кириб бориларди. Эртаси, соат учларда баланд қоя устига жойлашган Кадека деган қасрга қадам босишди. Бу қасрнинг бир ёнидан дарё оқиб ўтган бўлса, иккинчи ёнида баланд тоғ тизмаси салобат тўкиб турибди. Дарё билан қаср оралиғидан тор, битта от ёки битта



одам кетма-кет ўтиши мумкин бўлган йўл бор. Шунинг учун қасрда бу йўлдан кўпчилик бўлиб ўтишга рухсат берилмайди ва қасрга бундан бошқа ўтадиган йўл ҳам йўқ. Кавасикага қарашли бўлган қасрдагилар элчилардан бож тўлашни талаб қилди. Аслида қасрда қароқчилар ва ғаразли кимсалар яшашар, қаср соҳиби ҳам қароқчиларга тенг кимса экан. Йўловчилар бу йўлдан савдогарларга қўшилишиб ўтишга ҳаракат қилишар, чунки савдогарлар ҳар сафар бу йўлдан ўтаётганда албатта ер эгаларига совға-саломлар ҳадя қилишарди. Бу ердан уч милча наридаги тор йўлда, баланд қоя устида қурилган минора кўринади.

Кечки ибодат маҳалида баланд қоя тепасидаги Дориле деган қасрга қадам ранжида қилдиларки, қаср сиртдан қараганда чиройли, бамисоли кечагина қурилгандай кўринар, ёнида эса йўл бор. Элчилар бу ерларнинг бошлиғига ўзлари ҳақида маълумот бериш мақсадида қасрга чопар-таржимон жўнатдилар. Бироқ бу ердагилар аллақачон ким келди, уларнинг мақсади ҳақидаги маълумотни ўз хўжайинларига етказишган экан. Элчилар қаср олдига келганда, ичкаридан отлик чиқиб, хўжайин бирпас кутиб туришларини сўраганини маълум қилгач, меҳмонлар уловларидан тушдилар. Уларнинг юklarини тартибга келтириб, черковга олиб боришни буюрдилар. Отлик киши йўлдан ўтаётганлар одатига кўра, хўжайинлар бож тўлайдилар, элчилар ҳам шу қоидага амал қилишларини маълум қилди. Яна ўз хўжайини туркларга қарши курашиш учун кишилари билан шу тоғда яшайди ва йўловчилар берган нарсалар ҳамда душманлардан мусодара қилинган молмулклар билан кун кечиришини ҳам айтиб ўтди.

Элчилар қасрга кириб, хўжайинга истаган нарсасини совға қилмоқчи эдилар. Бироқ отлик хабарчи, ҳозир хўжайиннинг олдига кириш учун ташвишланишнинг ҳожати йўқлигини, эртаси кунига, эрталаб унинг ўзи элчилар ҳузурига ташриф буюришини айтди. Эртаси, биринчи май, пайшанба эрталаб Кавасика қасрдан тушиб, элчилар ҳузурда ҳозир бўлди. Унинг ёнида камон ва найзалар билан қуролланган ўттизта отлик бўлиб, ўзи ҳам яхшигина қуролланган эди. Кавасика ва унинг одамлари отларидан тушишаркан, Кавасиканинг ўзи ерга ўтириб, меҳмонларни ҳам ёнидан жой олишларини сўради, кейин шу кўриб турган қиррали тоғ ва жарликларда

истиқомат қилишларини, турк қўшинлари билан йўлни қўриқлаш учун жанг қилиб туришларини, йўловчилар ҳада этган ва қўшинлардан тортиб олинган нарсалар билан тиркичилик қилишларини айтиб берди. Шу сабабли элчилар ҳам уларга ёрдам беришлари, пул ёки бирор совға беришларини гап орасида қистириб ўтди. Элчилар эса, ўзларини савдогар эмасликларини, Испания қиролининг Темурбек ҳузурига юборилган элчилари эканликларини, Темурбекка олиб бораётган совғаларидан бошқа ҳеч вақолари йўқлигини айтишди. Элчилар билан бирга ўз юртига қайтаётган Темурбекнинг элчиси ҳам ўз навбатида, бу ерлар Темурбекка тобе бўлган Тарабзун ҳукмдорига қарашли эканини яхши билиши, элчилар олиб бораётган нарсалар фақатгина Темурбекка тегишли эканини айтди. Шунда Кавасика, меҳмонларнинг гаплари тўғри эканлигини, лекин уларнинг яшашга ҳеч нарсалари бўлмаганидан, ўз подшоси ерларида яшовчи фуқароларнинг мол-мулкларини ҳам талашга мажбур эканликларини айтди. Кавасиканинг бу гапларидан сўнг, унга қизил мато ва кумуш пиёла беришди. Темурбек элчиси ҳам Флоренцияда тўқилган қизил мато ва юпқа шойи газламалардан берди. Кавасика бунга қаноат қилмай, яна талаб қилди. Элчилар уни яхши гаплар билан кўндиришга ҳаракат қилсалар-да, у ўз сўзида туриб олди. Кейин элчилар бир йўловчи савдогардан жун газламалар сотиб олиб, унга совға қилдилар. Шундан кейин Кавасиканинг чеҳраси очилиб, уларга Темурбекка қарашли Арзинжон<sup>1</sup> шаҳригача бежавотир кузатиб қўйишларини ва минишлари учун отлар ҳам беражанини айтди.

Элчилар бу ердан тезроқ чиқиб кетишга қанчалик ҳаракат қилмасинлар, бунинг ҳеч иложи бўлмади. Арзинжонгача қўриқлаб борадиган одамлар ҳамда нарсалари учун отлар ёллаб, жума куни эрталаб ўн отлиқ ҳамроҳлигида йўлга тушдилар ва тушликдаги ибодатда Кавасикага қарашли яна бир қасрнинг олдига келиб, олиб бораётган нарсалари учун бож тўлашни сўраган одамларни учратдилар. Бир оз юриб, бир водийга етдилар. Айтишларича, бу ерда туркларга тегишли бўлган Чапанилар қасри бўлиб, Чапанилар Кавасикага қарши уруш олиб борар ва шу водийга қоровуллар ҳам қўйиш-

---

<sup>1</sup> Арзинжон — Тарабзун ва Арзирум оралиғида жойлашган, Сивосдан шарқда, катта қарвон йўли устидаги шаҳар.

ган экан. Қўриқчилар элчиларга шу ерда кутиб туришларини айтиб, ўзлари йўлни кўздан кечириб, сўнг юришни давом эттирдилар.

Кечки ибодат маҳали Арзинжонга қарашли Алангогаза деб аталган қишлоққа етиб келган элчиларнинг юкларини Кавасиканинг одамлари тушириб, ўзлари орқага қайтишди. Шу куни элчилар баланд тоғ ва жарлик йўллардан юрдилар. Бу қишлоққа Арзинжондан илгари эгалик қилган турк амалдори меҳмонларни жуда яхши кутиб олиб, уларга жойлар ажратиб, зиёфат бериб, барча зарур нарсаларни ҳам ҳозирларкан, Темурбек қишни Қорабоғда ўтказиб, ҳозирда Султонияга жўнаб кетганлигини маълум қилди.

**65-боб.** Эртаси, учинчи майнинг шанбаси, соат учларда бу ердан йўлга чиқиб, анчадан кейин бир қишлоққа етиб келган элчиларни яхши кутиб олган қишлоқ аҳли уларга зиёфат бериб, сафарларини давом эттириш учун отлар билан таъминлаганларидан сўнг йўлга чиққан элчилар кечаси яна бир қишлоққа етдилар. Қишлоқ аҳли ҳам уларга зиёфат уюштириб, зарур нарсалар билан таъминладилар. Бу қишлоқларнинг одатига кўра, келган меҳмонга хонадонлардан олиб чиқилган гиламга ўтиришга таклиф қилинарди. Гиламнинг устига дастурхон эмас, доира шаклида чарм супра ёйишиб, кулча нонлар қўйиларди. Бу ернинг нонини тайёрлаш учун озгина унни қориб, зувалани юпқа ёйиб, сўнг оловга товани қиздириб, унга зувалани ташлайдилар. Зувала озгина қизигач, дарҳол товадан оладилар. Чарм дастурхон устидаги нон ана шундай ёпилар эди. Қишлоқ аҳли яна кўплаб гўшт, сут, қатиқ солинган кўзачалар, тухум ва асал келтиришди. Меҳмонга тортиладиган бу каби таомларнинг ҳар бири турли хонадондан олиб чиқиларди. Баъзи жойларда элчиларни қишлоқ оқсоқоллари ва Темурбек вакиллари кутиб олар, уларга озиқ-овқат ва отлар келтиришни буюрар, хизматкор тайинлар, буйруқни ўз вақтида бажармаганларни калтаклашарди. Бу қишлоқдагилар чиғатойлардан шунчалик чўчиб қолишган эдики, уларни кўришлари билан тумтарақай қочишарди. Чиғатойлар Темурбек қўшинидаги қабилалардан бири эди. Элчилар жўнаб кетган қишлоқда бир неча насроний арманлар ҳам яшар эди.

**66-606.** Тўртинчи май, якшанба, кечки ибодат маҳалида Арзинжонга етиб келган элчилар тоғ ва баланд қоялар орасидан ўтиб, шаҳарга яқинлашганларида кўп ёққан қорни кўрдилар. Уларни кутиб олишга чиққан кўпгина шаҳарликлар меҳмонларни бир бинога олиб бордилар. Шу куни шаҳар ҳокими меҳмонларга пиширилган гўшт, мева-чева, нон ва шароблар юборди. Эртаси, душанба куни шаҳар ҳокими меҳмонларни бу ерда турадиган ҳар кунги харажати, озиқ-овқат сотиб олишлари учун етадиган пул ажратишни буюрди. Туш вақтида отлар ва кузатиб келадиган мулозимлар юбориб, элчиларни ўз ҳузурига таклиф этди. Меҳмонларни шаҳардан ташқаридаги кўкаламзорга олиб келганларида, шаҳар ҳокими икки устунга арқон тортиб тикилган катта чодир тагидаги супада мулозимлари қуршовида ўтирар экан, бир неча амалдор ўрнидан туриб, меҳмонларни кутиб олди. Элчилар ҳоким ўтирган жойга яқинлашганларида, у ўрнидан туриб, қўл бериб кўришди ва ҳурмат билан ўз ёнидан жой кўрсатди. Ҳокимнинг эғнида кўк матодан тикилган кийим, бошида қимматбаҳо тошлар билан безатилган телпак, унинг кўриниши қирқ ёшлар атрофида, оқ сариқдан келган, қора соқол, чиройли киши. Испания қиролининг ҳурмати юзасидан ҳол-аҳвол сўрашганларидан сўнг, меҳмонларга зиёфат бериларкан, ҳокимнинг ўзи шароб тўлдирилган косани элчиларга, ўз одамларига тутди. Шароб олаётган киши тиз чўкиб, икки қўли билан косани олар, мабодо косани бир қўллаб олса, ҳурматсизлик ҳисобланарди. Айтишларича, подшо қўлидан қадаҳни унга тенг бўлган кишигина бир қўллаб олиши мумкин. Ҳоким қўлидан қадаҳни олган киши орқага ўтирилмай, бир оз орқага тисарилиб, шаробни ичиб бўлгач, ўнг тиззасини кўтариб, ерга уч марта уриши ва косадаги шаробни охиригача ичиши шарт. Ҳоким элчиларни шароб билан сийлаб бўлгач, ичида оловли мис идишда овқат пиширилаётган ёғоч арава, думалоқ, оқартирилган темирдан ишланган идишлар, юзтача худди ҳарбий дубулғага ўхшаган, чуқур қилиб ишланган, думалоқ темир косалар келтирилди. Косаларга қўй гўшти, қазӣ, гуруч ва бошқа таомларни сузиб, ҳар бирининг устига юпқа ёпилган нон қўйдилар. Ҳоким ва элчилар олдида дастурхон ўрнида шойи мато тўшаб, уларга турли гўштли овқатларни тортдилар.

Зиёфатда ўтирганларнинг ҳар бирида гўшт кесиб ейиш учун ўз пичоғи ва қошиғи бор эди. Бир киши ҳокимнинг олдидаги гўштни майдалаб кесди. Ҳоким икки амалдорни бирга овқат ейишга таклиф этиб, учаласи бир косадан овқатланишди. Зиёфат маҳали ўнта отлиқ билан бир турк келганди, ҳоким уни овқатга таклиф қилиб, ўз ёнидан жой кўрсатди. Бу йигит Синопол ҳокими, Туркияда катта обрў-эътиборга эга Исфандиёрнинг жияни эди. Темурбек, Исфандиёр ўз сингисининг ўғлига ўз ерининг ярмини беришини тайинлаган эди. Кейин Арзинжон шаҳрилик икки амалдор келиб, Темурбек уларни бир неча вақт асирликда тутиб туриб, сўнг қўйиб юборганини айтишди. Бунинг сабаби, Арзинжон шаҳри ва унга қарашли катта ер эгаси таниқли амалдор Заратан вафот этганда, хотини Тарабзун ҳукмдорининг қизидан фарзанди йўқ эди. Арзинжоннинг ҳозирги ҳокимини Заратан ўлими олдидан “менинг ўғлим” деб васият қилганди. Заратан вафот этгач, Арзинжон ҳокимини қонуний деб тан олмадилар. Заратаннинг сингисини ўғли Хевали, “Заратаннинг ўғли йўқ бўлганидан кейин жияни сифатида тахтга мен ворисман”, деб исён кўтарди. Ҳозир ташриф буюрган икки амалдор Хевали исёнига кўмаклашганлардан эди. Айтишларича, Темурбек турк султонини мағлубиятга учратгач, Арзинжон шаҳрига келиб, Хевали ва ҳозир ташриф буюрган икки амалдорни асир олиб, Заратан васият қилган кишини ҳоким қилиб кўтарган ва бу икки амалдорни қўйиб юборишни, Хевалини эса Самарқандга олиб боришларини буюрган. Темурбек билан турк султонининг бири бири билан жанжаллашиб, ўртада уруш бошланишига Заратан сабабчи бўлган. Бу шундай ғалати сабаб эдики, бу ҳақда кейинроқ сўз юритамиз.

Зиёфат тугагач, элчилар ўзларига ажратилган қароргоҳга қайтдилар. Ҳоким бир неча амалдорлари билан шу ерда қолди. Кеч киргач, ҳоким элчиларга қовурилган ва қайнатилган гўшт, махсус ошпазлар ҳамда зиёфатга қарашадиган хизматкорларни юборди. Сешанбада эса, ҳоким элчиларга зиёфат ўрнида зарур миқдорда пул берди.

**67-боб.** Чоршанба куни одам юбориб, таклиф этилган элчилар етиб келганда ҳоким аъёнлари билан айвонда, сал-

қин фаввора ёнида ўтирар, қаршисида қизиқчилар томошалар кўрсатишарди. Теварак-атрофнинг саришталигидан, бу жой ҳокимнинг уйи эканлиги сезилиб турарди. Элчилар уйга кирганларида, ҳоким уларга таъзим бажо келтириб, уларни ўз ёнига ўтказди. Сархил мева-чевалар келтиришгач, ҳоким шароб ичмайдиган Руи Гонзалесни ҳам бугунги зиёфатда ҳамроҳ бўлишини исташини маълум қилди. Шароб тўлдирилган катта биллур қадаҳни келтирганларида, ҳоким шаробдан озроқ ичиб, сўнг Руи Гонзалесга узатди. Бошқаларга ҳам шароб тутди. Шундан кейин сергўшт ва гуручли таомлар тортилди. Меҳмонлар аввалги зиёфатдагидек, таомларни иштаҳа билан тановул қилиб бўлишгач, асал, шафтоли, узум олиб келинди. Мезбонлар жуда пала-партиш овқатланишарди. Зиёфат давомида шароб тўхтовсиз қуйилиб турилди. Ҳоким шароб тўлдирилган косани амалдорларга ўз қўли билан тутиб турди, улар косадаги шаробни охиригача сипқордилар. Чунки шаробни коса тагида қолдириш ерликларнинг урфодати бўйича ҳурматсизлик ҳисобланарди. Ҳоким шароб тутиб зериккач, амалдорлар бир-бирларига шароб қуйиб тута бошладилар. Охир-оқибат кўпчилик сархуш бўлиб қолди. Ҳоким бугунги зиёфатда Руи Гонзалесга ҳамроҳ бўлгани учун шароб ичмади. Ҳокимнинг исми Фаталибек эди. Кечқурун элчилар ўзларига ажратилган қароргоҳга қайтдилар.

**68-боб.** Жаннатдан оқиб чиқаётган дарёлардан бири деб таърифланган Евфрот дарёси бўйидаги текисликда қад ростлаб турган Арзинжон шаҳри жуда баланд тоғлар билан ўралган. Тоғ чўққиларини оппоқ қор қоплаб, пастда умуман қор йўқ, тоғ ёнбағирларида қишлоқлар, боғлар ва узумзорлар, текислик ҳам токзор, экинзор ва кўркам боғлар билан гўзал. Шаҳарнинг ўзи кичик, минорали тош деворлар билан ўралган. Арманлар томонидан қурилган бу шаҳар деворларининг ҳар жойида тошдан хоч ясаб ўрнатилган. Шаҳарда уйларнинг деярли барчасининг олдида айвонлар бўлиб, кишилар бу айвонларда кўчада юргандай бемалол юрадилар. Шаҳарнинг аҳолиси кўп, кўчаларда доимо савдо-сотих ишлари қизгин. Кўплаб насроний, арман ва грек миллатига мансуб кишилар яшайдиган ушбу шаҳарда масжидлар бисёр.

**69-боб.** Айтишларича, Темурбек туркларнинг Сабастрия шаҳрини эгаллаганда, турклар Арзинжон шаҳрини забт этган, Темурбек турклар устидан тамоман ғалаба қозонгач, у Арзинжонни қайта қўлга киритади. Темурбек шаҳарда турган вақтда насронийлар билан мусулмонлар ўртасида жанжал чиқиб, Арзинжон ҳокими Заратан “мусулмонларга нисбатан насронийларга илтифот кўрсатилиб, насронийлар черковида мусулмонлар масжидига қараганда яхшироқ шароит яратиб берилган”, деб Темурбекка шикоят қилганди. “Насронийларнинг бу ерга келиб яшашларига рухсат этилганлигига сабаб, биз улардан зарур ҳолларда фойдаланамиз”, деб жавоб берган эди Заратан. Шундан кейин Темурбек насронийларнинг бош руҳонийсини ҳузурига чақиртириб, Константинополь ва Пера шаҳарларидаги геноуяликларга нафрати туфайли, руҳонийдан ўз динидан воз кечишини талаб қилади. Руҳоний бунга рози бўлгач, шаҳардаги барча насронийларни ўлдиришни буюради. Заратан Темурбекдан уларнинг кечиришини сўрайди. Темурбек ўн минг еспер (бир еспер — ярим кумуш тангага тенг) эвазига уларни озод қилади. Бу миқдордаги маблағни Заратан насронийларга қарзга беради.

Темурбек барча черковларни бузиб ташлашга фармон бериб, шаҳардаги Камаги қасрини ўз ихтиёрига олади ва бир чиғатой амалдорига тақдим этади ҳамда уни шу ерларнинг бошлиғи этиб тайинлайди. Темурбекнинг бу қасрни ўз амалдорига олиб беришининг сабаби, қаср жуда мустаҳкам ва катта фойда келтирадиган ерда жойлашган, бу ерларни қўриқлаш учун ҳам ушбу қаср жуда қулай, чунки ҳисобсиз молмулклар билан Сурия, Туркия ва бошқа мамлакатларга йўл олган савдогарлар шу қаср олдидан ўтардилар.

**70-боб.** Темурбек билан турк султони Боязид Йилдиримнинг бир-бирларини билишлари ва ўрталарида уруш бошланишининг ўзига яраша сабаблари бор эди. Масалан, Арзинжон шаҳри ҳокими Заратан ерлари турк ерлари билан чега-радош, турклар эса Заратан ерларини, айниқса, Камаги қасрини эгаллашни жуда-жуда хоҳлаш билан бирга Заратандан бож тўлаш ва Камаги қасрини ўз ихтиёри-ла топширишни талаб қилдилар. Заратан турклар ҳокимиятини тан олиб, уларга бож тўлашга рози эканлигини, бироқ Камаги

қасрини беролмаслигини маълум қилади. Турклар-чи, қўйган шартларида маҳкам туриб, “агарда Заратан бизнинг шартимиздан бош тортса, барча ерларидан айрилиб қолиши мумкин”, деб айтадилар.

Заратан, Темурбекнинг улуғвор қудрати ҳақида эшитган, у ҳозирги кунларда форс султонини енгиб, Эронда турганлигини билар, шу сабаб у Темурбекка нома ва совғасаломлар билан элчи юбориб, ўзи ҳамда ҳокимияти Темурбекка тобе эканлигини айтиб, тегишли тадбирлар кўришни сўрайди. Шундан кейин Темурбек турк султонига элчи орқали нома юбориб, Заратан унинг фуқароси экани, ҳурмат юзасидан уни ранжитмаслигини, акс ҳолда турк султонлигига худди шундай зиён етказиши мумкинлигини айтади.

Темурбекнинг куч-қудрати ҳақида ҳеч нарса эшитмаган, дунёда ўзидан бошқа зўр подшоҳ йўқ деб ўйлаган турк султони Боязид Йилдирим элчи олиб келган номадан ғоятда дарғазаб бўлиб, зудлик билан Темурбекка ўз номасини йўллайди. Боязид ўз номасида берган маслаҳати учун Темурбекни нодонликда айблаб, нодонлиги жазосиз қолмаслигини, уни асир қилиб, қасрдаги катта хотинига уйланишини айтади.

Турк султонининг бу ҳақоратомуз сўзларидан қаттиқ ҳаяжонланган Темурбек ўз куч-қудратини намоиш қилиб қўйиш мақсадида Эрондан, ўзи қишлаган Қорабоғ қир-адирларидан қўшин тортиб, тўғри Арзинжон шаҳрига келди ва бу ердан Сабастрияга йўл олиб, тезлик билан шаҳарни қамал қилганда, шаҳар аҳолиси Турк султонидан мадад сўрайди.

Темурбекнинг ўз ерига кириб келганини, Сабастрия шаҳрини қамал қилганини эшитган Боязид султон қаттиқ ғазабланиб, аскарбошиларига қўшин тўплашни буюради. Тўпланган икки юз минг отлик қўшинни катта ўғли Мусо Чалабий бошчилигида Сабастрия шаҳрига юборади. Ўзи яна бир катта қўшинни бошлаб боришга қарор қилади. Бироқ Сабастрия ҳимоячилари ёрдам етиб келгунча Темурбек қўшинлари ҳужумига бардош бераолмайди. Натижада Темурбек шаҳарни забт этади.

Шаҳарнинг забт этилиши қуйидагича содир этилди: Темурбек шаҳарга ҳужум қилиб, уни қамал қилганда, шаҳар аҳолиси маълум миқдорда тилла ва кумуш йиғиб, махсус вакилларни Темурбекнинг ҳузурига юборишди ҳамда қон



тўкмаслик ҳақида битим тузишди. Темурбек талаб қилган божни олгач, шаҳар аҳолиси учун баъзи бир муҳим ишларни маслаҳатлашиш мақсадида шаҳарнинг олижаноб кишиларини ўз ҳузурига чорлади. Айтилган вакиллар бож тўлаганликлари ва қон тўкмаслик ҳақидаги гапларга ишониб, шаҳардан ташқарига чиққанда, Темурбек барибир уларни қилган қилмишларига яраша жазолайди. Озиқ-овқат ва бошқа нарсаларга муҳтож лашкарларига шаҳарни ғорат қилишларига рухсат, сўнг эса шаҳарни буздириб ташлашга буйруқ беради.

Темурбек бу ердан жўнаб кетган кунни, икки юз минг отлик қўшин билан бу ерга Мусо Чалабий етиб келади ва шаҳарнинг харобага айланганини, Темурбек жўнаб кетганини кўради ҳамда ноилож отасининг келишини кутади.

Темурбек бу ердан тўғри Бобил султонлиги ерларига томон йўл оларкан, йўлда кўчманчи оқ тартарларга дуч келади, улар билан жангга киришиб, ғанимни енгади ва ҳоким билан бирга эллик минг эркак-аёлни асир қилиб, Дамашқ шаҳрига олиб келади. У ўзига бўйсунмаган ҳамда юборган элчиларини қамаб қўйган шаҳар аҳолисидан қаттиқ норози бўлгани учун улар билан қаттиқ жанг қилиб, шаҳарни эгаллайди. Барча ҳукмдорларни, моҳир усталарни, оқ тартарларни, Сабастриядан асирга олинганларни Самарқандга жўнатаркан, сабастрияликлар орасида кўплаб насроний динига мансуб арманлар ҳам борлигини айтиб ўтиш жоиздир.

Шундан кейин Эронга қайтган Темурбек юқори Арманистондаги Алора деган жойда баҳорги қароргоҳ вужудга келтирди.

Турк султони Боязид Сабастриядаги ишларнинг сабабчиси бўлмиш Заратандан ўч олиш мақсадида Арзинжонга юриш қилиб, уни забт этди, Заратаннинг хотинини асир олди. Кейинчалик у Заратаннинг хотинини озод қилиб, “шаҳарга зиён етказилмасин”, деб орқасига қайтиб кетади.

Ўз юртларига қайтган Темурбек билан Боязид бир-бирларига элчилар юборсалар-да, алал-оқибат келиша олмадилар. Бу орада Константинополь шаҳри ҳукмдори ва Пера шаҳридаги генуяликлар Темурбекка элчи юбориб, агар Темурбек турк султониغا қарши курашишни хоҳласа, одам ва кемалар билан ёрдам беражакларини айтдилар. Улар қисқа вақт ичида бир неча ҳарбий кемаларни тахт қилиб, Грециядаги туркларнинг ўз юртларига қайтишларига йўл қўймас-

ликларини, шунингдек, кумуш билан қарз беришларини маълум қилдилар. Турклар Темурбек билан бирор битимга келишолмагач, ҳар икки томон ўзича қўшин тўплашни бошлайди.

Ҳарбий ишларда катта тажрибага эга Темурбек оз фурсатда қўшин тўплаб, Эрондан шошилинич Туркияга йўл олади ва Арзинжон ерларидан ўтиб, Сабастрия шахрига етиб келади. Темурбекнинг бу ерга етиб келганини эшитган Боязид ўз йўлини ўзгартириб, юк ортилган барча от-араваларини мустаҳкам Ангури қасрида қолдириб, қўшинини Темурбекка қарши қўяди. Унинг бу ишидан хабар топган Темурбек ҳам ўз йўлини ўзгартириб, баланд тоғлар томон юради. Темурбек ўз йўлини ўзгартирганини кўрган Боязид эса, қочиб кетяпти деб ўйлаб, уни қувишга тушади. Темурбек тоғлар оралаб саккиз кун йўл юриб, текис йўлга тушади ва Боязиднинг от-аравалари қолган Ангури қасрига келиб, бу ердаги барча нарсаларни қўлга киритади. Буни эшитган Боязид шошилинич Ангурига қайтишга ҳаракат қилади. Афсус, қасрга етиб келган турк қўшини ҳолдан тойганди. Боязидни чалғитиш мақсадида атайин айланма йўллар билан юрган Темурбек шу ердаги жангда Боязидни енгиб, уни асирга олди.

Константинополь ва Пера ҳукмдорлари Темурбекка берган ваъдаларини бажариш ўрнига, аксинча, турклар тарафига ўтиб, Грециядаги туркларни ўз юртларига қайтишига йўл очди ҳамда қочқин туркларни ўз кемаларида Туркиядан Грецияга ташиди. Шу сабабли Темурбек насронийлардан қаттиқ ранжиб, аламини ўз мамлакатидаги насронийлардан олди.

**71-боб.** Темурбекдан мағлубиятга учраган турк султони-нинг номи Йилдирим Боязид, яъни Чақмоқ Боязид эди. “Чақмоқ” турк тилида “йилдирим” деб аталган. Боязид эса унинг исми. Отасини Амират деб аташарди. У ажойиб, довурак киши бўлиб, уни граф Лазаро деган насроний жангда найза санчиб ўлдирган. Найза кўкрагидан кириб, елкасидан тешиб чиққан. Йилдирим Боязид отасининг қасоси учун граф Лазарони жангда ўз қўли билан ўлдирган. Лазаронинг ўғли Боязид томонига ўтиб, ҳозирги вақтда Боязиднинг ўғли Мусо Чалабий хонадонида яшайди.

Мен бу тафсилотларни кимни Мурод деб атаганларини англатиш учун ёзаяпман. Чунки ҳар бир турк подшоҳининг

ўз номи бўлишига қарамай, одатда уларнинг ҳаммасини Мурод деб аташган. Шунингдек, Темурнинг асл исми, биз айтганимиздек Таморлон эмас, балки Темурбекдир. Чунки Темурбек уларнинг тилида “темир подшо”, подшо эса улар тилида “бек” дегани. Таморлон тескари, яъни таҳқирлаш маъносини англатади. Темурбек бир вақтлар жангда яраланган ва ўнг оёғи билан қўлининг икки бармоғи шикастланган эди.

**72-боб.** Элчилар Арзинжон шаҳрида ўн бешинчи май, пайшанбагача бўлиб, шу куни бу ердан йўлга чиқдилар. Улар умуман дарахти йўқ, баланд тоғ йўлидан юрарканлар, шу куни қор ёғиб, ҳаво жуда совуқ бўлди. Кечаси Хабега деган қишлоқда тўхтадилар. Қишлоқда кичик қаср, қаср ёнидан дарё оқар, атрофда кўплаб экинзорлар, уй ва яна бир неча қишлоқлар бор эди. Эртаси, шанба куни Пагаррих деб аталган қишлоқда тунашди. Бу ерда баланд қоя устида қаср қад ростлаб турар, қишлоқ арманлар ва турклар яшайдиган икки қисмга бўлинган. Айтишларича, бир йил илгари Темурбек бу ердан ўтганда, арман черковини бузиб ташлашни буюрган экан. Арманлар черковни буздирмаслик учун унга уч минг аспер (бир аспер — ярим реалга тенг) берган. Темурбек пулни олгандан кейин ҳам черковни бузиб ташлатган.

Элчилар якшанбада, Авлиё Троица байрами кунида, бу ердан чиқиб, баланд қоялик тепасида Арзинжонга тегишли қасри бор қишлоққа кириб келдилар. Улар эртаси, душанба куни очиқ далада, кейин дарахтсиз, тоғ йўлидан юрарканлар, сув сероб, тоғнинг юқори ва пастки қисмларида ўтлар ўсиб ётган туркманларга тегишли ерларга дуч келишди, уларнинг салтанати шу ерларгача етиб келган экан. Туркманлар мавридлар уруғидан, улар кўпроқ туркларга ён босади.

Эртаси, сешанбада бу ердан йўлга чиққан элчилар серсув, кўкаламзор майдонлардан ўтишди.

**73-боб.** Тушга яқин Темурбекка тобе Асерон шаҳарига етиб келган элчилар шаҳар текисликка жойлашгани, у жуда баланд деворлар билан ўралганига гувоҳ бўлдилар. Деворнинг ҳар ерида миноралар қурилган. Шаҳарда катта қаср, шунингдек, ҳашаматли черков кўзга ташланиб турибди. Чунки илгари шаҳар насроний арманларга тегишли бўлиб, улар

кўпчиликини ташкил қилган экан. Асерон бу ердаги бой ва энг чиройли шаҳар ҳисобланиб, Субайил деган туркман шаҳар ҳоқими эди.

Йигирма иккинчи май, пайшанбада элчилар бу ердан йўлга чиқиб, кечаси Авник шаҳар ҳоқимлигига қарашли Парижон деган қишлоқда тўхташди. Аҳолиси арманлардан иборат Авник жуда қудратли ва мустақил шаҳар ҳисобланади. Бу жойларнинг ҳоқими Тўлдибек чиғатойдир. Келгуси чоршанбада аҳолиси арманлардан иборат Исчу деган қишлоққа етиб келган элчилар шанбагача шу ерда бўлишди.

**74-боб.** Келгуси якшанбада, элчилар маврлардан иборат, ошиқлар деб аталган, аҳолиси дарвешлардек умр кечирадиган Деллуаркент, яъни жиннилар макони деган қишлоқда тунадилар. Кўплаб маврлар худди ибодатга қатнаганидек, ошиқлар ҳузурига келиб турар, ошиқлар кўплаб беморларга шифо бахш этар, уларнинг бир оқсоқолини қишлоқ аҳолиси жуда ҳурмат қиларди. Айтишларича, оқсоқол авлиё бўлиб, Темурбек бу ерлардан ўтганида уни зиёрат қилар экан. Одамлар бу оқсоқолга хайр-эҳсон берар, у қишлоқ ҳоқими ҳисобланарди.

Тақводор бўлишни хоҳлаган кишилар ўзларини авлиё қилиб кўрсатиш учун соч-соқолларини қириб, ярим яланғоч иссиқда, совуқда кўчаларда кезиб юраверар, жулдур кийиниб, кўчаларда овқатланар, кеча-кундуз кўшиқ айтиб, чилдирма чалиб юрардилар. Бу ердаги уйларнинг эшигига қора ипак ипдан ой шакли акс этган туғ тутилган, эшик остига кийик, эчки, қўй шохлари илиб қўйилган. Уйларида шох сақлаш, кўчаларда уни ўзлари билан олиб юриш ошиқларнинг одатидир.

**75-боб.** Йигирма олтинчи май, душанба куни бу ердан жўнаб, деярли бутун Арманистон бўйлаб айланиб оқадиган Аракс дарёси яқинидаги далада тунаган элчилар шу куни сув оқиб турган баланд қорли тоғлар орасидан ўтиб, эртаси, селанбада аҳолисининг кўпчилиги арманлардан иборат Наужуа деган бир қишлоқда тунадилар. Шу куни ноқулай бўлган дарё қирғоғидан юрган элчиларни бу ернинг ҳоқими ҳурмат билан кутиб олди. Элчилар чоршанба куни тузли қоя

устида баланд қасри бор қишлоқда тунадилар. Тузли тоғ тизмаси ярим кунлик масофали йўл эди. Хоҳлаган киши бу туздан истеъмол қилиши мумкин, ерликларнинг ҳаммаси шу туздан фойдаланади.

**76-боб.** Йигирма тўққизинчи май, пайшанба куни тушга яқин Калмарин деган шаҳарга кириб келишди. Шаҳардан олти лига узоқликдаги баланд тоғ кўзга ташланиб турар, ривоятларга кўра, дунёни сув босганда Нуҳ пайғамбар кема-си шу тоғда кўним топган экан. Шаҳар текисликка жойлашган, бир томонидан Аракс дарёси оқиб ўтса, иккинчи томонидан, қоялар орасидаги жуда кенг ва узун водий шаҳарни ўраб турибди. Водий ва дарё оралиғидаги шаҳар мустаҳкам қалъага ўхшайди. Дарё бошланишида водийга ўтадиган йўл бор, ана шу йўлдан шаҳарга ҳужум қилиш мумкин. Лекин бу жойлар ҳам баланд миноралар билан ўралиб, қўш дарвозали баланд қаср қурилган. Калмарин дунёни сув босганидан кейин, Нуҳ (а.с.) қабиласи томонидан қурилган биринчи шаҳардир. Шаҳар аҳолисининг гапига қараганда, бундан саккиз йил илгари шаҳарни қамал қилган Тартария хони Тўхтамишхон ва унинг қўшини шаҳарга қадам босмаслиги ҳамда шаҳар бунинг учун ҳар йили бож тўлаб туришга рози эканлиги ҳақида битим тузилган. Шаҳар аҳлининг бу шартга розилигини билган Тўхтамишхон улардан Журжония подшоҳи Сорсога қарши курашда ёрдам беришини сўрайди ва шаҳар ярим қўшинини унга топширгач, Тўхтамишхон яна шаҳарни талайди ва ёқиб юборади. Аҳолисининг кўпчилиги арманлардан иборат шаҳар вайронага айланиб, кўплаб одамлар ҳалок бўлади.

Насронийлар арман ерларидаги ҳокимиятни қандай қилиб қўлга киритганликлари ҳақида бир оз кейинроқ сўз юритамиз.

Темурбекка қарашли бу шаҳарда кўплаб бинолар бўлиб, элчиларни бу ерда турар-жой, озиқ-овқат ҳамда улов билан таъминладилар. Эртаси, жума куни, улар бу ердан чиқиб, қоя тепасидаги баланд қаср олдига келдилар. Қаср эгаси бева аёл бўлиб, Темурбекка бож тўлар, илгари қасрда йўлтўсар қароқчилар истиқомат қилишган экан. Темурбек қасрга ҳужум қилиб, аёлнинг эри бўлмиш, ҳокимни ўлдириб, бундан буён қасрга қароқчиларни қўймасликни, ёмон одамлар қасрга

кириб, ўзларини ҳимоя қилмасликлари учун қаср дарвоза-сини олиб ташлаб, ҳеч қачон ўрнашмасликни тайинлайди. Шундан сўнг қасрни ҳокимнинг бевасига топширади. Эгида деб номланган бу қаср Нуҳ тоғи этагида жойлашган. Элчилар Тарабзундан жўнаганларидан бери, дуч келган тоғларнинг барчаси дарахтсиз, қуп-қуруқ эди. Қаср ҳокими — бева аёл элчиларни жуда яхши кутиб олиб, уларга барча зарур нарсаларни муҳайё қилди.

**77-боб.** Ўн учинчи май, шанба куни элчилар бу ердан чиқиб, Нуҳ кемаси тўхтаган тоғ этагидан юрдиларки, баланд тоғ дов-дарахтсиз, тоғ чўққиларида оппоқ қор кўринар, суви мўл, ўтлари ўсиб ётарди. Улар тоғни айланиб ўтиб, узоқ масофаларга чўзилган бино ва уйларнинг тошдан ясалган пойдеворларини, вайроналарга атайин экилгандай, ўзидан-ўзи ўсиб чиққан, дони пуч жавдар ўсимлигини, сариқбош ўтини кўрдилар. Тоғ этагидан матоларни бўяшга ишлатиладиган қизил бўёқ олинаркан.

Улар тоғ оралаб анча юрганларидан кейин, тоғ этагида кимсасиз шаҳар кўринди. Маҳаллий аҳолининг айтишича, узунлиги бир лига келадиган мазкур шаҳар Нуҳ (а.с.) ва унинг қабиласи томонидан, ер юзини сув босгандан кейин қурилган шаҳардир. Шаҳар олдида катта текислик бор, кўплаб каналлар оқиб ўтган ва дарахтлар, гуллар ўсиб ётибди. Узоқдан булоқлар кўзга ташланади. Тоғ қоялари жуда баланд ва қиррали. Доимо қор билан қопланганлиги учун чўққиларнинг юқори қисми йил бўйи булут билан қопланиб тураркан.

Элчилар шу куни тошлар уюми остидан сизиб чиқаётган булоқ ёнида тўхтаганларида булут тарқалиб, тоғ чўққиси кўринди, бир оз ўтиб яна булут қоплади. Айтишларича, тоғ чўққисига булут камдан-кам тарқалар экан. Бу тоғ ёнида унчалик баланд бўлмаган яна бир қиррали тоғ бўлиб, иккаласи оралигида худди эгар шаклидаги боғланиш мавжуд. Нуҳ пайғамбарнинг кемаси айнан шу ерда тўхтаган эмиш. Икки тоғ чўққиси қор билан қопланган. Элчилар шу кечаси Восит қалъаси деб аталган қасрда тунадилар. Тоғ чўққисига жойлашгани учун қасрга чиқиш жуда қийин. Пастроқда шаҳар, шаҳар билан қаср оралигида минорали баланд девор, девордан қаср эшиги томон зинапоя қурилган. Темур-

бек қасрни қамал қилгач, қаср ҳокими Темурбек қўшини қасрга кирмаслиги ва уруш қилмаслиги шарти билан бож тўлаб туришга рози бўлган.

**78-боб.** Биринчи июнь, якшанба кечки ибодат маҳалида насронийлар католиги Норадинга қарашли Маку деган қасрга етиб келган элчилар бу ердаги аҳолининг бари католик арманлардан иборат эканлиги, улар арман тилидан ташқари, татар, форс тилларини ҳам билишларидан воқиф бўлдилар. Ака-ука Доминик ибодатхонаси ҳам шу атрофда бўлиб, ибодатхона водий четида, жуда баланд қоя этагида қурилган, шаҳар қоядан юқоридаги ёнбағирда жойлашган. Шаҳарнинг тепасида минорали мустаҳкам тўсиқ девори, деворнинг нариги томонида эса аҳоли яшайдиган уйлар бор. Биринчи тўсиқнинг юқори қисмида яна бир тўсиқли девор, иккинчи тўсиқ девор ичкарисисидаги қояда зинапоя мавжуд. Эшик олдида тўсиқни қўриқлаш учун минора, иккинчи тўсиқнинг нариги тарафида кўпгина уйлар, минора ва ҳоким яшайдиган кошона бор. Аҳоли ўзига зарур жамғармани шу ерда сақлайди. Қоядаги уйлар ва бинолар тўсиқларга қараганда баландда қурилган. Қаср ичидан бошланган катта сув оқими бутун аҳолини таъминлаб, боғларни суғоради. Қаср пойида кўркам водий, ундан дарё оқиб ўтади. Водийда боғлар, тоқзорлар ва экинзорлар ястаниб ётибди.

Темурбек мазкур қасрни забт эта олмаган бўлса-да, кейинроқ қаср ҳокими Темурбекка хоҳлаган пайтда йигирмата от етказиб бериш шарти билан битим тузган. Бир оз вақт ўтиб, Темурбек қўшини билан қаср ёнидан ўтаётганда, ҳоким ўз ўғли орқали совға сифатида Темурбекка топшириш учун учта безатилган от юборади. Қаср ёнига келган Темурбекка ҳокимнинг ўғли, отаси номидан учта отни топширади. Совғани олган Темурбек қасрга зиён етказмасликка буйруқ беради ва бундай етук ўғилни бу ерда юришига ҳожат йўқ деб, уни ўзи билан олиб кетиб, йигирма ёшли йигитни Эрон ҳукмдори бўлган набираси Умар Мирзога топширади. Қаср ҳокимининг ўғли эндиликда Умар Мирзо саройида яшаб, унинг қўшинида хизмат қилмоқда. Умар Мирзо қаср ҳокимининг ўғлини мусулмон динига ўтказиб, унга Сагармиш исмини беради ва ўзининг шахсий соқчисига айлантиради. Бироқ бу

хоҳишга зид ҳолда мусулмон динини қабул қилган бўлса-да, йигит амалда мусулмон эмас эди. Мазкур қаср ҳокими элчиларни жуда яхши қабул қилди. Қаср аҳолисининг насронийлар эканлиги элчилар учун жуда яхши бўлди.

Ҳокимнинг айтишича, Темурбекнинг набираси Жаҳонгир Мирзо ва унинг аъёнлари қандайдир хазинани яшириш мақсадида қасрга кириш учун изн сўраган, лекин у хазинани ўзи яшириб, сақлаб бериши мумкинлигини, Жаҳонгир Мирзони эса қасрга киритмаслигини айтган. Шундан сўнг Жаҳонгир Мирзо бу ҳақда сўз очмаган экан.

Элчилар қасрда шу куни бўлишди, кейинчалик ҳокимнинг Эрон шоҳи қўшинида хизмат қилаётган ўғлини учратиб, у билан гаплашдилар. Мазкур шаҳар ҳокимининг яна бир кичик ўғли, отасининг айтишича, ўз она тилининг билимдони ва олими экан. Ҳоким, насиб этса, элчилар уйларига қайтаётганларида ўғлини уларга қўшиб юборишини, элчилар уни қиролга тавсия қилишларини, қирол эса уни попга тавсия этиб, натижада ўша ерларга бош руҳоний этиб тайинлашини сўрамоқчи, эканлигини айтди.

Қасрнинг насронийлардан узоқда, кўплаб мусулмонлар орасида мавжуд эканлиги, шунингдек, қасрдаги арманлардан католиклар етишиб чиқаётганига ажабланса бўларди.

**79-боб.** Элчилар иккинчи июнь, душанба куни бу ердан чиқиб, аҳоли яшайдиган ергача етиб келолмай, очиқ далада тунадилар. Шу куни уйлари чап томонда жойлашган, баланд тоғ қоясидаги, атрофи девор ва миноралар билан ўралган, девор ичкарасида суви мўл ерларда тоқзорлар, боғлар ва экинзор майдонлари бўлган Аленга қасрини томоша қилдилар. Темурбек Эрон подшоҳи Султон Аҳмадни енгиб, ерларини забт этган пайтда, подшоҳ ана шу қасрга яширинган экан. Темурбек бу қасрни уч йил давомида қамал қилгач, подшоҳ қасрдан чиқиб, Бобил султонининг олдига қочиб кетган. У ҳозир ҳам ўша ерда турибди.

Эртаси, сешанба куни элчилар кўчманчи чорвадор чиғатойларнинг юзта чодирини тикилган далада тунаш учун тўхтаб, чоршанба кунини ҳам шу ерда ўтказдилар. Бу ерда ҳам уларни озиқ-овқат, сафар учун зарур улов ва бошқа керакли нарсалар билан таъминладилар. Шу вақт давомида элчилар



тоғли ва сувли яйловлардан ўтиб келишаркан, йўлда кўплаб чифатоиларни учратдилар.

**80-боб.** Элчилар бешинчи июнь, пайшанба, тушга яқин текисликда жойлашган, атрофида боғ ва экинзор майдонлари бор, экинзорлари орасидан кўплаб анҳорлар оқиб ўтган, минорали гишт деворлар билан ўралган Хой шаҳрига етиб келдилар. Кўплаб арманлар истиқомат қиладиган бу шаҳар чегарасида Арманистон ҳудуди тугаб, Эрон ерлари бошланади. Элчилар бу ерда Бобил султонининг Темурбекка юборган элчисини учратдилар. Султон элчиси Темурбекка совғалар ортилган ўн бешта туя билан йигирмага яқин қўриқчи аскарлар кузатувида йўлга чиққан, шу билан бирга яна олти туяқуш ва битта жирафа ҳам олиб бораётган экан.

Жирафанинг гавдаси от бўйига тенг, бўйни жуда узун, олдинги оёқлари кейингисига нисбатан анча узун, туёғи ҳўкизнанига ўхшаш қўштуёқ, олдинги оёғи туёғидан то елкасигача бир ярим газ, олдинги қовурғасидан бошигача ҳам бир ярим газ келар, бўйни худди кийикникидай ингичка, бошини жуда баландга кўтарар, орқа оёқлари олд оёқларидан калталигини кўрган одам уни ўтирган, деб ўйлаши мумкин. Унинг қорни оқ, юнги сарғиш, бурни кийикникидай пастда, пешанасида ўсимта бор, кўзлари думалоқ ва катта, қулоқлари кичкина, энди ўсиб келаётган кийик шоҳига ўхшайди, беш-олти метр баландликдаги емишни бемалол узиб ея олади. У дарахт барглари билан озикланар, мухтасар қилиб айтганда, биринчи бор кўрган одам учун жирафа гаройиб ҳайвон ҳисобланади.

Пайшанбада етиб келган элчилар шанбагача шу ерда бўлиб, саккизинчи июль, якшанба куни йўлга чиқдилар. Чунки келган кунлари сафарга тайёр отлари йўқ эди. Шу куни кенг яйловда тунадилар. Улар Хой шаҳригача бўлган йўлларда кўп қор кўрдилар-у, кейин умуман қорни учратмадилар. Бу жойлар анча иссиқ эди.

**81-боб.** Эртаси, душанба куни туш пайтида текисликда жойлашган, атрофи серсув боғлардан иборат Каза деган катта шаҳарга етиб келдилар. Шаҳар қаршисида айланаси юз мил келадиган катта шўр кўл бор, кўл ҳудудида учта орол,

уларнинг бирида одамлар яшайди. Элчилар шу куни катта қисми вайронадан иборат Кусакама деб аталган жойда тунадилар. Айтишларича, аҳолисининг кўпчилигини арманлар ташкил этадиган бу шаҳарни Тартария хони Тўхтамишхон бузиб ташлагандан сўнг, Темурбек Тўхтамишхонни енгиб, уни бу ерлардан ҳайдаб юборган экан. Тўхтамишхоннинг бу ерлардан қандай ҳайдалганлиги ҳақида бир оз кейинроқ сўз юритамиз.

Эртаси куни текисликда жойлашган Чаускад деган шаҳарда тунадилар. Шаҳар атрофи ҳар хил боғ ва узумзорлар билан ўралган. Бу ердаги баланд тоғлардан оқиб тушган сувлардан боғларни суғориб, мўл ҳосил олишар, Табриз шаҳрига ҳам жўнатишар экан. Тунни далада ўтказган элчилар шу куни боғлар, тоқзорлар ва узоқлардан оқиб келаётган анҳорлар орасидан ўтдилар. Бу йўллар жуда текис ва чиройли эди.

**82-боб.** Ўн биринчи июнь, чоршанба кечки ибодат маҳали икки тоғ қоялари орасидаги водийда жойлашган Табриз деган катта бир шаҳарга етиб келган элчилар шаҳар атрофи деворсиз, чап томондаги тоғ шаҳарга жуда яқин, тоғдан сув оқиб тушаётганини кўрдилар. Шаҳардан узоқроқда, ўнг томонда яна бир тоғ бўйи кўрсатиб турар, у жуда совуқ, чўққисидан йил бўйи қор аримаскан, тоғдан оқиб тушаётган сув тиниқ бўлиб, шаҳарнинг турли томонига тарқалган. Шаҳар олдида салобат тўкиб турган икки қоя авваллари бир-бирига яқин, эндиликда улар орасидаги масофа кундан-кунга узоқлашиб бормоқда. Чап томондаги, бир лига баландликдаги қояни генуяликлар қаср қуриш учун Султон Вайс деган ҳукмдордан сотиб олган экан. Кейинроқ сотганига пушаймон бўлган ҳукмдор, қаср қураётганлар олдига одам юбориб, “бизнинг юртда савдогарлар қаср қурмасин деган одат йўқ, бироқ қаср қуришга сарфланадиган тупроқни ўз мамлакатларидан олиб келишлари керак”, деб айтади. Савдогарлар у билан баҳсга киришганда, у савдогарларни қатл этишга фармон беради.

Ўнг томондаги тоғдан оқиб тушаётган сув анҳор ва ирмоқларга бўлиниб, шаҳарнинг турли бурчакларига оби-ҳаёт тарқатар, шаҳарнинг кенг ва тор кўчаларида ҳар хил нарсалар сотилар, кўчаларнинг кесишган жойларида кўп эшикли

уйлар, каттакон бу уйларнинг ичида шойи, юпқа шойи ва ипак матолар, марваридлар билан савдо қилувчи дўконлар бор эди.

Табриз шовқин-суронли, савдогарлар шаҳри, бу ердаги дўконларда аёллар учун хушбўй атир-упалар, дуру гавҳарлар сотиларди. Бу атир-упаларни айнан аёлларнинг ўзлари дўконларга кириб савдо қиларди. Аёллар ўзларини танитмаслик учун паранжи ёпиниб олардилар.

Шаҳарда юнон услубида, қимматли тоштахталар, ранг-баранг бўёқлар, олтин ва чиройли ойналар билан безатилган кўплаб бинолар ва масжидлар салобат тўкиб турарди. Айтишларича, бу чиройли бинолар бой-бадавлат, таниқли кишилар томонидан қурилган, қурилиш маҳалида ўша кишилар кимўзарга интилиб, бутун бойликларини қуражак биноларига сарфлаган экан. Ана шу бинолар орасида йигирма мингга яқин хонаси ва яна алоҳида ҳужралари, чиройли деворлар билан ўралган катта уй бор бўлиб, мазкур уй Эрон ҳукмдори Султон Вайс томонидан Бобил султонидан олинган бир йиллик бож эвазига қурилган ва бино Толебахтхона деб аталган. Темурбекнинг катта ўғли томонидан шаҳардаги кўпгина ҳашаматли уйлар бузиб ташланган бўлса-да, ушбу қошона сақланиб қолган экан.

Табриз шаҳри бой, ҳар куни бу ерда олди-сотди қизгин. Айтишларича, илгари шаҳар аҳолиси кўп бўлиб, ҳозир шаҳардаги хонадонлар сони икки юз мингдан ошса керак. Шаҳар майдонларида бутун ҳолда ёки турли усулларда пиширилган гўшт ва сархил мева-чевалар сотилади.

Шаҳар кўчаларининг бирида қуриган дарахт бўлиб, у қачон барг чиқарса, қўлида хоч ушлаган бир насроний руҳонийси ўз муридлари билан дарахт олдига келиб, аҳолини Исо пайғамбар динига киритишини Худодан сўраркан. Буни дарвиш қиёфасидаги бир мусулмон гапириб берган экан. Аҳоли бундан жуда ҳам хафа, дарахтни кесиб ташламоқчи бўладилар, бироқ дарахтга уч марта болта урган кишининг қўли синади. Бу ҳақда гапирган ва кўпгина нарсаларни башорат қилган ўша мусулмон одам яқинда қазо қилибди. Айтишларича, бу шаҳарга ташриф буюрган Темурбек ўша мусулмонни топиб келтиришни буюради. Мусулмон юқоридаги ривоятни ва бошқа кўпгина нарсаларни унга гапириб беради. Ўша

қуриган дарахт ҳозир ҳам турибди ва унга ҳеч ким яқинлаша олмайди.

Шаҳар кўчалари ва майдонларида кўплаб ҳовуз ва қудуқлар борки, улар олдида, ёзда одамлар сув ичишлари учун мис ҳамда темир косалар қўйилади. Шаҳарга Соҳибқироннинг қариндошларидан – Деррега исмли шаҳзода ҳоким эди. У элчиларни катта ҳурмат ва эҳтиром ила кутиб олди.

Бундан ташқари, кўплаб масжид ва ҳаммомлари бўлган бу шаҳарда элчилар тўққиз кун туриб, жўнашлари олдидан уларга сарой отларидан келтириб беришди. Соҳибқирон иқболига ташриф буюрувчилар учун шу ердан бошлаб, тегишли жойларда салтанатга қарашли отлар тайёрлаб қўйилган, бу отлардан меҳмонлар йўлларда кеча-кундуз фойдаланишлари мумкин. Бу жойда юзта, иккинчи жойда элликта, яна бир жойда икки юзта мана шундай чопқир отлар то шаҳри Самарқандга етиб боргунча шай қилиб қўйилган. Бу шаҳардан ўн кунлик масофада, Бобил қаршисида Бағдод шаҳри жойлашган.

**83-боб.** Йигирманчи июль, жума куни, соат тўққизларда Табриз шаҳридан чиқиб, кечқурун Зайдана деган қасрга етиб келишган элчилар эртаси, шанбада Бухон деган қишлоқдан ўтиб, далада тунаб қолдилар. Якшанба куни эрталаб Сангелана қишлоғидан ҳам ўтиб, туркман қабиласи истиқомат қилувчи Туселар қишлоғида тушлик қилдилар. Бу юрт улар босиб ўтган аввалги мамлакатларга қараганда текисликда жойлашганлиги билан бирга жуда иссиқ ҳам эди. Ҳар бир қишлоқдан таомлар олиб чиқиб, элчиларни меҳмон қилишардики, бу ерларнинг урф-одати шундай экан. Элчилар бирор қишлоққа етиб келишлари биланоқ, отлардан тушиб, далада, соя жойда, улар учун тўшалган гилам устида ўтирар, шундан сўнг хонадонлардан олиб чиқилган таомлар – кимдир нон, бошқаси кўзада қатиқ, яна бири рўзғорида тайёрланган гуруч ёки жўхоридан пиширилган таом дастурхонга қўйилар эди. Булар йўл устида олиб чиқилган таомлар, агарда меҳмонлар қишлоққа тушадиган бўлсалар, кўплаб пиширилган гўшт келтирилди.

Элчилар сафарни кечаси, салқинда давом эттириш мақсадида, қоронғи тушиши билан йўлга отландилар. Чунки кун-

дузлари ҳаво жуда иссиқ, пашша-чивинлар дастидан юришда тоқат қилиб бўлмасди. Катта-катта чивинлар одам ва ҳайвонларни қон чиққунча чақар, уларга ҳатто ҳайвонлар бардош бера олмас, чивин чаққан жойдан шундай қон оқардики, бундан одам ҳайратга тушарди.

**84-боб.** Элчилар, эртаси, душанба куни соат бирларда “ярим йўл” маъносини англатувчи Миана шаҳрига етиб келиб, бу ерда кун бўйи бўлишди, кечқурун ўзларига ажратилган отларга миниб тун бўйи йўлларини давом эттиришди ва сешанба – Авлиё Хуан куни эрталаб катта бир уй олдига етиб келдилар. Бу уй савдогар ва саёҳатчилар учун қурилган карвонсарой бўлиб, элчилар кечки ибодатгача шу ерда дам олдилар. Шу вақт оралиғида Соҳибқироннинг катта ўғли Мироншоҳ юборган чопар келиб, элчилар сафарни тезлаштириб, бу ердан унча узоқ бўлмаган далада, лашкарлари билан турган шоҳ ҳузурига етиб боришларини сўраганлигини айтди.

Элчиларга салтанат отларидан тақдим этилгач, кеч кириши билан улар йўлга чиқарканлар, тонг отиши билан Мироншоҳнинг иккинчи чопари етиб келиб, шоҳ элчилар билан учрашиш ниятида, Султонияга қараб келаётганлигини, шу сабаб элчилар сафарни янада тезлаштиришлари лозимлигини маълум қилди.

Элчилар тунга яқин дарё бўйидаги бино олдига етиб келдилар. Бу ерда ҳам салтанат отлари сақланаркан. Улар шу ерда дам олиб, отларни алмаштириб, йўлга чиқдилар ва тунда, бир вақтлар Эроннинг йирик шаҳарларидан бўлган, кимсасиз Санга шаҳрига етдилар. Иккита баланд тоғ тизмалари оралиғидаги водийда бўй кўрсатиб турган шаҳарнинг деворлари бузиб ташланган, ичкарида уй ва масжидлар бор, кўчаларидаги ариқларда сувлар оқиб ётарди. Санга шаҳри шоҳ Доро тасарруфида бўлиб, у ўз салтанатидаги шаҳарни жуда қадрлар ва кўп вақтини шу ерда ўтказарди. Доро шу шаҳардан Александрга қарши қўшин тортган экан. Шу ерда тунаб қолишни ихтиёр этган элчиларни яхши қабул қилиб олган шаҳар аҳли уларни ширин таом ва мева-чевалар билан меҳмон қилди, эртаси куни махсус тайёрланган салтанат отларига миндириб, кузатиб қўйдилар.

**85-боб.** Олтинчи июнь, пайшанба куни, тушга яқин Султония<sup>1</sup> шаҳарига келиб, Темурбекнинг катта ўғли Мироншоҳ Мирзо шу ерда эканлигини билдилар ва эртаси, жумада Мироншоҳ Мирзонинг ҳузурига йўл олдилар. Бу ерга келган кишилар урф-одатга кўра, совға-саломлар беришлари лозим эди. Шу боис элчилар сархил нарсалар, кўйлақлар, бу ерда қадрланадиган шойи газламалар ва яна баъзи молларни Мироншоҳга олиб келишганди. Улар Мироншоҳ Мирзони катта боғ ичидаги саройда учратдиларки, у элчиларни ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олиб, ўз чодирига таклиф этаркан, элчилардан қиролнинг сиҳат-саломатлигини сўради. Озгина суҳбатдан сўнг, у элчиларни дастурхонга таклиф этиб, ширин таомлар билан сийлади. Шундан сўнг Мироншоҳ Мирзо ҳар бир элчининг елкасига яхши тўнлардан ёпди.

Султония шаҳри текисликда жойлашган, атрофи деворлар билан ўралмаган, лекин шаҳарда баланд девор билан ўралган қаср бор. Қаср деворларида чиройли, ҳар хил гул ва кошинкорлик билан безатилган миноралар, ҳар бир минорала тош отиш қуроли — манжаниқ, яъни палахмон бор эди.

Султония аҳолиси Табриз аҳолисига нисбатан камчиликни ташкил қилса-да, бу ердаги савдо-сотиқ ишлари жуда юқори. Ҳар йили июнь, июль ва август ойларида сон-саноқсиз қарвонлар билан Султонияга ҳисобсиз моллар келтирилади. Ана шу савдо-сотиқ орқасидан мамлакат катта даромад кўради. Ҳар йили бу шаҳарга Кичик Ҳиндистондан кўплаб савдогарлар Сурия ва Александрияга олиб боролмайдиган тансиқ ва хушбўй меваларни, қалампир, мускат ёнғоғи, долчин, ун, мускат бўёғи ва бошқа энг яхши дориворларни Султонияга келтиришар, бундан ташқари, Боку, яъни Каспий денгизи яқинидаги Гилонда ҳар йили кўплаб ишлаб чиқариладиган шойининг катта қисмини шу ерга олиб келардилар. Гилон шойиси Дамашқ, Сурия, Туркия, Кафа ва бошқа мамлакатларга юборилади. Султонияга яна Шамахи заминида тайёрланган шойилардан келтирилар, ҳатто Генуя ва Венеция савдогарлари ҳам шойи сотиб олиш учун, ипак-

---

<sup>1</sup> Султония — Эрон Озарбайжони шаҳарларидан. Ҳалокуийлар давлатининг Табриздан кейинги пойтахти. Аргунхон (1284—1291) ва Кайхотухон (1291—1295) замонида қурилган Абхор билан Занжон ўртасида жойлашган.

нинг кони — Шамахига ташриф буюришарди. Шунга айтиб ўтмоқ лозимки, иқлими ҳаддан зиёд иссиқ Султонияга келган чет эл савдогарларини офтоб урар ва ҳатто қуёш таъсиридан ҳалок бўлишлари ҳам мумкин эди. Айтишларича, офтоб уриши елкани қаттиқ куйдириш билан бирга тўғри юракка таъсир қилар ва одам қайт қилиб ўлар экан. Офтоб урган кишининг ранги сарғайиб, аввалги ҳолига қайта олмас экан.

Бундан ташқари, Кичик Ҳиндистон яқинидаги Шероз ва Есен, Серпидан бу ерга кўплаб шойи газламалар, Хуросондан йигирилган-йигирилмаган иплар, либосга мўлжаллаб тайёрланадиган турли рангдаги ип-газамалари келтирилади.

Хуросон-Туркистон ерларидан Кичик Ҳиндистонга қадар ҳудудни ўз ичига олган жуда улкан мамлакатдан, яъни Шероз ва Хуросон ерларидан, Ормуз шаҳридан Султонияга кўплаб марварид ва дуру гавҳарлар келтирилади. Илгари Кичик Ҳиндистонга қарашли Ормуз шаҳри эндиликда Темурбек қармоғида. Хитойдан Ормузга келиш учун Ғарбий денгиз орқали деярли ўн кун юрилади. Ундан сўнг бир ларёга ўтиб, яна кемада ўн кун юриб, Ормузга етиб келадилар. Денгизда сузувчи кемаларда темир ишлатилмай, улар фақат ёғоч, мих ва арқонлар билан ясалади. Темир ишлатилса, денгизда кўп учрайдиган магнит, яъни оҳанрабога дуч келиб, емирилиб, вайрон бўлиши мумкин. Бу кемаларда марваридлар олиб келадилар. Фақат Хитойда учрайдиган энг яхши ёқут, кўплаб ширинлик ва дориворлар бу ерга келтирилиб, сўнгра дунёнинг бошқа жойларига олиб кетилади. Дунёдаги марвариднинг энг кўпи Хитой денгизидадир. Марваридни тешиб, сайқал бериш учун Ормузга олиб келадилар. Мусулмон ва насроний савдогарлар бу марваридларни тешиб, сайқал берадиган Ормуздан бошқа жой йўқ, дейдилар. Султониядан Ормузгача олти кунлик йўл. Ушбу ғарбий мамлакатда марварид “ясорес” деб аталган чиганоқларда ҳосил бўлади, десалар, Ормуз ва Хитой мамлакатидан келган кишилар, марваридлар денгиз малюскалари чиганоғида ҳосил бўлади, дейдилар. Оппоқ чиганоқларни Султония ва Табризга келтириб, улардан марваридга ўхшаш сирға, узук ва бошқа шунга ўхшаш безак-тақинчоқлар тайёрлайдилар.

Кафа ва Тарабзундан насроний савдогарлар, шунингдек, Туркия ва Бағдоддаги савдогарлар йилнинг айна шу мавсу-

мида моллар харид қилиш учун Султонияга келадилар. Султониянинг текисликда жойлашган жуда катта майдон ва кўчаларида ҳар хил моллар сотилар, бу ерга келган савдогарлар шаҳардаги кўплаб катта уй ва меҳмонхоналарда тўхтайдилар.

**86-боб.** Шаҳар чеккасидан бошланадиган кенг, паст текисликларда аҳоли зич жойлашган. Ўнг томонда, қуп-қуруқ тоғлар ортида Гуржистон мамлакати бор. Баланд тоғлардаги қорлар ҳеч қачон эримайди. Чап томонда ҳам худди шу каби тоғ бўлиб, ҳавоси жуда иссиқ. Унинг ортида, Гилон ерларида Боку<sup>1</sup> денгизи мавжланади. Султониядан ушбу денгизгача олти кунлик йўл. Боку денгизидаги айрим ороллардан олмос оладилар. Лимон ва апельсин дарахтларига бой Гилон ерлари жуда иссиқ, ҳеч қачон қор тушмайди.

Кўплаб мамлакатлар билан савдо-сотик олиб борганлиги учун, Султония подшоси катта даромад олади. Султония ва Табриз шаҳарлари, умуман Эрон подшолиги Темурбекнинг тўнғич ўғли Мироншоҳ Мирзога қарашли эди, лекин у бу ерлардан маҳрум. Бунинг сабаби эса қуйидагича:

Мироншоҳ Мирзо бу ерларнинг ҳокими, отаси томондан берилган кўплаб қўшин ва баҳодирларга эга эди. Аммо у Табризга келгач, ғалати бир одат чиқарди. Барча уйлар, масжидлар ва бошқа биноларни бузиб ташлашни буюрди. Табриздан Султонияга келиб ҳам шу ишини такрорлади. Шаҳардаги қасрга кириб, отасининг шу ерда сақланаётган хазинасидан анча қисмини баҳодир ва аъёнларига бўлиб берди. Шаҳардан ташқарида, лашкарбоши томондан қурилган ва унинг ўзи ҳам шу ерга дафн этилган катта уйни ҳам буздириб, лашкарбошининг жасадини қабрдан чиқариб ташлашга фармон берди. Баъзи бировлар Мироншоҳ Мирзо бу ишларни жиннилиги туфайли амалга оширган деса, яна бировлар, Мироншоҳ Мирзо ўзига ўзи: “Мен жаҳонда энг улуғ инсоннинг фарзандиман, бу шаҳарларда ўлимимдан кейин ҳам ном қолдирадиган қандайдир ишларни амалга оширмоғим керак”, дегани учун ҳам шундай қилмоқда, деб айтардилар.

---

<sup>1</sup> Каспий денгизи.



Кейин у ном қолдирадиган ҳар хил усуллар ҳақида ўйлаб-ўйлаб, охири дунёдаги барча ишлардан афзалроқ бошқа иш қилиш мумкин эмаслигини англаб етади ва одамлар ўлимидан кейин уни эслашлари учун, шу ердаги биноларни бузиб ташлашга буйруқ беради. Бундан хабар топган Темурбек Самарқанддан Мироншоҳ Мирзо ҳузурига йўл олади. Отасининг келатганини эшитган ўғил “Бир қошиқ қонимдан кечинг!” деб афв сўраб, отани кутиб олиш учун пешвоз чиқади. Отаси уни қатл этмоқчи бўлганда, қариндош ва амалдорлар унинг гуноҳидан ўтишни сўраб, жон куйдириб ҳаракат қилгач, Мироншоҳ Мирзони салтанатдан маҳрум этиш шарти билан Темурбек ўғлининг гуноҳидан ўтади ва унинг ихтиёридаги ерларни ҳамда қўшинни олиб, Мироншоҳ Мирзонинг ўғли, Абубакр Мирзони ҳузурига чақириб: “Отанг гуноҳкор бўлиб қолганлиги сабабли, унинг салтанати ва мулкани сенга тақдим этман”, дейди. Бунга жавобан набираси: “Отанинг салтанатини эгаллашдан худо асрасин, яхшиси отамни кечириб, мол-мулкани унинг ўзига қайтариб беринг”, деб эътироз билдиради.

Шундан кейин Темурбек ҳокимиятни Мироншоҳ Мирзонинг бошқа ўғли – Умар Мирзога тақлиф этганда, у отасининг салтанат ва қўшинини қабул қилиб олади. Ҳокимиятга эга бўлган ўғил, кейинчалик отаси ва акаси билан шунчалик зиддиятга борадики, ҳатто уларни ўлдирмоқчи ҳам бўлади. Бу ҳақда бир оз кейинроқ сўз юритамиз.

Шундан кейин Темурбек Бобил султонлиги ерларидан Бобил, Алеппо ва Бағдод шаҳарларини забт этиб, бу юртларни отасининг салтанатини олишдан бош тортган набирасига тақдим этади. Кейинчалик Мироншоҳ Мирзо ўғли Абубакр Мирзо билан ушбу вилоятларда яшай бошлайди.

Мироншоҳ Мирзо юқоридагидай васвасаларга тушган пайтларда, узоқ йўл босиб, Темурбек ҳузурига етиб келган ва воқеани отасига гапириб берганда, хотини Хонзодабегим ўз эрини Темурбекка қарши исён кўтармоқчи эканлигини ҳам айтади. Оқибатда Темурбек Мироншоҳ Мирзодан ҳокимиятни тортиб олди. Хонзодабегим эса эри ҳузурига бормай, ҳурмат-эҳтиром ила Темурбек саройида яшаб келмоқда. Мироншоҳ Мирзонинг Хонзодабегимдан Халил Султон деган ўғли бор. Мироншоҳ Мирзо қирқ ёшлардаги, тўладан келган, баланд бўйли, оёқ оғриғига чалинган киши эди.

Элчилар Султония шаҳрида уч кун турдилар.

**87-боб.** Элчилар йигирма тўққизинчи июнь, якшанбада шоҳ томонидан ажратилган махсус отларда Султониядан жўнаб, кечқурун Коенгола деб аталган қишлоққа келиб тунадилар. Эртаси куни, тушда Абхор қишлоғига бирров қўниб, яна йўлни давом эттириб, кечаси серсув ва боғ-роғларга бой Секизана қишлоғига кириб келдилар. Эртаси, чоршанбада, бундан бир неча кун илгари эгаси ташлаб кетган қасрда тунадилар. Айтишларича, бир ой илгари шоҳ бу ерда бўлиб, на буғдой, на жавдар, ҳатто чорва учун ўт ҳам бўлмагани учун, экилган майсаларни едиринглар, деб буйруқ берган. Қўшин шоҳ буйруғига биноан ҳамма нарсани талон-тарож қилгани сабабли аҳоли бу ердан кетиб қолган. Бу ерда фақат йўловчилар учун ажратилган элликта отни боқиб юрган кишиларни учратиш мумкин эди.

Элчилар Султониядан бу ергача бўлган масофада, салтанат отлари қўйилмаган иккита жойни учратдилар, холос. Учинчи июль, пайшанба куни, элчилар сафар отлари билан таъминланди ва улар Шаҳаркон шаҳарига етиб келдилар. Уларга жуда яхши бино ажратилди ва ҳамма керакли нарсалар билан таъминланди. Элчилар ўз қароргоҳларида ўтирганда, Босимбек исмли лашкарбошидан хабар келди. Қирол элчиларини иззат-икром билан қабул қилиш унга топширилганлигини, уларга тайинлайдиган гаплари борлигини билдириб, элчиларни ҳузурига чорлаган эди.

Элчилар пайшанба, жума ва шанба кунлари шу шаҳарда туришди.

**88-боб.** Шанба куни отлар билан таъминланган элчилар кеч кириши билан бу ердан чиқдилар, олтинчи июль, якшанба куни тушга яқин Техрон<sup>1</sup> шаҳрига етиб келиб, Босимбекни шу ерда учратдилар. Босимбек элчиларни жуда яхши кутиб олди ва шоҳ ташриф буюрганда истиқомат қиладиган шаҳардаги энг яхши бинога жойлаштирди. Эртаси куни киши юбориб, меҳмонларни ҳузурига таклиф этди. Элчилар уни уйига яқинлашганларида ўзи кутиб олди ва ичкарига бошлаб, сулада ўз ёнига ўтиргизди. Шундан сўнг у ҳозиргина етиб келган, Темурбекка совғалар олиб бораётган, Бобил

---

<sup>1</sup> Эрон пойтахти.

султони элчиларига ҳам киши юборди. Босимбек элчиларни ҳар хил таомлар, шунингдек, пиширилган от калласи, қовурилган от гўшти билан зиёфат қилди. Зиёфатдан сўнг, “эр-тага жўнашларингиз мумкин”, деди. Шунингдек, Босимбек Соҳибқироннинг куёви билан бирга эътиборли Мирзонинг ҳузурига ташриф буюришларини ҳам маслаҳат берди ва Соҳибқироннинг топшириғи шундай, деб қўшимча қилди.

Элчиларнинг жўнаш олдидан Босимбек Руи Гонсалесга кимхоб тўн, салла тақдим этиб: “Буни Темурбекнинг қиролга дўстлиги рамзи сифатида қабул қилишингизни сўрайман”, деди.

Техрон атрофи девор билан ўралмаган, ҳамма нарса мўлкўл, ажойиб шаҳар. Аммо жазирама иссиқ ёмон таассурот қолдирди. Шаҳар жойлашган ерни Рей деб атайдилар. Бу кенг ва бой вилоятга элчилар ҳузурига ташриф буюриши лозим бўлган Темурбекнинг куёви ҳокимлик қиларди. Султониядан Техронгача бўлган ҳудуд аҳоли яшайдиган текис ва жазирама иссиқ ерлар экан.

Эртаси, сешанба куни кечқурун бу ердан икки лига масофадан кейин, ўнг томонда, умуман бузиб ташланган улкан шаҳар харобалари кўринди. Бир неча минора ва масжидларгина бутун қолган, ҳозирда кимсасиз Рей илгари мамлакатда йирик шаҳар ҳисобланган. Чоршанбада элчилар бир қишлоққа келиб, сўнг тоғда яшовчи ҳоким ҳузурига бориш учун қишлоқдан чиқиб, далада тунадилар.

**89-боб.** Элчилар, эртаси, ўнинчи июль, пайшанба тушлик ибодат маҳалида бир неча отлиқларга дуч келиб, улардан ҳоким ўз ўрдасида эканини, ўзларини Бобил султони элчилари билан кутиб туришганини, кейин улар билан бирга ҳоким ҳузурига ташриф буюришларини билиб олдилар.

Элчилар султон элчиларини кутиб, Қоҳира элчилари етиб келишгач, элчиларнинг ҳар бири ўз гуруҳи билан йўлга тушди. Улар ҳоким ўрдасига яқин жойда қолиб, унинг буйруғини кутдилар. Орадан бир оз вақт ўтгач, ҳоким чопар юбориб, уларни таклиф қилди. Чодир олдидаги катта шийпонда ўтирган ҳоким уларни ҳурмат билан кутиб олди ва тезда дастурхон тузашни буюрди. Ҳоким эртаси куни ҳам бирга овқатланишга таклиф этди ва уларни ўз чодирларига кузатиб қўйишни буюрди. Элчилар ўз чодирларига киришгач, уларга ҳар

хил таомлар, нон ва ун, тирик қўй келтириб беришди. Меҳмонлар эртаси куни, ҳоким таклиф этганидек, базмга ташриф буюришди. Базм дастурхонига турли таомлар, қовурилган от гўшти, пиширилган от буйраги, ҳар хил ширинликлар қўйилган, базмда кўпгина одам иштирок этди.

Зиёфат тугагач, ҳоким элчиларга қарата: “Соҳибқирон фармойишига асосан совғалар кўрилиб, элчилар олдин саройга юборилиши кераклиги” ни айтди. Ҳоким совғаларни кўргач, уларни от ва туяларга юклаб, Соҳибқирон турган жойга жўнатишни, кейин эса элчиларни отлар билан таъминлашни буюрди.

Элчиларга тўн ёпилди. Руи Гонсалесга қўшимча ҳарбий кийим ва телпак ҳамда бу ернинг одатига кўра, катта совға ҳисобланган эгар-жабдуқлари билан бирга йўрға от тақдим этилди.

Ҳокимнинг исми Фуломшоҳ Мирзо бўлиб, Соҳибқироннинг яқин одамларидан эди. У элчиларни икки тоғ оралигидан оқиб ўтадиган дарё бўйидаги майсазорда кутиб олди. Йилнинг ушбу фаслида бу ерлар жудаям гўзал кўриниш касб этар, бу ердаги тоғ Кар деб аталар, тоғ этагидаги ўрдада уч мингга яқин чодирлар тикилган. Темурбекнинг қизига уйланган ҳокимнинг олдида бир оз бетоб бўлган, Темурбекнинг набираси Султон Халил Мирзо ҳам бор эди.

Султон Халил Мирзо, элчилар Соҳибқиронга совға сифатида олиб келган лочинлардан бирини унга беришларини сўраб, “бобом мен олиб қолганимни эшитса хафа бўлмайди”, деб Фуломшоҳ Мирзога қаради. Фуломшоҳ Мирзо “Соҳибқирон бундан, албатта хурсанд бўлади”, деб лочинлардан бирини унга ҳадя этди. Элчилар улуғ подшоҳга олиб бораётган совғаларимизни олишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ, деб эътироз билдирди. Шунда улар, Султон Халил Мирзо саройнинг довурак шаҳзодаларидан бири эканлиги, ҳозирда бетоблиги, шу сабабли Соҳибқирон хафа бўлмаслигини билиб, лочинлардан бирини сўраганликларини айтдилар. Шунингдек, Соҳибқироннинг ушбу набираси туркларга қарши жангда Темурбекнинг шахсий соқчиларига бошчилик қилган. Жанг кетаётган пайтда Соҳибқирон шахсий соқчиларидан баъзи бирларини жангга киришга ундаганда, Султон Халил Мирзо Соҳибқиронга “шундай қалтис кунда сиз мени

яроқсиз, деб четлатяпсизми, мен ҳам жангга кираман!” дейди. Соҳибқирон бунга жавобан сукут сақлайди. Султон Халил Мирзо эса бошидаги дубулғасини ечиб отади ва шу куни бошланг жангга киради.

**90-боб.** Ўн иккинчи июль, шанба куни элчилардан Руи Гонсалесдан бошқа яна икки элчи — магистр Фра Альфонсо ва Гомес де Салазар бетоб эдилар. Элчиларнинг одамларидан баъзилари ҳам бетоб. Ҳоким узоқ сафарда ўлиб қолмасликлари учун бетоб кишиларни шу ерда қолдиришни маслаҳат берди. Элчилар етти кишини қолдирдилар. Руи Гонсалес ихтиёрида иккита, магистр ва Гомес ихтиёрларида биттадан хизматкор қолди. Беморларни Техрон шаҳрига қайтариб юбориб, қайтгунларича ўша ерда кутишларини тайинладилар. Бироқ қолдирилаётган беморлардан икки киши шу ернинг ўзида вафот этди.

Элчилар бу ердан чиқиб, кечга яқин бир дарё бўйида тунадилар, эртаси йўлга тушиб, кун бўйи юрганларидан сўнг, кечқурун бошқа бир дарё ёқасидаги сайҳонликда тунни қаршиладилар.

Ўн тўртинчи июль, душанба тушга яқин Ферузқўҳ деб аталган қасрга келиб, Темурбек бундан ўн икки кун аввал бу ерда бўлиб, кейин Самарқандга жўнаб кетганидан воқиф бўлдилар. Соҳибқирон элчиларни шошириб, Самарқандда учрашиш учун тезроқ йўлга тушсинлар, деб тайинлаб кетган экан.

Самарқанд Темурбек забт этган шаҳарлардан биринчиси, у шаҳарнинг нуфузини янада юқори кўтарди ва ўзининг хазиначисини шу ерда сақлаб келмоқда. Элчилар бу ерга келишларидан ўн беш кун олдин Темурбек Ферузқўҳ қасрини забт этган экан. Бунинг сабаби, қаср эгаси Соҳибқироннинг яқин одамларидан бўлиб, Соҳибқирон мазкур қаср ва унинг атрофидаги ерларни шу одамга тақдим этган экан. Кейинчалик ушбу ҳокимдан ғазабланган Соҳибқирон уни тутиб, Самарқандга олиб боришни буюради. Ҳокимни олиб бораётган ясовул қасрга етиб келганда, шаҳар аҳолиси чиқиб, уни ажратиб, қасрга олиб кириб кетади. Бундан огоҳ бўлган Соҳибқирон қасрга қўшин тортиб, уни ўттиз кун қамал қилади. Шаҳар аҳолиси қасрни ҳимоя қилолмагач, таслим бўлади. Вазиятдан фойдаланган ҳоким кечаси бу ердан қочади.

Қаср шунчалик мустақкам қурилганки, агар аҳоли таслим бўлмаганда, қасрга кириб бўлмасди. Чунки қаср пастте-кислик ўртасидаги қоя устига қурилган, тоғлар билан боғланмаган. Унинг орқасида эса шаҳар бор. Деворнинг тепасида, ундан баландроқда орқама-кетин иккита минора, девор билан ўралган мустақкам қаср қад ростлаб турибди.

Шундай қилиб, бу ерда устма-уст жойлашган учта қалъа, шаҳар ичкарасидан эса атрофни таъминлайдиган сув бор. Мазкур қаср жойлашган қоя дарё билан ўралган. Шаҳар дарвозалари ёнида осма кўприк, кўприк остидан дарё оқиб ўтади.

Ўн бешинчи июль, сешанба, чоршанба куни элчилар далада тунадилар. Чунки икки кун давомида йўлда аҳоли яшайдиган жой учрамади. Улар ўнқир-чўнқир ва жуда иссиқ тоғ йўлларида юрарканлар, йўлларда сув жуда кам эди. Пайшанба куни дарё бўйида жойланган шаҳардаги кимсасиз қаср олдига етиб келдилар.

**91-боб.** Ўн еттинчи июль, пайшанба куни кечаси текисликка жойлашган, атрофи тупроқ қалъа билан ўралган, бир четиде қаср қад кўтарган, Эрон пойтахти Мидия вилоятига қарашли Дамгон деб аталувчи қасрга етиб келдилар. Шу куни қаттиқ гармсел шамол туриб, ҳаво жуда исиб кетдики, иссиқ шамол худди дўзахдан чиқаётган оловдек эди. Элчилар олиб бораётган овчи лочинлардан бири ўлди.

Шаҳардан ташқарида, узилган ўқ узоқлигича масофада, осмонга отилган тош баландлигидаги икки минора қурилган. Ушбу минора ёнида яна иккита бузилган минора ҳам бор. Булар Туркия билан Сурия оралигидаги ерларда яшаган Оқ татарларга<sup>1</sup> қарашли эди.

Темурбек Сабстрияни эгаллаб, Дамашққа қараб юриш қиларкан, йўлда оқ татарлар билан жанг қилиб, уларни енгади. Кейин уларнинг бир қанчасини асир олиб, доимий яшашлари учун, аҳолиси сийрак Дамгон ерларига жўнатади. Шундан сўнг оқ татарлар бошқа жойдаги қабиладошлари билан бирлашган, аввалгидай далама-дала юриб, ҳаёт кечи-

---

<sup>1</sup> Оқ татарлар — XIII асрда европаликлар мўғул босқинчиларини шундай деб айтишган.

ра бошлаган. Охир-оқибат ўз ерларига қайтиш ниятида йўлда учраган ҳамма нарсаларни талаб, вайрон қилиб боришган. Оқ татарлар Дамгон шахрига яқинлашганларида етиб келган Темурбек, уларни енгади. Кейин кимда-ким оқ татарларни асир олса, дарҳол ўлдиришни буюради. Бундай фармойишдан кейин лашкарлар қўлга тушган ҳамма оқ татарларни ўлдирдилар.

Хуллас, оқ татарларнинг гапига қараганда, олти юз мингдан кўпроқ киши ўлдирилган. Шаҳарликлар кечаси миноралар тепасидан шамга ўхшаш ёруғлик чиқиб туришини айтдилар. Эртаси, жума куни кечгача элчилар шу ерда бўлиб, кечаси салтанат отларида йўлга тушиб, шанба куни тонгда бир қишлоққа етиб келдилар. Ҳаво жуда иссиқ бўлгани учун шу ерда дам олиб, кечаси яна йўлга чиқдилар.

**92-боб.** Йигирманчи июль, якшанба куни, соат бирларда Бостан деган катта шаҳарга етиб келган элчиларни кутиб олиш учун шоҳ томонидан юборилган Еннакор исмли ясовул пешвоз чиқди ва элчиларни уй-жой билан таъминлаб, ичишлари учун шароб келтиришни буюрди. Элчилар бетоб бўлганликлари туфайли, уларни базмга таклиф этмади ва турган жойларига қўлаб таом ва мева-чевалар юборди. Меҳмонлар овқатлангач, ясовул киши юбориб, саройга, подшоҳга ҳурмат юзасидан ташриф буюришларини сўради ҳамда меҳмонларга шоҳона тўнлар тақдим этилишини ҳам билдирди. Меҳмонлар ҳолдан тойганликларини айтиб, узр сўрадилар. Шундан кейин ясовул, иккинчи бор киши юбориб, уйига таклиф этди. Бу сафарги таклифни ерда қолдирмаслик учун магистр Фра Альфонсо боришга мажбур бўлди. Унга иккита шоҳона тўн тақдим этдилар. Бундай кийимлар уларда одат бўйича, агар шоҳ номидан тақдим этилса, базмдан сўнг топширилар, ҳаля олган киши шоҳ шарафига тиззасини уч бор букиб таъзим қилар экан. Базм тугагач, ясовул элчилар ва уларнинг одамларига салтанат отларини юбориб, озгина дам олган бўлсалар, сафарни давом эттиришларини ҳамда Соҳибқирон топшириғига биноан дарҳол йўлга тушишлари ва унинг иқболига етиб олишлари зарурлигини айтди. Элчилар ҳозир йўлга туша олмасликларини, бир оз дам олишлари учун икки кун муҳлат беришларини сўрадилар. Ясовул эса

бир дақиқа ҳам қолишлари мумкин эмаслиги, агарда Соҳибқирон элчиларнинг бу ерда туриб қолганларини эшитиб қолса, ўзи жавобгар бўлишини маълум қилди. Шу аҳволда сафарга чиқиш оғир бўлса-да, жўнашлари шарт эди. Ясовул от устига, эгар ёнига тўртбурчак тахта ўрнатиб, ўртасига ёстиқ қўйиб беришни йигитларига буюрди. Элчилар кўкраklarини ёстиққа қўйган ҳолда йўлга тушдилар ва шу тарзда бир кеча-кундуз йўл босиб, кечқурун кимсасиз қишлоқ даласида тунни қаршиладилар.

**93-боб.** Эртаси куни, душанбада, йўл чеккасида, атрофда умуман уйлар йўқлиги ҳисобига, атайин йўловчилар учун қурилган катта саройда тунаган элчилар икки кунлик йўл давомида иссиқ ва сув етишмаслигидан анча қийналдилар. Саройдаги сув бундан бир кунлик йўл наридаги анҳордан олиб келинар экан.

Эртаси, йигирма иккинчи июль, сешанба куни ҳеч нарса ўсмайдиган, қуп-қуруқ тоғ этагидаги текисликка жойлашган, тоғдан сув қувурлари ўтказилган, ўртасида сунъий тупроқ уюмидан бўлган тепалиқда, атрофи ўралмаган қасри бор Хогоса деган шаҳарда тунашга тўхтаган элчилар ҳавонинг жуда иссиқлигидан азият чекдилар. Ўтган йили баҳорда, тоғдан сув кўп келиб, шаҳардаги қасрнинг катта қисмини бузиб кетган, шунингдек, экинзорларга ҳам зиён етказган экан. Шунинг учун йўллар теп-текис, мамлакат жуда иссиқ, нотекис ва кам сув.

Элчилар шаҳарга келишлари биланоқ, уларга дарров овқат келтириб, сўнг йўлни давом эттириш учун эгарланган отларни ҳозирладилар. Йўлга чиққан элчиларга Соҳибқирон юборган ясовул ҳам ҳамроҳ бўлди. Ясовул меҳмонларга ҳурмат кўрсатиб, уларни йўл давомида таом ва зарур нарсалар билан таъминлаб турди. Ундан ташқари, элчилар сафарни тезлаштиришлари учун, ҳар куни отларини алмаштириб берди. Чунки Соҳибқироннинг фармойиши билан Самарқанд шаҳрига етиб боргунча ҳар кунлик йўл охирида бир жойда юз, яна бир жойда икки юз от тайёрлаб қўйилган. Соҳибқирон бирор жойга жўнатган ёки ўз ҳузурига келаётган меҳмонлар бўлса, мана шу отлар кечаю кундуз тез суръатда йўл босишлари лозим. Бундай отлар аҳоли яшайдиган жойларда ҳам, кимсасиз чўлларда ҳам шай қилиб қўйилган. Кимсасиз



жойларда работлар қурилган бўлиб, яқин шаҳар ва қалъалар аҳолиси бу работларни сув ва озиқ-овқат билан таъминлаб туриши шарт қилиб белгиланган. Бу ердаги отларни боқувчи отбоқарлар ҳам тайинланган. Шундай қилиб, Соҳибқирон олдига келаётган элчи ёки хабар олиб келаётган чопар бу ерга келса, отбоқарлар унинг отини тезда алиштириб беришади. Кейин отбоқарлардан бири ўша киши борадиган кейинги манзилгача, унга қўшилиб боради. Янги манзилга етганларидан сўнг, отбоқар отларни олиб, орқага қайтади. Йўловчиларни эса бошқа отбоқарлар ўз отлари билан олиб кетадилар. Агарда салтанат отларидан бирортаси йўлда чарчаса, йўлда учраган ҳар қандай кишининг отини олиб, алмаштириб кетаверадилар. Йўлда кетаётган оддий киши ёки ҳоким, савдогар ёки элчи, умуман ким бўлишидан қатъи назар, Соҳибқирон ҳузурига бораётган ёки унга хабар олиб бораётган кишининг биринчи талаби билан дарров отини унга бериши лозим. Мабодо талаби бажарилмаса, бош тортган киши қаттиқ жазоланади. Соҳибқироннинг амри шундай эди. Бундай вазиятларда, ҳатто қўшин отларидан ҳам олар эдилар. Элчилар ўзлари ва одамлари учун кўп мартаба қўшин отларидан олишди.

Айтишларича, Соҳибқирон ҳузурига бораётган кишилар зарур бўлганда, ҳатто шаҳзода ёки шоҳ хотинининг отини олишга ҳам ҳаққи бор экан. Кейин уларга Соҳибқирон ҳузурига бораётган бир киши Соҳибқироннинг ўғлини отдан тушишга мажбур этганлиги ҳақидаги воқеани гапириб бердилар.

Фақатгина элчилар юрган йўл эмас, балки Соҳибқиронга қарашли барча ерлар ана шундай алоқа воситаси билан таъминланган ва шу тарзда Соҳибқирон ўзига қарашли ерларнинг барча нуқтасидан, жуда тез суръатда хабар олиб туради. Соҳибқирон ҳузурига келаётган киши эллик лига масофани уч кунда эмас, балки бир кунда босиб ўтаётиб, иккита отни ишдан чиқарса, бундай киши Соҳибқиронга катта хизмат кўрсатган, Соҳибқирон эса бундан мамнун бўларди.

Соҳибқирон Самарқандда шундай масофа ўлчовини жорий этганки, унинг бир лигаси ҳажм жиҳатидан қарийб одатдаги икки лигага тенг келади. Масофадан-масофагача устунлар қўйилган, шоҳ фармойишига биноан унинг одамлари ҳар куни ўн-ўн икки лига масофани босиб ўтишлари керак. Ҳар бир масофадан кейин қўйилган устунлар ва улар ора-

лиги ҳисобида Соҳибқирон томонидан жорий этилган масофа ўлчови, “махалес”, яъни тош деб аталади. Бундай ўлчов бирлиги Мўғулистон ерларида қўлланар экан. Элчилар бу ерлардан ўтганда кўрган устунлар ва улар оралигидаги масофа Кастилиянинг икки лигасига тўғри келади.

Бир кеча-кундузда қанчадан-қанча масофани босиб ўтганлигини ўз кўзи билан кўрмаган кишининг бунга ишониши қийин. Чопарлар отнинг охирига нафасигача тинимсиз чоптириб, Соҳибқирон тайин этган масофадан ҳам ошириб, ўн беш, йигирма лига йўлни босиб ўтадилар ва отларни раҳмсизлик билан ҳолдан тойдириб, нобуд қиладилар. Ўлайин деб турган отни сўйиб, гўштини халққа сотадилар. Шунга қарамай, аҳоли яшамайдиган йўлларда кўплаб сафар отларини ўлиб ётганини кўриш мумкин.

Мазкур шаҳарга келган элчилар яна зудлик билан йўлга чиқиб, кеча-ю кундуз иложи борица ҳаракат қилишди. Кечаси бўлишига қарамасдан, ҳаво иссиқ, баданни куйдирадиган гармсел шамол эсарди. Касал бўлиб ётган Гомес де Салазар шу кунни ўлишига сал қолди. Улар кун бўйи сув кўрмай, фақат отларига ем бериш учун йўлларда тўхтадилар, холос.

**94-боб.** Чоршанба, кун бўйи йўл босган элчилар йўлда бирорта уйга дуч келмадилар. Кечаси масжидлару кошона уйлари салобат тўкиб турган, катта қисмида аҳоли яшамайдиган Забрахин деган катта шаҳарга етиб келдилар ва отларини янгилаб, яна кечаси билан юрдилар. Эртаси, жума кунни туш пайтида кимсасиз қишлоққа келган элчиларга бу ерда ярим лига узоқликдаги қишлоқдан гўшт ва бошқа егуликлар келтириб беришди. Улар кечки ибодат маҳалида бу ердан чиқиб, теп-текис йўлдан тун бўйи юрдилар.

**95-боб.** Йигирма олтинчи июль, шанба кунни Нишопур шаҳрига бир лига масофа қолганда, катта текисликдан ўтдиларки, бу ерда кўплаб боғлар бўлиб, қувурларда сув ўтказилган. Кенг майдонда тўрт юзга яқин қора матодан тикилган чодирларда Алаварлар<sup>1</sup> қабиласи яшар, уларнинг кўплаб қора моллари, қўйлари, шу билан бирга йигирма мингга яқин туялари бор экан.

---

<sup>1</sup> Алаварлар — Ўрта аср давридаги курд миллатига мансуб кишилар.

Алаварлар чорвалари билан бутун мамлакат бўйлаб кўчиб юрар, бу чорвани Соҳибқирон яйловларида боққани учун ҳар йили бож ўрнида уч минг туя, ўн беш минг кўй берадилар. Элчилар бу ерга етиб келганларида, кўчманчилар оқсоқоли уларни жуда яхши кутиб, чодирга бошлади ва сут, қаймоқ, нон билан сийлади. Сўнгра меҳмонлар бу ердан тўғри шаҳарга кириб келдилар. Сафарни давом эттиришга ҳоли қолмаган, оғир бетоб Гомес де Салазарни бир қишлоқда қолдириб, ўзлари йўлни давом эттирдилар.

Нишопур текисликда жойлашган, атрофида кўплаб боғ ва чиройли уйлар бор. Элчиларни ана шу уйларнинг бирига жойлаштирдилар. Шаҳар оқсоқоллари меҳмонлар ҳузурига ташриф буюриб, ўз хизматкорларига кўплаб гўшт, мевачева ва бу ернинг жуда яхши ва катта қовунларидан, шунингдек, кўплаб идишларда шароб келтиришни тайинладилар. Овқатланиб бўлишгач, элчиларга кимхоб тўн ёпдилар. Чунки Соҳибқирон ҳар бир шаҳарга етиб келган элчига тўн ёки от совға қилишни тайинлаган эди.

Нишопурга беш лига масофа қолганида, Соҳибқирон томонидан элчилар ҳузурига юборилган ясовулни учратдилар. У Соҳибқирон қўшинида аскарлар бошлиғи бўлиб хизмат қилувчи Мелиалиёр исмли киши бўлиб, Соҳибқирон уни элчиларга иззат-икром кўрсатиш ва ҳамма зарур нарсалар билан таъминлаш учун юборган эди. Гомес де Салазарнинг орқада қолганини эшитган ясовул, унинг олдига қайтиб бориб, оғир бетоб ҳолатда учратди. Ясовул кечаси замбил ясатиб, унга Гомесни ётқизди, одамлар елкасида навбатма-навбат кўтариб, Нишопурга етказди ва яхши бинога жойлаштириб, табибларни олиб келди. Табиб қанчалар ўткир бўлмасин, Аллоҳнинг иродаси экан, Гомес шу ерда жон берди.

Ҳамма нарсага бой, қудратли ва йирик шаҳар Нишопур Мидия пойтахти, бу ерда бошқа жойларга қараганда энг сифатли феруза етиштирилади. Булар ферузани маълум бир жойдан, ер остидан ҳамда шаҳар ёнидаги оқиб турувчи дарёдан оладилар. Шаҳар атрофидаги ерлар унумдор ва аҳолиси жуда зич жойлашган. Шу жойда Мидия ерлари тугаб, Хуросон<sup>1</sup> подшоҳлигининг ерлари бошланади.

---

<sup>1</sup> Хуросон — Бадахшон тоғларидан Дашти кабиргача ва Қорақумдан Ҳиндукуш тоғларигача бўлган ерларни ўз ичига олган мамлакат. Ҳозирги Ҳамадон шаҳри.

**96-боб.** Йигирма еттинчи июль, якшанба куни, элчилар бу ердан йўлга чиқиб, бир шаҳар яқинидаги далада, эртаси, душанба куни эса аҳолисининг ярмидан кўпроғи шоҳ қўшинидан қўриб, кетиб қолган Ферриор шаҳарида тунадилар. Ўн икки кун илгари шоҳ қўшини ўтиб, шаҳарга анча талафот етказган экан. Ерлар текисликдан иборат, ҳавоси жуда иссиқ мазкур шаҳар боёнлари элчиларга кимхоб тўнлар совға қилишди. Сешанбада меҳмонлар йирик Хозигур деган шаҳарда тунаб, ўттизинчи июль, чоршанба куни Обажан шаҳарида овқатланиш учун тўхтаганларида, бу ердагилар уларни катта иззат-иқром билан кутиб, кўплаб гўшт ва зарур ашёлар инъом этдилар ва шоҳона тўнлар ёпдилар.

Элчилар шаҳардаликларида Темурбекнинг ўғли Шоҳрух Мирзонинг чопари келиб, уларни Ҳирот шаҳрига таклиф этди. Ҳирот шаҳри йўлнинг ўнг томонида, ўттиз милча четда, ҳинд ерларига туташ жойда экан. Шоҳрух Мирзо меҳмонларни ҳурмат-эҳтиром ила кутиб, уларни йўлда керак бўладиган барча зарур ашёлар билан таъминлашга ваъда бергани учун элчилар ўзларини бошлаб бораётган ясовул билан маслаҳатлашиб, Соҳибқирон фармойишига биноан сафарни мумкин қадар тезлатишлари зарурлигини айтиб, Хуросон ерларининг подшоҳи Шоҳрух Мирзодан узр сўрадилар. Шундан кейин Машҳад шаҳрига етиб келган элчилар бу ерда Муҳаммад (а.с.) нинг набираси, яъни қизининг ўғли дафн этилганини билдилар. Айтишларича, бу шахс авлиё, катта масжиддаги кумушдан сайқал бериб ишланган қабрда дафн этилган. Машҳад шиалар учун зиёратгоҳ шаҳар ҳисобланиб, ҳар йили бу ерга жуда кўп зиёратчилар келар ва улар ўз юртларига қайтгач, одамлар уларни зиёрат қилиб, кийимларини тавоф қиларканлар. Кейинчалик элчилар Пайғамбар набираси дафн этилган масжидда бўлганликларини одамларга айтганларида, одамлар уларнинг кийимларини ўпиб, кўзларига суртдилар.

Аслида шаҳарга мамлакат султони Муҳаммад (а.с.) пайғамбарнинг набираси исми шарафига Хуросон деб ном берилган ва бу ерлар эркин мамлакат ҳисобланиб, аҳолиси форс тилида сўзлашади. Элчилар, июлнинг охириги куни, пайшанбада Хуросон ерларига қарашли, об-ҳавоси жуда тоза, Султониядан шу ергача бўлган шаҳарлар ичида аҳолиси яхши

жойлашган Абдулобод деган катта шаҳарга келдилар ва шаҳар ҳокими топшириғи билан отларига ем ва сафарни давом эттиришлари учун озиқ-овқат тайёрлангунича шу ерда бўлдилар. Тез орада эллик лига масофага чўзилган саҳрони босиб ўтиш учун элчиларни янги отлар ва озиқ-овқат билан таъминладилар. Кеч кириши билан йўлга отланган элчилар тун бўйи, эртаси, жумада ҳам куну тун юриб, йўлда ҳеч бир турар-жой учратмадилар.

**97-боб.** Иккинчи август, шанба куни элчилар экинзор ерлардан иборат, ўртасидан дарё оқиб ўтадиган, дарё соҳилида Соҳибқирон қўшинига қарашли чиғатойларнинг чодирлари тикилган водийга келдилар. Чиғатойларнинг кўглаб от ва туялари, қўй-қўзилари ҳамда қорамоллари бўлиб, улар бу молларни серсув яйловларда боқардилар. Бу ерда шоҳ томонидан юборилган Амир Мисроб исмли ясовул элчиларни илтифот билан кутиб, зарур нарсалар билан таъминлаш ва кузатиб қўйиш учун Соҳибқирон томонидан юборилганини айтди. Аввалги ясовул ихтиёридан чиққан элчилар Амир Мисроб қарамоғига ўтдилар. Олдинги ясовул одамларига озиқ-овқат, отларига ем-хашак ундириш мақсадида, сафарни элчилар билан биргаликда давом эттирди ва ўз одамлари билан меҳмонларга хизмат кўрсатиб борди.

Меҳмонлар бирор шаҳар ёки қишлоққа кириб келганларида, кузатиб борувчилар улумга кўра, дарҳол уларга, ҳамроҳларига уч баравар кўп миқдорда гўшт, мева-чева ва ем-хашак, отларига эса отбоқарлар ажратдилар. Йўловчиларнинг бирор нарсаси йўқолган тақдирда ўша жой маъмурлари томон тўлашлари, элчилар кечасими ёки кундузими, қайси вақтда келишларидан қатъи назар маҳаллий аҳоли улар учун ҳамма нарсаларни тахт қилиб қўйишлари керак эди. Мабодо улгурмай қолишса, уларни ясовулнинг олдида олиб келар, ясовуллар уларни жазолардилар. Кейин ясовул уларга қараб: “Биз элчилар билан келсак-у, ҳеч нарса тайёр бўлмаса, бу нима деган гап! Шоҳнинг фармойишини шу тарзда ижро этасанларми?” деб аввал ўзларини жазолаб, кейин мол-мулкларини мусодара этарди. Бундай ҳодиса рўй бермаслиги учун ерлик бошлиқлар элчиларнинг келиш вақтини олдиндан билиб, аниқлаб олардилар. Бу бошлиқларни уларда “ар-раис”

деб аташарди. Бундай ҳолатдан оддий аҳоли таҳликага тушиб қолса, яъни ар-раис бепарволик қилиб, элчилар ёки бошқа ҳурматли меҳмонлар келаётганини олдиндан билмаса, оддий халқ жабр кўрарди. Шунинг учун ар-раислар ҳушёр бўлишга тиришарди.

Элчилар Соҳибқироннинг куёви ҳокимлик қилаётган шаҳарлардан ўтаётгандан бери Бобил султонининг элчиси билан бирга эдилар. Ясовул фақат элчиларга эмас, балки Соҳибқироннинг олдига, саройга ташриф буюраётган ва қайтаётган, ҳар қандай меҳмонга шундай илтифотлар кўрсатар эди. Бу ердагилар Соҳибқирон ва унинг хизматкорларидан доимо ҳайиқиб турардилар. Ясовул чодирлардан элчилар учун қайнатилган гўшт, гуруч, сут, қаймоқ ва бу ерларда етиштириладиган ширин қовунлардан олиб келишни буюрди.

Ўтовларда ва шунга ўхшаш уйларда яшайдиганларнинг оддий бошпаналаридан бошқа ҳеч вақолари йўқ. Улар қишин-ёзин дала кезар, ёзда сув бор жойларга чиқиб, буғдой, пахта ва қовун экардилар. Бу ерларнинг қовунлари жуда ширин, дунёнинг ҳеч бир ерида бунақа қовун учрамаса керак, деб ўйлайман. Бундан ташқари, улар кўпроқ арпа экадилар, чунки улар арпани пишириб, қатиққа қўшиб ейишни яхши кўрар эканлар. Қишда эса иссиқ жойларга кўчиб кетарканлар.

Шоҳ ҳам қишин-ёзин қўшини билан далаларни кезиб юрар, ҳеч қандай хавф-хатар йўқлиги боис қўшин бирга турмайди. Шоҳ ўз ясовул, аъён, хизматкор ва хотинлари билан бирга юрса, қўшиннинг бошқа қисми ҳар томонга бўлиниб ҳаёт кечиради. Қўшиннинг ўз чорваси бор: қўй, от ва туялар жуда кўп, сигирлари кам. Махорабага тайёргарлик эълон қилинса, ўз мол-мулки, хотин ва бола-чақалари, чорвалари билан йўлга чиқиб, қўшинни озиқ-овқат билан таъминлаб юрадилар. Меҳнатсевар, моҳир чавандоз, камон отувчи мерган, матонатли, бориға қаноат қиладиган, иссиқ-совуққа, очлик-ташналикда ҳар қандай элдан кўра саботли ва чидамли, борида гўштни ҳаддан зиёд истеъмол қиладиган, йўғида сувга қатиқ қўшиб, қайнатиб ичиш билан кифояланадиган бу халқ билан Соҳибқирон буюк жасоратлар кўрсатиб, кўпгина ғалабаларга эришди.

Кўпроқ истеъмол қиладиган таомларини улар қуйидагича тайёрлайдилар: катта қозонда сувни қайнатиб, пишлоққа

ўхшаш бир парча қурутни кўзачада, иссиқ сувда ивитиб, қозонга қуядилар. Шундан кейин юпқа кулчатой тайёрлаб, уни жуда майда кесиб, ўша қозонга солиб, бир оз қайнагач, қозонни оловдан оладилар. Бу таомнинг бир кўзачасини нонсиз ва гўштсиз истеъмол қилиш билан қаноатланидилар. Бошқа овқатларни пишириш учун уларда ўтин йўқлиги туфайли, тезак ёқардилар. Мен сизларга баён қилган бу таомни улар “бах” деб атайдилар.

**98-боб.** Тонг отиши билан элчилар ясовул билан биргаликда бу ердан йўлга чиқиб, тун ва эртасига кун бўйи йўл юриб, бирорта уйни учратмай, охири кечга бориб кимсасиз бир уйга дуч келиб, тунни шу уйда ўтказдилар. Ясовул яна ўн икки милча масофадан кейин турар-жой борлигини айтгач, кечаси соат иккиларда, янги отларда йўлга тушдилар. Ҳаво жуда иссиқ, йўл давомида умуман сув йўқ эди. Эртаси, душанба кунни ҳам соат тўққизларгача юрсалар-да, сув топилмади. Иссиқдан, ташналикдан отлар юролмайдиган бўлиб қолди. Йўл қум-тупроқ, йўловчилар сувсизликка чидай олмай жон берар эди. Магистр хизматкорлари олдинроқ дарёга етиб, ҳарбий кийимини сувга ботириб, зудлик билан орқага қайтди. Кутиб ўтирганлар унинг кийимидаги сувни шимдилар. Деярли ҳамма ҳолдан тойиб, иссиқ ва сувсизликдан юришга малорлари қолмаган, ўзлари билан ўзлари, қўриқчилар ҳам кўзга кўринмас, меҳмонларга ҳеч ким ғамхўрлик қилмай қўйганди.

Кун ботишдан олдинроқ бир водийга етиб келган элчилар Мурғоб деб аталган дарё бўйида тикилган чиғатойларнинг ўтовларини кўрдилар ва бир кеча-кундуз йигирма испан лигаси ҳажмида йўл босган эмасми, тунаш учун шу ерда тўхтадилар. Эртаси, сешанбада бу ердан икки лига юришгач, катта меҳмонхона олдига, ерликлар тили билан айтганда карвонсаройга етиб келдилар ва овқатланиб, кеч бўлишини кутдилар. Кечки ибодат маҳалида, янги отларда йўлга чиқиб, кечаси соат иккиларда салтанат отларига қаровчи чиғатойлар яшайдиган текисликка келдилар, тунни ва эртаси, чоршанба кунини ҳам шу ерда ўтказиб, пайшанбада бу ердан жўнаб, кун иссиғида бир қишлоқ ёнида дам олиб, жумада яна йўл юриб, чиғатой уйларида дам олдилар-да, кечқурун янги, бақувват отларда йўлни давом эттирдилар.

**99-боб.** Тўққизинчи август, шанба куни Салтанат Хураза деган жойда, бир дарвиш кишиникида тушлик қилган элчилар дарё бўйида, аҳоли яхши жойлашган бу водийда ажойиб токзорлар ва боғлар борлигини кўришди. Ер эгаси оламдан ўтган, унинг иккита ўғли қолган. Бундан ўн икки кун илгари шу ерлардан ўтган Темурбек бу икки ўғлонни тарбиялаш учун ўзи билан олиб кетган экан. Бу ердаги мулкка эса болаларнинг онаси бошчилик қилар, у меҳмонларни иззат-икром билан кутиб, гўшт ва бошқа таомлар билан меҳмон қилди.

Элчилар кеч кириши билан яна янги отларни миниб, жўнадилар. Эртаси, якшанба куни кун иссиғида чиғатой ўтовида овқатланиб, душанба эрталаб йўлга чиқиб, кечқурун далада тунадилар. Йўлда учраган ўтовлардаги кишилар уларга гўшт ва мева-чевалар беришди. Чиғатойларга дахлдор кишилар бўлишига қарамай, ясовуллар буларни элчиларга хизмат қилдирар ва йўлларда зарур нарсалар билан таъминлашни шуларга юklar, чўл жойлардан ўтсалар, гўшт, сув, нон ғамлаб олиб келишни буюрардилар. Эртаси, ўн иккинчи август, сешанба куни элчилар, салтанат отларига қарайдиган кишилар яшайдиган уйда овқатланиб, оқшом маҳали отларга миниб жўнадилар.

**100-боб.** Кечки ибодат маҳалида уларни кузатиб кетаётган ясовул туғилган Анхой шаҳрига етиб келдилар. Бу шаҳар Мидия ерлари билан бирга Тожикистон ерларида жойлашган, аҳолисининг тилидаги баъзи сўзлар фарқ қилса-да, лекин форс тилига жуда яқин. Катта иззат-икром билан кутиб олинган элчилар бу шаҳарга сешанба куни келган бўлсалар, ўн тўртинчи август, пайшанбагача туришди. Элчилар гўшт ва шароб билан сийлангач, уларга кимхоб тўнлар ва отлар тақдим этилди. Шаҳар текисликда жойлашган, атрофида икки лига масофага чўзилган боғлар, токзорлар, уйлар ва сув қувурлари бор.

Пайшанба кечқурун бу шаҳардан йўлга чиққан элчилар дарё соҳилидаги текисликда тикилган, ҳарбий тайёргарлик эълон қилинганда урушда иштирок этишлари туфайли, махсус салтанат имтиёзига эга чиғатойликлар чодирисида тунадилар. Бу ерда яшовчилар ўз чорваларини истаган ерларида боқишлари, экин экишлари, қишин-ёзин хоҳлаган жойларида



яшашлари мумкин ва барча солиқлардан озод қилинганлар. Улар уруш вақтида хотинларини бирор жойда қолдирмасдан, ўзлари билан олиб юрадилар, болаларини бешикка солиб, энли тасма иплар билан ўраб онанинг бўйнига иладилар. Аёллари бола, боласиз ҳам йўлда енгил юради, баъзида ёш болаларини, ўтовларини туяларга юклаб оладилар. Лекин туя чайқалганда, болаларга ноқулай бўлади. Чигатойликлар жойдан-жойга кўчиб юрадилар. Элчилар юрган йўлларида, бир-икки лигага чўзилган чигатой ўтовларини учратиб, бир кеча-кундуз, баъзан ундан ҳам кўп йўл босиб, ўтовлар орасидан чиқа олмас, шаҳар ва қишлоқларда, кўкаламзор дала-ларда ҳам ўтовларни кўп учратдилар, офтобда қорайган чигатойликлар сон-саноқсизлигига гувоҳ бўлдилар. Соҳибқирон изидан келаётган қўшин, бу ерлар иссиқ бўлганидан кўпинча кечалари йўл босар, сувли ёки кўкаламзор жой чиқиб қолса, бир неча кун дам олиб, кейин тезда йўлга чиқардилар. Элчилар чигатой чодирларида кечгача туриб, эртаси, жума куни, иссиқ пайтида бир қишлоқда овқатланиб, сўнг яна йўл босиб, атрофи кенг, аввал девор билан ўралган, кейин деворлари бузилиб, вайронага айланган йирик шаҳарга келиб тунадилар. Ҳашаматли бино ва масжидлари бўлган бу шаҳарнинг катта қисмида аҳоли яшамайди. Шаҳарга жума куни келган элчилар эртасига иззат-икром билан кутиб олиниб, уларга кимхоб тўнлар кийдирилди. Шанба куни сафарни давом эттириб, чигатой ўтовларида тунаш учун тўхтадилар. Йўлда одамни учуриб юборадиган кучли шамол туриб, оловдай иссиқ, йўл қумли тепаликлардан ўтган эмасми, шамол қумни у ердан-бу ерга учирарди. Элчилар шу куни бир неча бор йўлдан адашишди. Уларни кузатиб келаётган ясовул, йўлни биладиган одам топиб келиш учун орқада қолган ўтовга одам юборди.

Элчилар Аллоҳнинг марҳамати билан Алибод деган чиройли қишлоққа келиб, иссиқда, шамол тингунча туриб, кечаси Кўҳ деган бошқа қишлоққа ўтиб, бу ердагилар отларига ем-хашак беришгач, баланд тоғлар ва боғу роғлар орасидан тун бўйи йўлни давом эттирдилар.

**101-боб.** Ўн саккизинчи август, душанба куни Балх деган шаҳарга етиб келган элчилар Балхнинг кенглиги ўттиз газча

келадиган жуда кенг пахса деворлар билан ўралгани, шаҳар жуда катталигини, бир учидан иккинчи учигача бориб етган тупроқ қалъа уч қисмга бўлинади, шаҳарнинг биринчи қалъаси ичида ҳеч ким яшамаслиги туфайли, унга пахта экилгани, иккинчи, учинчи қисмида жуда кўп аҳоли яшашини кўрдилар. Улар учратган шаҳарнинг кўпчилиги деворлар билан ўралмаган бўлса-да, Балхнинг деворлари яхши, элчиларни иззат-икром билан кутиб, кўплаб гўшт, шароб билан сийлаб, уларга кимхоб тўн ва отлар тақдим этдилар. Эртаси, сешанбада бу ердан чиқиб кетган элчилар йўлдаги бир қишлоқ ёнида, чоршанбада эса бир шаҳар четида овқатланиб, шу ерда тунадилар.

**102-боб.** Йигирма биринчи август, пайшанба куни бами-соли жаннатдан оқиб чиқувчи учинчи дарё, кенглиги бир лигага тенг Амударё бўйига келдилар. Дарё жуда текис ердан, ғоятда лойқаланиб оқар, қишда тоғларда сув музлаб, қорлар эримагани учун суви камаяр, баҳор келиб, апрель ойларида тоғ қорлари эриб, суви аста-секин кўпаяр, тўрт ой давомида тўлиб оқар, шундан кейин яна сув камайиб, аввалги ҳолатига келиб қоларди. Айтишларига қараганда, ўтган йили баҳорда дарёда сув кўпайган, атрофдаги қишлоқларга сув тошиб, кўплаб уйлар вайрон бўлган. Бошқа мамлакатдаги паст тоғ қояларидан бошланган дарё Самарқанд мамлакатига саҳролари бўйлаб оқар, бу дарё татар ерларига кириб, Боку денгизига қуйилади. Амударё Самарқанд салтанатини Хуросон подшоҳлигидан ажратиб туради.

**103-боб.** Дарёнинг нариги соҳилидаги Самарқанд салтанатининг ҳукмдори Темурбек Хуросон салтанатини ҳам забт этмоқ учун дарёнинг бериги соҳилига ўтишни истайди ва дарёда қайиқлар устида ёғоч кўприк қурдиради, ўз одамлари билан нариги соҳилга ўтиб олгач, кўприкни бузиб ташлатади. У Самарқандга қайтаётганда яна кўприкни қурдиради. Элчилар ҳам шу кўприкдан ўтадилар. Кўприк дарёнинг бир қирғоғидан бошланиб, иккинчисига етмаган ва анчагина масофага давом этиб, от ва чорва кечиб ўтиши мумкин бўлган жойга келиб туташган. Бу ердаги кўприк ва дарё ёнида Александр Эрон шоҳи Доро билан жанг қилиб, уни мағлуб этган.

Элчилар дарё бўйига келиб, пайшанба куни дарёнинг нариги қирғоғига ўтиб, шу куни кечқурун Термиз деган катта шаҳарга етиб келдилар. Шаҳар илгари Кичик Ҳиндистон (Афғонистон) қарамоғида бўлиб, Темурбек забт этгандан кейин бу шаҳар Самарқанд салтанатига қарайди. Ана шу дарёдан Самарқанд салтанати бошланади. Бу ердагилар чигатой тилида сўзлашадилар. Бу тилни дарёнинг у томонидаги одамлар тушунмайди, чунки улар бир-бирлари билан форсча гаплашади, лекин бериги соҳилда яшовчиларнинг тили билан форс тили ўртасида фарқ жуда кам. Самарқандликлар қўллаётган ёзув бериги соҳилдагилар ёзуви ҳисобланади. Самарқандда чигатой ёзувини ўқийдиган ва ёзадиган бир неча мирзо бор. Самарқандда аҳоли зич жойлашган, тупроғи серунум ва ҳамма нарса серобдир.

Соҳибқирон фармойишига биноан амал қиладиган удум бор: дарёнинг бир қирғоғидан иккинчи қирғоғига ўтгач, кўприк Соҳибқирондан бошқа ҳеч ким ўтмаслиги учун бузиб ташланади. Йўловчиларни у қирғоқдан бунисига қайиқлар олиб ўтади. Салтанатдан келаётган киши қаёққа бораётганлиги қайд этилган ёрлиқни кўрсатмаса, бериги соҳилга ўтказилмайди, аксинча, Самарқандга ҳеч бир ҳужжат кўрсатмасдан ўтиш мумкин. Қайиқларга кўплаб қоровуллар тайинланган бўлиб, ўтувчилардан катта бож олинади. Дарё бўйига бундай қоровулларнинг қўйилишининг сабаби бор: Самарқанд салтанати аҳолисини кўпайтириш учун бошқа мамлакатлардан кўплаб асирлар олиб келган, қоровуллар асирлар ўз мамлакатларига қочиб кетмасликлари учун дарё бўйини кўриқлаб турадилар.

Соҳибқирон фармойиши билан иш кўрган кишилар Эрон ва Хуросон ерларида уй-жойсиз, етим-есир, қашшоқ ва бечораларни тутиб олиб, Самарқандга жўнатганларини элчилар ҳам кўрдилар. Улар келишгач, жойдаги ҳокимлар Соҳибқирон фармойишига кўра, озиқ-овқат билан таъминладилар. Шу тарзда Соҳибқирон камида юз минг кишини Самарқандга олиб келганди.

Термиз шаҳри девор билан ўралмаган, серсув ва атрофи кўплаб боғлардан иборат. Шаҳар ҳақида мен сизга шуни айтишим мумкинки, бизга ажратилган бинога шу қадар кўп йўл юрилдики, ҳолдан тойиб чарчадик. Биз ҳар хил нарсалар

билан савдо қилаётган гавжум майдон ва кўчалардан юрдик. Бу шаҳарда элчиларга иззат-икром кўрсатилиб, шоҳона тўнлар тақдим этилди.

Соҳибқирон томонидан, элчиларга йўлларда қандай ҳур-мат кўрсатилаётгани, сафарлари қандай кечаётгани, аҳволлари қандай эканлигини билиб келиш учун жўнатган чопар ҳам шу ерга келди. Чопар қайтиб кетаётганида, элчилар унга кимхоб тўн, шунингдек, ўзлари билан келаётган ясовулга ҳам Флоренцияда тикилган либос совға қилдилар. Ҳамроҳ бўлиб келаётган Бобил султони элчиси ҳам уларга худди шундай совға ҳадя этди. Бундан ташқари, Султон элчиси Соҳибқирон юборган иккинчи чопарга от ҳам миндирди. Чунки шоҳ томонидан юборилган кишига, шоҳга ҳурмат юзасидан совға тақдим этиш, уларда урф-одат ҳисобланади. Шоҳга тақдим этилган совғалар сонига қараб, уларнинг сазойишига баҳо берадилар ва бундан фахрланадилар.

**104-боб.** Йигирма иккинчи август, тушликдан сўнг, элчилар бу ердан жўнаб, катта уй ёнида тунаб, эртаси, шанба куни кенг текислик бўйида жуда яхши қурилган қишлоққа етиб келгач, бу ерда уларни ҳамма зарурий ашёлар билан таъминладилар. Якшанба куни Соҳибқирон бу ерларга келганда, тўхтаб ўтадиган катта бир бинода элчиларни кўплаб гўшт, мева-чева, май ва қовунлар билан меҳмон қилдилар. Бу ернинг қовунлари катта-катта бўларкан. Одат бўйича улар мева-чевани кўп олиб келиб, элчилар оёғи остига тўкиб ташладилар.

Элчилар шу куни бу ердан чиқиб, бир дарё бўйидаги сайхонликда тунаб, душанбада йўлга чиқиб, баланд тоғ этагида тушлик қилдилар. Бу ерда тўртбурчак шаклдаги гишдан ажойиб бино қурилган, деворлари гулдор нақшлар ва кошинлар билан безатилган. Тоғнинг қоқ ўртасидаги ёрилган жойдан ўтишга тўғри келди. Икки томонидан баланд тоғлар кўтарилган йўл, худди одам қўли билан ясалгандай. Тоғлар орасидан ўтган бу йўл Темир дарвоза деб аталади. Бутун тоғ тизмаси бўйлаб бошқа йўл йўқ эди. Кичик Ҳиндистондан Самарқанд салтанатига кирадиган бошқа йўл бўлмаганлиги боис бу тоғ йўли салтанат учун муҳофаза нуқтаси ҳисобланади. Самарқанд аҳолиси ҳамда Ҳиндистондан Самарқанд-

га ва ундан кейинги мамлакатларга йўл олган савдогарлар шу Темир дарвозадан ўтадилар. Бундан ташқари, Тартария ерларида жойлашган Дарбанд ёнидаги Темир дарвоза ҳам Соҳибқиронга қарайди. Бу йўл Тартария ва Дарбанд ерлари ўртасида, баланд тоғлар оралиғида жойлашган, Кафа шаҳрига олиб боради. Мазкур йўлдан Боку денгизига ёки Эронга бориш мумкин. Тартариядан Эрон ёки Самарқанд ерларига бориш учун ҳам шундан бошқа йўл йўқ. Бир дарвозадан иккинчисигача бўлган масофа камида бир минг беш юз лигани ташкил этади. Ушбу икки дарвоза ва улар оралиғидаги ерларга эгаллик қилувчи Темурбек нақадар буюк подшоҳ экани ҳақида ўзингиз ўйлаб кўринг. Чунки Темурбек тасарруфидаги Дарбанд шаҳри ва Темир дарвозалари ҳар йили унга катта даромад келтиради. Дарбанд кенг ерни эгаллаган йирик шаҳар. Бизга яқин бўлгани Дарбанд Темир дарвозаси деб аталса, иккинчиси Термиз Темир дарвозаси дейилади ва Кичик Ҳиндистон (Афғонистон) билан чегарадошидир. Мазкур бинода элчиларга от совға қилишдики, бу ерларнинг отлари чидамлилиги билан жуда машҳур экан.

Темир дарвозалар мавжуд бўлган тоғлар дов-дарахтсиз, қўп-қуруқ, айтишларича, бу йўлда илгари бир тоғдан иккинчисига Темир дарвозалар бўлиб, ҳеч ким рухсатсиз ўта олмаган экан. Шу кун бу ердан жўнаган элчилар тепалик устида, очиқ ҳавода тунаб, эртасига чиғатой ўтовида овқатланиб, дам олдилар ва кечқурун тоғ тизмалари устида тунни қарши олиб, ярим кечаси бу ерни тарк этиб, бошқа қишлоққа келдилар. Магистр Фра Альфонсонинг бетоб бўлган хизматкори шу ерда вафот этди.

**105-боб.** Элчилар бир минг тўрт юз тўртинчи йил йигирма саккизинчи август, пайшанба кун пешинда атрофлари каналлар ва ирмоқлар билан ўралган текисликда жойлашган Кеш деган катта шаҳарга етиб келдилар. Шаҳарни боғ-роғлар, қишлоқлар ўраб турар, атроф кенг адирликдан иборат, кўп аҳолили қишлоқлар, серсув каналлар, катта ариқлар кўриниб турардики, бу жойлар ёзда жуда чиройли бўлиб кўринса керак, деб ўйладим. Ҳосилдор ерларда буғдой, узум, пахта, қовун ва каттакон дарахтлар ўсиб ётар, шаҳар атрофи бўйлаб чуқур хандақ қазилиб, дарвозаси олдида осмакўприк

мавжуд. Темурбек асли шу Кеш шаҳрилик бўлиб, унинг отаси шу ерда туғилган. Бу ерда катта иморат ва масжидлар жуда кўпки, булардан биттаси, Буюк Темур фармони билан қурилиши бошланган, лекин ниҳоясига етмаган иморат, иморат ичида мақбара, мақбарага отасининг қabri қўйилган. Иккинчи мақбарани Темурбек ўзи учун қурдираётган эди, бироқ унинг қурилиши ҳам ниҳоясига етмаган. Айтишларича, бир ой олдин Темурбек бу ерда бўлганида мақбарадан кўнгли тўлмаган, чунки мақбаранинг кириш қисми паст. Уни бошқатдан қуришга буйруқ берган ва шу вақтларда усталар бу ерда ишлаётган экан. Бундан ташқари, мақбарада Темурбекнинг тўнғич ўғли Жаҳонгирнинг қabri мавжуд. Масжид ва мақбара жуда кўркам, олтин, дуру гавҳарлар билан ишлов берилган, атрофи боғ. Ҳар куни Темурбекнинг буйруғи билан пиширилган йигирмата қўйнинг гўшти отаси ва ўғлининг руҳини шод этиш мақсадида бу масжидга жўнатиб турилади. Элчиларни шу масжидга олиб келишиб, гўшт, мева-чева билан меҳмон қилиб, базму жамшид уюштиришди. Улар овқатланишгач, катта қасрдан уларга хоналар ажратиб беришди.

Эртаси, жумада элчиларни Соҳибқироннинг фармони билан қурилаётган қасрни кўриш учун олиб боришди. Айтишларича, йигирма йилдан бери у ерда ҳар куни иш қизгин кетар, ҳозирда ҳам кўп усталар тер тўкиб ишламоқдалар. Қасрнинг кириш қисми узун, дарвозаси жуда баланд. Кираверишнинг чап ва ўнг томонида ғиштдан арк қилиниб, нақшларига тилла суви юритилган. Арkning остида эшиксиз кичик хоналар жойлашган. Хоналарнинг поллари пастроқ бўлса-да, жуда чиройли безаклар билан зийнатланган. Бу хоналар Соҳибқирон қасрга келган вақтда одамлар ўтиришлари учун қурилган. Дарвозанинг орқасида ҳам шунга ўхшаш хоналар бўлиб, улардан катта ҳовлига чиқилади. Ҳовлининг ерларига оқ тоштахталар ётқизилган, атроф жуда кўркам безатилган. Эни уч юз қадамча келадиган ҳовлининг ўртасида катта ҳовуз бор, ҳовлидан саройнинг катта хоналаридан бирига ўтиладиган эшик жуда моҳирлик-ла, тилла ва дуру гавҳарлар билан безатилган, эшикнинг ўртасида орқасида қуёш чарақлаб турган шернинг расми, чекка қисмларида ҳам худди шу сурат тасвирланган. Бу тасвир Соҳибқироннинг герби эди. Қасрни Темурбекнинг буйруғи билан қурилаётган-

нини эшитсам-да, ўйлашимча, бу қасрни Самарқанднинг аввалги подшоҳи қуришни бошлаганлиги ва бу герб, яъни қуёш ва шер расми туширилган манзара Самарқанднинг Темурбекдан олдинги подшоҳига тегишли деб ўйлайман. Темурбекнинг герби учта думалоқ шаклдан иборат, улар уч тарафда жойлашган. Бу дегани — жаҳоннинг уч қитъасига ҳукмдор ва Темурбек бу гербни ўзининг фармониغا биноан ясаладиган буюмларга ва айниқса, танга пулларга босиб чиқаришга амр этган. Шу сабабдан бу қасрни Темурбекдан олдинги подшоҳ қуришни бошлаган деб ўйлайман. Бу учта “О” шаклидаги доирачалар подшоҳнинг ўз муҳрларида ҳам акс этган ва ўзининг қарамоғидаги бошқа бир халқнинг тангаларига ҳам худди шундай шаклдаги рамзни босиб чиқаришга буюруқ берган.

Бу катта эшик орқали меҳмонлар учун қурилган тўртбурчак шаклдаги катта хонага кириб борилади. Хонанинг деворларига тилла, дур-гавҳарлардан безак берилган, шифтларига тилла суви юргизилган. Элчиларни тепа қаватга олиб чиқишдики, бу ерда хоналар шунчалик кўпки, уларни бирданига таърифлаб тугата олмайсан. Хоналарнинг бари олтин, дур-гавҳарлар билан зийнатланган, буни Париж усталари кўрса, ҳайратда қолишлари табиий. Бундай ишлар уларда жуда юқори баҳоланади.

Меҳмонларга Соҳибқироннинг ўзи ва завжалари учун ажратилган, деворлари, ери ва шифти ақлни лол қолдирадиган тарзда безатилган хоналарни кўрсатишиб, сўнг уларни Соҳибқироннинг тантана ва базмларни ўтказадиган жуда катта, девору шифтларига олтин, дур-жавоҳирлар билан ишлов берилган катта меҳмонхонасига олиб ўтишди. Меҳмонхона рўпарасида катта боғ, боғда ҳар хил мевали дарахтлар ва ҳовузлар мавжуд. Боғга кираверишнинг ўзидаёқ, унинг кенглиги кўзга ташланиб турар, ҳовузларнинг атрофида, дарахтларнинг соясида ёз кунларида бемалол ўтириб дам олса бўларди. Қаср ва масжид жуда юқори даражада чиройли қурилган, таърифлаш учун шошмай айланиб чиқишга тўғри келади. Шу пайтгача қурдирган биноларнинг энг зўрларидан ҳисобланган бу иморатларни Темурбек ўз отасига атаб бунёд этган эди.

**106-боб.** Гарчи Темурбек шу шаҳарда туғилган бўлса-да, унинг қабиласи бошқа. У бу ерга ўша даврда Тартариядан келган тартарларга тааллуқли бўлган чигатой қабиласидан. Бу ҳақидаги маълумотлар билан кейинроқ танишиб чиқамиз.

Темурбек Самарқанд тахтини эгаллагандан сўнг, малика Бибихонимга уйланди. Шундан сўнг Хуросон мамлакатини эгаллади ва Самарқанд билан Хуросон амирликларини бирлаштириб, ўзининг давлатини тузишни бошлади. Темурбек билан доимо бирга, ҳар ишда ёрдамчи ва яқин дўст чигатой қавмидан бўлган киши эди. Темурбек унга синглисини бериб, уйлаб қўйди, кўпчиликка бош этиб тайинлади. Унинг эса Жаҳоншоҳ исмли ўғли бўлиб, Соҳибқироннинг энг яқин одами ҳисобланарди. Унинг кўпгина катта ерлари бор эди ҳамда катта қўшинга саркардалик қиларди. Буюк Темурдан фарқли равишда ҳеч ким бунчалик қўшинга бошчилик қила олмасди. Қўшиндаги барча аскарлар унга бўйсунар, олиб борган ишидан мамнун эди.

**107-боб.** Бу ерларга тартарларни келиши ва “чигатой” деб номланишининг сабаби, қадим даврда Тартариянинг<sup>1</sup> Дарганжон (дунёнинг бойлиги) номли шаҳридан чиққан Соҳибқирон ҳукмдорлик қилган. Бу Соҳибқироннинг ерлари жуда катта бўлиб, умрининг охирида ўзидан кейин тўрт ўғлига мол-мулкни эгалик қилиш мақсадида қолдирган. Бош фарзандининг исми Юси, кейингиси Чакатай<sup>2</sup>, учинчиси Огадай ва тўртинчиси Тулий эди. Улар бир онанинг фарзандларидир. Ўлими олдидан ота ўз фарзандларига бор давлатини тақсимлаб берди. Чигатой исмли фарзандига Самарқанд амирлиги ва бошқа ерларни бериб, ўғилларига бундан кейин доимо аҳил бўлиб яшашларини, ҳеч қачон урушмасликларини, агарда ораларида низо чиқиб, бир-бири билан урушсалар ҳаммалари ҳалок бўлишларини айтиб, васият қилди. Чигатой жасур, довжур ва мард инсон эди. Бора-бора ака-укалар бир-бирларига ҳасад қилиб, бири иккинчиси билан жанг қилишни бошлади. Самарқанд аҳолиси уларнинг тарқоқлигини

<sup>1</sup> Тартария – Ўрта асрларда Осиёнинг катта қисмини шу ном билан аташган. Ҳозирги Марказий Осиё ёки Туркистон ерлари.

<sup>2</sup> Чакатай – Чигатой.



кўргач, Чиғатойга қарши қўзғалон кўтариб, унинг ўзини ва кўпгина одамларини ўлдирди. Шундан сўнг ўз қабилаларидан бир одамни бош этиб тайинлашгач, Чиғатойлардан бўлган одамларнинг кўпчилиги бу ерда яшаб қолди. Чиғатойнинг ўлиmidан сўнг бу ернинг туб аҳолиси уларни чиғатойлар деб номлашди ва бу ном шу даврга қадар ишлатилиб келинган. Мана шу чиғатой қабиласига Темурбек ҳам мансуб эди.

**108-боб.** Элчилар пайшанба куни ва эртаси кечаси Кеш шаҳрида қолиб, жума куни кечаси у ердан чиқиб, бир қишлоққа бордилар. Ўттизинчи август, шанба куни элчилар буюк Соҳибқиронга қарашли, дарё ёқасидаги текисликда жойлашган, боғ билан ўралган каттакон уйда тушлик қилдилар. Тез кунда улар у ерни ҳам тарк этиб, Самарқанд шаҳридан бир ярим чақиримча узоқликдаги Масиа деган қишлоққа келишди ва шу ерда тунаб қолишди. Элчиларга ҳамроҳ бўлиб келаётган кузатувчи шу бугуноқ Самарқандга боришлари мумкин, фақатгина Соҳибқиронга бу ҳақда хабар бериш лозим эканлигини тушунтирди ва саройга одам жўнатди. Эртаси куни эрталаб ўша одам қайтиб келиб, Соҳибқирон унга испан элчиларини ҳамда Бобил султони томонидан юборилган элчини ўша қишлоққа яқин боққа олиб боришлигини, кейин янги хабар келгунича ўша ерда меҳмонларга қараб туриши лозимлигини айтди.

**109-боб.** Ўттиз биринчи август, якшанба куни элчиларни узунлиги бир чақиримча келадиган, атрофлари баланд пахса девор билан ўралган, кўпгина мевали дарахтлар, цитрус мевалари, лимонлари бор ўша боққа олиб келишди. Боғда олти каттакон ҳовуз, ҳовуздан ҳар тарафга майда ариқчалар орқали сувлар оқарди. Ариқлар ёқасига, икки тарафга дарахтлар экилган, бу ердаги йўлакчалардан юриб, боғнинг бошқа тарафларига ўтиб борса бўларди.

Боғнинг ичида баланд тепалик, тепалик устида бир сарой, сарой атрофидан айланасига чуқур хандақ қазилиб, сув билан тўлдирилган. Қасрга кўтарилиш учун қасрнинг икки томонида иккита кўприк мавжуд, кўприкнинг нариги тарафида қаср дарвозалари, уни очгандан сўнг зинапоялар билан ичкарига кириб борилади. Хуллас, қаср жуда мустаҳкам қурил-

ган. Боғ ичкарисида Соҳибқироннинг буйруғи билан кийиклар, фазанлар олиб келиниб кўпайтирилган. Боғдан катта узумзорга ўтиладиган йўлакча бор. Узумзор пахса девор билан ўралган. Пахса деворлар орасида қатор дарахтлар мавж уриб турар ва улар жуда чиройли кўринарди. Бу қаср боғи “Талисия”, яъни ўзларини тили билан “Гулбоғ” деб номланади. Боғда элчиларга кўпгина яхши хизматлар кўрсатилиб, улар гўшт ва ҳар хил таомлар, ноз-неъматлар билан меҳмон қилинди.

Тўртинчи сентябрь, пайшанба куни подшоҳнинг қариндошларидан бир киши келиб, Соҳибқирон Тўхтамишхоннинг элчисини қабул қилаётганини, шунинг учун ҳозирча улар билан учраша олмасликларини айтди. Элчиларнинг жаҳли чиқмаслиги ва хафа бўлмасликлари учун подшоҳ уларнинг олдига ўз қариндошларини жўнатиб, меҳмонларни зериктирмасдан, байрамлар уюштириб, базму жамшид қилишларини тайинлаган экан. Улар кўпгина қўй ва отлар сўйдилар, улардан ҳар хил таомлар, шу билан бирга гуручдан ҳам сархил овқатлар тайёрлашди. Яна ширин-шаккар мевалар билан элчиларни роса сийлашиб, байрам сўнгида уларга иккита от, бошдан-оёқ сарполар совға қилишди. Элчилар саккизинчи сентябргача бу ерда бўлишди. Ўша куни саройдан одам келиб, Соҳибқирон уларни кўрмоқчи эканлигини айтди. Соҳибқирон одати бўйича келган элчиларни беш-олти кунсиз қабул қилмас, элчилар қанчалик обрўли бўлса, шунча кеч қабул қилинар экан.

**110-боб.** Саккизинчи сентябрь, душанба куни элчилар боғдан тўғри Самарқандга қараб йўл олишди. Боғдан шаҳаргача текислик ва йўлларда қўплаб боғлар, бозорлар, уйлар жойлашган экан. Уч соат деганда шаҳарга етиб келишди. Етиб келишлари биланоқ, уларни бир уйга олиб киришди, уларнинг олдига сарой хизматкорларидан икки киши келиб, элчилар томонидан олиб келинган совға-саломларни белгиланган тартибда подшоҳнинг олдига олиб кирувчи хизматчиларга беришлигини айтишди. Элчилар ўзлари билан олиб келган совғаларини шу одамларга бериб, ўзлари ҳам уларга қўшилиб кетдилар. Бобил султони томонидан юборилган совғаларни ҳам олишиб, ҳаммасини бирга кўтариб, ичкарига,

олдинги қаторда юришди. Бу боғга кириш дарвозаси жуда баланд, қимматбаҳо дур-гавҳарлар билан безатилган. Дарвоза олдида кўпгина аскарлар қўлларида найзалари билан қўриқчи бўлиб туришарди. Агарда раият биргаликда ичкарига кириш учун дарвозага ёпирилса-да, ичкарига кириш жуда қийин. Меҳмонлар ичкарига киришлари билан олтита каттакон филни кўришдики, филлар устида ўтирган одамлар атрофдагиларга қизиқ томошалар кўрсатишарди. Элчилар, у ердан ўзларининг совғаларини кўтариб олган хизматкорларга эргашиб ўтишди. Улар билан яна Темурбек томонидан Испанияга юборилган элчи ҳам бор бўлиб, унинг устидан бу ердагилар кулишар, чунки элчи кастилча, яъни испанча кийимларни кийиб олган эди.

Элчиларни катта ёшдаги, юқори лавозимдаги сарбоз олдида олиб келишди. Бу Темурбекнинг катта опаларидан бирининг ўғли эдики, элчилар унга таъзим ила салом беришди, кейин меҳмонларни кичик болакайларнинг олдида олиб келишди, улар ҳам юқорида ўтиришарди. Бу болакайлар Соҳибқироннинг набиралари, элчилар уларга ҳам таъзим қилишди. Ўша ерда қиролнинг Темурбекка ёзган мактубини беришди. Мактубни набиралардан бири олди. Айтишларича, бу бола Соҳибқироннинг катта ўғли Миаха Мирассанинг<sup>1</sup> ўғли экан. Учта бола мактубни Соҳибқиронга олиб боришди ва ўша пайт элчиларга олдинга юришларини айтишди. Каттакон, безатилган чиройли хонага кираверишдаёқ, рўпарада Соҳибқирон ўтирар, хона ўртасида фавворали ҳовуз, ҳовуздаги сувда қип-қизил олмалар сузиб юрарди.

Соҳибқирон юқорида, тахтда ўтирар, устига ипак матодан тикилган расмсиз кўйлак кийган, бошига олмос қадалган, атрофлари қимматбаҳо тошлар билан безатилган оқ рангдаги салла кийиб олганди. Элчилар уни кўришлари биланоқ ўнг тиззаларини букиб, қўлларини кўксиларига қўйганча салом беришди, яна таъзим қилиб, тиззалари эгилган ҳолатда қолишди. Соҳибқирон уларни ўринларидан туриб, яқинроқ келишларини айтди.

Олдинда кетаётган хизматкорлар орқада қолиб, Соҳибқироннинг олдида турган учта мирзо, яъни бирининг исми

---

<sup>1</sup> Миаха Мирасса — Мироншоҳ Мирзо.

Шоҳмалик Мирзо, иккинчисиники Бурундук Мирзо ва учинчисиники Шайх Нуриддин Мирзо, элчиларни қўлидан тутиб, Соҳибқирон олдиғача кузатиб бориб, таъзим қилишиди ва элчилар тиззалари билан ўтиришди. Соҳибқирон уларни яхшироқ кўриш учун, қарилиги боис кўзи хира кўраётганлигини айтиб, яқинроқ олиб келишларини сўради. У ўз қўлини ҳурмат юзасидан бизларга ўпиш учун бермади, чунки уларда бу одат умуман йўқ экан. Кейин у элчиларга “ўғлим, Қирол қандай аҳволда, соғлиқлари яхшими, ишлари қандай?” деб савол берди. Элчилар жавоб беришиб, ўзларининг мақсадларини айтишди. Соҳибқирон диққат билан уларни эшитди. Элчилар сўзларини тугатишлари биланоқ, Темурбек олдида ўтирганларга — бири Тўхтамишхоннинг ўғли, яна бири Самарқанд зодагонлари наслидан бўлган зот ва Соҳибқироннинг наслидан бўлган зотларга қарата шундай деди: “Кўриб қўйинглар буларни, уларни элчи қилиб менинг ўғлим — Испаниянинг қироли юборган ва у дунёнинг нариги чеккасидан, фаранглар подшоҳлари ичида биринчи подшоҳлардандир. Улар ҳақиқатан буюк халқдир, мен ўғлим Испания қиролини қўллаб-қувватлайман. Сизларни совға-саломсиз, номанинг ўзи билан юборса ҳам бўларди, мен унинг соғлигини, ишлари қай аҳволда эканлигини билсам, шунинг ўзи менга қувонч бағишлар эди.”

Набира мактубни қўлида баланд кўтариб тураркан, шу пайт элчилардан бири тилмочга қарата мактубни шахсан Соҳибқироннинг қўлига бериш керак эканлигини имо-ишора билан тушунтирди ва агар ўқиш керак бўлса, тайёр эканлигини айтди. Шунда Соҳибқирон мактубни набираси қўлидан олиб кўрди ва уни ўқиб кўрмоқчилигини айтди. Элчи бўлса, тайёр эканлигини билдирди. Шунда Темурбек кейинроқ унга одам юбориб чақиритишни, мактубни ўқиб, Испания қиролининг хоҳишини тушунтириб беришини айтди.

Кейин элчиларни ўринларидан турғизиб, Соҳибқироннинг ўнг томонидаги юқори жойга ўтказишди. Мирзолар уларни Хитойдан келган элчидан пастроқ жойга ўтказишди. Бу элчи авваллари Темурбек Хитой хонига солиқ тўлаб турганлигини эслатиш учун келганди. Шунда Соҳибқирон Испания элчиларини тепароққа ўтказиб, Хитой элчисини улардан пастроққа ўтказишни буюрди. Шундан сўнг Мирзолар-

дан бири келиб, уларнинг жойларини ўзгартирди ва Хитой элчиларига қараб, бундай ўтиришни Соҳибқироннинг ўзи белгилаб берганини ҳамда бундан буён доим шундай макъда ўтиришларини айтди. Хитой элчисини бундай ғаразли ниётда келганлигини билдириб, керак бўлса, осишлари мумкин эканлигини ҳам тушунтириб қўйди. Шундан кейин ҳамма маросимларда, мажлисларда шу тарзда ўтирадиган бўлишди.

Сўнгра улар тилмочга қараб, Испан элчиларидан меҳмондорчилик қандай ўтганлигини сўрашди. Хитой ҳукмдорининг исми Чойсион бўлиб, у тўққизта салтанатнинг подшоҳи эди, чигатойлар устидан кулишиб, уни “Тонгус” деб номлашган, бу чўчқа дегани эди. У катта ернинг подшоҳи эди ва авваллари Темурбек унга солиқ тўлаб келар, энди эса тўламоқчи эмас.

Испан ва бошқа турли давлатлардан келган элчиларни ўтказишиб бўлганларидан сўнг, кўпгина қайнатилган, димланган, қовурилган қўй гўштидан ва қовуриб пиширилган от гўштидан олиб келишиб меҳмон қилишди. Бу қўй гўшларини тутқичли катта терида олиб келишди. Соҳибқирон гўшдан тановул қилишни истаса, хизматкорлар терини устидаги таоми билан тортиб, унинг олдига олиб боришар, чунки гўшт кўплигидан терини кўтарсалар ёрилиб, йиртилиб кетиши мумкин эди.

Соҳибқироннинг олдига йигирма қадамча қолганда хизматкорлар тўхташди ва гўштни нимталаш учун қассоблар қўлларига тери қўлқоп кийган ҳолда келишди ва тиз чўкишиб гўшларни нимта-нимта қилишди, бўлаklarини бирмабир мис, сопол, кумуш, тилла ва қимматбаҳо чинни идишларга солишди.

Яхши кўриб ейдиган овқатлари пиширилган от гўшти бўлиб, у отнинг бел қисмидан, суяксиз ҳолда пиширилган таомни тилла ва кумуш идишларга қўй гўшти билан ёнма-ён, яна ёнига муштдай келадиган пиширилган от жигари ҳамда қўй каллаларидан солишди. Шунга ўхшатиб тайёрланган бошқа таомларни ҳам ёнма-ён қўйишди. Кейин хизматкорлар идишларда шу таомнинг шўрвасини олиб келишиб, ҳалиги гўшлар устидан қўйиб, таомларнинг устига тўрттадан ёпилган нонлардан қўйиб, иккита ва учтадан бўлишиб, таомларни Соҳибқироннинг ва меҳмонларнинг олдига олиб

боришди. Соҳибқирон ҳурмат юзасидан олдидаги таомлардан икки хилини элчиларнинг олдига олиб қўйдирди. Шу гўштни қўйиши биланоқ, унисини олишиб, яна бошқа гўштни олиб келиб қўйишди. Биринчи қўйилган гўшт, одат бўйича меҳмон ўзи билан олиб кетиши учун олиб қўйилар, лекин кўплигидан уни кўтариб кетишнинг ўзи қийин. Агарда элчиларни олдига қўйилган гўшларни олиб кетишнинг иложи бўлганда эди, улар учун бу ярим йилгача етарди.

Қовурилган ва пиширилган қўй гўштини олиб, ўрнига димлаб пиширилган қўй гўшти ва ҳар хил таомлар билан меҳмон қилиб, сўнгра ширин-шакар ҳўл мевалардан – олма, узум, шафтоли, тарвуз, қовун, кейин олтин ва кумуш кўзаларда қанд солинган от сути олиб келишди. Айтишларича, жуда ширин, мазали бу ичимлик асосан ёзнинг иссиқ кунларида кўпроқ ичилар экан.

Меҳмондорчиликдан сўнг, Соҳибқироннинг олдидан Кастилия қироли ва Бобил султонининг совға-саломлари кўрсатиб, олиб ўтилди. Ўша куни совға қилинган уч юзга яқин отларни ҳайдаб ўтишди. Бунинг ҳаммаси тугганидан сўнг, элчиларни ҳурмат-эҳтиром ила бир кузатувчи билан у ердан олиб кетишди. Кузатувчи уларни қўриқлаш билан бирга, уларда ҳеч қандай муҳтожлик бўлмаслиги учун ҳам масъул эди.

Соҳибқироннинг яқин одамларидан бўлган бу кузатувчи Бобил элчисидан сўнг, испан элчиларини ҳам Соҳибқироннинг қароргоҳига яқинроқ, катта боғ ва сувлари мўл қароргоҳга олиб бориб жойлади.

Элчиларни жўнатгандан сўнг, Соҳибқирон Кастилия қиролининг совғаларини олиб келишни буюрди ва уларни кўриб жуда мамнун бўлди. Бу совғалардан завжаларига берди, айниқса, энг катта завжаси Бибихонимга кўпроғини берди, чунки шу куни у Соҳибқирон билан боғда бирга эди. Бобил султони ва бошқалар юборган совғаларни қабул қилмасдан, уч кун, токи Соҳибқирон қабул қилинсин демагунча сақлаб туришди. Уларда шундай одат бор эди, яъни олиб келинган совғани уч кунгача сақлаб туришарди.

Элчилар қўнган боғнинг номи “Дилкушо” эди. Соҳибқирон бу боғда жумагача бўлиб, сўнг ундан ҳам чиройли ва ҳашаматли “Боғичинор” номли дала ҳовлисига кўчиб ўтди.

**111-боб.** Ўн бешинчи сентябрь, душанбада Соҳибқирон у ердан ҳам чиқиб, бошқа ҳашаматли боғга кўчиб ўтди. Бу боғнинг дарвозалари гиштдан жуда баландда қурилиб, ҳар хил қимматбаҳо тошлар, тилла-кумушлар билан безак берилган. Шу куни Соҳибқирон катта базм уюштиришни буюриб, элчиларни, барча ҳурматли меҳмонларни, қариндошлар-у завжаларини таклиф қилди. Боғ жуда катта, унда мевали ва соя берувчи дарахтлар мўл, боғда ҳар хил йўлакчалар бўлиб, атрофи дарахт шохлари билан тўсилган. Боғда тикилган катта-кон чодирларга ранг-баранг ипак гиламлар осиб қўйилган.

Боғ ўртасида ҳашаматли бино бор, бинонинг ичкари хоналари, ер-деворлари жуда чиройли қилиб безатилган. Уйга кираверишда баланд супача қилинган, супачанинг устида тиллакори катта стол турар, баландлиги одам бўйича, узунлиги уч қадамча келадиган бу стол ёнида ўтириш учун қатқат кўрпачалар ҳам тўшалган. Соҳибқирон дам оладиган бу ернинг деворлари қизғиш рангдаги дур-гавҳарлар билан безатилган, ипак матоли пардалар билан тўсилган. Шамол бўлганда пардалар кўтарилиб, жуда чиройли манзара касб этарди. Баланд қилиб қурилган яна бир хонага кирганда ҳам шундай чиройли пардалар деворларга осиб турарди. Пардалар ергача осилиб, ерга эса гиламлар солинган эди.

Уйнинг ўртасида, эшикнинг қаршисида олтиндан ишланган иккита стол, уларнинг узунлиги беш қадамча ва эни уч қадамча келар, устида еттита олтин кўзача турарди. Шулардан иккитаси зумрад ва дур-гавҳарлар билан безатилган ҳамда ҳар бирига олмос тош қадалган. Бу ерда яна олтита тилладан ясалган думалоқ пиёла бўлиб, улар ҳам дур-гавҳарлар билан безатилган. Шу базмга Соҳибқироннинг таклифи билан испан элчилари ҳам чақирилган эди. Таклиф қилиш учун боришганда, олдида тилмоч йўқлиги туфайли элчилар кутиб қолишди ва улар етиб келишганда, Соҳибқирон овқатланиб бўлганди. Шунда у бундан кейин таклиф қилганида тилмочсиз бўлсалар-да, ўз вақтида етиб келишлари кераклигини, бу сафар уларни кечиришини ва базм улар учун уюштирилганини айтиб, жуда жаҳли чиқди ва меҳмонларни вақтида олиб келмаганлиги учун Мирзоларни койиди.

Тилмочга одам жўнатиб, Соҳибқирон ундан газабда эканлигини ва уни бу иши учун жазолаши кераклигини айтган-

да, ўша ерлагилар уни жазоламаслигини сўраб, унга ёпишиб кетишди, шунда элчиларни кузатиб юривчи хурматли шахс тилмоч номидан узр сўраб, уни кутқариб қолди. Соҳибқирон элчилар байрамда қатнаша олмаганликлари учун, уларнинг яшаб турган жойларига, улуш сифатида бешта қўй ва иккита каттакон кўзаларда шароб жўнатгирди. Бу байрам кечасига Соҳибқироннинг барча қариндошлари, сарой аҳиллари ва хурматли меҳмонлар қатнашишганди. Элчилар кейинроқ ўз кузатувчиси билан бу жойларни кўриб, танишиб чиқишди.

**112-боб.** Йигирма иккинчи сентябрь, душанба куни Соҳибқирон у боғдан чиқиб, бошқа боғ томон йўл олди. Бу боғнинг атрофи тўртбурчак шаклида баланд деворлар билан ўралган, бурчакларида гумбазлари бор эди. Боғнинг ўртасида каттакон қаср турар, олдида эса ҳовуз мавжланиб, кўзни қамаштирарди. Қаср бошқа қасрларга қараганда жуда катта ва ҳашаматли. Ҳамма қаср ва боғлар каби шаҳар ташқарисида жойлашган бу боғнинг номи “Боғишамол” дир. Соҳибқирон каттакон бу боғда ҳам базм уюштириб, унга меҳмонларни ва элчиларни чақирди. Базмда Соҳибқирон ҳаммага май ичишни буюрди, ўзи ҳам андак ичди. Май уларнинг одатига кўра, овқатдан олдин келтириларди. Уларга хизматкорлар тиз чўкиб май қуйиб беришарди. Кимда-ким май ичишни хоҳламаса, Соҳибқиронни беҳурмат қилган ҳисобланарди. Агарда Соҳибқироннинг соғлиги учун деб ичилса, охириги томчисигача қолдирмасдан қадаҳларни кўтариб ичишарди. Элчилар базмга келишларидан олдин, Соҳибқирон ўз Мирзоларидан бирини улар олдига бир кўза май билан жўнатиб, байрамга келишларидан олдин шу майни ичиб, шод-хурсанд бўлиб келишларини тайинлаганди. Элчилар Соҳибқирон ҳузурига келишганда, уларни хурмат қилишиб аввалгидай тўрга, Соҳибқироннинг ёнига чиқариб ўтқазилди. Аввалгидай қовурилган қўй ва от гўшти, гуручдан тайёрланган овқатларни олиб келишди. Таомдан сўнг, бир Мирзо кумуш идишда кумуш тангаларни олиб келиб, элчилар ва бошқа меҳмонларнинг устидан сочди. Хоҳлаганча танга сочиб, қолганини элчилар учун ерда турган сарполарнинг устига тўкди. Шундан сўнг Соҳибқирон уларга сарподаги тўнларни кийгизишни буюрди. Элчилар миннатдорчилик сифатида, уларнинг одати бўйича уч марта эгилиб таъзим қилишди.



**113-боб.** Соҳибқирон бу боғга яқин “Дилкушо” номли боғга кўчиб ўтиб, элчиларни эртаси пешинда базмга таклиф қилди ва катта базм уюштириб, бу сафар узоқ жойлардаги жангчи қўшинларидан ҳам кўпгина одамларни чақиртирди. Базмга элчилар ҳам келишди. Соҳибқирон базмда жуда хурсанд кўринарди. Уларнинг одати бўйича кўпгина қўй ва от гўштлиридан тайёрланган таомлар келтирилди. Базмдан сўнг, элчиларга тўн кийгизишди ва улар саройга яқин ўз қароргоҳларига қайтиб келишди.

Бу байрамларга шунчалик кўп халқ йиғилар эдики, уларнинг кўплигидан қимирлаб бўлмас, фақатгина кузатувчи аскарлар йўлни очиб берсагина, олдинга силжиш мумкин эди. Одамнинг кўплигидан ҳамма ёқда чанг-тўзон кўтарилиб, одам юзини таниб бўлмасди. Боғнинг олди катта майдон, унда дарё ва каналлар бор, майдонга Соҳибқирон ўз завжалари билан келиб, чодирлар қуришни ва ўз қўшин аскарларига ҳам ўз атрофида чодирлар тикиб, ўз завжалари билан жойлашишига, тўй, байрам маросимларини ўтказишга фармон берди. Соҳибқирон учун чодир қуриб бўлинганидан сўнг, каттаю кичик бирма-бир шовқин-сурон қилмасдан ўз чодирларини қуринарди. Шу тарзда уч-тўрт кун ўтмасданоқ, Соҳибқирон чодир атрофида йиғирма мингга яқин чодир қурилди. Шунда ҳам ҳар куни одамлар келиб қўшиларди. Улар орасида қассоб ва ошпазлар, яъни улар қовурилган ва қайнатилган гўшти сотишар, мева-чева сотувчи деҳқонлар, новвойлар ҳам бор эди. Улар ўрдасидан қўли гул усталарни ҳам топиш мумкинки, улар ҳар хил кўчаларга бўлиб қўйилган. Ҳаммомчилар ҳам сув иситадиган дастгоҳлари билан келишган. Хуллас, ҳар хил жангларда, мана шундай йиғилишларда улар ўзлари билан деярли барча касб эгаларини бирга олиб юришар, халқ бундай юришларга ўрганиб кетганлиги боис Ўрдага келганида ҳаммаси ўз жойини топиб жойлашарди. Соҳибқирон эса элчиларни ўзига яқинроқ бўлишлари учун шу Ўрдага яқин, ўзига қарашли боғга кўчириб олиб ўтишни буюрди.

**114-боб.** Йиғирма тўққизинчи сентябрда Соҳибқирон Самарқанд шаҳрига йўл олиб, шаҳарга кираверишда, завжаси Канонинг<sup>1</sup> онасига атаб қурдирган уйда тўхтади. Бу бино

<sup>1</sup> Кано — Бибихоним.

маликанинг онаси дафн қилинган мақбара ҳисобланарди. Уй жуда ҳашаматли бўлса-да, ҳали қуриб битказилмаган экан. Шу куни базм уюштирилиб, элчилар таклиф қилинди. Темурбек Хитой давлати атрофида жойлашган мамлакат элчиларини чақиртиришни буюрди. Бу элчиларни кийимлари жунли тўн бўлиб, бошларида кичкина қалпоқчалари бор. Соҳибқиронга совға сифатида қимматбаҳо ҳайвон териларидан олиб келганлар Хитой насронийларидан, Тартария подшоҳи Тўхтамишхоннинг набирасини Темурбекдан сўраб келишган экан.

Соҳибқирон ўша куни қандайдир саййидлар билан кун бўйи шатранж ўйнади. Саййидлардан деб, уларда Муҳаммад (а.с.) авлодидан бўлган зотларга айтилар экан. Ўша куни Соҳибқирон элчиларнинг совғаларини қабул қилди.

Иккинчи октябрь, пайшанба куни Соҳибқирон ўзига яқин одамни элчиларнинг олдига жўнатиб, ўша ерда базм уюштиришни буюрди ва ўнта қўй ва бир отни пишириб ейишлари ва ичишлари учун май жўнатди. Бу базм тугагандан сўнг, элчиларга сарпо берилиб, совға сифатида отлар ҳадя қилинди.

**115-боб.** Олтинчи октябрь, душанба куни Соҳибқирон ўз Ўрдаси жойлашган майдонда байрам уюштиришни, у ерда ўз завжалари, фарзандлари ва набиралари ўз завжалари билан, хуллас, ҳамма Мирзолар, яқин одамларнинг барчаси йиғилиши керак эканлигини буюрди. Уларнинг барчаси бу ерга келиб, Соҳибқироннинг фармонини кутди. Шу куни элчиларни ҳам байрам зиёфатига олиб келишганда, улар кўпгина чодирларни кўришди. Кўрган чодирлари чиройли, кўпи дарё бўйига қурилган эди.

**116-боб.** Элчиларни турли хил нарсалар сотилаётган жойдан олиб ўтишаркан, Соҳибқироннинг чодир олдида яқинлашганларида, уларни узун арқонлар билан тортилган чодир остига ўтказишди. Чодирнинг икки томонининг кўтарилгани, соя бериш ва шамол ўтиб туриши учун экан. Бундай чодирлар майдонда анчагина. Шу чодирга яқин жойда каттакон, бурчак шаклда чодир қурилган, унинг баландлиги уч найза, узунлиги юз қадамча келарди. Чодирнинг ўрта-

сида думалоқ шифти бўлиб, уни тилла суви юргизилган ўн иккита йўғон устун ушлаб турарди. Бир бурчакдан бошқасига қараб учтадан устун қўйилган ва бир-бирига маҳкамланган, устунларни кўтариб ўрнатишда гилдираклардан фойдаланилган.

Тепадан пастга қараб устунларга ипак мато осилган, улар арксимон шаклда устунлар орасида чиройли кўринади. Чодирнинг ташқарисидан ҳам устунлар қотирилган, арқонлар билан тортиб боғлаб қўйилган, жами ўттиз олтита устун мавжуд. Чодир ичкарисида, марказда каттакон қизил, ранг-баранг иплар, тилла иплар билан тўқилган гилам тўшалган. Ичкаридан шифтга қараганда, ҳашаматли тўртта бургутнинг расми тасвирланган. Сирт тарафида оқ ипак мато билан қопланган, ораларида сариқ ва қорамтир чизиқли бу чодирнинг ҳар бурчагида устун бор, устун тепасида олманинг устида ой кўрнишидаги шакл чизилган. Жуда кенг ва катта, бамисоли қасрга ўхшаган, кенглиги ва баландлиги кишини лол қолдирадиган бу чодирнинг бир тарафида баланд, гиламлар солинган Соҳибқирон учун тахт турарди. Чодир атрофи худди шаҳар ёки қасрни ўраган каби турли ипак матолар билан ўралган. Матолар устунларга осиб чиқилган. Бу тўсиқ айланасига уч юз қадам, баландлиги от устида ўтирган отлиқнинг бўйича келарди. Тўсиқларнинг ўртасида, ичкарига кириш учун баланд арксимон эшиги ҳам бор, эшикнинг тепаси тўрт қиррали, баланд қилиб ишланган. Тўсиқнинг номини “Сарпарда” деб аташади. Бу тўсиқнинг ичкарисида хилма-хил тарзда қурилган чодирлар бор, чодирлар орасида баланд қурилган, арқонларсиз чиройли боғичлар боғланган бино алоҳида ажралиб турар, одамни ҳайратга соларди. Қуёш ўтказмаслиги учун чодирнинг устки қисмидан қизил гилам қопланган, ичкариси эса, кўрпага ўхшаш пахтали матодан тикилган. Устки тарафидан йўл-йўл тортилган чизиқлар кумуш, тилла рангларда ва ора-ораларида қимматбаҳо тошлар ҳам кўриниб туради. Думалоқ шаклдаги оқ чизиқ айлана бўйлаб тилла иплар билан тикилган. Шамол бўлганда чодир устидаги иплар ҳар томонга кўтарилиб, жуда чиройли манзара касб этади. Чодирга қизил гилам билан беркитилган баланд эшик орқали кирилади.

Шу чодир ёнида бошқа бир чодир бор, у ҳам ҳашаматли, қизил гилам билан усти ёпилиб, арқонлар билан тор-

тилган. Унинг ёнида яна тўртта чодир ёнма-ён ва бир-бирига ўтса бўлади. Атрофларида яна майдароқ чодирлар ҳам кўп. Бу тўсиқнинг ичида яна бир бошқа ипакдан қурилган чодир бор бўлиб, у ҳашаматли ва баъзи жойларида очиқ дарчалар кўринади. Дарчалардан ҳеч ким кира олмас, чунки ингичка иплардан тўр қилиб беркитилган. Чодирнинг марказида яна бир ҳашаматли чодир бор, бундай чодирларнинг баландлиги уч найза ва ундан ошиқ келар, тепасида кумуш ва тилладан ясалган, қанотлари ёйилган ҳолдаги бургут, пастроғида эса кетма-кет қўйилган кумушдан ясалган лочин қушларнинг шакли бор. Бу лочинларнинг қанотлари туширилган, худди бургутдан қочиб, учиб кетишга чоғланаётгандек. Бургутнинг кўриниши эса, худди лочинга ташланаётгандек эди. Бургут ва лочиннинг кўриниши жуда моҳирлик билан ишланганки, кўрсангиз, ҳақиқий деб ўйлайсиз. Эшик олдида рангли ипак мато парда сифатида илинган, киришни ва қуёш нурини тўсиб туради. Қуёшнинг нури қаерга тушса, парда ҳам шу томонга қараб тортиб қўйилади. Биринчи чодир Соҳибқироннинг биринчи ва катта завжаси Бибихонимга, бошқаси иккинчи завжаси – кичик хонимга тегишли. Тўсиқни тўсиб турган пардалар “сарпарда” деб номланиб, улар турли рангларда, сони ўн битта. Атрофдаги чодирларда ҳам Соҳибқироннинг бошқа хотинлари ва фарзандлари ҳамда набираларининг хотинлари туришарди.

Куннинг ярмида Соҳибқирон ўша чодирларнинг биридан чиқиб, марказдаги майдонга элчиларни ҳам бу ерга олиб келишни буюрди ва катта зиёфат уюштирди. Зиёфатдан сўнг, элчилар ўз уйларига қайтишди.

**117-боб.** Еттинчи октябрь, кейинги сешанбада Соҳибқирон ўз ўрдасида катта базм уюштираркан, базмга испан элчиларини ҳам таклиф қилишди. Темурбек элчиларни ўзининг каттакон чодирига чорлаб, уларни ичкарига олиб, ўзларининг одати бўйича катта зиёфат уюштирди. Зиёфатдан сўнг Соҳибқироннинг яқин одамларидан ва саройнинг бошқарувчиларидан икки киши – бири Шоҳмалик Мирзо, иккинчиси Нуриддин Мирзолар Соҳибқиронга совға-саломлар олиб келиб кўрсатишди. Тўққиз хилдан иборат совғалар тўққиз кумуш идишларда, унинг ичида ҳар хил ширинликлар (оққанд,

узум, писта, бодом) бор бўлиб, барчасининг усти ипак матолар билан ёпилган. Бу совғаларнинг барини Соҳибқирон ёнида ўтирганлар билан баҳам кўрди. Зиёфат охирида меҳмонлар ва ўтирганлар устидан тилла ва кумуш тангалар сочилди. Шундан сўнг ҳамма уй-уйига тарқалди.

Эртаси, чоршанба куни Соҳибқирон яна зиёфат беришни буюрди ва ўша элчиларни таклиф қилди. Шу куни шамол тургани боис Соҳибқирон майдонга чиқмасдан йиғилганларга ичкарида зиёфат беришга амр этди. Элчилар зиёфатда ўтирмасдан, ўз уйларига қайтиб кетишди.

**118-боб.** Тўққизинчи октябрь, пайшанба куни Соҳибқироннинг катта ўғли Мироншоҳ Мирзонинг завжаси Анзада<sup>1</sup> томонидан ўзига тегишли ҳашаматли чодирлардан бирида катта байрам кечаси уюштирилиб, унга элчилар ҳам таклиф қилинди. Элчилар унинг чодир олдига келганларида, ерда турган май тўлдирилган кўзаларни кўриб, кейин чодир ичкарисига киришди. Шунда Хонзода уларга тўрға чиқиб ўтиришларини буюрди. Бу ерда барча завжалар ёнма-ён, Хонзода эса давранинг тўрида ўтирарди. Ўша куни у ўзининг кўринишидан ёши қирқларда, оқ-сарикдан келган хотин қариндошининг тўйини ўтказиб бераётган эди. Унинг олдида қанд солинган от сути ичимлиги турарди. Яна у билан биргаликда кўпгина сарой хизматкорлари ҳамда Темурбек жанобларининг қариндошлари ва куй чалаётган созандалар бор бўлиб, элчилар келган вақтда улар ичиб ўтиришар, улар шундай тарзда буни бажаришардики, қариндошларидан ёши кексароғи ва икки ёш болакай олдинма-кетин юришиб, аввал маликага, сўнг атрофдаги завжаларнинг пиёласига от сутидан тайёрланган ичимлик қуйиб, тилла патнислар устида, тилла пиёлаларда, бир қўлларида оқ сочиқ, тиззаларини ҳар қадамда эгиб, таъзим қилган ҳолда ичимлик тўлдирилган пиёлаларни тарқатишарди. Хонзодага ичимлик узатаётган вақтларида қўлларига оқ сочиқ ёйиб, сочиқ устига тилла пиёлани қуйиб, таъзим қилган ҳолатда беришар ва ўринларидан туриб, ўтирилмасдан орқага қараб чиқиб кетишарди. Бундай ҳолат жуда узоққа чўзилар, давра қизигандан-қизиб,

---

<sup>1</sup> Анзада — Хонзода.

ҳаммалари кулишиб ўтиришарди. Байрам кечасига Темурбекнинг биринчи завжаси Бибихоним ҳам келган, байрам узоқ давом этганлиги учун у элчиларни ўз олдига чақириб, ўз қўли билан ичимлик қўйиб берди. Шундан сўнг кўпгина от ва қўй гўштидан тайёрланган таомлар меҳмонлар олдига тортилди ва ўз урф-одатлари бўйича, гуручдан тайёрланган таомларни, нонларни, ширинлик ва кўкатларни, бир оздан сўнг эса турли усудда пиширилган гўштларни олиб киришди.

Хонзода ўз эри Мироншоҳ Мирзони отаси билан уриштириб қўйганди. У шоҳ авлодидан бўлиб, Темурбек уни ҳурмат қиларди. Мироншоҳ Мирзо ва Хонзоданинг Корел Солдан<sup>1</sup> исмли йигирма ёшлар чамасидаги ўғли бор эди.

**119-боб.** Тўққизинчи октябрь, пайшанба куни Соҳибқирон набирасининг тўйи муносабати билан базм кечаси уюштирилганда, кечага элчиларни ҳам олиб келишни буюрди. Маросим чиройли безатилган, атрофи чодир билан ўралган майдонда бўлиб, маросимга Бибихоним, Хонзода ва кўпгина таниқли завжалар, мирзолар ҳамда бошқа яқин қариндошлар келишди. Урф-одат бўйича кўпгина пиширилган от ва қўй гўштлири меҳмонларга тортиқ қилиниб, шоду хурсандчилик узоқ давом этди.

Соҳибқирон бу маросимни бутун халққа эълон қилиб, худди сайилга ўхшатиб, ҳамма ўрда атрофида йиғилиб, хурсандчиликка шерик бўлишни буюрди. Бозорни ўрда атрофига кўчириб, савдо-сотикни ҳам шу ерда қилишларига амр этди, бу хурсандчиликни ҳазил-мутойиба билан қизиқарли ўтказиш кераклигини айтди. Фармонга биноан савдогар ва ҳунармандлар шаҳардан чиқишиб, ўрда атрофига жойлашдилар. Шу тарзда хурсандчилик давом этди.

Ҳунармандлар қурган чодирлар атрофида Соҳибқирон буйруғига асосан махсус майдонча қурилди. Бу майдончага айб иш қилганлар тизилиб, бундай хурсандчилик кунда кимларгадир раҳм қилинар, бошқа бировларга эса жазо бериларди. Шу куни Самарқанднинг машҳур кишиси жазога лойиқ топилди. Темурбек олти йилу ўн бир ой бўлмаган вақтда уни ўз ўрнига ҳоким тайинлаб кетганди. Шу вақтлар

---

<sup>1</sup> Корел Солдан — Халил Султон.

мобайнида бу киши Темурбекнинг ишончидан фойдаланиб, ўз лавозимини суистеъмол қилган, кўп хатоликларга йўл қўйган. Соҳибқирон Самарқандга қайтиб келиши биланоқ, бу кишини олдига чақириб, молк-мулкани мусодара қилди, ўзига жазо тайинлади. Шундай таниқли кишига бундай жазонинг берилиши ҳаммани ҳайратга солди, чунки бу кишига Соҳибқироннинг ўзи кўп ишонч билдирганди. Собиқ ҳокимнинг тарафини олиб чиққанлар ҳам жазоланди. Темурбекнинг яқинларидан Бурундуқ Мирзо бу кишини кечиришини сўраб, эвазига тўрт юз минг кумуш танга товон тўлашлигини айтди. Ҳар бир кумуш танга бир кумуш реалга тенг эдики, Соҳибқирон бунга розилигини айтиб, ундан кумуш тангаларини олди ва яна тангалари бўлса, уларни ҳам олиш мақсадида уни қийнашга буюрди. Бундан ташқари, Соҳибқирон яна бир таниқли кишини жазолади. Соҳибқирон бу ердан юришга чиқиб кетаётганда, ўша кишига уч минг отни қолдириб кетган, қайтганида эса бу отлардан бир дона ҳам қолмаганди. Бу кишининг ялинишлари инобатга олинмади, озроқ кутиб турилса, уч мингта отни олти мингта қилиб қайтаришини айтса-да, у жазодан халос бўлолмади.

Шундан кейин Темурбек яна кўпгина инсонларни жазолади. Бунга мисол қилиб, бозордаги бир қанча қассобларни кўрсатиш мумкин. Бу қассоблар Темурбек йўқ бўлган вақтда гўштларни ўз нархидан анча қимматига сотганлиги учун жазоландилар. Кейинроқ бозордаги ҳунармандлар, этикдўзлар ўз молларини қиммат нарҳда сотаётганлигини билиб, уларнинг ҳам ортиқча даромадларини олиб қўйишни буюрди.

**120-боб.** Ўн учинчи октябрь, душанба куни Темурбек жаноблари яна бир базм уюштиришни, унга элчиларни ҳам тақлиф этишни буюрди. Элчилар бу ерга келганда майдончанинг марказидаги чиройли чодирда Соҳибқирон ўз меҳмонлари билан ўтирар, чодирнинг атрофида яна шунга ўхшаш ҳашаматли чодир, бу чодирларнинг усти қизил гиламлар билан ёпилган, атрофини тилла ип билан тикилган баланд тўсиқ пардалар қуршаб турарди. Ичкарига кириш эшиги ҳам аркасимон шаклда қурилган ва эшик ўрнига гилам илиниб, атрофи тилла нақшинкор қилиб безатилган. Эшикнинг тепа қисмида тўртбурчакли гумбази ҳам гиламдан, атрофни ўраб

турган тўсиқларга ҳам шунга ўхшаш гиламлар илинган ҳамда тўсиқларнинг ҳар жой-ҳар жойларига дарчалар қўйилган. Дарчаларнинг ҳам ўша гиламли матодан қилинган эшикчалари мавжуд. Тўсиқларнинг ичкарасида айтганимиздек, ҳашаматли ва чиройли чодирлар тикилган. Худди шу тўсиқли айлана ёнида шунга ўхшаш тўсиқли чодирлар қурилганди. Бу тўсиқларга энди гилам эмас, балки оқ атлас матолар илиб чиқилган. Бу иккита катта чодирларнинг бир-бирига ўтадиган йўлакчалари ҳам бор эди.

Ўша куни элчилар бу чодирларнинг ичини кўришмади, чунки Соҳибқирон катта майдонда базм бераётганди. Эртасига уларни олиб боришиб, бу икки чодирни кўрсатишди. Чодирларнинг ўртасида катта майдон бор бўлиб, майдонда Соҳибқирон кўп байрамларни уюштирарди. Ўша куни элчиларни катта майдонга яқинроқ айвонга ўтказишди. Бу майдон атрофларига, ҳар хил жойларга май солинган каттакон идишлар қўйилган, идишлар майдон айланаси бўйлаб бир ярим чақиримча келадиган масофада. Ҳеч ким бу идишларнинг олдига кела олмас, чунки уларни қуролланган аскарлар қўриқлаб туришарди. Кимда-ким идишлар олдига яқинлашгудек бўлса, унга камондан ўқ узишар ёки қўлларидаги тўқмоқ билан уришарди. Ким бўлишидан қатъи назар шундай чора кўришарди.

Катта майдон атрофида раият йиғилиб, улар Соҳибқироннинг ўз чодирдан чиқишини кутарди. Бу ерда кўп бўлишган элчиларга ўринларидан туришиб, яқиндагина Кичик Ҳиндистондан келган ва у ернинг ҳукмдори Соҳибқироннинг набирасини зиёрат қилишлигини айтишди. Темурбек жаноблари шахсан ўзи бу набирасини чақиртирган экан. Чунки шу вақтларда уларнинг кўришмаганликларига етти йил тўлган экан. Бу набираси Соҳибқироннинг ҳалок бўлган биринчи фарзанди Жаҳонгирнинг ўғли эди. Айтишларича, Соҳибқирон ўз ўғлини жуда яхши кўрган, шу боис унинг фарзанди, ўз набираси Пирмуҳаммадни ҳам жуда яхши кўрганди. Элчилар унинг олдига қараб жўнашди ва уни қизил гилам билан ўралган чодирдан топишди. У давра тўридаги тахтда ўтирар, олдига кўлгина хизматкору аскарлар туришарди. Элчилар чодирга яқинлашганида, ичкаридан иккита аскар чиқиб, уларга тиз чўкиб, таъзим қилишни буюрди. Чодир





Руи Гонсалес де Клавихо. Миллий кутубхона. Мадрид.

HISTORIA  
DEL GRAN TAMORLAN

ITINERARIO Y ENARRACION DEL VIAGE,  
y relacion de la Embaxada que Ruy Gonçalez de Clavijo le hizo,  
por mandado del muy poderoso Señor Rey Don  
Henrique el Tercero de Castilla.

Y  
UN BREVE DISCURSO HECHO POR  
Gonzalo Argote de Molina, para mayor inteligencia  
dello Libro,

(S)

ORDENADO DEL MUY ILLUSTRE SEÑOR  
*Alonso Perez del Campo de la Moynada y de  
Secretario del Rey.*



IMPRESSO.

CON LICENCIA DE SV Magestad.

En Sevilla.

En casa de Andrea Pelicioni.

Año de M. D. LXXXII.

Руи Гонсалес де Клавихонинг «Амир Темур тарихи» асарининг 1582 йилда Испаниянинг Севилия шаҳрида Ароте де Молина томонидан илк бор нашр қилинган китобнинг муқоваси.



Руи Гонсалес де Клавихо (XVI асрга мансуб кийимда)  
Амир Темур қабулида. Самарқанддаги Улугбек обсерва-  
торияси, XX аср.



Элчилар қабули. Шарофиддин Али Яздийнинг “Зафарнома”  
асарига ишланган миниатюра. Темурийлар тарихи Давлат  
музейи. Тошкент.




Руи Гонсалес де Клавихо (XIX асрга мансуб кийимда)  
Амир Темур қабулида. Миниатюра. XIX асрнинг боши.




А.Алиқулов. Самарқанд бозори. Темурийлар Тарихи Давлат  
музейи. Тошкент.



Буюк голландиялик рассом Рембрандт Харменс ван Рейн (1606-1669) Бобурийлар давридаги Ҳинд миниатюраларидан руҳланиб Амир Темур ва Темурийлар (Умаршайх, Бобур, Ҳумоюн ва Акбар) расмини чизган.



Амир Темурнинг Франция қироли Шарль VI га 1402 йил 1 августда ёзган хати. Ушбу хатнинг асли Франция Миллий архивида сақланмоқда. Хатнинг нусхаси 1996 йил 21 апрелда Франция Республикаси Президенти Ж.Ширак Томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовга совға қилинган ва у ҳозирги кунда Темурийлар тарихи Давлат музейида сақланмоқда.



Султония архиепископи Иоаннинг 1403 йил июнда ёзган «Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар» қўлёзмасининг биринчи бети.



1. Л. Кереннинг «Амир Темур даврида Самарқанд сари йўл» китобининг муқоваси. Ушбу китоб Руи Гонсалес де Клавихо «Кундаликлар»нинг французча таржимаси бўлиб, 1990, 2002 ва 2006 йилларда Парижда чоп этилган.

2. Руи Гонсалес де Клавихо «Кундаликлар»ни Испания Ташқи ишлар вазирлиги ҳомийлигида испан ва рус тилларида «Кастилиядан Самарқандга дипломатик миссия (1403–1406)» номи билан 2000 йилда Мадридда чоп этилган китоб муқоваси.

3. «Амир Темур жаҳон тарихида» китобини 1996 йили Тошкентда инглиз тилида чоп этилган нашрининг муқоваси.

4. Э.В.Ртвеладзе ва А.Х.Саидов. «Амир Темур жаҳон фани кўзгусида». Тошкент, 1999. Ушбу китобда Амир Темур ва Темурийлар тарихига оид Европада чоп этилган мингга яқин асарлар рўйхати берилган.

5. Руи Гонсалес де Клавихо. «Амир Темур давлатига юборилган элчи» китобининг Мадридда 2006 йилда чоп этилган нaшри муқоваси.

6. 1989 йилдан бери Парижда чоп этилаётган «Темурийлар» журнали. Ҳозирга қадар ушбу журналнинг 23 та сони чиққан.



ичкарасига киришганида элчилар ўнг тиззаларини букиб, қўлларини кўкракларига қўйиб, яна бир бор таъзим бажо келтиришгач, олиб кирган кишилар уларни ўринларидан турғазишиб, четроққа олишди ва бир оздан сўнг чодирдан ташқарига олиб чиқишди.

Соҳибқироннинг набираси ўз одатлари бўйича жуда чиройли ва бой кийинган, эгнида мовий рангдаги тилла иплар билан тикилган атлас кўйлак, кўйлакнинг кўкрак, елка ва қўл енгларида думалоқ доира шаклдаги расмлар солинган, бошидаги салласи дур-гавҳарлар билан безатилган, энг тепасида чиройли катта олмоси бор. Қаршисида турган раият уни байрамона илтифотлар билан қарши олди. Ўша ернинг ўзида майдонда иккита кураш тушадиган полвонлар бўлиб, улар эгнига теридан тикилган енги йўқ кийим кийиб олган, роса кураш тушишиб, бир-бирини йиқита олмас эди. Шунда Пирмуҳаммад, уларнинг бири йиқилмагунича курашни давом эттиришларини буюрди.

Ўша куни бу ерда бўлган барча элчилар Темурбекнинг йигирма икки ёшли, қорачадан келган, ҳали соқол қўймаган Пирмуҳаммад исмли набирасини зиёрат қилиш учун келишди. Айтишларича, у ўзини Кичик Ҳиндистоннинг подшоҳи деб эълон қилган экан.

**121-боб.** Ҳиндистоннинг асосий шаҳарларидан бири Дехлида Ҳиндистон подшоҳи ва Темурбек ўртасида жуда катта жанг бўлиб ўтган экан. Бу жангга Ҳиндистон подшоҳи жуда катта қўшинни ва унга қўшимча тарзда элликта жангчи филларни олиб келган экан. Бизда бу филларни “морфиллар” деб номлашади.

Биринчи жангда Ҳиндистон подшоҳи шу филлар туфайли Темурбек устидан ғалаба қозонган, эртаси куни яна жанг қилишиб, жанг бошланишидан аввал Темурбек ўз аскарларига кўпгина туяларни олиб келиб, бу туяларнинг устига сомон-хашақлардан ортиб боғлашни буюрган. Жанг бошланиши биланоқ, филларга қарши махсус туяларни қўйиб юборишган ва улар филларга яқинлашганида туяларнинг устидаги сомонни ёқишган. Филлар ёнаётган туяларни кўргач, ҳаммаси ҳар тарафга қараб қочган. Айтишларича, филларнинг кўзлари кичик бўлганлиги учун оловдан жуда қўрқишар экан.

Шу тарзда Темурбек Ҳиндистон устидан ғалаба қозониб, Самарқанд салтанати билан чегарадош ерларни эгаллаб олди. Ҳиндистоннинг кўпгина ерлари ўнқир-чўнқир тоғлардан иборат, лекин шаҳар ва қишлоқ ерлари ҳосилдор эди. Ҳиндистон подшоҳи мағлуб бўлгандан сўнг, қолган аскарлари билан тоққа қочиб, у ерда кўшин йиға бошладилар, бироқ Темурбек кутиб ўтирмасдан ўз аскарлари билан жанг қилиш учун унинг олдига борди. Ҳиндистон подшоҳи Темурбек билан жанг қилгиси келмади. Ўша вақтда қўлга киритилган бу ерларни набираси Пирмуҳаммад то Ормузо шаҳригача эгаллаб турарди. Шундай бўлса-да, Ҳиндистоннинг катта қисми ўз подшоҳи қўлида қолди. Бу жангга ўн бир йил бўлган экан, лекин шу пайтгача Темурбек ва унинг набираси ҳам Ҳиндистоннинг ичкарасига юриш қилмаган.

Ҳиндистоннинг аҳолиси насроний, уларнинг подшоҳи ва ўзлари эътиқоди бўйича грекларга ўхшаган, ораларида бошқа насронийлар, маврлар ва ҳиндулар ҳам бўлган экан.

**122-боб.** Элчиларни бу чодирдан олиб чиқишиб, аввал ўтирган айвонга ўтқазишди ва кун ярмигача Соҳибқироннинг чодирдан чиқишини кутишди. Соҳибқирон кун яримлаганда чодирдан чиқиб, базм майдонига келиб ўтирди. Сўнгра атрофига ўз яқинларини, меҳмонларини ва элчиларни чорлади. Худди аввалгидек, ҳамма Соҳибқирон атрофида ўз ўринларини билиб ўтиришди. Шу кун жуда кўп томошалар, филларни қизил ва яшил рангга бўяб, улар билан томошалар кўрсатишди. Бу томошалардан ва дўмбираларнинг садоларидан шундай шовқин-сурон кўтарилдики, одам ҳайрон қолади.

Соҳибқирон ўтирган майдончада кўпгина созандалар йиғилган, бундан ташқари, ёнида яна иккита катта думалоқ идишда от сути турар, хизматкорлар бу идишдаги от сутини қўлларидан таёқлар билан аралаштириб, ичига оқ қанд бўлақларидан ташлаб туришарди. Буни улар шу заҳоти ичиш учун қилишарди.

Ҳамма ўз жойини эгаллагач, чодирларнинг биридан Соҳибқироннинг катта завжаси Бибихоним чиқиб келди. У қизил матодан, тилла иплар билан жуда кенг қилиб тикилган узун кўйлак кийиб чиқди. Кўйлак жуда узун эдики, орқасидан

ўн бешга яқин канизаклар кузатиб юришарди. Хонимнинг юзи шунчалик оқ нарса билан бўялган эдики, худди узоқдан оқ қоғоз бўлиб кўринарди. Бу оқ упа юзга қуёшдан сақланиш учун суртиларди. Соҳибқироннинг бошқа завжалари ёз фаслида узоқ йўлга чиқишганларида қуёшдан асраш мақсадида юзларига бу оқ пудраларни суртишарди. Бибихонимнинг юзи юпқа, нозик оқ мато билан беркитилган, бошида қизил матодан бош кийими бор, бош кийимда елкасигача юпқа мато тушиб турибди. Узун бош кийим қимматбаҳо дур-гавҳарлар билан безатилган. Соchlари жуда ҳам қора, елкасига тушиб туради. Бу хотинлар соchlарини қора рангда булишини ёқтиришар ва баъзида қора рангга бўяшарди. Бибихонимнинг ёнида яна бир одам қўлида соябон кўтариб, уни қуёшдан тўсиб келарди. Соябон оқ ипак матодан, худди чодирга ўхшаш думалоқ шаклда.

Бибихоним Соҳибқирон ўтирган майдончада, давранинг тўрига чиқиб, унинг ёнида ўтирди. Ҳамма кузатиб келган хотинлар майдонча ташқарисида қолди. Бибихоним ўз жойига ўтиргач, Соҳибқироннинг бошқа бир завжаси, у ҳам биринчисига ўхшаб қизил либосда, узун бош кийимда, дабдаба билан кўпгина қизлар қуршовида чиқиб келди ва давранинг тўридан жой олиб, Соҳибқироннинг катта завжаси ўтирган жойдан бир оз пастроққа ўтирди. Соҳибқироннинг бу завжасининг исми Кичакано<sup>1</sup> бўлиб, бу унинг иккинчи завжаси эди.

Кейинги чодирдан Соҳибқироннинг яна бир завжаси даврага яқинлашиб, иккинчи завжаси ўтирган жойдан пастроқдаги жойга келиб ўтирди. Шу тарзда Соҳибқироннинг тўққизта завжаси чиқиб, бирин-кетин ўз жойларини эгаллашди. Уларнинг ҳаммаси бир хил кийинган ва бир хил ясанган. Улардан саккизтаси Темурбекнинг ўз хотини, биттаси эса набирасининг завжаси эди.

Темурбек завжаларининг исмлари шундай эди. Биринчисиники Бибихоним — “Энг катта хоним” ёки “Буюк малика” деган маънони билдиради. Бибихоним бутун Самарқанд, Форс ва ҳаттоки Дамашқ мамлакатларининг ҳукмдори Ахинха (Қозонхон)нинг қизи эди. Бу ҳукмдорнинг онаси жуда машҳур,

---

<sup>1</sup> Кичакано — Кичик хоним.

отаси эса унча танилмаган. Ҳукмдор кўпгина қонун-қоидаларни ишлаб чиқиб, уни назорат қилар, бу қонун-қоидалар салтанат ичида шу пайтгача қўлланилиб келинарди. Иккинчи завжасининг исми Кичик хоним бўлиб, у ҳам Андерап мамлакатининг ҳукмдори Туман оғонинг қизи. Кейингисининг исми Улус оғо, кейингисининг исми Чўлпонмалак, ундан сўнг Дилкушод, яна бири Туркон оғо, бошқаси Шоҳмулк хотун ва охиргиси Жаҳоноробегим, яъни уларнинг тилида “қалб маликаси” маъносини англатарди. Темурбек охирги завжасига ўтган август ойида уйланиб, унга шу исми берганди. Ҳамма тартиб билан ўз жойига ўтиргандан сўнг, зиёфат узоқ давом этди. Худди Хонзодабегим базм уюштирганидек, бу ерда ҳам шундай базм давом этди.

**123-боб.** Шу куни Соҳибқирон ёнида ўтирган элчиларга ўринларидан туришларини айтди ва ўзи қўлига бир пиёла қимизни олиб испан элчиларидан бирига узатди. Билардики, иккинчи элчи Руи Гонсалес умуман ичмасди. Соҳибқироннинг қўлидан қадаҳни олиб ичадиган бўлишса, уларнинг урф-одати бўйича аввал Соҳибқирон олдига яқинлашиб, ўнг оёғини букиб таъзим қилар, кейин иккинчи тиззасини букиб, тиз чўккан ҳолатда унинг қўлидаги қадаҳни олиб, ўрnidан турар, бир оз орқага юрган ҳолатда тўхтаб, ўгирилмасдан тиз чўкар, қадаҳда бир томчи қолдирмасдан симириб ичишарди. Охиригача ичмаслик ҳурматсизлик ҳисобланарди. Охиригача ичиб бўлгандан сўнг, қўллари билан оғизларини ёпишарди. Ҳар бир элчининг қўлидан тутиб, унинг олдига олиб боришар ва орқага ўз жойига кузатиб қўйишарди. Элчиларнинг одамларини шу майдонга яқин катта айвон тагига жойладилар. Бу майдонча атрофида кўпгина айвону чодирлар қурилган, чодирларда ва айвонларда меҳмонлар ва элчилар туришарди.

Соҳибқироннинг олдига узун ёғоч устунлар кўмилган, бу устунларнинг ўртасида бир-бирига боғланган арқонлар тортилган, арқонларнинг устида одамлар юриб, томоша кўрсатишарди. Соҳибқироннинг ўн тўртта фили, ҳар бир филнинг устида тахта ёғочдан ясалган курси, филнинг устига рангли ипак мато тўшалган, тўрттадан сариқ ва яшил байроқчалари, яна ҳар бир филнинг устида беш-олтитадан одам, бундан ташқари, филнинг устида қўлида таёқ ушлаган, филни

югуришга ва томоша кўрсатишга ундаётган филбон ўтирарди. Филларнинг ранги қора, ҳеч қандай жуни йўқ, думлари туянинг думидек калта, бироқ ўзлари жуда катта, ҳар бирининг катталиги тўрт-бешта буқанинг катталигача келади. Шу куни филлар билан турли томошалар кўрсатишди, одамлар ва отларнинг орқасидан югуртиришдики, бу жуда қизиқарли бўлди. Филлар жамлашиб югуришганда ер қимирлагандек бўларди. От ёки бошқа ҳайвонлар югурганида фил билан тенглаша олмасди. Кўрганим учун ишонч ҳосил қилдимки, агарда бу филлар жангда қатнашса, ҳар бири мингтадан жангчига тўғри келади. У ердаги одамларнинг ўзлари ҳам буни тасдиқлашди. Агарда фил одамларнинг ўртасида қолиб кетса, икки томонлама зарба беради, мабодо ўзи яраланса, йўл танламасдан жуда тез югуради ва жуда яхши жанг қилади. Филлар икки-уч кун овқат емасдан бемалол жанг қила олади.

**124-боб.** Ўша куни Соҳибқирон ва унинг завжалари давра олдида анча ўтиришганидан сўнг, кўпгина пиширилган қўй ва от гўшtidан олиб келишди. Бу гўштни хизматкорлар тилла суви юргизилган териларда майдон бўйлаб судраб, тортиб олиб келишар, гўшт шунчалик кўп эдики, уларни олиб келган хизматкорларнинг сони уч юз ва ундан ортиқ эди. Шовқин-сурон билан хизматкорлар биринчи бўлиб Соҳибқироннинг олдига яқинлашишди, кейин ўз одатлари бўйича гўштни нонсиз, қуруқ ўзини лаганларга солиб чиқишди. Сўнгра олдинма-кетин ўтирган халққа олиб келинган гўшtlар бўлиб берилди. Халқнинг кўплигидан тоғдек уюлиб турган гўшт зум ўтмай еб бўлинди. Дастурхон устида тузланган гўшт, ҳар хил усулда гуручдан пиширилган таомлар, нонлар оқ қанд билан турардики, бу вақтда қош қорайиб Соҳибқироннинг олдига кўпгина ёқилган шамлар қўйилди. Шунда улар тезроқ еб-ичишга ва хурсандчилик қилишга шошилишар, халқ эса борган сари кўп келарди. Шундан кўриниб турардики, байрам тун бўйи давом этди. Шу кечаси Соҳибқирон ўзининг қиз набираларидан бирини ўз яқинларига турмушга бераётган эди. Элчилар бу байрамнинг тун бўйи давом этишини билишгач, у ердан чиқишиб, ўз кошоналари томон кетишди. Соҳибқирон ва унинг завжалари байрамни давом эттиришди.

**125-боб.** Бошқа куни, ўн олтинчи октябрь, пайшанбада Соҳибқирон яна бир базм уюштириб, боз элчиларни таклиф қилди. Бу байрам ўша жойда жойлашган энг бой, арқонсиз қурилган ҳашаматли чодирларнинг бирида ўтди. Соҳибқирон ўзи билан бирга элчиларни ҳам чодир ичкарасига бошлади. Ўша куни кўплаб гўштли таом олиб келинди ва базм узоқ давом этди. Кўп ўтмай элчилар у ердан чиқиб, ўз уйларига кетишди, Соҳибқирон эса базмни давом эттирди.

**126-боб.** Ўн еттинчи октябрь, жума куни Соҳибқироннинг завжаси Бибихоним катта базм уюштирди ва у ҳам ҳашаматли чодирга ўз яқинларини, меҳмонларни, ҳурматли ва таниқли аёлларни ҳамда турли мамлакатлардан келган элчиларни таклиф этди. Унинг чодирини шундай қурилган эдики, бир қараганда кўзни қамаштирар, яъни чодир атрофи ва тепа қисмлари оқ ва камалак рангдаги чиройли матолар билан тикилган. Элчилар ўрдага келишганда хизматкорлар уларни бир чодирга олиб келиб ўтказишди. Бу чодирнинг тепа қисми қип-қизил гилам билан ёпилган, атрофи ҳам чиройли. Улар шу чодирга жойлашишди ва уларга пиширилган гўштлар ва бошқа таомлар олиб келишди. Элчилар овқатланиб бўлишгач, Бибихоним уларга ўз чодирини кўрсатишларини буюрди. У ерда ҳашаматли чодирлар кўп, лекин уларнинг ичидан бири арқонсиз қурилган, тоза ипак матодан, жуда катта ва ҳашаматли. Чодирнинг ичкараси ва ташқариси ҳам жуда чиройли, улар орқама-орқа ўрнатилган. Биринчи эшик нозик қизғиш ашёдан ясалган, ташқарисидан ипак мато билан ўралган.

Бу эшик шундай ўрнатилган эдики, яъни ёпиқ турган ҳолатда ҳам ичкарига майин шабада эсиб туриши, ичкарида ўтирганлар ташқаридагиларни бемалол кузатиши, ўзлари эса кўринмасликлари мумкин. Эшикнинг олдида бошқа бир чиройли, турли бўёқ ва тилла суви юргизилган эшик бўлиб, у ҳам жуда баланд, бемалол отлиқ одам қира олади. Бундай санъатни ўша ерларда ва бутун насора ерлардаги ягона санъат асари деса бўлади. Бир эшикка илоҳий Пётр тасвирланган бўлса, иккинчи эшикда илоҳий Павел қўлида китоблар билан атрофлари тилла билан қопланган ҳолда тасвирланган эди. Бу эшикларни, айтишларича, Темурбек Бурса шаҳри-

дан, Туркия газнаседан олиб келган экан. Эшикларнинг олдида, бир жавон турар, унда кумуш ва олтин идишлар сақланарди. У тоза тилладан, жуда чиройли безатилган. Жавоннинг кичкина эшикчаси бўлиб, ичида олтита думалоқ шаклдаги тилла пиёлалар, устида эса тилладан ясалиб, қимматбаҳо тошлар билан безатилган хумчалар турарди. Жавоннинг ёнида тилладан ясалган, қимматбаҳо тош билан безатилган хонтахта, бу хонтахта эни бир ярим қадамча, узунлиги тўрт қадамча келарди. Хонтахта ёнида эса дуб дарахтига ўхшаш, тоза тилладан ясалган дарахт турарди. Дарахтнинг қалинлиги одамнинг оёғича, шохлари ҳар томонга осилган ва шохларида жуда кўп барглари бор. Дарахтнинг баландлиги одам бўйича келар, мевалари зумрад, олмос ва ҳар хил қимматбаҳо тошлардан. Ундан ташқари, у ерда ҳар хил рангдаги тилладан ясалган қушчалар бўлиб, айримлари қанотини ёйганча турарди. Шу дарахтнинг қаршисида, чодир девори ёнида, тахтадан ясалган, кумуш ва тилладан ишлов берилган стол турарди. Элчилар бу чодирларни айланиб чиқишгач, уларни яна бир чодирга олиб боришдики, у ерда Соҳибқирон ўз яқинлари ва мирзолар билан ўтирарди. Бу ерда ўша куни Соҳибқирон ўз набираларининг тўйини ўтказаетган эди.

Майдончага кираётиб, ўнг тарафда қизил гилам ва атрофлари турли хил матолар билан ўралган чиройли чодир турарди. Чодирнинг ҳар жой-ҳар жойида кичкина дарчалари бор, дарчалар асосан ичкаридан ташқарини кўриш учун қўйилган. Элчиларни аркасимон қилиб ишланган эшикдан олиб киришди. Эшик олдидан ичкарига қараб, атрофлари ўралган узун йўл ва кираверишда, ўнг тарафда ҳам эшик, қаршисида ҳам эшик, бу эшик тўғри чодирга олиб боради. Узун кўчага ўхшаш йўлдан борилса, йўлнинг охирида атрофлари тилла билан безатилган Соҳибқироннинг чодир бор эди. Бу чодирларнинг тепа қисмлари қизил гиламлар билан ёпилган ва улар шунчалик чиройли, ҳашаматли қилиб қурилганки, сўз билан таърифлаш қийин. Бунини одам ўз кўзи билан кўриши керак.

Элчиларни шу майдондан олиб ўтиб, тахтадан ясалган уйга киришди. Уй баланд, унга зинапоя билан чиқилади. Уйнинг ичкариси тилла, кумушлар билан безатилган, бу йиғма уйни хоҳлаган вақтда бузиб ва яна қурса бўлади. Мас-

жид ҳисобланган бу уйда Соҳибқирон ибодат қилар ва қаерга борса ўзи билан бирга олиб кетарди. Элчиларни яна бир чодирга олиб боришдики, чодир яшил арқонлар билан тортилиб, ташқарисидан кулранг тери билан ўралган, ичкараси оқ рангда ва одатда иккита ётоқ жойи бор. Бу чодирдан ён томондаги бошқа бир арқонсиз тортилган, тепа қисми гилам билан қопланган, ён қисми айланасига қимматбаҳо тери билан ёпилган чодирга олиб боришди. Териларнинг нархи жуда баланд, бу мамлакатда унинг нархи ўн тўрт-ўн беш дукат, бошқа мамлакатларда бундан ҳам қиммат турарди. Чодирнинг қаршисида узун қилиб айвон қурилган. Шоҳона чодирлар шундай қурилганки, қишда ҳам, ёзда ҳам ичига қуёш нури тушмайди. Элчиларни бу майдончадан иккинчи майдончага олиб ўтишди. Бу майдончанинг атрофлари оқ атлас билан ўралган, ичкарасида кўпгина айвон ва чодирлар тикилган. Ўрдала фақат шоҳона чодирларни эмас, балки Соҳибқиронга яқин одамларнинг, мирзоларнинг чодирларини кўриш мумкин. Шунинг учун қаерга қараманг, чодирлар, айвонлар ва сарпардалар кўринарди. Ҳаммаси бўлиб, бу чодирларнинг сони тахминан тўрт-беш мингга ташкил этади. Булардан ташқари, агрофда, далаларда, боғларда ва сув бўйларида ҳам кўплаб чодирлар мавжуддир.

Бу байрамга Соҳибқирон барча мирзоларни ҳамда бутун Самарқанд салтанатининг ҳурматли инсонларини йиғишни буюрди. Ҳамма қатори бу ерга Бадахшон ҳукмдори ўз навқарлари билан етиб келди. Бадахшоннинг бойлиги шу эдики, у ерда қимматбаҳо олмос ишлаб чиқариларди. Элчилар анча вақт Бадахшон ҳукмдори билан бирга бўлишиб, қандай қилиб олмос ишлаб чиқаришни ундан сўрашди. Шунда у шаҳарга яқин жойда катта тоғ борлигини, шу тоғнинг тошларини бўлақларга ажратиб, унинг ичидан олмосларни ажратиб олишларини айтди. Уни булар шундай қиларкан: олмоси бор тош бўлагини олиб, болғача билан тош атрофи уриб туширилар, секин-аста тошлар тўкилиб, олмоснинг ўзи юзага чиқиб қоларкан. У яна шу олмос кони атрофига Темурбек жаноблари кўплаб кўриқчи аскарлар тайинлаб қўйганлигини ҳам айтди. Бадахшон Самарқанддан Кичик Ҳиндистон томон юрилганда, ўн кунлик масофа. Яна бу ерга Темурбек номидан Акиви шаҳрини бошқарадиган ҳукмдор ҳам етиб келди.



Акивидан ҳам қимматбаҳо тошлар келтирилади. У шаҳар ҳам Самарқанддан Ҳиндистонга қараб ўн кунлик масофада жойлашган бўлиб, Бадахшон шаҳридан бир оз пастроқда экан.

Йигирма иккинчи октябрь, душанба куни Соҳибқирон ўз ўрдасида, катта чодирда уюштирган зиёфатга элчиларни ҳам таклиф этди. Зиёфатга жуда кўп одам йиғилди ва худди аввалгидек Соҳибқироннинг завжалари чиройли либосларда зиёфатга келишди ҳамда байрам кечгача давом этди.

**127-боб.** Ўттинчи октябрь, пайшанба куни Соҳибқирон ўз ўрдасидан чиқиб, шаҳарга, набираси Муҳаммад Султон Мирзо кўмилган масжид-мақбарага келиб тўхтади. Соҳибқирон жуда яхши кўрган бу набираси Туркияда, Те-мурбек турклар устидан ғалаба қозонганда, ўз қўли билан Турк султонини асирга олган пайтда ўша жойда касаллик туфайли вафот этган эди. Шунинг учун ҳам унинг номига масжид-мақбара қурдирганди. Ўша куни Соҳибқирон шу ерга келиб, набирасининг руҳини шод этиш мақсадида зиёфат бераркан, зиёфатга элчиларни ҳам таклиф этди. Элчилар келганда уларга масжид-мақбарани кўрсатишди. Масжиднинг гумбази баланд, ичи ва сирти, деворларига тилла суви юргизилиб, нақшлар билан безатилган. Муҳаммад Султон Мирзо Туркияда вафот этгандан сўнг, Соҳибқирон шу заҳотиёқ жасадни Самарқандга жўнатиб, у ерда унинг номига масжид-мақбара қуришни амр этган, Самарқандга келгач эса, мақбаранинг паст қурилганини кўриб, кўнгли тўлмаган ва мақбарани буздириб, ўн кун ичида янгисини қуришни буюриб, қурилиш ишларини жиддий назорат остига олди. Кечаю кундуз давом этган қурилишга Соҳибқироннинг ўзи икки марта келиб-кетди. Онда юра олмаганлиги сабабли, Соҳибқиронни кўтариб олиб келишарди. Шундай қилиб, мақбара ўн кун деганда қуриб битказилдики, бундай катта бино бунчалик қисқа вақтда қуриб битказилганига ҳайрон қолса бўларди. Шу набирасининг ҳаққига ўша куни катта базм уюштирилди ва кўпгина одамлар йиғилди. Уларнинг одати бўйича анчагина гўштли таомлардан тарқатилди. Базм тугагандан кейин Соҳибқироннинг яқинларидан бири, Шоҳмалик Мирзо элчиларни бу ердан олиб кетиб, сарполар кийгазиб, бошларига кийиб олишлари учун салла билан бирга

уларга бир ярим минг кумуш танга солинган бир қопча ҳам берди. Кумуш уларнинг пули бўлиб, ҳар бир танга икки кумуш реалга тенг келарди. Шундан сўнг, элчилар яна Соҳибқироннинг олдига қайтиб келишиб, одат бўйича унга таъзим қилишди. Соҳибқирон эса уларга бошқа куни келишларини, улар билан суҳбат қуриб, ўз ўғли — Кастилия қиролининг олдига шундай яхши кунларда кузатиб қўйишини айтди.

**128-боб.** Бу қурилиш битгандан сўнг, Самарқанд шаҳри ҳақида кўп қайғурган Соҳибқирон янги қурилишни бошлаб юборди. Самарқанд шаҳрига ҳар йили Хитой, Ҳиндистон, Тотористон (Дашти қипчоқ) ва бошқа мамлакатлардан турли моллар олиб келтирилади. Самарқанд ўта бой шаҳар. Шаҳарда савдо-сотик қилиш учун қулайлик бўлмагани сабабли жаноб (Темурбек) шаҳардан катта кўча ўтказиш ва унинг икки тарафига дўконлар қуришни буюрди. Кўчанинг боши шаҳарнинг бу четида бўлиб, охири унинг нариги тарафида дур. Иш бошига ўзининг икки амирини қўйди ва дедик, агар улар (бу ишда) саъй-ҳаракат кўрсатмасалар ва кечакундуз тинмай ишламасалар, бошларидан айриладилар. Кўчани жуда кенг қилиб қурдилар, унинг икки тарафига эса дўконлар ва олдига оқ мрамор билан қопланган олий ўриндиқлар бино қилдилар. Кўчанинг тепасини эса том билан беркитиб, унга ёруғ тушмасин учун туйнуқлар ўрнатдилар. Йигирма кун деганда, шунча катта иш амалга оширилдики, бунга ҳайрон қоласан киши.

Соҳибқироннинг буйруғи билан завжаси Бибихонимнинг онаси номига қурилган масжид шаҳарнинг гўзал биноларидан бири бўлиб, Соҳибқирон у ерга келганида қурилиш тугаган, масжиднинг олд девори пастроқ қурилган, бундан унинг кўнгли тўлмай, бу деворни буздирганди. Тезда девор атрофида иккита чуқур хандақ қазилиб, бинонинг пойдевори бошқатдан қурила бошланди ва бинонинг бир тарафида Соҳибқироннинг ўзи қурилишни назорат қилди, яқин одамларига бинонинг иккинчи тарафини назорат остига олишларини айтди ҳамда шу зайлда қайси тараф бинони тез қуриб битказишини синамоқчи бўлди. Соҳибқирон бу вақтда юра олмасди, уни кўтариб олиб юришарди. Уни ҳар куни бу ерга

олиб келишар, у ишчиларга қурилишни тезлаштиришни, кейин бу ерга қайнатилган гўшт олиб келтириб, хандақнинг ичида ишлаётганларга ташлашни, баъзида танга пулларни ташлашни буюрарди. Айрим ҳолларда гўштни қурувчи ва ишчиларга ўз қўли билан ташларди. Шу йўсин қурилиш кечаю кундуз давом этарди. Бу қурилиш ва кўчаларнинг тикланиши қор ёғаётганлиги туфайли тўхтатилганди.

**129-боб.** Биринчи ноябрь, жума куни элчилар уйга қайтиш учун рухсат олмоқ ниятида Соҳибқироннинг олдига йўл олишаркан, уни қурилаётган ва қурилиши давом этаётган масжиддан топишди, эрталабдан тушликкача у ерда бўлишди. Тушлик вақтида Соҳибқирон чодирдан чиқиб, майдонда қурилган тахтга келиб ўтирганда, шу ерга пиширилган гўшт ва мева-чевалар олиб келинди. Соҳибқирон элчилар билан биргаликда тушлик қилиб бўлгач, уларни қабул қила олмаслигини айтиб, узр сўради, чунки ўша вақтда у набираси, Кичик Ҳиндистон подшоҳи Пирмуҳаммадни кузатаётган эди.

**130-боб.** Ўша куни Соҳибқирон набирасига ва унинг яқинларига кўпгина отлар, сарпо-суруқ ҳамда қурол-яроғлар совға қилди. Эртаси, шанба куни, Соҳибқирон амри ила элчилар яна унинг олдига боришганда, соғлиги ёмонлиги боис чодирдан чиқа олмади. Элчилар кун яримлагунча кутиб ўтиришди. Одатда, бу вақтда Темурбек ўз чодирдан чиқиб келарди, лекин унинг ўрнига яқинларидан бири чиқиб, Соҳибқирон чиқа олмаслигини, элчиларни ўз жойларига қайтиб боришларини маълум қилди.

**131-боб.** Кейинги якшанба куни уйга қайтишлари учун рухсат олмоқчи бўлиб келган элчиларни кўрган мирзолар, уларни бу ерга ким чақирганлигини сўрашди ва ҳозир Соҳибқирон билан гаплаша олмасликларини айтиб, орқаларига қайтаришгач, элчиларга бириктирилган кузатувчи-хизматкорни чақириб, ундан нима учун элчиларни бу ерга олиб келганлигини сўрашди ва уни жазоламоқчи бўлишди. Кузатувчи эса элчиларни чақиртирмаганини, ҳатто ўша куни уларни кўрмаганлигини айтди. Шундай бўлса-да, кузатувчи яхшигина таёқ еди. Мирзоларнинг бу ҳаракати бекорга эмас,

чунки ўша кунлари Соҳибқироннинг аҳволи оғир ва унинг завжалари, яқин қариндошлари саросимада эдилар. Мирзолар Соҳибқироннинг уйи ва салтанатини вақтинча бир “кенгаш” тузган ҳолатда бошқариб туришганди. Ҳозирда ўзлари элчиларнинг кетишларига рухсат бера олмасликлари боис уларга Соҳибқирон соғайиб, ўзи чақирмагунча кутишларини тайинлашди. Шу тарзда Соҳибқирон уларни анча вақт ўз олдига чақирмади, элчилар эса унинг олдига боришга ботина олмадилар.

Кунларнинг бирида чиғатойлардан бўлган киши келиб, уни бу ерга мирзолар юборганини, испан, Бобил султони, Туркия элчиларини ва яна бир элчи Тойзуўғлон билан биргаликда Табризгача<sup>1</sup> боришларини, шаҳар ва қишлоқ йўлларида элчиларни озиқ-овқат, керакли нарсалар билан таъминлашни, мирзолар томонидан кўпгина отлар берилганини, Табризда уларни Соҳибқироннинг набираси Омар Мираса<sup>2</sup> кутиб олиб, ўша жойдан ҳаммаларини ўз юртларига кузатиб қўйишини айтди. Элчилар бунга жавобан Соҳибқирон уларга рухсат бермаганлигини, ўз қиролларига Соҳибқирондан жавоб мактубини олмаганликларини билдиришганда, вакил бу ҳақда ҳеч қандай гап бўлмаслиги, бу масала мирзолар томонидан ҳал этилганлиги ва улар худди бошқа элчилар каби кетишга тайёргарлик кўришлари кераклигини маълум қилди. Шунда испан элчилари Соҳибқироннинг саройига жўнашди ва мирзолар билан учрашиб, уларга ўтган пайшанбада Соҳибқироннинг ўзи чақириб, уларга ўз ватанларига қайтишлари учун рухсат беришини айтганини, энди эса мирзолар номидан одам келиб, эртага йўлга чиқишлари кераклигини буюрганини айтишганда, мирзолар уларга ҳозирда Соҳибқироннинг олдига кириб бўлмаслигини, мирзолар ўзаро келишиб, кетишлари учун рухсат берилганлигини яна бир бор таъкидлашди. Мирзолар бундай қилишларига сабаб, оғир касаллиги боис Соҳибқироннинг тилдан қолиб, ўлим билан олишайётганлиги эди. Бу хабарни элчилар уни кўрган ва билганлардан эшитгандилар. Элчиларни ўз ватанларига

---

<sup>1</sup> Эрон Озарбайжони шаҳарларидан. Мўғуллар ҳукмронлиги даврида (1256 – 1353) Султония билан бирга Ҳалокуийлар давлатининг пойтахти ҳисобланган.

<sup>2</sup> Омар Мираса – Умар Мирзо.

қайтиш учун шошираётганларидан мақсад, мабодо Соҳибқирон вафот этса, бу хабарни ўз юртларига қайтаётган элчилар бошқа мамлакатларга ёймаслиги учун эди. Улар сабаб келтириб, ўз қиролларига Соҳибқироннинг жавобини етказишлари кераклигини айтишса-да, мирзолар бу ҳақда бошқа гап бўлмаслигини, уларга кузатувчи тайинланганлигини ҳамда тезда йўлга тушишларини таъкидлашди.

Шундай қилиб, элчилар душанбани ўтказиб, ўн саккизинчи ноябрь, сешанба куни мирзолар уларга ўша чигатой орқали тўртта ёрлиқ ва унга қўшимча отларни қўшиб беришни айтишди. Бу ёрлиқ ва отлар ҳар бир шаҳардан ўтаётганларида бирма-бир бериб ўтишлари учун эди. Чигатой уларга ҳозирдаёқ йўлга чиқишларини айтганида, элчилар Соҳибқирондан мактуб олмагунларича йўлга чиқмасликларини билдиришди. Чигатой эса, бу хоҳишларига қарамасдан йўлга тушишлари шартлигини тушунтиргач, элчилар Бобил султонининг элчиси билан биргаликда қўриқчи аскарлар ҳамроҳлигида Самарқанддан чиқишиб, турк элчиларини кутиб туришлари учун шаҳарга яқин боғга келиб тўхташди ва бу боғда сешанбадан жумагача қолиб кетишди. Йигирма иккинчи ноябрь, жума куни ҳамма элчилар бу ерга йиғилиб, сўнг Самарқанддан чиқиб кетишди.

**132-боб.** Энди Самарқанд шаҳрида элчиларга нима бўлганлигини айтиб берганимдан сўнг, бу шаҳарнинг ўзини, унинг ерларини ва Соҳибқироннинг бу шаҳарда қилган бунёдкорлик ишларини таърифлаб берсам.

Текисликда жойлашган Самарқанд шаҳри катталиги бўйича Севилия<sup>1</sup> шаҳридан бир оз каттароқ бўлиб, ташқарисида кўпгина уйлар қад кўтарган, атрофи бир ярим, икки чақиримча келадиган боғ ва узумзорлар билан ўралган ва шаҳар шу боғларнинг марказида турибди. Боғлар орасида кўчалар ва майдонлар бўлиб, кўпгина аҳоли бу ерда истиқомат қилади. Бу ерда нон, гўшт ва бошқа нарсалар ҳам сотилади. Хуллас, шаҳарнинг ичкарасидан кўра, шаҳарнинг ташқарисида кўпроқ аҳоли истиқомат қилади.

---

<sup>1</sup> Севилия — Испаниянинг Андалусия вилоятидаги шаҳар.

Бу шаҳар ташқарисидаги боғларда асосан катта ва ҳашаматли бинолар, Соҳибқироннинг қасрлари ва қурдирган масжид, мақбаралари, бундан ташқари, шаҳарнинг машҳур одамларининг уйлари, қароргоҳлари мавжуд эди. Шаҳар атрофида боғ ва узумзорлар шунчалик кўпки, уларга яқинлашган сари худди ўрмонга дуч келгандай, марказида шаҳар барпо бўлиб тургандек кўринади. Шаҳар ва боғлар ўртасидан кўпгина каналлар ўтказилган бўлиб, боғларда қовун ва пахта ўстирилган. Бу ернинг қовунлари жуда мазали ва ширин, янги йилгача уларда шунчалик кўп қовун, узум етиштирилар эдики, одам ҳайрон қоларди. Ҳар куни қовун ортилган туялар шаҳарга кириб келар, қовунларнинг ҳаммаси бир кунда сотилиб кетиши ва истеъмол қилиниши, албатта, ҳайратланарли. Қишлоқ жойларида бу меваларни ва полиз экинларини сақлаб қўйишиб, йил бўйи истеъмол қилишади.

Шаҳар ташқарисида кўпгина боғларни Соҳибқирон бошқа ерлардан келган одамларнинг яшашлари учун ажратиб берган. Бу ернинг ҳамма нарсаси зўр, нонлари, май ичимлиги, гўшти, мевалари, қушлари бунга мисол. Самарқанднинг қўйлари семиз ва катта бўлишига қарамай, нархи жуда ҳам арзон. Соҳибқирон ўз қўшини билан шаҳарда бўлган вақтда, бир жуфт қўйнинг нархи бир дукат турарди. Бошқа нарсалар ҳам арзон. Бу ерда нондан арзон нарса йўқ, гуруч эса ниҳоятда кўп.

**133-боб.** Бу шаҳарнинг ўзи ва ерлари ҳайрон қоларли даражада бойки, бойлиги учун ҳам Самарқанд деб номланади. Унинг ҳақиқий номи Семизкент бўлиб, маъноси “семиз қишлоқ” эди, уларда “Семиз” дегани катта маънони бериб, “кент” эса — қишлоқ, яъни “аҳоли турадиган жой” маъносини англатади. Шу ердан Самарқанд номи келиб чиқади.

Самарқанд фақатгина озиқ-овқати билан эмас, балки бошқа нарсалари — ипак матолари, атласлари, қимматбаҳо тошлари, дур-гавҳарлари, тери маҳсулотлари, тилла ва рангли бўёқлари, шунга ўхшаш бошқа нарсалари билан ҳам бой ҳисобланарди. Шунинг учун ҳам Соҳибқирон бу шаҳарнинг шухратини кўтариб, қўлга киритган мамлакатларидан бу шаҳарга яшаш учун одамларни, айниқса, турли соҳа усталарини кўпроқ олиб келарди. У Дамашқ шаҳридан моҳир ти-

кувчи, чапдаст чавандоз ва комонбозларни, лойдан кўза ясовчи кулолларни кўглаб жўнатарди. Бу усталарнинг бари касбкорлари бўйича дунёда машҳур эдилар. Туркиядан эса тош йўнувчи, тилла билан ишловчи ва шунга ўхшаш ҳар хил усталарни йиғиб бу шаҳарга юборган эдики, шаҳардан хоҳлаган моҳир устани топиш мумкин эди.

Бундан ташқари, Соҳибқирон бу ерга ҳар хил ажойиб дастгоҳларни олиб келтирди, бу дастгоҳлардан арқон ишлаб чиқариларди. Шундан кейин бу ерларда авваллари ҳеч ким экмаган “каноп” ўсимлиги экиларди, унинг ҳосилидан арқон ишлаб чиқариларди.

Темурбек бу шаҳарга ҳар ерлардан шунчалик кўп одам йиғган эдики, эркак, аёлни қўшиб ҳисоблаганда бир юз эллик мингдан ошарди ва улар на шаҳарга, на майдонларга, на қишлоқларга, на шаҳар ташқарисидаги боғларга сиғарди. Булар ичида ҳар хил миллат вакиллари — турк, араб, мавр, арман ва греклар бор эди. Бундан ташқари, шаҳарга дунёнинг турли бурчакларидан сархил моллар кириб келар, Русия ва Тартариядан тери маҳсулотлари, Хитойдан дунёда биринчи ўринда турадиган, жуда қимматбаҳо ипак матолари ва бошқа ноёб моллар — олмос, дур-гавҳарлар олиб келинарни. Бошқа давлатга қараганда Хитойдан олиб келинган моллар жуда қимматбаҳо ҳисобланарди. Шунинг учун ҳам хитойликлар ўзларини дунёда буюк, икки кўзлари бор халқ, маврларни кўр, фарангларни бир кўзликлар, ўзларининг қилаётган ишлари билан дунёда биринчи ўриндамиз, деб ҳисоблашарди.

Ҳиндистондан эса бу шаҳарга ҳар хил ёнғоқлар ва турфа гуллар олиб келинарни. Бундай ажойиб нарсалар Александрияда ҳам йўқ эди. Шаҳарда майдонлар кўп, бу майдонларда савдосотиқ ишлари гуркираган, яъни қовурилган, қайнатилган гўшт, турли усулларда пиширилган товуқ, қуш гўшлари, мева-чевалар ҳамда нонларнинг туну кун савдоси бўларди. Гўшт расталари ҳам анчагина, бу расталарда қўй, фазан, товуқ гўшларини хоҳлаган пайтда топса бўларди.

Шаҳар чеккасидаги катта қаср четдан қараганда худди текисликда тургандек кўринарди, лекин яқинроқ бориб қараганда, қасрнинг атрофига айланасига чуқур хандақлар қазилганки, бу қасрга кириш қийин эди. Бу қасрда Соҳибқирон

Ўзининг газнасини сақлар, қасрга Соҳибқироннинг ўзи ёки яқинларидан бошқа ҳеч ким кирмасди. Худди шу қасрда Соҳибқирон жангчилар учун совут, дубулға, камон каби қурол-аслаҳалар ясайдиган мингга яқин маҳбус усталарни сақларди.

Соҳибқирон Туркияга юриш қилиб, Дамашқни ишғол қилгач, ўз аскарларига, узоқ сафарга чиқсалар ўзлари билан хотинларини ҳам олиб кетишлари мумкинлиги тўғрисида фармон берди. Соҳибқирон узоқ вақт жангга киришишини ва Самарқанд шаҳрида кўп вақт бўлмаслигини билган ҳолда шундай фармон берган эди. Шундан сўнг, улар етти йил Самарқандда бўлишмади, Соҳибқирон етти йил давомида бу қасрга кирмаслик учун қасам ичди.

**134-боб.** Соҳибқирон шунча вақтдан сўнг шаҳарга қайтиб келганида Хитой ҳукмдоридан элчи келиб, етти йил давомида тўланмаган солиқларни тўлашлигини айтди. Бунга жавобан Соҳибқирон элчига бу ҳақиқат ва бу солиқни тўлашлигини айтиб, сўнг “бу пулларни сенга берсам, сен бу пулларни йўлда ишлатишинг мумкин, яхшиси ўзим олиб бориб бераман”, деб қўшиб қўйди. У бу гапни ҳазил ўрнида айтди, аслида эса унинг тўлаш нияти йўқ эди. Ҳозирда, саккиз йилча вақт ўтди, лекин ҳалигача ҳеч қандай бож ёки солиқ тўланмаган. Хитой ҳукмдори ҳам ўшандан бери ҳеч қандай элчи жўнатгани йўқ.

Хитой ҳукмдорининг элчи жўнатмаслигининг сабаби шундай эди: Хитой ҳукмдори вафот этгач, у ер ва салтанатини уч ўғлига қолдирган. Катта ўғил икки укасининг ерларини тортиб олмоқчи бўлган ва ҳатто энг кенжа укасини ўлдирган. Ўртанчаси эса катта акаси билан жанг қилиб, унинг устидан ғалаба қозонган. Катта акаси мағлубиятга чидай олмай ўзини ва қароргоҳи ичидаги одамларини ёқиб юборган. Шундай қилиб, ҳукмдорнинг ўртанча фарзанди салтанатни эгаллади. Салтанатда тартиб ўрнатгандан сўнг, янги ҳукмдор Темурбекка элчи жўнатиб, аввал ўз отаси учун тўлаб келинган солиқни ўз вақтида тўлаши кераклигини маълум қилди. Худди мана шу Хитой элчиларини аввал айтганимиздек, Темурбек дорга осмоқчи бўлган эди ва биз Хитой ҳукмдори бунга жавобан қандай чора кўришини билмаймиз.



Самарқанд шаҳридан Хонбалиқ (Хитой)гача жуда узун йўл бўлиб, пиёда юрганда олти ойлик масофага тенг ҳисобланарди. Шу йўлнинг икки ойлик масофасида бирон бир кишини учратиш қийин ва ҳар замонда катта яйловларда, адирларда чўпонларни ўз подаси билан юрганлигини кўриш мумкин эди.

Шу йилнинг июнь ойида Хонбалиқдан Самарқандга сархил моллар ортилган саккиз юзга яқин туялар карвони кириб келди. Бироқ Темурбек Самарқанд шаҳрига қайтгач, Хитой элчисининг гапини эшитиб, жаҳли чиқди ва бу туяларни ушлаб қолиб, уларни чиқармасликка буйруқ берди. Хонбалиқдан туялар карвонига қўшилиб келганлар испан элчилари билан танишиб, уларга Хитой давлатининг одамлари, ерлари ҳақида гапириб берди. Элчилар кўпроқ бир одам билан гаплашишар, у одам эса ўз шаҳрини денгиз бўйида жойлашганини, шаҳри катталиги бўйича Табриз шаҳридан йигирма баробар катталигини, дунёда энг катта шаҳарлардан бири эканлигини айтди. Табризнинг узунлиги икки чақиримча келса, у шаҳарнинг узунлиги йигирма чақирим келармиш. Айтишича, Хитой ҳукмдорининг қўшини жуда катта, жангга чиқишдан олдин ўз ҳудудидаги барча аскарларни йиғиб кетса-да, шаҳарни қўриқлаш учун қолган отлиқ аскарларнинг сони тўрт юз мингга етаркан. Яна бир гап: Хитой ҳукмдори жорий этган тартиб-қоида жуда мустаҳкам. Уларда ҳеч бир жангчи отда юрмас, фақатгина қарамоғида мингга аскари бор бошлиқгина отда юришга ҳаққи бормиш. Шуниси қизиқки, бундай отлиқларнинг сони у ерда жуда ҳам кўп. Шундай ажойиб воқеаларни ва ўз мамлакати ҳамда шаҳри ҳақидаги қизиқ маълумотларни ҳалиги одам гапириб берди. Хитой ҳукмдори аввал мажусий бўлиб, эндиликда насроний динини қабул қилган экан.

**135-боб.** Ўша вақтда, яъни элчилар Самарқандда бўлган вақтларида Темурбекнинг аввал айтганимиздек, етти йил Самарқанд қасрига кирмаслик ҳақидаги ваъдаси ўз ниҳоясига етиб, қасрга кириш вақти етиб келган эди. Соҳибқирон бу қасрга тантана билан кириб, шунча вақт мобайнида маҳбуслар ясаган уч мингга яқин совут ва кўплаб қурол-аслаҳаларни олиб киришларини буюраркан, унинг олдидан жуда

кўп дубулға ва қурол-аслаҳаларни олиб ўтишди. Темурбек бу жанг кийимларини ўз яқинларига ва ишончли одамларига бўлишиб берди. Бу дубулғалар думалоқ ҳамда узунроқ ясалган эдики, бошга кийилганда одамнинг юзини-да тўсиб турадиган, кўтариб-тушириладиган бўлиши билан бирга ҳимоя вазифасини бажарувчи кичик темирчалар ҳам қадалган эди. Совутлари эса худди бизникига ўхшаса-да, сал юпқароқдир.

**136-боб.** Самарқанд шаҳридан Хитой тарафга юриладиган ўн беш кунлик масофада бир ер бўлиб, бу ерда “амазонка”-лар яшар, яъни уларнинг барчаси аёллар, ораларида биронта эркак йўқ. Улар ўз одатларига бўйсунушар, фақат йилнинг белгиланган вақтида бошлиқлари уларга ўз қизлари билан ташқарига, бошқа ерларга чиқишга рухсат беришарди. Эркаклар уларни кўрганда, уйларига таклиф қилишар, улар эса ўзларига ёққан киши билан бирга овқатланишар, ичишиб, хурсандчилик қилишар, вақт ўтиб яна ўз ерларига қайтишарди. Агар уларда қиз фарзанд туғилса, ўзлари билан олиб қолишар, ўғил туғилса, отаси қаерда бўлса, унинг олдида жўнатишар эди.

Грек насронийлардан бўлган, амазонкаликлардан тарқалган бу аёллар яшайдиган жойлар аввал Хитой хонлигига, энди эса Темурбекка тегишли ерлар эди. Булар авваллари Троя шаҳрида яшаган, кейинчалик греклар бу шаҳарни вайрон қилишган. Трояда амазонкалар икки гуруҳга бўлинади: бир гуруҳи греклар, бошқаси турк ерларидан эди.

**137-боб.** Самарқанд шаҳрида қонун жуда кучли, ҳеч ким шоҳнинг буйруғисиз бир-бирига зулм ўтказолмас, фақатгина шоҳнинг ўзи айрим ҳолларда жазо чораларини қўлларди, холос. Соҳибқирон қаерга борса ёки қаерга кўчиб ўтса, ўша ерларга ўзи билан бирга қозиларни ҳам олиб борар ва ўша ердаги аҳоли эса, бу қозиларга қулоқ соларди. Қозилар турли ишларга бўлинган: бирлари муҳим ва жанжалли ишларни кўрса, иккинчилари Соҳибқироннинг молиявий масалаларини, учинчилари шаҳар ва ер хўжайинларининг ишларини, бошқалари эса элчиларнинг муаммоларини ҳал қиларди. Сафарга чиққанларида ҳам бу қозилар ўз ишларини билиб қилишарди. Улар учта чодирда, олдиларига келганларнинг

арзларини эшитишар, сўнг Соҳибқироннинг олдига бориб, қилган ишларининг ҳисоботини беришар, шундан кейин эса жойларига қайтиб, бирданига тўртта ёки олтита ишга ҳукм чиқаришар, агарда бирон бир ҳужжат бериш ҳақида буйруқ беришса, шу заҳоти мирзолари келиб, ҳужжатни кечиктирмасдан ёзиб, тайёр ҳужжатни ёнларидаги дафтарга қайд қилар ва унга бир белги қўйишар, сўнгра бу ҳужжатни тепада ўтирган бошлиққа киритишарди. У ерда бу ҳужжат бирма-бир кўрилиб, учта, тўртта жойига сиёҳли муҳр, охирида эса бу муҳрлар ўртасига шоҳнинг муҳрини босишарди. Шоҳнинг муҳрига ҳарфлар билан “ҳақиқат” сўзи ёзилган бўлиб, сўзнинг тагида учта доира шаклидаги белги бор. Хуллас, ҳар бир маслаҳатчининг ўз мирзоси ва қайд китоби бор эди. Мирзолар шоҳнинг муҳри босилган ҳужжатни кўришлари биланоқ, кечиктирмасдан буйруқни бажаришарди.

**138-боб.** Энди Самарқанд шаҳрини, у ерда элчилар ва Соҳибқирон билан бўлиб ўтган воқеаларни таърифлаганимдан сўнг, Темурбек қандай қилиб Тартариянинг жуда кучли хони Тўхтамишни енганини гапириб берсам.

Кейинчалик Темурбек қўл остида бўлган, Тартариядан чиққан Едигей исмли саркарда ҳақида, яъни ҳозирда Темурбек учун Едигейдан бошқа душмани йўқлигини айтиб ўтишим жоиз. Ўн бир йил аввал Тартариядан чиққан, қўллаб ерларнинг ва халқларнинг подшоҳи Тўхтамишхон катта қўшин билан Форс кўрфазига қараб юриш қилади. У Табризга келиб, Арманистоннинг катта қисмини талон-тарож қилиб, шаҳар ва қасрларни бузади, бир қисмини ўзи учун сақлаб қўяди. Самарқандга келаётиб Испан элчилари ўтадиган бу ерлар Арманистоннинг Сюрмари, Сисаканга ўхшаш бошқа шаҳарлари эди.

Темурбек ерларини ҳам талон-тарож қилган Тўхтамишхон Тартарияга қайтиб келди. Бундан хабар топган Темурбек ўз қўшини билан катта қўшинли Тўхтамишхоннинг орқасидан қувиб борди ва Тартария яқинидаги Терек дарёси бўйида уларни дарёдан кечиб ўтиш вақтида қуршаб олмоқчи бўлди. Лекин Темурбек етиб келгунча, Тўхтамишхон дарёдан кечиб ўтиб, Темурбекнинг йўлини дарахтлар билан беркитди. Темурбек бу ҳолни кўриб, унга одам жўнатди ва у

билан жанг қилмаслигини, дўст бўлмоқчилигини айтди. Шунга қарамасдан, Темурбекнинг жуда ҳам қаттиққўл эканлигини билган Тўхтамишхон унга ишонмади. Эртаси куни Темурбек ўша турган жойидан аскарларини олиб, дарёнинг юқори қисмига қараб юрди. Худди шу вақтда Тўхтамишхон ҳам ўз аскарлари билан уларни кузатиб, дарёнинг у қирғоғидан тенгма-тенг юриб борди. Темурбек тўхтаса, улар ҳам тўхтарди. Шу тарзда уч кун юришди, бироқ ҳеч қайсиси бир-биридан ўтиб кетмади. Учинчи кун тунда Темурбек ўз қўшинидаги аёлларга совут ва дубулғалар кийишга, эркакларга ўхшаб олишга фармон берди. Ҳамма эркакларга эса ўзлари билан иккитадан от олиб, тезлик билан орқага қайтишни буюрди. Бу аскарлар отларнинг бирига ўзлари ўтириб, иккинчисидан эса кечувда фойдаланишлари керак эди. Асирларни, қулларни ва эркакча кийинган аёлларни ўша жойда қолдирган Темурбек аскарлари билан тезда орқага қайтди. Уч кунлик масофани бир кечада босиб, дарёдан ўтди-да, орқа тарафдан борди ва Тўхтамишхонни мағлубиятга учратиб, қўшинини тор-мор қилди. Тўхтамишхон қочиб кетди. Бу жанг бор-йўғи уч соат давом этди. Катта қўшинли Тўхтамишхонни енгган Темурбек учун бу ғалаба буюк ғалаба, ҳатто Турк султони билан бўлган жангга нисбатан ҳам буюкроқ жанг ҳисобланарди.

Мағлубият Тўхтамишхон учун катта иснод эди, кейинчалик у яна қўшин йиғиб Темурбекка қарши жанг қилмоқчи бўлди. Бироқ, Темурбек уни пойлаб юриб, катта куч билан Тартариянинг ўзида тўсатдан ҳужум қилди ва унинг қўшинини тор-мор этди. Тўхтамишхон эса яна қочди. Бу мағлубиятдан барча татар халқининг кўнгли чўкиб, ўз хонлари ҳақида “ундан омад кетди”, деб гапиришди ва бора-бора улар орасида низо пайдо бўла бошлади.

Темурбекнинг қўл остида хизмат қилувчи Едигей исмли навқар татарларнинг бу низоларидан фойдаланиб, улар билан тил бириктирди ва бу иш Темурбекка қарши жангга айланди. Татарлар эса Едигейни ўзларига хон этиб тайинлашди ва у Темурбекка қарши курашиб, уни ўлдирмоқчи, барча ерларини ҳамда Тартарияни ўзиники қилиб олмоқчи бўлди. Темурбек бундан хабар топиб, уни қўлга туширмоқчи эди, афсус, у қочиб кетди. Ҳозирда Тартария хони кучли хонлардан, улар бир-бирларига катта душман ҳисобланарди.

Бир куни Темурбек унга қарши юриш қилди, лекин Едигей уни кутмасдан қочди. Едигейнинг ўз ўрдасида доимо икки юз мингга яқин отлиқ аскарлари бўларди. Шундай бўлсада, Тўхтамишхон билан Темурбек ярашиб, биргаликда Едигейни алдашмоқчи бўлишди ва Темурбек одам жўнатиб, уни яхши кўришини, кечиришини, бир-бирлари билан дўст бўлишларини, яқин қариндошчилик ришталарини боғлаш мақсадида набираларидан бирига унинг қизларидан бирини никоҳлаб беришини айтади. Айтишларича, бунга жавобан Едигей Соҳибқиронга қарата йигирма йил унинг қўл остида юриб, унинг қандай эканлигини ва қайтиши унга фойда бермаслигини, фақат жанг майдонида учрашишлари мумкинлигини айтади.

Тўхтамишхоннинг бир ўғлини Едигей ўз еридан қувиб чиқарган эди. Тўхтамишхон Самарқанд яқинидаги ерга, ўғли эса Тартария чегарасидаги Кафа<sup>1</sup> шаҳрига қочган эди. Едигей Кафа шаҳрига ҳужум қилганда, Тўхтамишхоннинг ўғли Темурбекнинг олдига қочиб борди. Тўхтамишхон ва унинг ўғиллари ҳозирда ҳаёт, улар Темурбек билан дўст тутиниб яшашмоқда. Едигей эса шу вақтгача ҳеч қандай эътиқодга эга бўлмаган татарларни исломга, Муҳаммад алайҳиссалом динига эътиқод қилишга даъват қиларди.

**139-боб.** Соҳибқироннинг катта қўшини қатъий тартиб-қоидага бўйсунарди. Бу қўшин ичида Соҳибқирон тайинлаган кўплаб бошлиқлар бўлиб, барча навкарлар ана шу бошлиқларга бўйсунарди. Юзлаб, ўн минглаб, минглаб навкарларга бошлиқлар тайинланиб, уларнинг барчасига буюк саркарда сифатида Соҳибқироннинг ўзи бошчилик қиларди.

Бирон бир кичик қўшинга ҳужум қилиш учун буйруқ бермоқчи бўлса, бошлиқларини чақириб, бу буйруқни навкарларга етказишни уларга тайинларди. Ҳозирда Соҳибқироннинг ишонган асосий саркардаларидан бири Жаҳоншоҳ Мирзо, у Самарқанд ҳукмдори бўлган вақтда Темурбек билан бирга эди. Темурбек кўп яхшиликлар қилган, яъни унга кўп ерлар бериб, асосий саркардалардан этиб тайинлаган.

---

<sup>1</sup> Кафа – Ўрта асрлардаги Кафа шаҳри Қримда, Ялтанинг шимолий қисмида жойлашган.

Бундан ташқари, Темурбек бошқа кичик саркардаларга ҳам ўзига қарашли ерлардаги от ва қўйлардан, бирларига мингта, бошқаларига ўн мингтадан бўлиб берганди. Мабодо бу саркардалар ўзларига билдирилган ишончни оқламай, Соҳибқиронга хиёнат қилишса, улардан бу от ва қўйларни олиб қўяр, айбдорларни қаттиқ жазоларди.

**140-боб.** Шундай қилиб, бу ёзганларимиз ўз кўзимиз билан кўриб, ҳақиқатан ҳам бўлиб ўтган воқеалар ҳисобланади. Эндиликда барча элчиларнинг йўлдаги саёҳати давомида содир бўлган воқеаларни ёзиб ўтмоқчиман.

Бу мамлакатда Испан элчилари билан биргаликда Бобил султонининг элчиси, Турк шоҳининг укаси Таламон ўғлон, яна бири Туркиянинг Сабастрия деган жойидан келган элчи, яна бири Алтолого шаҳридан ва бошқалари Палатия, Дератолага шаҳарларидан келган элчилар бўлиб, улар бу ердан жамоа тарзида бирга чиқиб кетишди. Мирзолар уларга кузатувчи сифатида чиғатойлик йўлбошчини ажратиб беришди.

Йигирма биринчи ноябрь, жума куни элчилар Самарқанддан йўлга чиқишаркан, уларни йўлда керак бўладиган нарсалар билан таъминлашди, олти кун давомида ерлик аҳоли ҳам кўп яхшиликлар қилиб, ёрдам бердилар. Йигирма еттинчи ноябрь, пайшанбада бир текисликдаги катта шаҳарга, яъни Бухорога етиб келишди. Бу шаҳарнинг атроф-айланасига чуқур хандақ қазилиб, ичи сувга тўлдирилган, шаҳар ичкарасида баланд қасрлар қурилган, қаср ёнидан дарё оқиб ўтар, шаҳарда жуда баланд ва кўплаб бинолар қурилган эди. Бу шаҳар ўз нонлари, гўшт ва ҳар хил ичимликлари, каттакон бозорлари билан машҳур экан. Жуда яхши кутиб олинган элчилар бу шаҳарда етти кун бўлишди ва шу кунлар ичида ҳаво совуқроқ бўлиб, кўп қорлар ҳам ёғди. Элчиларга кетишлари олдидан йўл учун зарур нарсалар, ҳар бирларига биттадан от совға қилишди.

**141-боб.** Бешинчи декабрь, жума куни элчилар бу шаҳардан йўлга чиқишиб, уч кун деганда адирликлардан, аҳолиси кўп турли қишлоқлардан ўтиб, Амударё деган дарё қирғоғига келдилар, шу дарёга яқин қишлоқда дам олиб, бу ерда икки кун қолишди.

Ўнинчи декабрь, чоршанбада эса қайиқларда Амударёнинг нариги қирғоғига ўтишиб, ташландиқ бир йўл орқали катта майдонда жойлашган даштга чиқишди. Бу ерда ҳар-ҳар замонда эсган қаттиқ шамол қумларни кўтариб, бир жойдан бошқа жойга уюм-уюм қилар, баъзида бирдан кўзғалган шамол ҳамма ёқни қум аралаш чанг-тўзонга айлантириб ташлар, чанг-тўзонда эса юришнинг иложи йўқ, ҳатто кўзларни-да очиб бўлмасди.

Бу чўлнинг ҳар жой-ҳар жойида қумтепалар бўлиб, шамол бу қумларни кўтариб бошқа бир тепаликка учирардики, аввал айтганимиздек, қаттиқ шамол кўзларни очишга имкон бермас, йўловчилар узоқ вақт бир жойларда туриб қолишарди. Шундай бўлса-да, йўл кўрсатиб бораётган кузатувчилар элчиларни йўл босишга ундардики, улар бу йўллардан кўп юрганлари боис бемалол олдинга қараб юришарди.

Чанг-тўзоннинг кучлилигидан баъзида кузатувчиларнинг ўзи ҳам йўлдан адашиб қоларди. Атрофда умуман сув йўқ эса-да, анча йўл юрилганидан сўнг, кузатувчилар элчиларни чўл ўртасидаги бир қудуқнинг олдига олиб келишди. Чуқур, думалоқ шаклдаги бу қудуқнинг усти ёпиқ, деворлари айланасига гишт билан ўралган. Улар қудуқ ёнида анчагача тўхтаб қолишди, чунки чанг-тўзон кўзларини очирмай қўйганди. Қудуқдаги сув қор ва ёмғир сувларидан йиғилган бўлиб, бу атрофдан бошқа қудуқни топиш амримаҳол эди. Лекин шу кун иезуқун юришиб, кечга яқин қудуқлари бор жойга етиб келишди ва бу ердаги сувдан ичиб, овқатланиб, дам олишди ҳамда отларини ҳам суғоришди.

Ўн тўртинчи декабрь, якшанбада элчилар бир қишлоққа келиб, душанба ва сешанба кунларини шу ерда ўтказдилар. Чоршанбада эса йўлга чиқиб, битмаган бинонинг олдида тўхташдики, бу ердан сув топса бўлар ҳамда кичик тоққа чиқиб борадиган йўл ҳам бор экан. Атроф бийдай чўл, ердаги қумнинг иссиқлигидан оёқлар куяди. Ана шу тарзда туну кун тинмай олдинга қараб юраётган элчилар хоҳлаган қумлоқ жойда тўхташар, овқатланиб, дам олишарди.

Йигирма биринчи декабрь, якшанбада элчилар Хуросон салтанатига қарашли, атрофи тоғ тизмалари билан ўралган Баубарт деган катта шаҳарга етиб келдилар. Бу тоғ тизмасининг чўққиларига оппоқ қор инган, атроф эса жуда совуқ.

Шаҳар ялангликда ястаниб ётар, атрофида бирор тирик жон яшамасди. Душанба, сешанба ва чоршанба кунлари бу шаҳарда бўлган элчиларни қўшимча отлар, озиқ-овқат ва йўлда зарур бўладиган ашёлар билан таъминладилар.

Йигирма бешинчи декабрь, пайшанбада, Пасха кунинда бу шаҳардан чиққан элчилар тоғ тизмалари бўйлаб беш кун давомида совуқ ва қорли изғиринда йўл юришса ҳам, йўлда бирорта тирик жонни учратмадилар. Биринчи январь куни Габрия деб номланган катта шаҳарга етиб келган элчилар, шаҳарда пайшанба ва жума кунлари бўлишди.

Учинчи январь, шанбада бу шаҳарни ҳам ортда қолдириб, қорсиз, музликсиз, иссиқроқ йўллар орқали шанба ва якшанба кунлари йўл босишиб, бешинчи январь, душанба куни иккита қишлоқдан ўтиб, Хагаро деган шаҳарга етиб келишди ва душанба, сешанба кунлари бу ерда бўлиб, чоршанба куни узукун юриб, кечгача йўлда ҳеч кимни учратишмади, кечқурун ташландиқ қаср яқинидаги катта уйга кириб ухланди, эртаси куни яна йўл бошишса-да, йўлда ҳеч кимга дуч келишмади. Кечга яқин бир қишлоққа келишдики, ҳаво иссиқ бўлганлиги боис бу ердаги тоғ тизмалари қизғинроқ рангда эканлигини кўришди. Икки кунлик йўл давомида ҳаво иссиқ бўлиб, юрганда ердаги тупроқ оёқни қиздирди.

Жума куни ҳам кимсасиз йўллардан юриб, шанба куни Бўстон деб номланган катта шаҳарга келиб, дам олишди, якшанбада яна йўлга чиқишди.

**142-боб.** Душанба куни Дамашқ шаҳрига бир чақиримча масофа қолганда шундай ваҳимали шамол кўтарилдики, бунга ажабланса бўларди. Элчилар бундай шамолларга ўрганиб қолган ерлик аҳолидан бу қандай шамол эканлигини қизиқиб сўрашди. Ерлик аҳоли шаҳар тепасидаги тоғда бир булоқ борлигини, шу булоққа мабодо бирон-бир ҳайвон ёки нарса тушса, шундай қаттиқ шамол туришини, ўша булоқ тозаланмагунча бу шамол тўхтамаслигини айтишди. Ўша куни у ердагилар шу булоққа боришиб, уни тозаладилар, шундан кейин шамол тўхтади. Ўн бешинчи январь, чоршанба куни йўлга чиққан элчилар Ферузкўҳ қасрига олиб борадиган йўлдан юришмади, чунки бу йўл тоғ тизмалари бўйлаб ўти-



ши билан бирга совуқ ҳамда қорли эди. Ўнг тарафдаги йўлни қолдириб, чап тарафдаги йўлдан бир оз юришгач, олдиларидан катта уй чиқди, улар тунни шу уйда ўтказишди. Пайшанба куни йўлни давом эттирган элчилар икки кун йўл босиб, шанба куни Сенан<sup>1</sup> деб номланган шаҳарга етиб келганларида, Медиа ерлари уз поёнига етиб, Эрон ерлари бошланди. Аҳолиси жуда кўп, баланд тоғ тизмаларида жойлашган бу шаҳарда улар душанбагача қолишди. Сешанбада кичкина қасрда меҳмон бўлишиб, эртасига йўлга чиқишганларида бир оз қор ёғди ва улар йўлда тоғлардан оқиб тушаётган сувни кўришди.

**143-боб.** Йигирма учинчи январь, жума куни, ҳамма томони вайроналардан иборат Ватами (Техрон) шаҳрига етиб келишди. Бу жойлар Рей ерлари деб номланар ва шаҳар Темурбекнинг куёви Сулаймоншоҳ Мирзога тегишли эди. Мирзонинг ёнида Темурбекнинг ишончли одамларидан бўлмиш Босимбий дегани ҳам бор эди. Элчиларни ана шу икки саркарда кутиб олди. Биринчи куни Сулаймоншоҳ Мирзонинг меҳмони бўлган элчилар, эртасига Босимбийникида меҳмондорчиликни давом эттиришди. Бу ерда ҳам уларга от, керакли озиқ-овқат берилиб, сешанба куни кузатиб қўйилди.

Йигирма тўққизинчи январь, пайшанба куни Хаариар деган шаҳарга кириб келган элчилар жума, шанба ва якшанбани шу ерда ўтказиб, душанба куни йўлга чиқишганда, жуда кўп қор ёғди. Учинчи февраль, сешанба куни, текисликда жойлашган, атрофи боғу роғлар билан ўралган Касинем деб номланган катта шаҳарга кириб келишди. Шаҳарда бинолар кўп, катталиги жиҳатидан Табриз ва Самарқанд шаҳарларидан кейинда турарди. Шаҳарга жуда кўп қор ёғган, кўчаларда юриб бўлмас, аҳоли кураклар билан кўчаларни, уйларнинг олдини қордан тозалашар, қор шунчалик кўп ёғганидан уйларни қор босган, одамлар эса томларга чиқишиб, қор курашарди.

Ҳаммаёқни қор босиб, юришнинг имкони бўлмаганлиги боис элчилар эртаси кунига йўлга чиқа олмай, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари шу шаҳарда туриб, бу ердагилар-

---

<sup>1</sup> Сенан — Техрон шаҳрига яқин шаҳар.

нинг меҳмондўстлигининг гувоҳи бўлишди. Айниқса, Соҳибқироннинг меҳмони эканликларини билишгач, элчиларни куюқ меҳмон қилишди, йўлга чиқишларидан олдин уларга барча зарурий нарсаларни ғамлаб беришди. Шанба куни йўлга тушган элчиларнинг йўлларидаги қорни ўттизга яқин одам тозалаб, юришга қулайлик яратдилар. Олдиндан бир қишлоқ чиққач, йўл тозаловчилар ортга қайтишди ва ўша қишлоқдан чиққан бошқа одамлар элчиларга ёрдам бериб, кузатиб кетдилар. Қор шунчалик кўп ёққан эдики, теварак-атроф ва тоғлар оппоқ қор билан қопланди, қорнинг кўплигидан элчилар ва уларни кузатиб кетаётганлар кўзларини оча олмас, устига-устак йўлда анча совуқ қотиб, юришга ҳам қийналардилар. Шу тарзда йўл босиб, анча қулай ерда жойлашган, аҳолиси зич Султония шаҳрига етиб келдилар.

Ўн учинчи февраль, жума куни, текисликда қад ростлаган, Эрон давлатининг машҳур ва катта шаҳарларидан бири Султонияга кириб келган элчилар бу ерда кейинги шанба, йигирма биринчи февралгача қолишди. Элчиларнинг бу шаҳарда саккиз кун давомида қолиб кетишларининг сабаби, улар Эрон давлатининг ҳукмдори Темурбекнинг набираси Умар Мирзони кўрмоқ ниятида эканликлари эди. Умар Мирзо бошқа ерларнинг ҳам ҳукмдори ҳисобланиб, ўша вақтда у Қорабоғдаги дала ҳовлисида дам олаётган эди. У бутун қишни ўша ерда ўтказар, бу шаҳардан у жойга тўғри йўл билан борилар, лекин қор кўп ёққанлиги сабаб, йўллар беркилиб, тоғлардан қор кўчиш хавфи бор эди. Элчилар у ерга бора олмасдан шунча кун кутиб қолишди ва ниҳоят маслаҳатлашиб, Табризга, у ердан Қорабоғга ўтишмоқчи бўлишди.

Йигирма биринчи февраль, шанбада Султония шаҳридан чиқиб, Санга деган шаҳарга кириб келган элчилар тунни шу ерда қаршилашди, якшанбада ва эртасига ҳам йўл юриб, сешанба куни Миана деган қишлоқда қолишди. Чоршанба куни Тунгла, бошқа куни эса Уган деб номланган қишлоқларда тунни қаршиладилар.

**144-боб.** Февраль ойининг охирларида, келаси шанбада Табриз шаҳрига етиб келган элчиларни шаҳардаги арман наронийлари ўз уйларида меҳмон қилди, кўп хизматлар кўрсатиб, зарурий нарсалар билан таъминладилар. Учинчи март,

сешанба куни элчиларга отлар беришиб, Умар Мирзо ҳозирда Қорабоғда дам олаётганини, қишни шу ерда ўтказишини, Қорабоғ текисликдаги бир қанча кўкламзор майдонларни ўз ичига олганлигини, у ерларнинг об-ҳавоси жуда иссиқ эканлигини, у ерда деярли қор ёғмаслигини, агар қор ёққан тақдирда ҳам тезда эриб кетишини айтишди. Ҳавоси яхшилиги учун ҳам ҳукмдор ҳар йили қишни шу ердаги қароргоҳида ўтказар экан. Элчиларга, ҳозир у ерга боришса, ҳукмдор билан кўришишлари мумкинлигини айтишди.

Бешинчи март, жума куни Испания, Туркия ва Бобил элчилари биргаликда Умар Мирзо билан учрашиш мақсадида Табриздан Қорабоғга қараб йўлга чиқишди. Улар билан Самарқанддан бирга чиққан кузатувчи ҳам бор бўлиб, у ҳар бир шаҳарда элчиларни озиқ-овқат, кийим-кечак ва отлар билан таъминланишини назорат қилиб келарди. Элчилар қалин кийимларини ечиб, шу шаҳарда қолдиришди ва икки кун давомида Умар Мирзонинг олдидан одам келишини кутишди. Икки кундан сўнг одам келиб, Умар Мирзо элчиларни шу шаҳарда меҳмон қилишларини, озиқ-овқат билан таъминлашларини буюрганини айтди. Чоршанба кунигача шу шаҳарда турган элчиларни ўн саккизинчи март куни ҳукмдор ўз олдига чақиртирди.

**145-боб.** Ўн тўққизинчи март, пайшанбада йўлга чиққан элчилар Табриз шаҳри яқинидаги баланд тоғдан ошиб, бир қанча қишлоқлари бор, кўпгина боғу роғлари, узумзорлари кўзни қамаштирадиган, ҳавоси иссиқ гўзал водийга тушиб келдилар. Атроф жуда гўзал, ҳавоси иссиқ бўлса-да, мевалари узоқ вақт сақланадиган бу боғлардан ва қишлоқлардан ўтиб, тўрт кун деганда катта текисликдаги, кўпчилик аҳолиси шоли, маккажўхори, буғдой етиштирадиган қишлоққа етиб келдилар. Асосан бу жойлар кўпроқ шоли етиштириладиган ҳосилдор ерлар ҳисобланиб, жуда катта майдонларга шоли экилар, шолининг кўплигидан уни отларга емиш сифатида беришар ва бу атрофдаги қишлоқларда яшовчи аҳоли ўзлари етиштирган шолини арзон нархларда сотишарди.

Йигирма бешинчи март, чоршанба куни элчилар, қароргоҳи бу ердан ўн-ўн икки чақирим узоқликда жойлашган ҳукмдорнинг олдига қараб йўл олишди ва йўлда бир неча

одамларни учратишди. Бу одамлар қаерга бораётганликларини сўрашганда, элчилар ҳукмдор қароргоҳига деб айтишди ва у ерда ҳозир ўзаро жанг бўлаётганини, ҳамма ёқ тўс-тўполон эканлигини билиб олишди.

Элчилар бу жангнинг сабабини сўрашганда, одамлар Жаҳоншоҳ Мирзо ҳукмдор Умар Мирзони ўлдирмоқчи эканлигини, ҳукмдорнинг соқчилари ва навкарлари қароргоҳга ташриф буюрган ҳар қандай кишини ушлаб, қамаб қўяётганини, ҳукмдор эса Жаҳоншоҳ Мирзонинг бошини танасидан жудо қилишга амр этганини, Жаҳоншоҳ Мирзонинг одамлари эса ҳукмдорнинг қўшинига қарши жангга отланиб, ҳар икки тарафдан кўплаб одамлар нобуд бўлаётганлигини, ҳукмдор ўз қароргоҳини дарёнинг бошқа тарафига ўтказиб, дарё устидаги кўприкни бузишга буйруқ берганда, одамларнинг бир қисми у тарафда, бошқалари бу тарафда қолиб кетишганини ва яна бир бор, ҳозир у ерда бориш жуда хавfli эканини айтишиб, элчиларни огоҳлантиришди. Элчилар эса бу гапларни эшитиб, ўзаро маслаҳатлашишди ва у ерда боришларига жуда яқин масофа қолганлигини инобатга олиб, олдинга — қароргоҳ сари юриб кетишди.

Эртаси куни, йигирма олтинчи март, пайшанбада элчилар ҳукмдорнинг буйруғини кутишаркан, қароргоҳ атрофида ҳали ҳам тўполон давом этарди. Элчилар шу ерда турганларида, уларнинг олдига бир чиғатой келиб, ҳукмдор ҳозир жуда бандлигини, уларни қабул қилолмаслигини, ҳозироқ Табризга қайтиб, у ерда ҳукмдор буйруғини кутишларини айтиб, ўзи уларни кузатиб боришини маълум қилди. Шундан кейин элчилар йўлда керак бўладиган барча нарсаларни олиб, чиғатойга эргашиб, Табризга қайтишди.

Бу ҳукмдорнинг қароргоҳи дарё бўйидаги катта яланликда жойлашган эдики, бу жойларда қирқ-эллик минг отлиқ қўшинни бемалол сиғдирса бўлар эди. Ҳар йили қишлоқ учун келиб турадиган Темурбек эса Қорабоғ атрофидаги йигирма мингдан ортиқ уйларни кўриб, бу ерни шаҳарга айлантиришга фармон берган экан.

**146-боб.** Темурбекнинг опасини ўгли, Темурийлар авлодининг обрўли кишиси ва кўпгина ерларнинг ҳукмдори бўлган Жаҳоншоҳ Мирзони қўлга туширган Умар Мирзо унинг

бошини танасидан жудо қилди. Умар Мирзо, бир кун келиб уни тахтдан ағдаришини, мол-мулкани ўзиники қилиб олишини Жаҳоншоҳ Мирзога айтган эди. Шундай ҳам бўлди ва Умар Мирзо худди Темурбек бобосидек унинг ерларига ҳукмронлик қила бошлади. Айтишларича, Жаҳоншоҳ Мирзонинг ўлдирилишига сабаб иккита: биринчиси, охириги вақтда у шубҳали кўриниб, Умар Мирзога қарши юриш қилмоқчи бўлгани, иккинчиси, анчадан буён у бобоси Темурбекнинг ўлимини кутаётганлигини ва унинг барча мол-давлати-ю ерларига эгалик қилмоқчилиги.

Умар Мирзо Жаҳоншоҳ Мирзонинг узилган бошини иккинчи ўғли Абубакр Мирзо орқали Бағдод шаҳрида турган отаси Мироншоҳ Мирзога юборишларини буюрди. Умар Мирзо яна уларга бу душманнинг боши эканлигини, бобоси Темурбек ўлганидан кейин ўз отаси ва укасини олдига чақириб, салтанатни биргаликда бошқаришга ундаётганлигини, келишган ҳолда ерларни бўлишиб олишлари керак эканлигини айтди, уларни Табриз яқинидаги Вион деган жойга келишларини тайинлади ҳамда отасига катта ерларни бошқариш ҳуқуқини ўзига топширишини маълум қилди. Жаҳоншоҳ Мирзонинг бошини кўрган Мироншоҳ Мирзо ўз ўғлидан шубҳа қила бошлади.

**147-боб.** Соҳибқирон вафотидан сўнг, унинг яқин одамлари, мирзолар ғазна ва салтанатда тартиб ўрнатиш мақсадида унинг ўлимини яширишга ҳаракат қилдилар, лекин бу хабарни кўп вақт яширишнинг иложи бўлмади. Темурбек вафот этган вақтда, набираси, Мироншоҳ Мирзонинг ўғли Халил Султон Самарқанд шаҳрида эди. У бу хабарни эшитгач, атрофига ўз одамларини тўплаб, бобосининг номидан салтанатни вақтинча бошқараётган учта мирзога қарши уруш бошлади. Халил Султон Умар Мирзо тарафидан боши танасидан жудо қилинган Жаҳоншоҳ Мирзонинг ўғли Бурундук Мирзони ўлдиргач, қолган икки мирзо паноҳ тилаб, ўша пайтдаги Хуросон ҳукмдори олдига қочиб кетди. Халил Султон эса тўғри қасрга қараб йўл олди. Шаҳарни эгаллаб, бутун бойликларни, давлатни ўз қўлига олди, ўз отасига чопар жўнатиб, саройга қайтишини, бутун ғазнани унга топширишини, агар Самарқанд аҳли уни қабул қилса, Соҳиб-

қироннинг ўрнига ҳукмдор этиб тайинланиши мумкин эканлигини айтди. Чунки салтанат жуда катта ва бутун бойликларини унинг ўзи эгаллаганини эшитса, чиғатойликлар унга бўйсунилари мумкин эди. Айтишларича, Мироншоҳ Мирзога завжаси Хонзода халақит қилиши мумкин, чунки у Мироншоҳ Мирзони ўз отаси Темурбек билан уруштириб қўйган, у Халил Султоннинг онаси, Самарқандда ўз ўғли билан бирга яшар экан. Мироншоҳ Мирзо ўз завжасидан кўрққанлиги, у ўғлига Самарқанд тахтини олиб бериш учун шундай иш тутмоқда, деган шубҳага борганлиги сабаб тахтга ўтиришни хоҳламади. Халил Султон эндигина йигирма икки ёшга тўлган, оқ сариқдан келган, навқирон, бақувват йигит бўлиб, отасига жуда ўхшарди. Самарқандда испан элчиларига ҳам кўп ҳурмат кўрсатган.

Шу вақтгача ўз яқинлари орасида ким тахт учун курашишини синамоқчи бўлиб, Темурбек икки маротаба ўзини ўлдига чиқариб, хабар тарқатган. Оқибатда кимнингдир шундай ҳаракатини сезса, уни қатл қилдирган. Шунинг учун бу сафар ҳам унинг ўлганлигига ҳеч ким ишонмади. Аслида эса, Соҳибқирон вафот этган эди. Бир оз вақт ўтганидан сўнг, Табризда элчилар турган вақтда, Темурбек тирик эканлиги, у ҳозирда Бобил султониغا қарши жанг қилиш учун катта кўшин билан кетаётганлиги ҳақидаги хабар тарқалди.

Мироншоҳ Мирзо ўз отасининг ўлганига ишонч ҳосил қилганидан сўнг, ўғли Умар Мирзо юборган Жаҳоншоҳ Мирзонинг кесилган бошини кўриб, Умар Мирзонинг таклифини қабул қилди ва иккинчи ўғли Абубакр Мирзо билан унинг ҳузурига Бағдоддан Табризга қараб йўлга тушди, манзилга етиб бормасларидан, Умар Мирзо катта кўшин тўплаганини, Табриз ва Султония шаҳарларидагилар ҳам буйруқ кутиб турганлари ҳақидаги хабарни эшитгач, ота ўз ўғлининг ҳаракатларидан шубҳаланиб, мақсадини билиш ниятида унинг олдида чопар жўнатди. Ўғил эса бунга жавобан, кўшинни мамлакат чегараларини мустаҳкамлаш учун йиғаетганини айтди. Буни эшитган Мироншоҳ Мирзонинг иккинчи ўғли Абубакр Мирзо, отасига акасининг олдида ўзи боришини ва уни бу ерга олиб келишини билдирганда, ота мамлакатда ҳар хил гап тарқалмаслиги учун бу гапни маъқул кўрмади.

Умар Мирзо билан Абубакр Мирзо бир ота-онанинг фарзандларидир. Она бу хабарни эшитгач, тезда ўғли Умар Мирзонинг олдига бориб, унга: “Ўғлим, сенинг отанг салтанатга хумқдор бўлиши керак, ҳамма шуни хоҳлаяпти, сен эса халақит бераяпсан!” деганида, ўғил отасининг унга бирор-бир иш буюрганида, бу ишни бажармасликдан худони ўзи асрашини, айтди. Она ўғлининг бу гапини Мироншоҳ Мирзога етказганида, ўғли Абубакр Мирзони озроқ аскарлар билан Умар Мирзонинг олдига жўнатаркан, ака-ука келишиб, отага тахтни қандай тарзда бермоқчи эканликларини билмоқчи бўлди.

Умар Мирзо укасининг ўз олдига келаётганини билгач, уни қўлга олишни кўнглига тугди ва ука етиб келгач, у билан сўрашиб, ўз чодирига таклиф қилди, ука ичкарига кириши билан уни қўлга олишларини буюрди. Абубакр Мирзо билан келган элликка яқин навкарлар орқага, Мироншоҳ Мирзонинг олдига қочиб кетишди. Умар Мирзо ҳибсга олган укасини Султониядаги қасрга жўнатиб, зиндонбанд қилишларини амр этди ва ўзи отасини қўлга тушириш мақсадида унга қараб юриш бошлади. Мироншоҳ Мирзо бўлса Рей ерларининг ҳукмдори куёви — Сулаймоншоҳ Мирзонинг олдига қочди. У ерда ўзининг яқинлари, чигатойлардан бўлган анчагина одамлари бор эди. Она, ака укасини ҳибсга олганини эшитиб, устидаги кўйлаklarини йиртди, ўғли Умар Мирзонинг олдига кириб: “Битта онанинг фарзандлари бўла туриб, ўз укангни зиндонбанд қилибсанми? Мен сенларни дунёга келтирганман, энди бўлса сен ўз укангни ўлдирмоқчимисан? Ахир у ўз жигаринг бўлади ва уни ҳамма яхши кўради, ақлингни йиг!” дея йиғлаб, ялинди. Умар Мирзо эса бунга жавобан, укасини фақат отасини ҳукмдор этиб кўтариш ҳақидаги аҳмоқона гапларига чек қўйиш учун қамаб қўйганини айтди.

Ҳақиқатан ҳам, Умар Мирзонинг нияти укасининг аҳмоқона ниятларига чек қўйиш. У жуда жиддий инсон бўлиб, чигатойлар уни яхши кўришарди. Бу ишларнинг барчасини у ўз отасини қўлга олиш мақсадида қилаётган эди. Отаси эса Самарқандга қараб йўл олган, ўғил бундан хабар топиб, унинг орқасига тушган. Лекин у отасини қўлга олиш қийин бўлишини билиб, амакиси, отасининг укаси Шоҳрух Мирзо

билан битим тузишга ва биргалашиб отасини қўлга туширишга қарор қилди. Бу ишларнинг барчасини у отаси Ҳирот шаҳридан ўтаётган пайтда амалга оширишни мўлжаллади. Укаси ва ўғли бир бўлиб ҳаракат қилаётганини эшитган Мироншоҳ Мирзо Хуросонда қолишни ўзига маъқул кўрди. Лекин улар кейинроқ бир-бирлари билан яхши алоқада бўлдилар, бироқ, шундан сўнг отанинг ўғли Умар Мирзога нисбатан ишончи йўқолди.

Умар Мирзо зиндонбанд қилган укасининг завжаси — Мардина ҳукмдорининг қизини ўз отаси олдига жўнатиб юборди. Ўша вақтнинг ўзида Табризга, элчиларга бир мактуб ҳам жўнатиб, уларни куттириб қўйгани, уйларига қайтиш вақти анча ортга сурилганлиги учун узр сўради. Отаси билан баъзи бир ишларни ҳал қилгач, улар билан учрашиб, сўнг ўз уйларига кузатиб қўйишини ҳам маълум қилди.

**148-боб.** Шундан сўнг, йигирма тўққизинчи апрель, сешанба, муқаддас Пётр кунда, элчилар ўзларига ажратилган уйда ўтиришган вақтда, уларнинг олдига шаҳар бошлиғи, мирзо ва бир неча одамлар кириб келди ҳамда бу ердаги барча қурол-аслаҳаларни йиғиштириб олгач, эшикни беркитиб, элчиларга ўзларидаги бор нарсаларни беришларини, бу нарсаларни ҳукмдорнинг буйруғи билан хавфсиз жойда сақлашларини айтишди.

Элчилар бу ҳукмдорнинг хоҳиши эканлигини, буйруққа бўйсунилларини, уларни ўз қироллари дўсти Темурбекнинг олдига юборганлиги, улар билан бошқача муомалада бўлади, деб ўйлаганликларини, Соҳибқирон вафот этгани учун, энди улар нима қилишса ҳам рози эканликларини билдиришди. Шаҳар бошлиғи уларга ҳукмдорнинг бундай буйруғи, уларни яхшироқ ҳимоя қилиш мақсадида эканлигини айтди.

Келганлар айтганларидан қайтадиганга ўхшамасдилар ва элчиларнинг устларидаги кийимларидан ташқари, бор нарсаларини, пуллари ҳамда отларини олиб, қўшни уйга сақлаш учун жойладилар, эшикка қўриқчилар қўйиб кетдилар. Турк ва Бобил султонининг элчиларига ҳам шундай муомалада бўлдилар. Шундан сўнг, орадан йигирма кунча вақт ўтгач, элчиларни куттириб қўйганлиги учун узр сўраб, Умар Мирзо мактуб жўнатди ва бунинг учун отаси билан кўриш-



моқчилигини сабаб қилиб кўрсатди. Уларни Табриздан беш чақиримча узоқликдаги Азарент шаҳрига бориб туришларини, ўша жойда улар билан кўришиб, сўнг Ватанларига кетишлари учун рухсат беражагини тайинлаган Умар Мирзонинг келишини элчилар анча вақт кутдилар.

**149-боб.** Мана шу вақт оралиғида, Темурбекнинг вафот қилганини эшитган Гургания (Грузия) подшоҳи Арманистон ерларига юриш бошлади. Улар Табриз шаҳригача бостириб келиб, йўлларида учраган шаҳару қишлоқларни талон-тарож қилиб, уйларга ўт қўйишди. Табриз аҳолиси эса бу катта қўшиннинг бостириб келаётганини эшитиб, Соҳибқирон келмоқда, деб ўйлашарди. Аслида бу қўшинга ёши ўтиб-роқ қолган Умар Табон бошчилик қилар, у Гурганиядан беш минг отлик аскар билан йўлга чиққан, ҳозирда шу қўшини билан шовқин-сурон солиб Табриздан ўтди ва Арманистоннинг катта қисмини эгаллади. Саросо қироли эса бунга тайёргарлик кўриб, ўзининг беш минг отлик қўшини билан тунда уларнинг кўпини ҳалок қилди, омон қолганлари эса Табриз шаҳрига қараб қочишди. Шаҳар вайронага айланиб, халқ анча таҳликада қолди, кофирлар мусулмонлар устидан ғолиб келди, деб айтишди. Улар “кофирлар” деб ҳеч қандай қонунга бўйсунмайдиган насронийларни айтишарди. Баъзилар бу мағлубиятни, омад улардан юз ўғиргани учун бўлди, деб билишарди. Темурбек омадли эди, унинг вафотидан сўнг, омад улардан юз ўғирди, деб ўйлашарди.

**150-боб.** Отасини қўлга тушира олмаган Умар Мирзо Султония шаҳрига қайтиб, зиндонда ётган укасини заҳар бериб ўлдиришларини буюрди, ўзи одамларни бошқариш ва элчилар билан учрашиш учун Азарент шаҳрига қараб йўл олди. Йўлда кетаётганида, укаси Абубакр Мирзо ўн биринчи июль, сешанба куни зиндон қўриқчисини ўлдириб, қочиб кетганлигини эшитди. Чиндан Абубакр Мирзо зиндондан чиқиб, қасрдаги бойликларни олиб, яна Султония шаҳрига қайтиб келди ва акасининг орқасидан одамларни жўнатаркан, унинг одамлари Умар Мирзога ета олмадилар.

Умар Мирзо, укасини заҳарламоқчи эканлиги ҳақида атрофга гап тарқалмаслиги учун, уни зиндондан чиқишига

гўё ўзи ёрдам берганини айтди. Аслида эса заҳар солинган майни Абубакр Мирзонинг олдига олиб кирган яқин кишиларига Умар Мирзо ўз отаси билан кўришганини, у билан келишиб Абубакр Мирзони бу ердан чиқаришини, унга кўп пул беришини, фақат жим юришга рози бўлишини укасига айтишларини, сўнг зиндондан чиқиш олдидан у билан бирга овқатланиб, фитнани амалга оширишларини тайинлади.

Овқат ва ичимлик олиб кирган биттаси Абубакр Мирзо билан овқатланишини айтади. Одатда овқатдан олдин улар майхўрлик қилишарди. Заҳар солинган майни пиёлага қуйиб узатганда, Абубакр ичгиси келмаётганини баҳона қилиб, бир ҳаракат билан унинг қиличини олиб қўяди ва уни ўлдириб, ташқарида турган учта қоровулни ҳам тинчитиб, атрофига одам тўплайди ва хазинага ҳужум қилиб, хазинабонни ҳам ўлдиради, сўнг хазинадан жуда катта бойликни ўғирлаб кетади. Ўз одамларига хоҳлаганларича бойликларни улашган Абубакр Мирзонинг ўзи ҳам юзга яқин туяга бойликларни юклаб, тўғри отасининг олдига боради.

Кейинчалик ака-ука ўзаро келишиб, ярашиб олишади. Мироншоҳ ўғли Абубакр Мирзо билан Самарқандга, Умар Мирзо эса Табриз шаҳридан ўн чақиримча узоқликдаги Виан шаҳрига қараб йўл олади. Умар Мирзо ўз ўрдасида бобосини хотирлаб уюштирмоқчи бўлган маъракасига Табриз ва Султония шаҳарларидан кўпчиликни меҳмонга чақирди. Бу шаҳарлардан эса пиширилган гўшт, ёпилган нон, навкарларга тарқатиш учун уч мингга яқин кийим-кечаклар олиб келтирди. Умар Мирзо аввал элчиларга, улардан олиб, махсус хонада сақланаётган барча нарсаларини қайтариб бериб, сўнг ўзларини базмга таклиф қилишларини буюрди.

**151-боб.** Ўн учинчи август, жума куни Умар Мирзо иккита чигатой орқали, элчиларни қўриш мақсадида уларни ўз ўрдасига чақираётганлигини билдириб, бир мактуб бериб юборди. Элчилар ўша куни йўлга чиқиб, эртасига тонг отиши билан яна Умар Мирзонинг дарё бўйидаги ўрдасига, яъни Виан шаҳрига қараб юришди. Шанба, Муқаддас Мария кунида, улар ўрдага етиб келдилар. Умар Мирзо ўрдасидан чиқиб, пастроқда жойлашган катта майдонда уларни кутиб олиб, салқин айвон тагига таклиф қилди, ҳаммалари бирга-

ликда овқатланишди. Якшанба куни ҳам элчиларни ўша майдонга таклиф қилишиб, катта базм уюштирилди. Элчилар ўша куни Умар Мирзо билан суҳбатлашарканлар, суҳбат орасида Соҳибқиронни эслаб, унинг шаънига илиқ гапларни айтишди. Шу куни меҳмонлар жуда кўп ширин таомлар билан сийланди. Базм сўнгида элчилар Умар Мирзога ўзлари билан олиб келган сарпо-сурукларни, ипак матоларни, ўз юртларида ясалган қиличларни совға сифатида тақдим этишди. Умар Мирзо бу совғалардан жудаям мамнун бўлди. Ун еттинчи август, сешанба куни испан ва турк элчиларига зарур кийим-кечаклар билан бирга йўлбошловчи ажратиб берган Умар Мирзо Бобил султонининг элчисини тўхтатиб, қамаб қўйишларини буюрди. Чоршанбада Табриз шаҳрига етиб келган испан элчилари турк элчилари билан маслаҳатлашиб, бу шаҳардан тезроқ чиқиб кетишларини келишиб олдилар.

**152-боб.** Келаси жума тонг-саҳарда кетишга тайёргарлик кўраётган элчиларнинг олдига шаҳар катталаридан бири ва у билан бирга миршаб, мирза ҳамда кўпгина одамлар кириб келишди. Улар ичкарига киришиб, элчиларни кузатиб қўйиш учун келганликларини, нарсалари бўлса, уларга беришларини, сўнг кузатиб қўйишларини айтишди. Испан элчилари турк элчилари билан маслаҳатлашиб, йўлга чиқишга келишиб олдилар.

**153-боб.** Йигирма иккинчи август, шанба куни, тонг отмасданоқ испан ва турк элчилари биргаликда Табриз шаҳридан йўлга чиқишдики, улар бу шаҳарда роппа-роса беш ой-ю, йигирма икки кун, яъни биринчи февралдан йигирма иккинчи августгача бўлибдилар. Элчиларга кузатувчи сифатида ҳамроҳ бўлиб юрган чифатойлардан бир одам ҳам бор эдики, у элчиларни худди ўша куни Туркиянинг Бурса шаҳрига бораётган икки юзта юкли туялардан иборат катта карвонга қўшиб қўйди. Элчилар карвон билан анча йўл босиб, душанба тонгида Эрон давлатининг охириги чегарасида жойлашган шаҳарлардан бирига кириб келдиларки, худди шу шаҳардан кейин Арманистон ерлари бошланарди.

Элчилар шу шаҳарда туриб, бир хабар эшитишди. Айтишларича, вақтида Темурбекка кўп қаршилиқ кўрсатган, Қора

атаман исмли турк саркардаси ўзининг ўн минг отлик қўшини билан Арманистон пойтахти Арзинжон шаҳрига юрини бошлаган, улар йўлларида учраган шаҳар, қишлоқ борми, бари-ни вайрон қилиб келаётган экан. Бу хабардан сўнг элчилар Маку қасрига борадиган йўлларини ўзгартириб, бошиқа йўл билан юриб кетишди.

**154-боб.** Сешанба куни йўлга чиққан элчилар тун бўйи, чоршанба куни ҳам кун ярмигача дам олмасдан йўл босишди, кун яримлагач, отларига ем-хашак бериб, ўзлари ҳам дам олдилар. Шундан кейин яна йўлга тушиб, бир кечакундуз деганда аҳолиси арманлардан иборат кичикроқ қишлоққа кириб келдилар. Бу ерлар Умар Мирзо қўл остидаги Арманистон ерлари эди. Элчилар тўхтамасдан йўлни давом эттириб, кун яримлаганда, аҳолиси туркий миллатига мансуб, Туркистон<sup>1</sup> ерларидан ўтишди. Бу ерларда яшовчилар орасида арман миллатига мансуб кишилар ҳам бўлиб, уларнинг ерлари жуда ҳосилдор, ҳар йили экин экилар эди.

Шу ерда турган вақтларида, турк саркардаси Қора атаман Арманистоннинг бош кенти Арзинжон шаҳрини эгаллаб, улар томон бостириб келаётганлиги ҳақидаги хабарни эшитган элчилар, тезда бу хабарни аниқлаш мақсадида, у ерга чопар жўнатдилар. Чопар, ўтадиган йўл хавфли экан, деган хабарни олиб келгач, кечаси бошқа йўл билан, қишлоқлар оралаб йўлга тушиб, эртаси куни арман миллатига мансуб аҳоли яшайдиган қишлоққа кириб келдилар. Бу ернинг черковлари жуда чиройли, қабристонларидаги ҳар бир қабр устига одам бўйича келадиган хочлар қўйилган. Шу қишлоқда дам олиб, яна йўлга тушган элчилар кетаётганларида олдиларига чопар келиб, худди шу йўлдан турк саркардаси Қора атаман келаётганини айтгач, улар шу заҳоти йўлларини ўзгартириб, бошқа йўлга бурилишди ва якшанба кунигача йўл босишаркан, йўлда тирик жонни учратмадилар.

**155-боб.** Биринчи сентябрь, сешанба куни, шаҳарнинг баланд деворлари бузилиб, ичкараси вайронага айланган Арманистоннинг Алекинор шаҳрига кириб келган элчилар

---

<sup>1</sup> Туркистон – Ўрта Осиё.

фақатгина шаҳар марказида битта катта қаср омон қолганини кўришди. Қаср атрофидаги тошдан қурилган уйларнинг деярли барчаси шикастланган эди. Улар мана шундай уйларнинг бирида тўхтаб, у ерда овқатланишаркан, одамлар шаҳарнинг қай тарзда вайронага айланганлиги ҳақида сўзлаб бердилар. Айтишларича, бу ерлар катта Арманистон деб аталиб, унинг буюк арман ҳукмдорининг жуда катта ерлари бор. Ҳукмдор вафот этгач, уч ўғли отасидан қолган ерларни шундай бўлишиб олишдики, биринчи ўғилга Алекинор шаҳри, иккинчисига Авник ва учинчисига Арзинжон шаҳарлари насиб этди. Бу жойлар Арманистоннинг учта катта шаҳарлари ҳисобланарди. Афсуски, Алекинорни қўлга киритган катта ака икки уканинг мулкани тортиб олмоқчи бўлди ва ака-укалар ўртасида низо чиқиб, бир-бирларига қарши уруш эълон қилдилар. Уруш авжига чиққанда, ҳар бири бошқа мамлакатлардан одамлар ёллаб, урушадиган бўлишди. Арзинжон шаҳрининг ҳукмдори бўлган ука четдан, Туркистон ерларида яшовчи туркийларни ёрдамга чақирди. Авник шаҳрининг ҳукмдори бўлган ука ҳам худди шу йўлни тутиб, икки ака-ука бирлашиб акаларига қарши жанг қилдилар. Икки уканинг четдан одам ёллаганини эшитган катта ака ҳам қўшни мамлакатдан, турклардан мадад олиб, укаларига қарши махорабага киришди. Жанг давомида Туркистон ерларидан келганлар билан турклар ўзаро тил бириктиришиб, катта акани – Алекинор ҳукмдорини ва шу тарзда кичик ҳукмдорларни ҳам ўлдириб, Авник ва Арзинжон шаҳарларини эгаллаб олдилар. Шу йўсин бу шаҳарлар ака-укалар томонидан бой берилиб, Арманистон бегоналар қўлига ўтди. Бу келгиндилар шаҳарларни вайрон қилиб, кўпгина одамлар билан бирга анчагина арман насронийларини ҳам қириб ташладилар.

Элчилар шу шаҳарда турганларида, саркарда Қора атман ўз лашкарлари билан улар юрмоқчи бўлган йўлдан келаётгани хабарини эшитиб, бир оз орқага, Авник шаҳрига қайтишга қарор қилишди. Бу келишув элчилар учун яхши натижа берди. Улар шу кунни йўлга чиқиб, тўрт кечаю кундуз йўл юриб, бешинчи сентябрь, шанбада Авник шаҳрига етиб келдилар. Душанба кунни шаҳар ҳукмдори Тўлдибекнинг саройига бориб, у билан учрашдилар. Ҳукмдор чиға-

тойлардан, Темурбекнинг авлодларидан, Соҳибқирон бу ерларни эгаллагандан кейин унга топширганди.

Элчилар у билан учрашганларида, урф-одатга кўра, унга аталган ўз совғаларини топширишгач, ҳукмдор Қора атаман ҳозирда Арзинжонда эканлигини айтиб, бу йўлдан боришлари хавфли эканлигини ва тезда бошқа йўлдан кетишлари лозимлигини тушунтирди ва элчиларга бир кузатувчи қўшиб, бошқа йўлдан кетишларига ёрдамлашди ҳам. Шу ерда турк элчилари Испан элчилари билан ажралишгач, бошқа йўлдан кетишди.

Авникдаги бу қаср тоғ устида қурилган бўлиб, жуда ҳашаматли, артофлари баланд тоғ тизмалари билан ўралган, тоғ тепасидан пастга қараб шаршара шариллаб, атрофга гўзаллик бахш этиб турибди.

**156-боб.** Саккизинчи сентябрь, сешанбада элчилар ҳукмдор ваъда қилган чиғатой кузатувчи билан йўлга чиқишди ва Арзинжон шаҳридан кесиб ўтган йўлдан воз кечганларидан кейин, кузатувчи уларни Гургания шаҳри бўйлаб олиб кетди. Шу куни кечаси Авник ҳукмдорига қарашли шаҳарда тунаган элчилар эртаси куни тонг-саҳарда йўлга отланишди. Кетаётиб баланд тоғнинг нариги томонида Таркон деб номланган қалъага рўбарў келдилар. Шу қалъада Гургания ҳукмдори Темурбекка қарши жанг олиб борган, Темурбек қалъани эгаллагандан сўнг, қалъадан туриб бутун Гурганияни бошқарган экан. Элчилар қалъадан ўтиб, бир қишлоқда тунаб, сўнг тоғ тизмалари бўйлаб икки кун давомида йўл босишди.

Ўн биринчи сентябрь, жума куни Висер деган қалъага етиб келдиларки, қалъадагилар Қора атаманни жуда ёмон кўришаркан. Йўл бошловчи уларни бу қалъадан олиб ўтиб, бошқа бир шаҳарга яқин жойда тўхтади. Сўнг ҳаммалари келишиб, Аспери шаҳри ҳукмдорининг ҳузурига кириб боришди. Йўл бошловчи ўз ҳукмдорининг хатини унга берди. Элчилар келаётган йўл ва атрофдаги ҳосилдор ерлар шу ўлкалар ҳукмдори Пира Гомберга тегишли экан. Шанба куни ҳукмдор билан учрашган элчилар унга ўз совғаларини бериб, бирга овқатланишди ва эртасига ҳукмдор Тарабзун ерларигача етиб олишлари учун уларга йўл бошловчи одамни қўшди. Улар шу куни бир тоғдан олиб, тунни яқин қишлоқда ўтказишди.

**157-боб.** Якшанба куни баланд тоғ тизмасидан от-уловлари билан ошиб ўтган элчилар Гургания ерларини ортда қолдириб, Арракел ерларига кириб келишди. Гурганияликлар жуда келишган, хушмуомалали, эътиқодлари грекларникига ўхшаш одамлар эканлигига гувоҳ бўлдилар. Душанба куни, Арракел ерларидаги қишлоқда қолиб, эртасига яна йўлга чиқиб, бошқа қишлоқда тунадилар.

Бу Арракел шаҳри Аспери ҳукмдорининг қўл остига ўтишига сабаб, шаҳар ҳукмдори Арракелдан норози бўлган шаҳар аҳолиси Аспери ҳукмдорига арз қилишиб, уни ўзларига ҳукмдор бўлишини ва Арракелдан ҳимоя қилишни сўраганда, Аспери ҳукмдори Арракелни ўлдириб, шаҳарни ўз қарамоғига олган экан.

Ўнқир-чўнқир тошлари кўплигидан бу тоғларда от билан юриб бўлмас, ҳатто одамлар ҳам қийналишар, ерлари тоғли бўлгани учун эса бугдой кам экиларди. Арман насронийлари яшайдиган бу ерларга Туркия тарафдан хавф-хатар бор. Бу ердан чиқиб, муттасил йўл юрган элчилар тўртинчи куни денгиз бўйидаги қишлоққа етиб келдиларки, бу ердан атрофи тоғ тизмаларидан иборат Тарабзунгача яна олти кун юриш керак эди. Кейин кузатувчилар элчиларни тоғ ёнбагирлари, узумзорлардан иборат Шурмения деб номланувчи жойга олиб келишди. Бу ерларнинг аҳолиси боғдорчилик билан шуғулланар экан.

Шу йўллар давомида элчилар, тоғдан ошиш қийинлиги боис деярли барча отларидан маҳрум бўлдилар.

**158-боб.** Ўн еттинчи сентябрь, пайшанба куни Тарабзунга келган элчилар, ўрмон ёнгоғи ортилган кема Перага жўнашга шай турганлигини кўришди. Элчилар қайиқ ёллаб, ўша кемага чиқиб олдилар. Николос Ханто деган кимса бошқараётган бу кема узоқ сузиб, охири йигирма иккинчи октябрь куни Пера шаҳрига кириб борди. Бу шаҳарга етиб келган элчилар ўз юкларини бошқа бир савдо кемасига юклаб, йўлни давом эттирдилар. Анча кундан сўнг, тўртинчи ноябрь, жума куни Галлиполи шаҳрига келиб, анчагина пахта ортиб, йўлини давом эттирган кема шанба куни Хио оролига етди.

**159-боб.** Ўн еттинчи ноябрь, душанбада бу оролдан йўлга чиққан кема ёнма-ён жойлашган Сарпиенсия ороли ва Муқаддас Фаришта номли бурундан сўнг Венеция ерларидан ўтиб, душанба куни кечаси, ноябрь ойининг охириг кунларида Сицилия ерларига кириб келди. Иккинчи декабрь, чоршанба куни у оролни ҳам ортда қолдириб, йўлни давом эттирган элчилар кемаси денгизда катта тўфонга дуч келди ва бу тўфон туфайли Газта шаҳрига тўхташга мажбур бўлдилар. Наполи қироллигига қарашли бу шаҳарда элчилар беш кун қолишди, яна йўлга чиқиб, денгиз тўфонига дуч келдиларки, ноилож яна Газтага қайтдилар. Йигирма иккинчи декабрь, сешанбада денгизга чиққан элчилар яна тўфонга дуч келишди ва бу тўфон уларни Корсика шаҳрига улоқтириб ташлади. Элчилар бу шаҳарда Пасха байрамини нишонлаб, эртаси куни йўлга чиқишди ва яна тўфонга дуч келишди. Тўфон бу сафар уларни Гумбин деган қишлоққа чиқариб ташлади. Эртаси, шанба куни йўлга чиққан кема Виана бандаргоҳига кириб келди.

Учинчи январь, якшанба куни шаҳардан олти чақирим узоқликда жойлашган Генуя бандаргоҳига кириб келган элчилар бу ерларнинг аҳолиси кўплигини, теварак-атроф чиройли боғлар, ҳашаматли уйлар билан кўркам эканлигини кўрдилар, Папа билан учрашдилар, у билан кўпгина масалалар ҳақида гаплашиб олдилар. Биринчи февраль, душанба куни Генуя шаҳридан йўлга чиққан элчилар Мисер Биенбосо Барберо дарғалик қилган кемада денгизда сузишаркан, йўлда ҳаво ёмонлашиб, яна тўфон кўтарилди. Элчилар анча қийинчиликларни ортда қолдириб, бир ой деганда, биринчи март, якшанба куни Санлукар бандаргоҳига келиб, қуруқлик орқали Севилия шаҳрига йўл олишди.

Исо Масиҳнинг таваллуди ҳисобидан бир минг тўрт юз олтинчи йилнинг йигирма тўртинчи марти, душанба кунда Кастилия қироллигига етиб келган элчилар Алкала де Энарес<sup>1</sup> шаҳрида қирол билан учрашдилар.

Яратганга ҳамду санолар бўлсин!

---

<sup>1</sup> Испания пойтахти Мадрид шаҳрининг шимоли-шарқида жойлашган кичик шаҳар.



**Султония архиепископи Иоанн**

**АМИР ТЕМУР ВА УНИНГ  
САРОЙИ ҲАҚИДА ХОТИРАЛАР**

Француз тилидан *Баҳодир Эрматов* таржимаси



---

*Францияда бир неча асрлардан буён бизнинг тарихимиз, маданиятимиз, тилимиз, буюк аجدодларимиз мероси хусусида чуқур тадқиқотлар олиб борилаётганини мамнуният билан таъкидлайман. Француз шарқшунослари бу соҳада кашшофлик қилдилар ва ажойиб натижаларга эришдилар.*

*Буюк ипак йўли Франция ва Испаниядан олис Ҳиндистон ва Хитойгача чўзилган бўлиб, қадимий Ўзбекистон шу йўлда мамлакатларни бир-бири билан боғловчи марказий бўғин, Шарқ билан Ғарб, ислом билан насронийлик бир-бирига туташган жой эди, Шарқ ва Ғарб маданиятлари бир-бири билан боғланган жой эди.*

*Олис ўтмишдаги ўзаро муносабатларимизнинг кўпгина шонли саҳифалари тарихда сақланиб қолган. Сизлар Тамерлан деб атайдиган буюк бобомиз Амир Темур билан XIV ва XV асрлардаёқ мамлакатимиз ўртасида мустаҳкам сиёсий, иқтисодий, маданий алоқаларни зарур деб ҳисоблаган Франция қироли Карл VI нинг ёзишмаларини эслатишнинг ўзи кифоядир\*.*

*И.А. Каримов,  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти*

---

\* Каримов И.А. Франция Президенти томонидан утказилган расмий қабул маросимида сўзлаган нутқ. // Каримов И.А. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин». Т-2. Т., «Ўзбекистон», 1996, 71–72-бетлар.

## I. Темур Бейнинг тахтга утириши

Бу ҳукмдорнинг қўли дастлаб унчалик узун бўлмаган ва уни кўпчилик танимаган, унинг қўл остида ўзига ўхшаш оилалардан чиққан атиги ўн чоғлик маслакдоши бўлган. Ҳамроҳларининг сони ортиб, қирқтага етди ва шундан сўнг у отлар, бошқа жониворлар, истехком ва ер-мулкларни эгаллаб, маслакдошлари сонини ниҳоятда кўпайтирди, куч билан Рефюж<sup>1</sup> қалъасини қўлга киритиб, тўплаган мулклари ва ўлжаларини ўша ерга жойлади; шу йўсинда унинг истехкомлари, шаҳар ва мулклари кундан-кунга кўпайиб, ўзи кучайиб борди<sup>2</sup>.

Ўз ҳаракатларидан буюк Мўғулистон императорининг ғазаби қайнаб турганини сезган Темур Бей тўппа-тўғри Хитой императори ҳузурига борди, бу киши камарли насронийлар мазҳабидан бўлиб<sup>3</sup>, мўғул императорининг рақиби ва душмани эди. Темур Бей шу насроний император ҳузурини кўп ҳаракат қилиб, ундан қудратли қўшинни ёрдамга олди; шу қўшин билан зикр этилган Мўғулистон императорининг катта ерларини қўлга киритди, хусусан, Семеркант<sup>4</sup> шаҳрини эгаллади, шаҳар Шарқда жойлашган бўлиб, Мўғулистон императорига қарарди. Шундан сўнг у (Амир Темур) насроний императорнинг лашкарларига рухсат берди.

<sup>1</sup> Нахшаб, ҳозирги Қарши шаҳри. Ибн Арабшоҳда ҳам худди шу шаҳар эслатилади. Қаранг: Амир Темур тарихи. Т., 1992, 2 жилдлик, 1-жилд, 78-бет (Рефюж французчасига «бошпана», «маскан» деган маънони беради, қаяс ичидаги изоҳлар бизники — тарж.).

<sup>2</sup> Руи Гонсалес де Клавихода ҳам шунга ўхшаш талқин бор. Қаранг: Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403—1406), М., Наука, 1990, стр. 104 (42 а-б).

<sup>3</sup> Камарли насронийлар — маронитлар ёхуд камарли насронийлар, ўша даврда Пекинда яшаган насронийлар, катта камар тақиб юришган.

<sup>4</sup> Самарқанд.

Темур Бей томонидан шу тарзда хўрланган ва ҳақоратланган мўғуллар императори ўз рақибига қарши курашиш учун жуда катта қўшин тўплади ва унинг ҳузурига элчилар йўллади; элчилар унга (Амир Темурга) ёхуд жанг майдонига чиқишни ёхуд Мўғулистон императорига сўзсиз итоат этишни айтишлари лозим эди; агар у (Амир Темур) унга (Мўғулистон императорига) итоат этса, катта ҳоким этиб тайинланиши ваъда қилинган эди.

Ҳузурига келган элчиларни кўрган Темур Бей катта макр ишлатди. Кўрпа-тўшак қилиб олди ва ўзини бетоб кўрсатди, зеро, у зикр этилган императорнинг куч-қудратини яхши биларди: у қандай қилиб рақиб ва унинг элчиларини ғафлатда қолдиришни ўйлай бошлади. Яхшилаб фикр қилгач, янги сўйилган мол қонини келтиришларини буюрди ва уни ютди ҳамда элчиларнинг не мақсадда келганини билиш учун уларни тезгина ўз ҳузурига чорлади. Элчилар унинг ҳузурига кирган чоғ унга (Амир Темурга) шошилиш равишида тоғора келтирдилар ва у элчилар ҳозирлигида ютган қонини қайт қила бошлади; улар (элчилар) бу қонни унинг (Амир Темурнинг) қони деб ўйладилар. Бу билан у элчиларга ўз тақдирдан қочиб қутула олмаслигини ва дардига ҳеч қандай даво йўқлигини, яъни тез орада ўлажагини билдирди. Ушбу хабардан сўнг элчилар бемалол қайтиб кетишлари мумкин эди, чунки улар Темур Бейнинг ўлаётганини ўз кўзлари билан кўришди<sup>1</sup>.

Бундан хабар топган император кўп шодликларга тўлди ва ўз лашкарларига, уларнинг хотинлари, фарзандларига ижозат бериб, кичик бир аскарлар гуруҳи, ўз хотинлари ҳамда фарзандлари билан хурсандчиликка берилди. Элчилар қайтиб кетганига ишонч ҳосил қилган Темур Бей сакраб тўшагидан турди ва бутун қўшини билан зикр этилган императорнинг изига тушди. Темур Бей уни хотинлари ва фарзандлари ҳамда кичик бир аъёнлар гуруҳи билан айш-ишрат қилиб турган чоғида учратди. Темур Бей қиличинини кўтарди

---

<sup>1</sup> Бу ҳикояда чиндан ҳам жон бор: амакиси Ҳожи Барло Боязид Жалойир билан бирга ўзига қарши фитна тайёрланаётганидан хабар топган Амир Темур учаласи учрашган пайтда бурнидан қон оқаётганини баҳона қилиб, ташқарига чиқиб кетган ва фалокатдан омон қолганди (Шарафиддин Али Яздий. Зафарнома. 24–25(14<sup>а</sup>-бетлар).

ва императорни махв этди, унга қариндош бўлган хотинини ўзига хотин қилиб олди, ўғилларига императорнинг қизларини олиб берди, эркак зотидан бўлганларнинг ҳаммасини ўлдирди, фақат биттасини ўз ёнида олиб қолди, номи Солтамақуш<sup>1</sup> эди, Темур Бей унинг номи билан ҳукмронлик қилди. Ва шу йўл билан у бутун Тартария империясини<sup>2</sup> қўлга киритди. Бу воқеалар рўй берганида у 40 ёшда, ёхуд кагтароқ эди; шундан сўнг у Шарқдаги кўп вилоятларни қўлга киритдики, жумладан, уларнинг бири Сименана<sup>3</sup> деб аталарди, бу хусусида қуйида сўз юритилади.

Л. Керэн изоҳи: *Амир Темурнинг оддий ошладан чиққанлиги, ўз фаолиятини дўстлари билан бошлаганлиги ҳамда атрофида Чингизхон сулоласига мансуб мулозимлар бўлганлиги бошқа классик манбаларда ҳам қайд этилган, бироқ унинг Хитойнинг насора императори билан иттифоқ тузганлиги ва ҳатто Тартария императорининг ўша даврда умуман маъжудлиги ва зикр этилган жойларга келганлиги афсонадан ўзга нарса эмас. Бироқ Амир Темур амир Хусайнни ўлдириб, унинг беваси, мўғул авлодидан бўлган хонзода Сароймулкхонимга уйлангани рост<sup>4</sup>.*

## II. Темур Бей исмининг талқини хусусида

Шундай қилиб, бу татар императорининг исми Темур Бей эди; бу исм қуйидагича талқин қилинади ва изоҳланади: Темур Бей атоқли отдир ва «темир» сўзидан келиб чиққан бўлиб, «fer» (темир, фр. – *тарж.*) маъносини билдиради, «бей» «ҳукмдор» маъносига тенг, «темир ҳукмдор» деганини англатади.

Бу татарча ва форсча талқинлардир. Эронда уни «миритабам», яъни «ҳукмдор» деб ҳам, «калан», яъни «буюк ҳукмдор» деб ҳам аташади.

<sup>1</sup> Суюргатмуш.

<sup>2</sup> Европада Ўрта асрларда Мўғулистон ва Хитойнинг катта қисми Буюк Тартария деб аталган.

<sup>3</sup> Сименана – Мозандарон яқинидаги шаҳар.

<sup>4</sup> La Timuride, 2004, No 28, p.18.

Л. Керэн изоҳи: *Чиндан ҳам унинг исми Темурбек, Темур ҳукмдор бўлган, уни «Тамур» деб ҳам аташган. Унинг исмига Соҳибқирон ва Кўрагон унвонларини қўшганлар. Соҳибқирон «сайёралар соҳиби» маъносини билдиради, Кўрагон эса чингизий хонзодаларга уйланганларга бериладиган мўғул унвонидир.<sup>1</sup>*

### III. Темур Бейнинг унвони хусусида

«Темур Геракан сосмус» иборасида Темур «императорнинг ўғли» ёки «куёви» деган маънони билдиради, «сосмус» – «бизнинг қатъий сўзимиз» деганидир;<sup>2</sup> у ўзини на қирол, на император ва на бошқа ном билан атайди. У қачон сўзласа ва амр этса, император номидан сўзлайди, амр этади, унга ҳурмат кўрсатиб, йилига бир марта уни бориб кўради; бу ҳурматдан сўнг у ўша император ҳақида гапириб, унга ўз саройида иззат кўрсатаётганини айтади. Бироқ, Темур Бей барча ишни императорнинг тамғасисиз амалга оширади.

Л. Керэн изоҳи: *«Сосумус» дегани «бизнинг сўзимиз» деганидир. Бу ерда гап Амир Темурнинг фармонлари ҳақида кетаяпти, фармонлар «Темир Кўрагон сўзимиз!» шаклида бошланган.<sup>3</sup>*

### IV. Унинг ирқи хусусида

У келиб чиқиши бўйича шарқлик татарлардан бўлиб, уларнинг миллати Йокате<sup>4</sup> деб аталади, баъзиларнинг фикрича, шу томонларда Исус Христосга тенг келадиган уч қирол ўтган экан. Бу ўлкага Ҳиндистон томонидаги форсдан кейин келадиган Корасин<sup>5</sup> вилояти, Медие<sup>6</sup> вилояти ва бошқа ви-

<sup>1</sup> La Timuride, 2004, No 28, p.18.

<sup>2</sup> Бу ерда гап Амир Темурнинг Франция қироли Шарл VI га ёзган «Темур Кўрагон сўзимиз» ибораси билан бошланувчи мактуби хусусида кетаяпти. Фақат епископ Иоанн талқинидаги «Темир» сўзининг ўрнига «Кўрагон» сузи қўйилса, «хоннинг куёви» маъносига тўғри келади.

<sup>3</sup> La Timuride, 2004, No 28, p.18.

<sup>4</sup> Йокате – Чигатойнинг французча номидан; Djagatai, Jagate, Locate.

<sup>5</sup> Корасин – Хуросон.

<sup>6</sup> Медие – Озарбайжон.

лоятлар кирази. Бу ўлка таркибига кирувчи яна бир шаҳар – Темур Бейнинг шаҳри Семерканддан жуда йироқда, юз кунлик масофада, Жийон дарёсидан нарида – Форсда жойлашган Сузис<sup>1</sup> шаҳридир.

Л. Керэн изоҳи: *Чиғатой?! Ундан кейинги номларнинг ҳам унча қизиғи йўқ.*<sup>2</sup>

## V. Ўғилларининг насл-насаби ва исмлари хусусида

Темур Бейнинг кўп ўғиллари бўлган ва ҳозир улардан атиги иккитаси ҳаёт, каттасини Миранза деб аташади, ёши қирқ ёки ундан бир оз катта; энг кичиги Сонхарни деб аталади, ёши йигирма икки атрофида<sup>3</sup>. Биринчисининг исми қуйидагича талқин қилинади: *мир* – жаноб ва *за* – қирол, яъни «жаноби қирол». Иккинчисининг исми француз тилида «қиролнинг юзи» маъносини беради.

Тўнғич ўғил барваста, хушмуомала, ҳурфикр ва барча насронийлар каби отасининг саройида уни ҳамма ҳурмат қилади. У насронийлар ва франкларни, яъни барча лотинларни (европаликларни) жуда яхши кўради; у бамисоли иккинчи Александр (Александр Македонский); унинг хотини ва 4 ўғли бор: хотинларининг энг суюклиси император авлодидан ва Конзада (Хонзода) деб аталади – у ўлган акасининг хотини бўлган. Ўғилларининг лашкарлари катта, яъни 20–30 минг кишидан иборат ва саройлари ҳам катта, айниқса, Абасимеза<sup>4</sup> исмли тўнғич ўғлининг лашкари жуда катта; бу исм «худонинг марҳамати ила туғилган» дея талқин қилинади, бу ўғил қурол ишлатишга жуда моҳир; тўрт ўғилдан яна бирининг исми Омариза<sup>5</sup> бўлиб, у Темур Бейнинг лейтенанти: унинг саройида мулозимлар кўп, қўл остида катта ўлка бўлишига қарамай, шароити оғир ва бесаранжом; унинг икки ўғли бор.

<sup>1</sup> Сузис – Ҳозирги Эроннинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган Суза шаҳри, аҳамонийлар давлати пойтахти, харобага айланган.

<sup>2</sup> La Timuride, 2004, No 28. p.18.

<sup>3</sup> Бу ерда гап Мироншоҳ ва Шоҳрух ҳақида кетаяпти.

<sup>4</sup> А. Моранвиленинг фикрича, бу Абубакр Мирзо, Мироншоҳнинг тўнғич ўғли бўлса керак.

<sup>5</sup> Умар Мирзо.

Л.Керэн изоҳи: *Амир Темурнинг ўғли Мироншоҳ Мирзо чиндан ҳам чингизий Хонзодага уйланган эди. Иоанн Сонхарни деб атаган иккинчи ўғил Шохрух Мирзодир.*

## VI. Жиянлари ва набираларининг сони хусусида

Темур Бейнинг олтмиш-етмиш чоғлик ёхуд ундан зиёд жиян ва набиралари бор; уларнинг энг биринчиси катта акасининг ўғли бўлиб, она томонидан император авлодидан ва катта ер-мулкка эга; иккинчисининг кўп ўлкалар ва томонларда ўзига маслакдош ва содиқ вассаллари бор; унинг исми Мамузатаин<sup>1</sup>.

Л.Керэн изоҳи: *Сурияликлар тарафига ўтишга ҳаракат қилган Мирзо Султон Хусайн.*

## VII. Темур Бейнинг хотинлари хусусида

Темур Бейнинг тўрт қонуний хотини ва кўплаб канизаклари бор. Катта хотини император оиласидан Карон<sup>2</sup> деб аталади ва доим аёллар доирасида фароғат топади ва эркакларни асло ёқтирмайли; у соғлиги ёмонлиги туфайли ҳар куни (табобатга) минг дукат (тилла) сарфлайди, хотинлар қуршовида юради.

Л.Керэн изоҳи: *бу ерда гап Сароймулкхоним ҳақида кетаяпти.*

## VIII. Темур Бей ҳукмронлигининг бошланиши

Ёшлигида у ўз тенгқурларига ўхшаш йигит эди, аммо ақли-заковати, зукколиги билан ажралиб турарди, доимо мард йигитлар қуршовида юрарди; у доимо худони олқишлаб юради, нима қилса барисини худо учун ва унинг хоҳиши билан қилади; ўзининг айтишича, у бир бечора аёлнинг ўғли, кучсиз ва камбағал йигит бўлган, нимага эришган бўлса, худонинг марҳамати ила эришган, вақти келиб бу-

<sup>1</sup> Эҳтимол Султон Хусайн Мирзо.

<sup>2</sup> Сароймулкхоним (Клавихода — Кано).



ларнинг ҳаммасини худога қайтаради. Яна унинг айтишича, барча бўладиган нарсани худо унга олдиндан башорат қилади.

У ўзини на қирол ва на император деб ҳисоблайди, бироқ ҳозир у жуда катта ва қудратли ҳукмдор, зеро, шу пайтгача Шарқда ҳеч ким унга тенг келадиган бирорта инсонни кўрган ҳам, учратган ҳам эмас, айниқса, у Семеркант шаҳрини ва Тартария империясини қўлга киритганидан кейин шундай қудратга эга бўлди, зотан, у (империя — тарж.) Шарқда томон шунча катта макон ва йўл эгаллаганки, унинг бир чеккасидан иккинчи чеккасига етиш учун тинмай ярим йил йўл босиш керак. У кўплаб вилоятлар, шаҳарлар, қўрғонлар, мулкларни қўлга киритди ва тобе этди. Жумладан, у Ҳиндистондаги Дилли<sup>1</sup> деган шаҳарни забт этди ва қиролини тобе этиб, шундан сўнг Фарбга томон юрди ҳамда Константинополгача бўлган барча ўлкаларни эгаллади.

Л. Керэн изоҳи: *Бу каби мулоҳазалар ўша даврдаги бошқа битикларда ҳам учрайди ва ҳақиқатга яқин туради. Одамлар орасида Амир Темур ўртаҳол бир ошладан чиққан ва бутун Шарқни эгаллаган ҳукмдор, бирор марта ҳам мағлубият аламини татимаган, барча ўлкаларни маҳв этган саркарда деган афсона тарқалган эди. Бу унинг Худо ёрлақаган инсон эканлиги, барча ҳодисалар унга фаришталар томонидан башорат қилинишидан дарак беради. Бироқ шу билан бирга у барча мухорабаларда зафар қозонганини, ғанимларининг қандай жанг усулини танлашини олдиндан била олиш қобилияти мавжудлигини тан олиш керак. Иоанн фаришталар ҳақидаги гапларга унчалар эътибор бермаган бўлиши ҳам мумкин.*

### **IX. Темур Бей ҳукмронлик қиладиган вилоятлар ва ўлкалар хусусида**

Темур Бей ҳукмронлик қиладиган Ҳиндистондан Туркиягача бўлган масофани бир одам пиёда нақ бир йилда, отда эса тўққиз ойда босиб ўтади; у жуда катта вилоятлар ва катта қиролликларни ўзига тобе қилди; салтанати таркибига жумладан қуйидаги ўлкалар киради:

---

<sup>1</sup> Дилли-Деҳли.

Дилли (Деҳли), йирик шаҳар.

Сименан,<sup>1</sup> вилоят.

Маластан,<sup>2</sup> вилоят, қимматбаҳо тошлар ўлкаси.

Феринус,<sup>3</sup> ҳинд зираворлари шу ердан келади ва Сийон дарёси орқали бошқа ўлкаларга олиб ўтилади.

Органун, бу вилоят форсда Корасмо<sup>4</sup> деб аталади.

Чин-Мочин<sup>5</sup> шифобахш ўсимликлар ўсадиган вилоятлар, у ерларда ясалган чиройли буюмларни Генуяга олиб кетишадди, тупроғи яхши сақланади, айтишларича, бир буюмни қирқ йилда ясашар экан.

Бокара,<sup>6</sup> аъло сифатли олтини билан машҳур вилоят.

Коросан,<sup>7</sup> ўтгиз шаҳарли вилоят.

Медиа,<sup>8</sup> жуда катта вилоят.

Спахан,<sup>9</sup> вилоят.

Сирас,<sup>10</sup> вилоят.

Шилан,<sup>11</sup> шаҳар ва вилоят, Каспий ёхуд Бачин денгизи яқинида.

Аран,<sup>12</sup> жуда катта вилоят.

Порт Ферре,<sup>13</sup> жуда катта вилоят ва Александр денгизни Кавкази деб аталган тоққача қазиб олиб борган шаҳар. Бу

---

<sup>1</sup> Симнон, Мозандарондаги ўлка.

<sup>2</sup> Маластан, А.Моранвилленинг фикрича — Бадахшон. Марко Поло уни Баласиан деб атаган.

<sup>3</sup> Феринус — А.Моранвилленинг фикрича — Кефераин ёки Кимехредган, Нишопур яқинида Афрек дарёси бўйида жойлашган шаҳар. Ҳинд зираворларининг Сайхун ёхуд Сирдарё орқали кириб келиши хато кўрсатилган (А.Моранвилле).

<sup>4</sup> Урганч, Хоразм, Марко Полонинг таърифида — Органа (*Voyages anciens et modernes* t. 2, p. 231, note 3.)

<sup>5</sup> Чин-Мочин — Хитой.

<sup>6</sup> Бухоро.

<sup>7</sup> Хуросон.

<sup>8</sup> Озарбайжон, Эроннинг шимоли-ғарби.

<sup>9</sup> Исфакон.

<sup>10</sup> Шероз.

<sup>11</sup> Филон, Каспий денгизининг жануби-ғарбида.

<sup>12</sup> Арран, Филоннинг шимоли, Гуржистон (Грузия) жанубида.

<sup>13</sup> Порт Ферре, Каспий денгизининг Ғарбий қирғоғи, ҳозирги Баку шаҳрининг шимолида жойлашган девор. Ривоятларга қараганда бу деворни Александр Македонский Эронни скифлардан ҳимоя қилиш учун қурдирган экан. Ҳозир девор харобалари Қизил Алан деб аталади. Араблар бу деворни Баб ал-Абуаб, турклар Демир Капу деб аташган.

тоғда турфа тилли халқлар яшайди, Темур Бей улардан бирортасини ҳам эгаллаган эмас, яна айтишларича, бу тоғда бошқаларга қўшилмайдиган халқлар ҳам яшар эмиш, уларнинг номлари Гог ва Магог<sup>1</sup>.

Жоржия,<sup>2</sup> қироллик ва жуда катта вилоят.

Буюк Армения,<sup>3</sup> у ерда Нуҳ пайғамбарнинг ёйи жойлашган тоғ бор.

Курдистон, жуда катта вилоят.

Калдея,<sup>4</sup> вилоят.

Астрия,<sup>5</sup> вилоят.

Рум,<sup>6</sup> вилоят.

Туркия, вилоят.

Бундан ташқари, кўплаб вилоятлар ва шаҳарлар унинг салтанати таркибига киради, уларнинг сони юз мингта, қисқароқ бўлиш мақсадида номларини келтирмаймиз.

Л. Керэн изоҳи: *Амир Темур қўл остига ўтган вилоятлар, шаҳарларнинг тўлиқ бўлмаган ва тўғри номланиши.*

## **Х. Темур Бейнинг маҳорати ва қудрати хусусида**

Қисқа қилиб айтганда, Темур Бей жанггоҳларда барчани, жумладан, Тартариянинг буюк императорини, кўплаб қирол ва шаҳзодаларни енгди, на бирор шаҳар, на бирор истехком унга дош бера олган; у сонсиз-саноксиз шаҳарлар, қўрғонларни забт этди, ҳисобсиз халқларни тобе қилди, саноксиз мухорабаларда зафар қозонди, у бугун Буюк Туркни (Боязид Йилдиримни) маҳв этди ва Туркия уники бўлди; кўплаб қироллар, шаҳзодалар, катта ҳокимлар унинг тарафида.

Л. Керэн изоҳи: *Соҳибқирон қўлга киритган ўлкалар номининг қайтарилиши, «у бугун Буюк Туркни маҳв этди ва Туркия уники бўлди» сатрлари билан тугайди.*

---

<sup>1</sup> Инжилдаги Гог ва Магогнинг бунга алоқаси йўқ. Муаллиф Каспий денгизининг шимоли-ғарбида яшайдиган халқларни шундай атайди.

<sup>2</sup> Грузия.

<sup>3</sup> Арманистон.

<sup>4</sup> Ироқи Араб.

<sup>5</sup> Ассирия.

<sup>6</sup> Туркиянинг Осиёдаги Босфор бўғозигача бўлган қисми.

## **XI. Темур Бейнинг буюклиги ва лашкарларининг сони хусусида**

Бу хусусида ҳар хил гаплар юради, бироқ лашкарларининг сони қанчалигини ҳеч ким аниқ билмайди: айримларнинг айтишича, унинг қўшини ун-юз минг (миллион — тарж.) аскардан ва камида саккиз юз минг отлардан иборат; туялар ва бошқа жониворларнинг эса асло ҳисоби йўқ. Унинг яна қирқта жанговар фили бўлиб, аскарлар уларнинг устида ўлтириб жанг қиладилар; қуроолланган суворий шаҳзодалар ва мард инсонлар у билан бирга юрадилар, улар енгил қуроолланганлар, ортиқча аслаҳалари йўқ, шамширлари, камонларига ишонишади, хусусан, унга ўттиз олти йилдан бери ҳамроҳлик қилиб юрган одамлари шаҳарларга кирмайдилар, аксинча, доимо очиқ далада тунайдилар.

Л. Керэн изоҳи: *Айрим муаррихлар унинг бир миллион аскари ва саккиз юз минг отлари бўлган, деб хабар берадилар. Айтишларича, унинг олтимишта жанговар фили ҳам бўлган экан. Бу рақамлар ҳақиқатга тўғри келмайди.*

## **XII. Темур Бейнинг бойликлари хусусида**

Унинг турли шаҳарлардан ва мулклардан тортиб олиб, Семерканд шаҳрига жўнатган бойликларининг сон-саногини, оғирлигини ва миқдорини ҳеч ким билмайди. Худди шундай йўл билан қўл остидаги барча вилоятлардан йиққан хирожларини ҳам у ерга (Самарқандга) юборди; қимматбаҳо нарсаларга келганда эса, айтишадикки (мен бунга ишонаман), бирорта ҳам ҳукмдор, у қанчалар буюк ва золим бўлмасин, у қадар кўп пул тўплай олмаган. Ва яна у ўз қўл остидаги барча вилоятлардаги ер ости бойликларини ҳам қидириб топтириб, уларга эга бўлди ва айтишларича, ўтган йили (яъни 1401 йил) у оғирлиги юз ва ўн етти сз келадиган бир жавоҳир топганки, олти сз бир унцияга тенгдир.

Сўнгра Бағдод шаҳри олинганидан кейин у Евфрат (Фирот) дарёсининг тубига ғарқ бўлган бир кемани топди, унда форс қиролларининг барча бойликлари жойлаштирилган эди; хазинадан соф ва нафис олтин дарахт топилди, унда турфа

рангли ва турфа номли қимматбаҳо тошлар, сонсиз-саноқсиз марваридлар бўлиб, уларчалик катта аҳамиятга ва қийматга эга бўлган ёхуд улардан яхшироқ марваридларни ҳеч ким кўрган эмасди. Ва у бу нарсаларнинг ҳаммасини Семеркандга жўнатди, бу ерда унинг ўн саккизта улкан саройи бўлиб, уларнинг барчаси бойликларга шу қадар тўла эдики, ҳеч бир инсон уларнинг таърифини қилиб адо эта олмасди<sup>1</sup>.

*Л. Керэн изоҳи: Амир Темур хазинаси асосан қўл остида бўлган ўлкалардан мол-мулк олиб ўтувчи карвонлардан тушган божлар ҳисобига бойир, бироқ унга Соҳибқирон қўлга киритган давлатлардан келтирилган бойликлар ҳам қўшилар эди; бойликлар Самарқанд шаҳридаги Кўксарой ва шаҳар ташқарисидаги ўнга яқин (Клавихонинг гувоҳлик беришича) саройларда ҳамда Сароймулкхонимнинг чодирда сақланар эди (Фрот дарёсидан топилган олтин дарахт ва бошқа ғаройиб зеб-зийнатларни Клавихо шу ерда кўрган).*

### **XIII. Темур Бейнинг очиқкўнглиги ва шафқатсизлиги хусусида**

У шароб ичганида меҳрибон ва очиқкўнгил бўлиб қолади; бироқ бундай ҳолат жуда кам бўлади, яъни у жуда кам шароб ичади; алқисса, у ғазаб отига минмаган пайтларида адолат юритади: адолатининг шиори учун ўз тамғасига форс

---

<sup>1</sup> Амир Темур ўзининг Бағдодга биринчи юриши чоғида на Фирот ва на Дажла дарёсидан султон Аҳмад Жалойирнинг хазинасини топгани ҳақида шарқлик муаррихлар ҳеч нарса демайдилар. Бироқ Бағдод иккинчи марта қамал қилинган пайтда, яъни 1401 йил ёзида, ўша хазина топилган бўлса ажаб эмас, зеро, чиндан ҳам айнан ўшанда шаҳар ҳокими Феруж қочиб кетаётган кема Фирот дарёсига гарқ бўлган эди. Мазкур ҳодисани Шарафиддин Али Яздий қуйидагича тасвирлайди: «Алқисса, Фаражи бедавлатким, Бағдод шаҳрида эрди, телбалардек ё фидойилартек жонидан кечиб, урушур эрди... Мансур черик тўрт ёндин кириб, ҳисор эли ҳар сориким қочиб борса эрдилар, анда ўқ ва қилич эрди. Фаражи бедавлат қизи билан кемага кириб, сувнунг юқори сори қочиб борур эрди. Ўқ захмидин ўларини сувға солиб, балиқ тазмаси бўлдилар. Ва маллоҳлар ҳукм била сувға кириб, Фаражнинг жасадини чиқардилар». (Зафарнома, 248-б.)

тилида «Адолат» сўзини икки марта ёздирган<sup>1</sup>. У ўз дўстларига ва элчиларга, айниқса, узоқ ўлкалардан келган элчиларга етарлича очиққўнгиллик қилади; бошқаларга нисбатан, яъни ўзига қарши бирор иш қилган ёки амрига (хоҳишига) қарши борганларга нисбатан ўта шафқатсиз — уларни турли азобларга солади ёки ўлимга ҳукм қилади; уни айбдорларнинг на туриш-турмуши, на насл-насаби ва на дини-иймони қизиқтиради, айниқса, маврларга нисбатан у шундай муносабатда бўлади...

Л.Керэн изоҳи: *Амир Темур кўплаб юртларнинг элчилари, зодагонлари ва олиму уламоларини қабул қилар, улар билан қизиқарли суҳбатлар қураб, насораларга суҳбат чоғида шароб таклиф этарди. У ўз душманларига, мамлакатда ўрнатган тартиб-қоидаларига амал қилмаган фуқароларига, ҳатто энг бадавлат кишиларга ҳам, уларнинг динидан қатъи назар, шафқатсиз бўлган. Бунинг натижасида ўзи мусулмон бўлган бу ҳукмдор асосан мусулмонларни (Иоанн қайд этган маврлар) ва мусулмон давлатларни — Ироқ, Эрон, Олтин Ўрда, Шимолий Ҳиндистон, Туркия ва ҳоказоларни жазолади. Амир Темурнинг тамғаси «Куч — адолатда», форсча «Рости-русти» сўзлари битилган уч кичик ҳалқадан иборат бўлиб, Франция қиролига битилган мактубдан афсуски бу сўзлар ўчиб кетган. Айрим манбаларда айтилишича, тамгага форсча «Рости» сўзи икки марта ёзилган.*

#### **XIV. Темур Бейнинг ҳаёти ва унинг халқи хусусида**

Темур Бейнинг турмуш тарзи ва халқи ҳақида шундай дейиш мумкинки, у ҳар доим очиқ далада ҳарир шоҳи чодир остида умр ўтказади, зеро, унинг халқи шунчалик кўпки,

---

<sup>1</sup> Маълумки, Амир Темурнинг шиори «Рости-русти», яъни «Куч — адолатда» деган ҳикмат бўлиб, бу шиор унинг давлат тамғасига ҳам битилган эди. Бироқ архиепископ Иоанн Соҳибқироннинг «тамғасига форс тилида «Адолат» сўзи икки марта ёзилган», деб гувоҳлик беради. Бизнингча, бу ерда архиепископ «рости» ва «русти» сўзларини бир-биридан ажратолмай хато қилган. Нафақат Иоанн, балки Клавиҳо ҳам бу икки сўзнинг фарқига бормаган, зеро, Кастилия элчиси Амир Темурнинг тамғасида атиги бир сўз битилган эди, деб ёзиб қолдирган: «Когда так делают трое или четверо (оидоров), в середине ставят царскую печать, на которой буквами написано «Правда»... (Руи Гонсалес де Клавиҳо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403–1406). М., Наука, 1990, с. 142 (59-6).

улар шаҳарда яшай олмайдилар. Бироқ уларга зарур барча нарсалар худди шаҳарлардагидек бу ерга олиб келинади, сотилади ва харид қилинади; бу ерга узоқ ўлкалардан озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келувчи савдогарлар жуда кўп, бу ерда паррандалар, бошқа турфа хил маҳсулотлар ва ҳатто қуллар ҳам сотилади; унинг одамлари жуда қимматбаҳо, нафис шоҳи матолар ва ҳарир жун матолардан кийимлар кийишади; уларнинг улуғлари Константинополь императори каби бош кийимлар кийишади, мартабалари қанчалар улуғ бўлса-да, бош кийимларига қимматбаҳо тошлар тақишмайди ва айримлари туркларга ўхшаб думалоқ кокилез<sup>1</sup> кийиб юришади.

Унинг фуқаролари саранжом-саришта одамлар, улар ерда — стол ва курсисиз овқатланишади. Бу ерларда гўшт ва гуруч сероб, улар мутлақо нон ейишмайди, нонни ёқтиришмайди, бироқ ажнабийлар тўйгунларича нон ейишлари мумкин, зеро, ҳар қадамда нон тўлиб ётибди.

Унинг саройида шароб ичиш тақиқланган, насронийлар эса шароб ичишлари мумкин, у ҳам бўлса, фақат кечки овқат олдидан, овқатдан сўнг эса сув ва қимиз ичилади, бир қимизки, шаробдан кам кайф бермайди. Уларнинг донли экинлардан тайёрланадиган яна бошқа бир ичимлиги бўлиб, ранги сутдек оппоқ ва шаробдек кайф беради.

Унинг саройида номуссиз аёлларнинг яшаши тақиқланган, ҳар кимнинг ўз хотини ва мол-мулки бор. Аёллар эркаклар каби моҳир чавандоз, улар яхши кийиниб оладилар, отда юрганларида фақат бурунлари ва кўзлари очиқ бўлади; аёлларнинг лозимсиз юриши катта гуноҳ ҳисобланади. Одамларнинг юзлари кенг ва осиеликларга хос, ҳамма қатори яшашади, саррацинлар мазҳабидандирлар<sup>2</sup>.

Темур Бей зиёфатларда тилла ва кумуш идишларда овқат ейди, ўз олдидаги гўштан вассалларига, шаҳзодалар, зодагонлар, элчиларга улашади; ҳамма ерда ўтириб овқатланади, агар у ўзи чақирмаса унинг ёнига боришга ҳеч ким журъат эта олмайди. Ўғиллари ва беклари ҳам рухсатсиз унинг ёнига бориб ўтирмайдилар.

---

<sup>1</sup> 5624 рақамли французча қўлёзмада «токез».

<sup>2</sup> Саррацинлар — Испанияда яшаган араблар, бу ерда «мусулмон суннийлар», демоқчи.

Л. Керэн изоҳи: *Ушбу каттагина бобда Амир Темур давлатидаги фуқароларнинг турмуш тарзи ҳақидаги битиклар юқорида ёзилганлардан деярли фарқ қилмайди. Фақат шуни таъкидлаш лозимки, Амир Темур қўшинлари сафида насоралар ҳам бўлган ва улар очиқчасига шароб ичишган. Соҳибқирон ўз қўшинлари сафида ахлоқ-одоб сақланишига жиддий эътибор берган.*

#### **XV. Темур Бейнинг ўз асирларига муносабати хусусида**

Агар у бирор ўлкани забт этишни ихтиёр этса, қора рангли туғини кўтаради ва аскарлари ўша ўлкани забт этишга отланадилар, забт этилган ўлканинг барча бой эркак ва аёлларидан турли хирож ва бойликлар йиғилади. Аскарлар аёллар ва ёш болаларни ҳам аямайдилар; уларнинг айримлари қул қилиб сотилади, айримларини банди қилиб ватанларига жўнатиладилар... Шуни унутмаслик керакки, улар насронийларга ҳам, мусулмонларга ҳам бирдай муносабатда бўлишади.

Л. Керэн изоҳи: *Амир Темурга бўйсунишни истамаган ёки забт этилганидан сўнг исён кўтарган шаҳар ва қўрғонларга нисбатан қўлланган жазо чоралари ҳақидаги афсона ва ривоятлар бир-бирига ўхшайди. Бироқ Соҳибқирон бу жазоларни бошқаларга ўрнатқанини учун қўллаган. Иоанн сўз юритган қора туғ солномаларда келтирилмаган.*

#### **XVI. Темур Бейнинг мухораба ҳақидаги фармонлари хусусида**

У фармон бериш у ёқда турсин, имо қилиши биланок ҳар ким нима қилиш зарурлигини яхши билади. У ўз қўшинини мингликларга, юзликларга ва ўнликларга бўлган бўлиб, амрига итоат этмаганларнинг боши кетади. Атрофига кўплаб доворак ва мард, қурол ишлатишда моҳир инсонлар тўпланган, улар ёшликдан у билан бирга ўсишган, доимо отда юришга ва дала-даштда ухлашга одатланишган, на совуқ ва на иссиқдан қўрқишади.

Шундай қилиб, у жангда ҳам қатъий тартиб ўрнатган: кимда ким жангда олд томонидан жароҳатланса, унга катта эҳтиром кўрсатилади, орқасидан жароҳатланган кимса эса таҳқирланади. У жасур ва мардларни кўп иззатлайди, уларга катта тухфалар қилади.



У ўзидан кучли ғанимларга қарши жанг қилиш олдидан лашкарларини водийларга шу қадар пухта жойлаштирадики, бирор нарса ҳам назаридан четда қолмайди; сўнг ғанимни ўз хушёрлигини йўқотишини пойлайди ва шу заҳотиёқ унинг устига кутилмаган зарба бериб, истеҳкомларни вайрон қилади. У қисқа муддатда узоқ йўл босиб ўта олади, пухта изланишлар, доно фармонлар ила лашкарларини катта талафотлардан сақлаб қолади. Мухтасар қилиб айтганда, у шу пайтгача барча мухорабаларда зафар кучган, ҳеч ким унга қаршилиқ кўрсата олмаган.

Темур Бей Туркий ва Арманистон ўртасида жойлашган Туркка қарашли (Йилдирим Боязид назарда тутилмоқда) катта шаҳар Сабастр (Сивос) га борганида ҳам худди шундай бўлган; у мазкур шаҳар қаршисида ўн бир кун турди, шундан беш кун ичида қалъа деворлари ёнида шундай бир минора қурдирдики, ундан бутун шаҳар кўриниб турар эди.

Ўзга чора йўқлигига амин бўлган шаҳарликлар у қон тўкмасликка сўз берганидан кейин таслим бўлдилар...

Бу ердан кейин Темур Бей жуда катта Евфрат (Фирот) дарёси бўйига борди, у ерда беш кун ичида зарур кема ва қайиқлар ясаттириб, икки ярим кун ичида бир ярим миллион кишидан ортиқроқ лашкарини дарёнинг нариги қирғоғига ўтказди. Дарёдан ўтиб, у баланд тоғ устида жойлашган Ҳалаб шаҳри деворлари ёнига етиб борди ва шаҳар ичкари-сида султоннинг қудратли қўшини жойлашганидан хабар топди ҳамда қалъани курашсиз қўлга кирита олмаслигига кўзи етди. Шу алфозда Темур Бей уч кун шаҳар қаршисида туриб қолди ва тўртинчи кун лашкарининг катта қисмини олиб Ҳалабдан икки лье узоқликдаги баланд тоғ ортига ўтди ва ўғлини ўттиз минг аскар билан шаҳар қаршисида қолдириб, агар султон кучлари унга ҳужум қилишса, бир оз жанг қилишни ва сўнг чекинишни буюрди. Ўғли ҳам уч кун давомида отаси айтганини қилди: султон қўшинлари унга ҳужум қилса, у бир оз курашган бўлар ва сўнгра чекинарди; тўртинчи кун ичрада жуда катта жанг бўлди ва ўғли одатдагидан кўпроқ чекинди, султон қўшинлари уни шунчалик узоққа қувлаб бордиларки, тоғнинг ортида бекиниб турган Темур Бей фурсатдан фойдаланиб ғаним қўшинининг орти билан шаҳар деворлари ўртасини эгаллади ва султоннинг ўн тўрт минг аскарини ўлдирди, сўнг шаҳарни эгаллади...

Темур Бей бу ердан Дамашққа йўл олди ва шаҳарни қамалга олди: у ерда ўн бир кун турди ва шаҳар деворларининг кўп ерларига мина қўйдиртирди, буни кўриб узоқ қаршилиқ кўрсата олмасликларига кўзлари етган шаҳарликлар таслим бўлишди; шундан сўнг Темур Бей шаҳарнинг барча уламолари ва қозилари қалъанинг энг катта масжидига йиғилсинлар, деб жар солдирди; масжидга йиғилишни хоҳловчилар жуда кўп бўлди, зеро, улар шундай қилсак омон қоламиз, деб ўйлашарди...<sup>1</sup> Темур Бей билан бирга бўлган савдогарларнинг айтишича, у ўз юртига тилла ва кумуш, қимматбаҳо тошлар ва бошқа нафис узуклар ортилган саккиз юзта туя жўнатди.

Бу ердан у Эрондаги буюк халифа<sup>2</sup>нинг Бодаш<sup>3</sup> деган ўлкасига йўл олди ва Бодаш шаҳри қаршисида тўхтаб, у ерда олтмиш кун қолиб кетди: зеро, шаҳар деворларини айланиб чиқиш учунгина икки кечаю икки кундуз керак бўлур эди; шаҳарликлар қайсарлик қилдилар, уларнинг қайсарликларини синдиришди...

У бу ерда сон-саноксиз бойликларни қўлга киритиб, ватанига жўнатди.

Л. Керэн изоҳи: *Бу ерда гап Амир Темурнинг ғарбий ўлкаларга қилган беш йиллик юриши ҳақида кетмоқда. Сивосда зафар қучган Соҳибқирон 1400 йил октябрида Сурияга кирди ва Ҳалаб шаҳрини эгаллади. 1400 йил декабрида Соҳибқирон Дамашқ шаҳрини қуршовга олди ва қўлга киритди. Бироқ шаҳар қўрғони 43 кунлик қаршилиқдан сўнг таслим бўлди. Бу Амир Темурнинг ғазабини кўзгади, зеро, унинг Туркияга ҳужум қилиш режаси ортга сурилмоқда эди. Шу сабабли у қайсарларни жазолаш мақсадида ўз аскарларига шаҳарни уч кун давомида талашга рухсат берди. Мана шу тартибсизликлар пайтида шаҳарнинг у ер бу ерига ўт кетиб, у катта масжидгача етиб борди. Ибодатхона қисман вайрон этилди, бироқ бу иш атайлаб қилингани йўқ. Мазкур масжидга ислом дини уламоларининг алдаб олиб келиниши ва тириклайин ўтда куйдирилиши ҳақидаги гаплар ғийбатдан ўзга нарса эмас.*

<sup>1</sup> Дамашқ шаҳридаги Бени Умайя жомеси назарда тутилмоқда.

<sup>2</sup> Аҳмад Жалойир назарда тутилмоқда.

<sup>3</sup> Бағдод демоқчи.

*Амир Темурнинг Ироққа қилган биринчи ҳарбий юриши да-  
вомида забт этилган Бағдод (Бодаш) шаҳри ўзаро келишувга  
мувофиқ иккинчи марта дарвозаларни очиши лозим эди. Бироқ  
шаҳар бунга риоя қилмади ва Соҳибқирон уни куч билан қўлга  
киритди.*

## **XVII. Эдигни исмли императорнинг Темур Бейга қилган хиёнати хусусида**

Темур Бей чамаси бундан икки йил бурун Тартаристон-  
нинг Эдигни<sup>1</sup> исмли императорига ўз элчиларини йўллаган  
эди, оқ тартарларнинг мазкур ҳукмдорининг бош шаҳри  
Соркате<sup>2</sup> Кафа<sup>3</sup>дан ўн саккиз чақирим нарида жойлашган  
бўлиб, унинг лашқари юз эллик минг суворийдан иборат.  
Элчилар ўша ҳукмдорнинг қизини Темур Бейнинг ўғли учун  
сўрашди ва ҳукмдор рози бўлди; бироқ у узр сўраб, қизини  
Темур Бейдек қудратли ҳукмдорнинг ўғлига узатиш учун  
зарур тақинчоқлар ва сармоясини камлигини баҳона қилди ҳамда  
элчилардан ўз ҳукмдорларидан келинни ясатиш учун керак-  
ли зеб-зийнат юборишини, унинг (келиннинг) истиқболи-  
га саройидаги энг нуфузли кишиларни жўнатишини илти-  
мос қилишларини сўради; элчилар унинг илтимосини Те-  
мур Бейга етказдилар. Элчиларнинг ҳисоботини эшитиб,  
Темур Бей бағоят шод бўлди ва шу заҳотиёқ тилла, кумуш,  
жавоҳир ва қимматбаҳо шоҳи матолар ортилган йигирма беш  
туя ва саройидаги энг юқори лавозимларни эгаллаган сак-  
киз<sup>4</sup> баронни қипчоққа жўнатди.

Карвон Эдигнининг ҳузурига етиб боргач, у тилла, ку-  
муш, жавоҳирлар ва бошқа молларни қабул қилди, барон-  
ларни банди қилиб, уларнинг ҳам пулларини тортиб олди,  
аммо Темур Бейга қизини жўнатмади. Темур Бей эса «дунёда  
ҳеч ким мени бу қадар алдамаган», деб шунчалар изтироб  
чекдики, ҳеч ким бу ҳолга тушган эмас; у ҳеч қачон бунча-  
лик ғазабланмаган эди, ўз тилида «урғочи тулки эркак тул-

<sup>1</sup> Қипчоқ хони Идику барлос назарда тугилмоқда.

<sup>2</sup> Соркате (Сорахат, Солхат, Унхат) — Эски Қрим, Қримда  
жойлашган Судак шаҳри.

<sup>3</sup> Қрим ярим оролининг жанубидаги шаҳар, ҳозирги Ялта.

<sup>4</sup> 5624 рақамли французча қўлёзмада йигирма.

кини алдади», деги ва умрида бунчалик куюнмаганини айтиб, бунинг учун ўч олмагунча тинчимаслигини билдирди.

Темур Бей ҳозиргача амалга оширган ишларидан кўпроқ иш қилиши мумкин эди, бироқ у ўзидан ҳам катта ҳукмдор бошқараётган Форс (Эрон)дан йироқлаб кетишга журъат қила олмаяпти, бу ҳукмдорнинг қудрати унинг қудратидан бир ярим-икки баробар кўп бўлиб, исми Тамирасак, Баласан ҳукмдоридир<sup>1</sup>, бу ерда аҳвол шу даражага бориб етганки, Темур Бей расман у ўлканинг ҳам ҳукмдори ҳисобланса-да, унинг асл хўжайини Тамирасакдир. Баъзиларнинг айтишига қараганда, агар ул иккиси бир бўлишса, бутун ер юзини забт этишга кучлари етар эмиш<sup>2</sup>.

Л.Керэн изоҳи: *Эдигни(?) исмли императорнинг исми ва ишлатган макри баҳсталаб ҳодисадир. Тартариянинг императори дея аталмиш Тамирасак (эхтимол Олтин Ўрда хони Тўхтамиш)нинг куч-қудрати ҳам бўрттириб кўрсатилган, зеро, у Амир Темур томонидан 1395 йили бутунлай тор-мор этилган.*

### **XVIII. Темур Бей Буюк Туркни қандай маҳв этгани ва банди қилгани хусусида**

Лашкарларнинг сони ва мардлиги жиҳатидан қудратлиси бўлган Темур Бей фавжларини тепаликлар ва дараларга яқин жойда тартибга солди ва уларнинг ортига ўзининг энг катта фавжини ва ўз яқинларини қўйди. Рақибига етарлича қаршилиқ кўрсатишига ишонган Турк лашкарларини тўртга бўлди; ганимга яқинлашиб, унинг лашкарларидан қўрқиб кетган туркларнинг биринчи батальони сардори ўз қўл ос-

<sup>1</sup> Бу ерда архиепископ кимни назарда тутаетганини била олмадик. Латинча номларда битилган Тамугасак Тамиразак ёки Темурзоқ бўлиши мумкин. Бироқ бундай исмли ҳукмдор бизга маълум эмас. Тамугасак ёки Тамиразаш Темуртошга жуда яқин. Аммо Темуртошнинг лашкари Амир Темурниқидан икки баробар кўп эмас, балки анча кам бўлган. Balasan номли ўлкага келсак, бу фақат Марко Поло ёзган Balasian, яъни Бадахшон бўлиши мумкин (Книга Марко Поло. М., 1955, с. 74).

<sup>2</sup> Назаримизда, бу ҳам архиепископ тўқиб чиқарган нарса бўлса керак. Зеро, бу Темур Бей ўз қўшнисини билан бирлашса, фарангларга (европаликларга) қандай таҳдид солиши мумкинлигига қилинган шаъмадир, зотан «агар ул иккиси бир бўлишса, бутун ер юзини забт этишга кучлари етар эмиш», деганда шуни назарда тутган.

тидаги барча аскарларини олиб қочишга тушди; Турк буни кўриб, уларни ортига қайтармоқчи эди, бироқ батальон сардори унинг амрига қулоқ солмади ва кўздан ғойиб бўлди.

Шундан сўнг Турк иккинчи батальонини жангга ташлади, бу қисм жон-жаҳди билан курашди, бироқ Темур Бейнинг лашкарлари кўрсатган жасорат туфайли туркларнинг жуда кўп аскарлари, ҳисоб-китобларга қараганда ўн беш мингдан зиёд кишиси ҳалок бўлди. Навбат Туркнинг учинчи батальонига келди, бу қисмда унинг ўғиллари ҳам жанг қилди, қисмдагиларнинг аксарияти ҳалок бўлди ва қолганлари қочмоққа тушди. Буни кузатиб турган Турк тўртинчи батальонини жангга ташлади ва унга шахсан ўзи қўмондонлик қилди; у ҳалокатга учраганини сезгач, қочмоқчи эди, қоча олмади, зеро, уни ғаним аскарлари тўла қуршовга олган эди. Шу алфозда у июлнинг йигирма саккизи, жума куни соат йигирма тўртда қўлга олинди; аниқ ҳисоб-китобларга кўра, бу мухорабада иккала томондан қирқ минг киши ҳалок бўлди; ғанимларига нисбатан турклар кўпроқ қурбон беришди.

Жуда кўп турклар қочиб қутулишди, хусусан, Туркнинг икки ўғли ярим тунда қурол-яроғсиз, кийим-бошсиз қип яланғоч қочишди. Темур Бей лашкарларининг катта бир қисмини Туркнинг бош шахри Бурсага жўнатди; қалъа олингач, у бетоб бўлиб қолган Туркнинг хазинасини қўлга киритди: бу хазинани, кўп сонли хизматкорлару қулларни Семеркантга жўнатди. Шундан сўнг у бутун Туркияни ишғол этишга киришди, Темур Бейга иттифоқдош бўлган айрим ҳокимларга қарашли ўлкалар бундан истисно эди. Туркнинг тўнғич ўғли Юнонистонга ўтиб кетди, у ҳозир ҳам ўша ерда иззат-ҳурматда; унинг кенжа ўғли ҳозир Туркияда ва Темур Бей унинг изидан қувиб юрибди. Бу нима билан тугашини Худо билади. Тангрининг иродаси Темур Бейдан бошқа бирор тирик жонга аён эмас.

Л. Керэн изоҳи: *Бу ерда гап чиндан ҳам 1402 йил 28 июлдаги Анқара жанги ҳақида боряпти. Жангда Амир Темур Боязид бошқарган турк қўшинларини маҳв этган. Мухораба турклар учун ҳалокатли тугади. Амир Темур лашкарлари бутун Туркияни эгалладилар, Бурса шахрини ва султон хазинасини қўлга киритдилар, Боязиднинг икки ўғли эса қочиб қутулди. Афтидан, Амир Темурнинг Франция қиролига битилган мак-*

*туби бу жангдан атиги бир неча кун кейин Иоаннинг қўлига тутқазилган, зеро, архиепископ жангдан кейинги воқеалардан огоҳ эмаслигини билдиради. Бир даврнинг ўзида Иоанн учун ишонч ёрлиғи бўлиб хизмат қилувчи Амир Темурнинг мактуби эса 1402 йил 1 августда битилган. Мактубда Анқара жанги қандай тугаганлиги ҳақида ҳеч нарса ёзилмаган. Эҳтимол, Иоаннинг Францияга сафари олдиндан тайёрланган бўлиб, унга мактуб Туркиядан ташқарида топширилган. Бу ҳақда мактубдаги қуйидаги сўзлардан билиш мумкин: «Мазкур мактубни Сизга элтувчи бўлган воқеаларни сўзлаб беради». Иоанн Францияга жўнаб кетиш олдидан жанг тафсилотлари ҳақида хабар топган ва уларни ўз хотираларида баён қилган.*

### **XIX. Темур Бейнинг салтанати ва шаҳарларидаги тартиб-қондалар хусусида**

У ўз фуқароларига қатор солиқ ва тўловлар ўрнатган бўлса-да, ажнабий тужжорларга катта эътибор кўрсатади, уларни, айниқса, фаранглар ва насораларни рағбатлантиради, салтанати ҳудудидаги хавфсизликларини таъминлайди. У жон ва туз солиқлари олинадиган кўп масканларни йўқ қилдирди, бу солиқлар фақат йирик шаҳарларда олинсин, деб фармон берди. Салтанатининг барча ҳудудларида тужжорлар ҳаётига хавф соладиганларга шафқатсиз жазо тайинлади: тужжорларни талаган ўлка аҳли унга (тужжорга) таланган мол қийматини икки баробар қилиб қайтаради ёхуд салтанат хазинасига тужжор йўқотган мол-мулк қийматининг беш баробари миқдорида жарима тўлайди.

Барча аҳоли масканларида унинг қозилари бор ва у адолатга қатъий риоя қилади ҳамда жиноят қилган ҳар қандай кимсага — кимлигидан қатъи назар шафқат қилмайди, кичик бир жинояти учун каттаю кичик амалдорларга шу заҳотиёқ жазо тайинлайди; жазо асосан жарима шаклида бўлади. Айбдорлар катта миқдорда жарима тўлайдилар. Амалдорлари жуда бой ва тўқ яшашди, шунинг учун улардан катта пул ундирилади, бу пуллар нақд юз хачирга юк бўлади ва улар ҳар йили катта байрам учун сарфланади. Барча шаҳарлар, ўлкалар ҳар йили ўзларининг даромадининг ўндан бири ёки чорагини салтанат хазинасига туширадилар, бу билан унинг ғазначилари ва нозирлари шуғулланади.

Унинг шахсан ўзи ҳеч кимга озор бермайди ва шундай қилган одамларни қаттиқ жазолайди, зеро, у сафардалик пайтида кўплаб шундай ишлар бўлиб туради. Шаҳарлар ва ўлкаларни ўгиллари, жиянлари, ноёнлари бошқаради; унинг нақд пулда маош бериш одати йўқ, бироқ ўз аъёнларига ер-мулк ва бошқа тухфалар қилади, ўз фармонларига барча ерда сўзсиз итоат этилишини истади, ажнабийлардан кўра ўз фуқароларидан кўпроқ ҳадиксирайди.

Л. Керэн изоҳи: *Амир Темурга қарашли ҳудудларда юк ташиш ва мол айирбошлашнинг, карвонларнинг бошқа давлатларга чиқиш жойлари (божхоналар) яхши йўлга қўйилганлиги ҳақида ўша замондаги бошқа ҳужжатларда ҳам гапирилади. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, божхоналардан тушган тўловлар асосан Соҳибқирон қўшинига янги аскарларни жалб қилиш, уларни кийим-кечак, қурол-аслаҳа билан таъминлашга, янги иморатлар барпо этишга сарфланган. Йўлларда хавфсизликни таъминлаш, салтанатига туташ халқаро минтақаларда зўравонлик қилувчиларнинг адабини бериш Соҳибқироннинг асосий ташвишларидан бири бўлган. Назаримизда, Амир Темур божхона тизимининг — йўллардан олиб ўтиладиган молларнинг сифати ва миқдоридан олинадиган тўловлар, мол-мулк солиғи, маҳаллий солиқлар ва бошқаларнинг асосчиси бўлган.*

## **XX. Темур Бейнинг душманлари бўлмиш айрим қудратли императорлар хусусида**

Темур Бейнинг асосий рақиблари Шарқдадур; бу энг аввало Катай<sup>1</sup>нинг буюк императори, у камарли насронийлар мазҳабидан бўлиб, куч-қудратда Темур Бейга тенг ёхуд ундан зиёдроқдир. Унинг иккинчи рақибни Форс императори<sup>2</sup> бўлиб, у бундан ўн беш йил илгари Темур Бейдан зўрға қочиб қутулган, ҳозир Бадаш ва Калдея<sup>3</sup>нинг қолган қисмларига ҳукмронлик қилади. Унинг яна бошқа рақибларидан

<sup>1</sup> Хитой.

<sup>2</sup> Султон Аҳмад Жалоирий назарда тутилмоқда. Амир Темур 1393 йил Бағдодни эгаллаганида Аҳмад Жалоирий Мисрга мамлук султон Барқуқ ҳузурига қочган.

<sup>3</sup> Араб Ироқи.

бири Миср султони, буюк тартариялик Эдигни эса асосий душманидир. Зикр этилганлардан сўнгги учтаси саррацинлар мазҳабидан. Темур Бейнинг у ер-бу ерда яна бошқа душманлари борки, улар ундан қўрқишади ва ўлимини кутишади. Улар ўзларича башорат қилишиб, Темур Бей Қоҳирада мағлубиятга учрайди ва ҳалок бўлади, деб ўйлашмоқда. Темур Бей, аксинча, бунга инонмайди, ҳали яна узоқ умр кўраман, дейди.

Л. Керэн изоҳи: *Иоаннинг Амир Темурнинг душманлари ҳақида ёзганлари ҳақиқатдан анча йироқ: Хитой императори насроний (камарли) эмасди, Амир Темур ўша пайтда унга таҳдид солмаётган эди. Форс ҳокими Амир Темурнинг ўзи бўлиб, Бағдод султони Аҳмад Жалойир эса маҳв этилганди. Қоҳиранинг мамлук султони Сурияда мағлуб этилган бўлиб, Соҳибқирон ҳукмронлигини тан олган эди. Татар хони Эдигни (Идику) эса йироқда юрарди. Чиндан ҳам толенома мавжуд бўлиб, унда Амир Темурнинг Қоҳирада оламдан ўтиши башорат қилинган эди. Бироқ бизга яхши мағлумки, агар толеномалар ўзининг режаларига мос тушмаса, Амир Темур уларга қарамасди.*

## XXI. Темур Бейнинг ҳузуридаги шоҳ ва шаҳзодалар хусусида

Энг аввало Тартария императори у билан бирга, у кўнгли нимани хоҳласа шуни қилади; Маластан қироли, Коросан қироли, кўп мамлакатлар ва ўлкаларнинг ҳукмдорлари, шаҳзодалари, қатор кичик ҳукмдорлар унинг ҳузуридалар. Шоҳ Алдин ҳам унинг ёнида, бироқ ундан қочиб юради. Форс императорининг икки ўғли ҳам унинг ёнида<sup>1</sup>. Гургания императорининг укаси (акаси) шоҳ Бокаран ҳам унинг ҳузурида, Темур Бей уни бичтириб қўйган<sup>2</sup>. У ўзи забт этган барча вилоятлар, ўлкалар ҳокимларининг тунғич ўғиллари, ўлка ноиблари ҳам у билан бирга, илм-фан, хусусан, астрология, тиббиёт, нигромания (қорамагия)нинг энг кучли олим-

<sup>1</sup> Форс шоҳи Шужонинг Шибли ва Зайн ал-Обидин исмли ўғиллари бўлиши мумкин.

<sup>2</sup> Бу ерда гап архиепископ Францияга кетиши олдидан Амир Темур ҳузурида бўлган инсонлар ҳақида кетаяпти, шекилли. Бироқ уларнинг шахсларини аниқлашнинг имкони бўлмади.



лари ҳам унинг ҳузурида: у бу илми, яхши оиладан чиққан инсонларни кўп эъозлайди. Темур Бей улар билан савол-жавоб қилишни яхши кўради. Зикр этилган инсонларнинг барчаси билан яхши муносабатда бўлади, ҳурмат-эҳтиром кўрсатади; узоқ ўлкалардан келган элчиларга ҳам худди шундай муносабатда бўлади; шунга қарамай улар ўзларини эмин-эркин ҳис эта олишмайди, зеро, унинг ёнида бой-бадавлат юришдан кўра, ундан узоқ туриб, қашшоқликда яшашни ихтиёр этувчи шоҳлар, шаҳзодалар ҳам учраб туради. Буюк Турк<sup>1</sup> ҳам унинг ёнида, унга катта иззат кўрсатилмоқда. У қочиб кетишга уриниб кўрганидан сўнг Темур Бей унга тилла занжирдан кишан урдирди; Темур Бей уни енгиб катта шуҳрат қозонди, энди эса вақтини у билан хурсандчиликда ўтказмоқда.

## **XXII. Темур Бейнинг имон-эътиқоди ва у кўрган башоратлар хусусида**

Темур Бей ўз эътиқоди бўйича саррацин бўлиб, ўз динига амал қилмайдиганларни жазолайди; айниқса, баччабозликка берилган саррацинларни қаттиқ жазолайди, зеро, баччабозликни энг оғир гуноҳлардан бири, деб ҳисоблайди. У илгари насронийларни яхши тушунмас ва хуш кўрмасди, мана энди, Султония архиепископи биродар Иоанни, Доминикан масхабилик биродар Франсуани кўрганидан ва бизнинг эътиқодимизга ишонч ҳосил қилганидан кейин у ўзининг хатосини англади ва қаттиқ таъсирланди. У насронийларга хайрхоҳлик қилади, эҳтиром кўрсатади, насронийларга, хусусан, лотинларга, яъни французларга бирор ёмонлик қилмайди; уларга ўз салтанатида эмин-эркин юришлари учун йўл берган, айниқса, савдогарларга, ўз эътиқодларига риоя қилишлари, черковларга бориб ҳамма насронийлар бажарадиган амалларни адо этишлари учун барча шароитларни яратган.

---

<sup>1</sup> Йилдирим Боязид назарда тутилмоқда. Маълумки, архиепископ Амир Темурнинг Анқарадаги зафаридан сўнг 1402 йил августда Европа томон йўлга тушган, бу пайтда Йилдирим Боязид ҳали тирик ва Соҳибқирон билан бирга бўлган. Тилла кишан ва темир қафас ҳақидаги гаплар уйдирмадир.

У ўз дини талабларидан келиб чиқиб, кунига беш мартаба худога мурожаат қилади, қаерда бўлишидан қатъи назар саррацинлар қўллайдиган барча амалларни бажаради. Яҳудийларни етти ёшидан етмиш ёшигача барчасини ёмон кўради. У тез-тез фаришталарни кўришини ва уларнинг ўзига қилган башоратларини айтиб юради ва бу дунёда нима иш қилса, барисини худонинг иродаси билан қилишини айтади. У кунлардан бир куни тушида фариштани кўрганини сўзлаб берди: эмишки, унинг қаршисида ердан осмонгача етган нарвон турганмиш, тепада фаришта пайдо бўлиб, уни ўзи томон чорлармиш: «Ўрнингдан туриб, нарвонга чиқ», дебди унга фаришта. Темур Бей фариштанинг айтганини қилиб, қирқинчи қаватга кутарилибди. Шунда фаришта унга: «Энди пастга туш», дебди. Темур Бей пастга тушибди. Шундан сўнг у бу тушнинг таъбирини сўрабди. Тушнинг таъбири қуйидагича экан: у бутун ер юзини эгаллаб, қирқ йил давомида соғ-омон ҳукмронлик қилар эмиш.

Ўзининг айтишича, у одамларнинг фикрлари ва режаларини олдиндан билиб олар эмиш, буларни унга фаришталари маълум қилар эмиш; кимки унга қарши бирор ёмон фикрга борса, у буни тезда билиб олади ва уни қатл эттиради, унинг атрофидагиларнинг кўпчилиги шундай қисматга учради ва учрамоқда. У кекса эркаклар ва кекса аёлларга чуқур иззат-эҳтиром кўрсатади, уларга катта ҳадялар қилади, саройида ҳеч ким аёлларга, хусусан, энагаларга қарши бирор сўз айта олмайди. У жуда яхши тарбия кўрган, зеро, ажнабийларнинг ҳар бирига мавқеи ва мансабига мос равишда иззат-эҳтиром кўрсатади.

Л. Керэн изоҳи: *Амир Темур мусулмон ва шариат ақидаларига сўзсиз итоат қилинишини назорат қилар, уламолар ўртасида ҳам катта обрў-эътиборга эга эди. Бу унинг ҳукмдор сифатидаги мавқеини янада оширган. У дастлаб европаликларга, жумладан, насроний франгларга душман эди, бироқ мазкур хотираларнинг муаллифи Султония архиепископи Иоанндан ва руҳоний Франсуадан (Амир Темур билан европаликлар ўртасида махфий алоқачи бўлган Франсуанинг номи Соҳибқирон Француз қиролига битган мактубда ҳам, ўша даврдаги Византия ва Генуя ҳужжатларида ҳам учрайди) европаликлар тўғрисида аниқ маълумотлар олгандан сўнг Амир Темурнинг*

уларга муносабати ўзгарди. Чиндан ҳам туркларга қарши курашда европаликларга таяниш ҳамда улар билан икки томонлама фойдали савдо-сотиқ ишларини йўлга қўйиш мумкинлигини англаган Амир Темури уларга иттифоқдошлардек муомала қилади. Амир Темури 1370 йил тахтга ўтирган эди, Иоанн ўз хотираларини 1403 йилда битган. Соҳибқирон бутун дунёни яна 7 йил ичида қўлга киритиши лозим эди. Бироқ у 1405 йил оламдан ўтди, демак, унинг умри ҳақидаги башорат 5 йилга хато қилади.

Чиндан ҳам Амир Темурининг замондошлари унинг исёнлар ва бошқа ҳодисаларни олдиндан кўра билиш қобилиятига тан берадилар, кўпчилик буни сеҳргарликка йўяди. Бироқ у билан учрашиб, суҳбат қурган Ибн Халфун Соҳибқироннинг ўта билимдон ва ҳар нарсага қизиқувчанлигини таъкидлайди.

Амир Темурининг Иоанн таъкидлаган яна бир хислатига эътибор бермоқ лозим. Соҳибқирон кекса чоллар ва кампирларни ардоқларди, уларга тез-тез ҳадялар қилиб турар, аёллар ҳақида ёмон гапиришни тақиқлаб, ажнабийларга уларнинг кимлигига қараб муружаат қиларди.

### **XXIII. Темури Бейнинг ёши ва соғлиги хусусида**

Унинг ёши олтмиш-олтмиш беш атрофида, ўттиз йилдан бери ҳукмдорлик қилиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида у шунчалик ғаройиб ишлар қилганки, уларни ёзиб адо қилиб бўлмайди. У ўрта бўйли, испанча соқолига оқ оралаган, қомаги тетик инсон, бироқ ўнг қўли ва ўнг оёғи мажруҳ, уларни даволаш мумкин эмас, зотан томирлари кесилган. У ёшлигида лашкарларини ўзи жангга бошлаб кирарди: моҳир чавандоз эди, аммо энди баъзан икки отга ўрнатилган ўриндиқда сафар қилади ва шундай қўриқланадики, ўзи чақиртирган одамдан бўлак ҳеч ким унга яқинлашишга журъат эта олмайди. Темури Бейнинг амри шу зур.

Л. Керэн изоҳи: *Иоанн ўз хотираларини битган пайтда Амир Темури 67 ёшда, 33 йилдан бери салтанатга ҳукмронлик қиларди. Унинг бўйи ўша пайтда ўртадан юқори эди (1 метр 70 см). Соҳибқирон ўнг қўли ва ўнг оёғидан жароҳатланган бўлиб, сўнги пайтларда ўзи мустақил юра олмас, бироқ лашкарлари билан жангу жадалларда кезарди.*

## XXIV. Темур Бей ёқтирадиган нарсалар хусусида

Энг аввало унга қуйидаги нарсалар ёқади: бугдойранг, қирмизи, алвон, оч яшил, худди Ренсда<sup>1</sup> тайёрланадигандек нафис тўқима матолар, маржон шодалари, биллур тошлар, тилла ва кумуш идишлар, худди Франциядаги каби ишлов берилиб, зумрад тошлар билан безатилган идишлар, тоза Кипр<sup>2</sup> камлоти<sup>3</sup>, ғаройиб балиқларнинг тишлари, Франциядаги каби курсилар, қимматбаҳо гиламлар, хушбўй ва маза-ли зираворлар, дунёнинг турли бурчагидан келтирилган зотли бақувват отлар, катта итлар ва Испаниядаги каби катта хачирлар; бироқ зикр этилган нарсалар унда беҳисоб.

Л.Керэн изоҳи: *Амир Темур ёқтирган нарсалар ҳақида ёза туриб, Иоанн Француз қироли саройи аъёнларига хуш ёқишга ҳаракат қилади. Менинг «Амир Темур даврида Самарқанд сафари» номли китобимда Иоанн битган хотираларнинг фото нусхаси келтирилган (La Route de Samarkand au temps de Tamerlan, Imprimerie Nationale, Paris, 2002, page 50).*

---

<sup>1</sup> Ренс — Франциянинг Шампан вилоятидаги шаҳар.

<sup>2</sup> Ўрта денгиздаги Кипр ороли.

<sup>3</sup> Камлот — пишиқ жун газлама, баъзан ип ёки ипак қушиб тўқилади.

## АМИР ТЕМУР ЭЛЧИСИ ХОТИРАЛАРИ

Гарбий Европа халқларининг кўп асрлик адабиётларида Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига бағишлаб ёзилган асарлар ниҳоятда кўп, улар турли жанрларга мансубдир. Уларнинг орасида эсселар, роман-хроникалар (солномалар), драматик асарлар бор.

Амир Темур фаолияти, ғанимлари, дўстлари, салтанати, саройидаги, урф-одат ва тартиблар ҳақида европаликларга илк бора ҳикоя қилиб берган асар — Султония архиепископи Иоанн (Жан) томонидан ёзилган «Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар» (*Memoire sur Tamerlan et sa cour*)дир<sup>1</sup>. Архиепископ Амир Темурни яқиндан билган, унинг ҳаёти ва фаолияти билан яхши таниш бўлган<sup>2</sup>.

Иоанн ҳақида икки оғиз сўз. Баланд бўйли, оппоқ юнунча соқоли кўксига тушиб турган архиепископ Иоанн ўша даврдаги Рим папаси Бонифаций IX нинг 1398 йил 23 августдаги фармонида биноан Султония шаҳри архиепископи этиб тайинлангунига қадар Нахичеванда хизматда эди<sup>3</sup>.

<sup>1</sup> *Memorire sur Tamerlan et sa cour par un dominikian, en 1403 par H. Moranville, Extrait de la Bibliotheque de l'Ecole des chartes, Paris, 1894.*

<sup>2</sup> Бу ҳақидаги илк маълумотлар Париж яқинидаги Сен-Дени шаҳрида дастлаб лотин тилида нашр қилиниб, XIV асрдан бошлаб француз тилига ағдарилган *Chroniques de Saint-Denis* ёки *Grandes Chroniques de France* солномасида келтирилган—*Chronique du Religieux de Saint-Denys, Ed. Bellaguet, t. III, p.134; Chronographia regum Francorum, t.III, ad annum 1403; La Route de Samarkand au temps de Tamerlan par Ray Gonzalez de Clavijo, traduite et commentee par Lucien Kehren, Paris, Imprimerie Nationale, 1990, p.50.*

<sup>3</sup> *Jean Richard, La papauté et les missions d'Orient au Moyen Age (XIIIe-XVe siècles), Ecole française de Rome, 1977, p.p. 181–182; La route de Samarkand au temps de Tamerlan par Rue Gonzalez de Clavijo, Imprimerie Nationale, Paris, 1990, p.51.*

Иоаннинг айни ўша йллари Султонияда хизмат қилганлигини таниқли француз шарқшунос олимлари Силвестр де Саси<sup>1</sup> ва Х.Моранвиле<sup>2</sup> ҳам тасдиқлайди. Бироқ, Х.Моранвиленинг таъкидлашича, Султония шаҳри алоҳида епископликни эмас, аксинча, Нахичеван епископлигининг қароргоҳи Султонияда жойлашган.

Руҳоний Иоанн 1403 йил май ойининг бошида Парижга келиб, ўзини Амир Темурнинг элчиси деб таништиради. Чиндан ҳам у Амир Темурнинг мўъжазгина тамғаси босилиб, зарҳал ҳарфлар билан битилган ишонч ёрлигини — мактубини Франция қироли Шарл VI га топшириб, қирол ва Франциянинг бешта — Берри, Бургундия, Орлеан, Бурбон ва Бретания герцоглари, кўплаб бошқа юқори мансабли шахслар ҳузурида нутқ сўзлаб, ташрифига доир икки сабабни баён этади: биринчиси, Амир Темурнинг Боязид устидан қозонган ғалабасини маълум қилиш; шу ўринда у турк султонининг асир олингани, тутқунликдан озод қилинган насроний бандиларни Амир Темур Европага қайтариб юборганлигини ва яна бошқа бандилар топиладиган бўлса, худди шундай йўл тутажани билдиради. Ташрифининг иккинчи сабаби, Франция қиролини ўз кўзи билан кўриш ва у ҳақда Амир Темурга сўзлаб бериш. Архиепископнинг гапига қараганда, мазкур элчилик насора динига икки қулай имконият яратади: биринчидан, бу элчилик иккала дин вакилларига ўзаро эркин савдо қилиш имкониятини берса, иккинчидан, агар қирол ва герцоглар рози бўлишса, бу қулайликларни шартнома ёки аҳдлашув шаклида расмийлаштириш мумкин бўлади<sup>3</sup>.

Х.Моранвиленинг гувоҳлик беришича, Амир Темурнинг элчиси Иоанн ўзининг «Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар»ини француз тилида битиб, қирол Шарл VI саройида тарқатган, соф француз тилида маъруза қилган<sup>4</sup>.

---

<sup>1</sup> Silvestre de Sacy Memoire sur une correspondance inedite de Tamerlan avec Charles VI, Memoires de L' Academie des inscriptions et belles-lettres, Paris, 1822.

<sup>2</sup> Memoire sur Tamerlan et sa cour par un dominicain, en 1403 par H.Moranville, Extrait de la Bibliotheque de l'Ecole des chartes, Paris, 1894.

<sup>3</sup> Cronographia regum Francorum, t. III, ad annum 1403.

<sup>4</sup> H. Moranville, ўша жойда, p.p.2-3.

Архиепископнинг хотиралари номаълум таржимон томонидан лотин тилига ағдарилган бўлиб, у «Chronographia Regum Francorum»да тўлалигича келтирилган<sup>1</sup>.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, архиепископнинг хотиралари Амир Темур билан Самарқандда учрашган европалик Руи Гонсалес де Клавихонинг «Кундаликлар»и каби Соҳибқирон шахси, унинг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги бебаҳо ҳужжат ҳисобланади.

Соҳибқирон Мовароуннаҳр тахтига ўтирган кундан то 1402 йил август ойигача содир бўлган асосий воқеа-ҳодисалар, Соҳибқирон шахси ва унинг феъли, қизиқишлари ҳақида бошқа ҳеч ким тилга олмаган қимматли маълумотлар келтирилади. «Хотиралар»нинг иккита французча қўлёзмаси мавжуд, улар Франция Миллий кутубхонасининг француз фондида 5624(fol.63V<sup>e</sup>) ва 12201 (fol.84 I<sup>e</sup>) рақамлари остида сақланмоқда.

Архиепископ Иоаннинг «Хотиралар»и билан илк бора танишганингизда у афсоналар ва ҳақиқат омихтасидан иборат асар, деган таассурот туғилиши табиий. Ҳақиқатан ҳам «Хотиралар» муаллифи Амир Темур шахси билан боғлиқ бизга маълум ва номаълум афсона ва ривоятлардан кенг фойдаланган. Унда бошқа манбаларда келтирилган аниқ тарихий маълумотлар ҳам талайгина.

Муаллиф Амир Темурнинг Мовароуннаҳр ҳукмронлигини қўлга киритиши ҳақида сўз юритар экан, «Бу воқеалар рўй берганида у қирқ ёшга тўлган ёхуд ундан каттароқ эди», дейди (Иоанн, 12). Бу билан архиепископ нафақат ўлкада рўй берган воқеа ва ҳодисалар ҳақида, балки Амир Темурнинг ёши тўғрисида ҳам аниқ тасаввур ва маълумотга эга эканлигини кўрсатади. Амир Темур Балхда султон Хусайн қўшинларини енгиб, Самарқандда қурултой ўтказганидан кейинги ўн йил ичида (1370—1380) «Мовароуннаҳр ва Туркистонда феодал тарқоқликка барҳам берилди. Мамлакат бир давлат бўлиб бирлаштирилди<sup>2</sup>».

«Хотиралар»нинг Амир Темур бойликларига бағишланган 12-бобида Соҳибқирон хазинасининг миқдори ва у забт этган ўлкалардан йиққан бойликлар ҳақида сўз юритиб, жумладан шундай дейди:

<sup>1</sup> Chronographia regum Arancorium, t.III, publiee pour la Societe de l'Histoire de France par H. Moranville, Paris, 1897, p.p. 206—223.

<sup>2</sup> Бўрибой Аҳмедов. Амир Темур. Т., 1995, 589-бет.

«Ва яна у ўз қул остидаги барча вилоятлардаги ер ости бойликларини ҳам қидириб топтириб, уларга эга бўлди ва айтишларича, ўтган йили (яъни 1401 йил, таъкид бизники — *тарж.*) у оғирлиги юз ва ўн етти сз<sup>1</sup> келадиган бир жавоҳир топганки, олти сз бир унцияга тенгдир».

Шарафуддин Али Яздийнинг ёзишича, 1401 йил май ойининг сўнги кунларида, яъни Султония архиепископи Европага жўнаб кетишидан бир йил олдин Бағдод шаҳри қаршисида турган Амир Темурга амир Мусабек оғирлиги юз йигирма мисқол жавоҳир тақдим этган:

«Ушбу маҳалда Мусабек Мовароуннаҳр вилоятидан амирзода Муҳаммад Султон қошидан келиб, саломатлик хабарлар келтурди. Ва бир лаълким, юз йигирма мисқол эрди ва Бадахшон конидан ҳосил бўлуб эрди, Соҳибқиронга торти»<sup>2</sup>. Бу маълумотни Низомиддин Шомий ҳам тасдиқлайди.

Кўриниб турибдики, архиепископ Иоанн келтирган маълумотлар тарихий воқеаларга асосланади. Айниқса, Амир Темурга ҳадя этилган қимматбаҳо тош (лаъл) ва унинг оғирлигидаги аниқлик — 120 мисқол ва 117 сз — кишини ҳайратга солади. Мазкур бобда Амир Темур бойликлари ҳақидаги ҳикоясини давом эттириб, Иоанн жумладан шундай ёзади:

«Сўнгра, Балдаш (Бағдод) шаҳри олинганидан кейин у Евфрат (Фирот) дарёсининг тубига фарқ бўлган бир кемани топди, унда Форс қиролларининг барча бойликлари жойлаштирилган эди; хазинадан соф ва нафис олтин дарахт топилди, унда турфа рангли, турфа номли қимматбаҳо тошлар, сонсиз-саноқсиз марваридлар бўлиб, уларчалик катта аҳамиятга ва қийматга эга бўлган ёхуд улардан яхшироқ марваридларни ҳеч ким кўрган эмасди. Ва бу нарсаларнинг ҳаммасини Семеркандга жўнатди, бу ерда унинг ўн саккизта улкан саройи бўлиб, барчаси бойликларга шу қадар тўла эдики, ҳеч бир инсон уларнинг таърифини қилиб адо эта олмасди».

Архиепископ Иоанн Фирот дарёсига фарқ бўлган кемадан топилган бойликлар орасидаги лотин дарахт тасвирига алоҳида тўхталлади ва бу дарахт ҳам бутун хазина қатори Самарқандга жўнатилганини маълум қилади, лекин мазкур олтин

<sup>1</sup> Сз — қадимий француз оғирлик ўлчови, тахминан бир мисқолга тенг келади (*тарж.*).

<sup>2</sup> Шарафиддин Али Яздий. «Зафарнома», Т., 1997, 248-б.



дарахт Самарқандга етиб борган-бормагани ҳақида гапирмайди, зеро у Соҳибқирон салтанати пойтахтида бўлмаган.

Бироқ, 1404 йил Самарқандда Амир Темур билан мулоқот қилган Руи Гонсалес де Клавихо шу олтин дарахт ҳақиқатан ҳам бўлганлигини тасдиқлайди. Кастилия ва Леон қироли Энрике III нинг элчиси уни Сароймулкхонимнинг чодирисида учратади. Клавихо дарахтни қуйидагича тасвирлайди:

«Ушбу хонтахта қаршисида эман дарахти шаклидаги «олтин» дарахт турибди. Дарахтнинг танаси одам оёғи йўғонлигича келади. Унинг шохларида эман дарахти баргларига ўхшаш япроқлар ҳар томонга таралган, баландлиги одам бўйича бор. Дарахтнинг сарғиш, қизил, зангори ёқутлар, зумрадлар, ферузалар ва ажойиб йирик-йирик, думалоқ, сариқ марваридлардан «мевалари» бор эди. Бундан ташқари, дарахтга олтин қушчалар қўниб турибди. Қушчаларга ҳар хил сирли бўёқлар билан сайқал берилган. Баъзи қушчаларнинг қаноти туширилган, баъзилари тушиб кетадигандек бутоқларга зўрга илиниб турибди, айримлари дарахтнинг ёқут, феруза, марварид ва бошқа тошлардан ишланган меваларини тумшукларида тишлаб турарди».<sup>1</sup>

Клавихо ёзиб қолдирган ушбу гувоҳлик Султония архиепископи Иоанн ҳақиқатан ҳам ўз замонасида рўй берган муҳим воқеа-ҳодисалардан яхши огоҳ бўлганини тасдиқлайди, у билдирган маълумотлар қийматини янада оширади.

Султония архиепископи Иоанннинг «Амир Темур ва унинг саройи ҳақида хотиралар»и эски француз тилидан таржима қилинди. Бироқ, юртимизнинг яқин дўсти, Франциядаги «Темурийлар тарихи ва маданиятини ўрганиш ҳамда француз-ўзбек маданий алоқалари» ассоциациясининг президенти, Ўзбекистон Республикасининг «Шуҳрат» медали соҳиби профессор Люсьен Керэн жаноблари асарни замонавий француз тилига ўгирганлигини маълум қилиб, «Хотиралар»нинг ҳар бир бобига ўзи ёзган изоҳларни бизга жўнатибди. Биз архиепископ асарининг ушбу таржимасининг ҳар бир бобидан сўнг олимнинг изоҳларини келтирдик. Изоҳлар Парижда чиқадиган «La Timuride» журналининг 2004 йил ноябрь ойи сонидан олинган.

*Баҳодир Эрматов,  
филология фанлари номзоди, доцент*

<sup>1</sup> Амир Темур ва Улуғбек замондошлари хотирасида. Т., 1996, 91-92-бетлар.

---

## МУНДАРИЖА

|   |    |
|---|----|
| <b>А. Саидов. Осие ва Европани боғлашга хизмат қилган зот</b><br><i>(Муқаддима ўрнида)</i> .....                            | 3  |
| <b>Руи Гонсадес де Клавихо. Буюк Амир Темур тарихи (1403—1406)</b><br><i>(Испан тилидан Улуғбек Жўраев таржимаси)</i> ..... | 11 |
| <i>1-боб. Муқаддима</i> .....   | 13 |
| <i>2-боб. Элчиларнинг жўнаши</i> .....  | 14 |
| <i>3-боб. Малага</i> .....  | 15 |
| <i>4-боб. Бали ороллари. Ибизада тўхташ</i> .....   | 16 |
| <i>5-боб. Ибиза манзараси</i> .....   | 16 |
| <i>6-боб. Банифасио қасри</i> .....   | 17 |
| <i>7-боб. Газта</i> .....   | 18 |
| <i>8-боб. Газта манзараси</i> .....   | 18 |
| <i>9-боб. Қирол Лонселотнинг тарихи</i> .....   | 19 |
| <i>10-боб. Газтадан жўнаш</i> .....   | 20 |
| <i>11-боб. Тўфон</i> .....  | 20 |
| <i>12-боб. Липари ороллари</i> .....  | 20 |
| <i>13-боб. Стромболидаги вулқоннинг отилиши. Тўфон</i> .....  | 21 |
| <i>14-боб. Мессина кўрфазидаги хавф-хатарлар</i> .....  | 21 |
| <i>15-боб. Мессина</i> .....  | 22 |
| <i>16-боб. Этна. Греция қирғоғи. Архипелаг ороллари</i> .....   | 22 |
| <i>17-боб. Родос</i> .....  | 24 |
| <i>18-боб. Темурбек ҳақида хабарлар</i> .....   | 24 |
| <i>19-боб. Улуғ магистрнинг Сурияга қарши қандай жанг олиб</i><br><i>борганлиги ҳақида ҳикоя</i> .....                      | 25 |
| <i>20-боб. Родос манзараси</i> .....  | 26 |
| <i>21-боб. Родосдан жўнаш</i> .....   | 26 |
| <i>22-боб. Лерос</i> .....  | 27 |
| <i>23-боб. Хио. Туркиядан келган хабар</i> .....  | 28 |
| <i>24-боб. Тўфон</i> .....  | 28 |
| <i>25-боб. Метелин. Метелин ҳокимининг мўъжизавий омон</i><br><i>қолиши</i> .....   | 29 |
| <i>26-боб. Византия ҳукмдорлари орасидаги низолар ҳақида</i><br><i>ҳикоя</i> .....  | 30 |
| <i>27-боб. Метелиндан жўнаш. Троя харобалари</i> .....  | 31 |

|  |    |
|--|----|
| 28-боб. Тениода тўхташ. Монгестан тоғи .....   | 32 |
| 29-боб. Тениодан жўнаш .....   | 33 |
| 30-боб. Галлиполи .....  | 34 |
| 31-боб. Перага келиш.....  | 35 |
| 32-боб. Хукмдор Мануэл саройида қабул .....  | 35 |
| 33-боб. Шаҳар манзараси .....  | 35 |
| 34-боб. Авлиё Хуан Боутиста ибодатхонаси .....   | 35 |
| 35-боб. Перевлепти ибодатхонаси. Аждарҳо ҳақидаги<br>ривоят .....                                      | 36 |
| 36-боб. Авлиё Хуан черкови .....   | 39 |
| 37-боб. Отчюпар .....  | 39 |
| 38-боб. Авлиё София .....  | 40 |
| 39-боб. Авлиё Георгий черкови .....  | 43 |
| 40-боб. Перадаги норозилик .....   | 44 |
| 41-боб. Биби Марям ибодатхонаси .....  | 44 |
| 42-боб. Авлиё Хуан ибодатхонасининг муқаддас нарсалари .....   | 45 |
| 43-боб. Олампаноҳ ибодатхонаси .....   | 46 |
| 44-боб. Биби Марямнинг мўъжизавий тимсоли .....  | 46 |
| 45-боб. Византия тахтига даъвогарлар ҳақида ҳикоя .....  | 47 |
| 46-боб. Муҳаммад (а.с.) кудуги .....   | 48 |
| 47-боб. Шаҳарнинг умумий манзараси .....   | 48 |
| 48-боб. Пера манзараси .....   | 49 |
| 49-боб. Авлиё Франциско ва Авлий Павел ибодатхоналари .....  | 50 |
| 50-боб. Жўнашга тайёргарлик .....  | 52 |
| 51-боб. Перадан жўнаш .....  | 52 |
| 52-боб. Финохия ороли. Тўфон кемани яксон қилди. Карпи.....  | 53 |
| 53-боб. Перага қайтиш. Қора денгиздаги хавф-хатар.<br>Перада қиш .....                                 | 56 |
| 54-боб. Қора денгизда сузиш .....  | 57 |
| 55-боб. Понтаракия .....   | 57 |
| 56-боб. Аммассера .....  | 58 |
| 57-боб. Кинолис .....  | 59 |
| 58-боб. Синополи .....   | 59 |
| 59-боб. Платона .....  | 59 |
| 60-боб. Тарабзунга келиш. Хукмдор ҳузурда қабул .....  | 61 |
| 61-боб. Қасрдаги келишмовчиликлар ҳақидаги ҳикоя .....   | 61 |
| 62-боб. Тарабзун тасвири. Арман ва Грекларнинг диний<br>урф-одатлари .....                             | 62 |
| 63-боб. Тарабзундан жўнаш. Суюрмансув дарёси .....   | 64 |
| 64-боб. Дориле .....   | 64 |
| 65-боб. Қабул ва зиёфат удумлари .....   | 67 |
| 66-боб. Арзинжон ҳокими ҳузурда қабул. Исфандиёрнинг<br>жияни. Арзинжондаги фитна ҳақидаги ҳикоя ..... | 68 |
| 67-боб. Элчилар шарафига зиёфат .....  | 69 |

|   |     |
|---|-----|
| 68-боб. Арзинжон манзараси .....  | 70  |
| 69-боб. Темурбек фатҳлари ҳақида ҳикоя .....  | 71  |
| 70-боб. Темурбекнинг Боязидга қарши уруш воқеаси .....  | 71  |
| 71-боб. Боязид, Мурод ва Темурбек исмларининг<br>маънолари .....  | 74  |
| 72-боб. Арзинжондан жўнаш .....   | 75  |
| 73-боб. Асерон .....  | 75  |
| 74-боб. Деллуаркент .....   | 76  |
| 75-боб. Аракс дарёси .....  | 76  |
| 76-боб. Қадимий шаҳар. ....   | 77  |
| 77-боб. Арорат. Қадимий шаҳар харобалари. ....  | 78  |
| 78-боб. Маку қасри. Насронийлар. Темурбек кўшинининг<br>юриши ҳақида эслатиш .....  | 79  |
| 79-боб. Аленга қасри .....  | 80  |
| 80-боб. Хой шаҳри .....   | 81  |
| 81-боб. Урмия кўли .....  | 81  |
| 82-боб. Табриз .....  | 82  |
| 83-боб. Табриздан жўнаш. Элчиларни кутиб олиш<br>удумлари .....   | 84  |
| 84-боб. Миана .....   | 85  |
| 85-боб. Султония, Мироншоҳ ҳузурида қабул .....   | 86  |
| 86-боб. Мироншоҳнинг ақлдан озгани ҳақидаги ҳикоя .....   | 88  |
| 87-боб. Султониядан жўнаш .....   | 90  |
| 88-боб. Техрон. Рей шаҳри харобалари .....  | 90  |
| 89-боб. Сулаймон шоҳ ўрдаси. Қабул. Темурбек набираси .....   | 91  |
| 90-боб. Ферузкўҳ. Темурбек томонидан Ферузкўҳнинг забт<br>этилиши .....   | 93  |
| 91-боб. Дамгон .....  | 94  |
| 92-боб. Элчиларнинг касал бўлиши .....  | 95  |
| 93-боб. Алоқа улови. Темурбек томонидан жорий этилган<br>масофа ўлчови .....  | 96  |
| 94-боб. Забрахин .....  | 98  |
| 95-боб. Нишопур. Кўчманчи Алаварлар. Темурбек юборган киши.<br>Гомес де Салазарнинг ўлими .....                                       | 98  |
| 96-боб. Шоҳрух Мирзодан чопар. Машҳад .....   | 100 |
| 97-боб. Темурбек юборган янги киши. Элчилар туфайли<br>қўзғатилган ваҳима. Халқнинг матонати .....                                    | 101 |
| 98-боб. Жазирама чўл мамлакати. Мурғоб дарёси .....   | 103 |
| 99-боб. Кўчманчилар ҳузурида тўхтаб ўтиш .....  | 104 |
| 100-боб. Анхой шаҳри. Кўчманчи чигатойлар. Қум бўрони .....   | 104 |
| 101-боб. Балх .....   | 105 |
| 102-боб. Амударё .....  | 106 |
| 103-боб. Амударёдан ўтиш. Татар тили ҳақида маълумот.<br>Чегара соқчиси. Халқларни кўчириш. Термиз.<br>Темурбекнинг янги чопари ..... | 106 |

|  |     |
|--|-----|
| 104-боб. Темир дарвозадан ўтиш. Дарбанд темир дарвозалари<br>ҳақида маълумот .....           | 108 |
| 105-боб. Кеш. Кеш шаҳридаги Темурбек қурдирган бинолар.<br>Кешдаги Темурбекнинг саройи ..... | 109 |
| 106-боб. Темурбекнинг тарихи .....   | 112 |
| 107-боб. Чигатойларнинг келиб чиқиши .....   | 112 |
| 108-боб. Кешдан чиқиш .....  | 113 |
| 109-боб. "Гулбоғ" деб номланган боғда тўхташ. Боғ ва<br>қасрнинг тузилиши .....              | 113 |
| 110-боб. Дилкушо боғи. Темурбек билан учрашув.<br>Байрам кечаси. Совғалар .....              | 114 |
| 111-боб. Бошқа бир боғда байрам. Қасрнинг тузилиши.<br>Таржимон хатоси .....                 | 119 |
| 112-боб. Боғишамол боғидаги базм. Меҳмонлар устидан<br>пуллар сочиш одати .....              | 120 |
| 113-боб. Бошқа бир боғда базм .....  | 121 |
| 114-боб. Насроний элчилар .....  | 121 |
| 115-боб. Конигил водийсидаги базм .....  | 122 |
| 116-боб. Сарпарда ва чодирлар тасвири .....  | 122 |
| 117-боб. Соҳибқиронга ўз аъёнлари тақдим этган совғалар .....                                | 124 |
| 118-боб. Хонзода томонидан уюштирилган базм .....  | 125 |
| 119-боб. Бозор. Қатл .....   | 126 |
| 120-боб. Бошқа бир чодирларнинг тузилиши.<br>Пирмуҳаммад .....                               | 127 |
| 121-боб. Ҳиндистонга қарши уруш ҳикояси .....  | 129 |
| 122-боб. Миллий ўйинлар. Темурбекнинг завжалари.<br>Урф-одатлар .....                        | 130 |
| 123-боб. Филларни тасвирлаш .....  | 132 |
| 124-боб. Никоҳ базми .....   | 133 |
| 125-боб. Никоҳ базмининг давоми .....  | 134 |
| 126-боб. Ўрдадаги охириги байрам. Маликалар ҳузурида<br>базм .....                           | 134 |
| 127-боб. Муҳаммад Султоннинг маъракаси .....   | 137 |
| 128-боб. Савдо расталарининг қурилиши .....  | 138 |
| 129-боб. Масжиднинг қурилиши .....   | 139 |
| 130-боб. Элчилар Соҳибқироннинг қабул қилишини талаб<br>этдилар .....                        | 130 |
| 131-боб. Элчиларни қабул қилиш ҳақидаги қайта<br>сўровлари .....                             | 139 |
| 132-боб. Самарқанд тасвири .....   | 141 |
| 133-боб. Самарқанднинг бойликлари .....  | 142 |
| 134-боб. Хитой элчиларининг ўз юртлари ҳақидаги<br>ҳикоялари .....                           | 144 |
| 135-боб. Темурбекнинг Самарқанд қалъасига кириши .....                                       | 145 |

|  |     |
|--|-----|
| 136-боб. Амазонка аёллари .....  | 146 |
| 137-боб. Темурбек салтанатида иш юритиш усуллари .....   | 146 |
| 138-боб. Темурбек ва Тўхтамиш. Темурбек ва Едигей<br>ўрталарида бўлган жанг ҳақида ҳикоя ..... | 147 |
| 139-боб. Қўшин .....   | 149 |
| 140-боб. Орқага йўл. Қайтиш. Самарқанддан жўнаш. Бухоро .....                                  | 150 |
| 141-боб. Амударёдан ўтиш. Чўллар .....   | 150 |
| 142-боб. Жағаро. Дамгон. Сенан .....   | 152 |
| 143-боб. Ватами шаҳри. Қор. Султония. Санга .....  | 153 |
| 144-боб. Табриз .....  | 154 |
| 145-боб. Табриздан жўнаш. Ғалаён ҳақида хабар. Умар<br>Мирзонинг ўрдаси. Табризга қайтиш ..... | 155 |
| 146-боб. Қўшин ичидаги ғалаён ҳақида хабар .....   | 156 |
| 147-боб. Темурбекнинг ўғиллари ва набиралари ўртасидаги<br>низолар ҳақида ҳикоя .....          | 157 |
| 148-боб. Элчилар билан содир бўлган кўнгилсиз воқеалар .....                                   | 160 |
| 149-боб. Грузия подшосининг ҳужуми .....   | 161 |
| 150-боб. Темурбек фарзандлари ўртасидаги низоларнинг<br>давом этиши .....                      | 161 |
| 151-боб. Умар Мирзонинг элчиларни қабул қилиши .....   | 162 |
| 152-боб. Шаҳар бошлиқларининг сиқувлари .....  | 163 |
| 153-боб. Табриздан жўнаш .....   | 163 |
| 154-боб. Арманистондан ўтган йўл .....   | 164 |
| 155-боб. Алекинор шаҳри. Арманистоннинг бўлиниши ҳақида<br>ривоят .....                        | 164 |
| 156-боб. Грузиядан ўтган йўл .....   | 166 |
| 157-боб. Арракел ерлари .....  | 167 |
| 158-боб. Тарабзун. Пера .....  | 167 |
| 159-боб. Ўрта ер денгизидаги тўфон. Қайтиш ва саёҳатнинг<br>яқунига етиши .....                | 168 |

|  |            |
|--|------------|
| <b>Султония архиепископи Иоанн. Амир Темур ва унинг<br/>саройи ҳақида хотиралар (Француз тилидан Баҳодир Эрматов<br/>таржимаси).....</b> | <b>169</b> |
| I. Темур Бейнинг тахтга ўтириши .....  | 171        |
| II. Темур Бей исмининг талқини хусусида .....  | 173        |
| III. Темур Бейнинг унвони хусусида .....   | 174        |
| IV. Унинг ирқи хусусида .....  | 174        |
| V. Ўғилларининг насл-насаби ва исмлари хусусида .....  | 175        |
| VI. Жиянлари ва набираларининг сони хусусида .....   | 176        |
| VII. Темур Бейнинг хотинлари хусусида .....  | 176        |
| VIII. Темур Бей ҳукмронлигининг бошланиши .....  | 176        |
| IX. Темур Бек ҳукмронлик қиладиган вилоятлар<br>ва ўлкалар хусусида .....  | 177        |

|  |     |
|--|-----|
| X. Темур Бейнинг маҳорати ва қудрати хусусида .....                                | 179 |
| XI. Темур Бейнинг буюклиги ва лашкарларининг сони<br>хусусида .....                | 180 |
| XII. Темур Бейнинг бойликлари хусусида .....                                       | 180 |
| XIII. Темур Бейнинг очиққўнгиллиги ва шафқатсизлиги<br>хусусида .....              | 181 |
| XIV. Темур Бейнинг ҳаёти ва унинг халқи хусусида .....                             | 182 |
| XV. Темур Бейнинг ўз асирларига муносабати хусусида .....                          | 184 |
| XVI. Темур Бейнинг мухораба ҳақида фармонлари хусусида .....                       | 184 |
| XVII. Эдигни исмли императорнинг Темур Бейга қилган<br>хиёнати хусусида .....      | 187 |
| XVIII. Темур Бей Буюк Туркни қандай маҳв этгани<br>ва банди қилгани хусусида ..... | 188 |
| XIX. Темур Бейнинг салтанати ва шаҳарларидаги<br>тартиб-қоидалар хусусида .....    | 190 |
| XX. Темур Бейнинг душманлари бўлмиш айрим<br>қудратли императорлар хусусида .....  | 191 |
| XXI. Темур Бейнинг ҳузуридаги шоҳ ва шаҳзодалар<br>хусусида .....                  | 192 |
| XXII. Темур Бейнинг имон-эътиқоди ва у қурган<br>башоратлар хусусида .....         | 193 |
| XXIII. Темур Бейнинг ёши ва соғлиги хусусида .....                                 | 195 |
| XXIV. Темур Бей ёқтирадиган нарсалар хусусида .....                                | 196 |
| Б.Эрматов. Амир Темур элчиси хотиралари.....                                       | 197 |

*Адабий-бадиий нашр*

**АМИР ТЕМУР ЕВРОПА ЭЛЧИЛАРИ НИГОҲИДА**

**РУИ ГОНСАЛЕС ДЕ КЛАВИХО**

**Буюк Амир Темури тарихи (1403–1406)**

**СУЛТОНИА АРХИЕПИСКОПИ ИОАНН**

**Амир Темури ва унинг саройи ҳақида хотиралар**

*Муҳаррири Илҳом Зойир*

*Бадиий муҳаррири Анатолий Бобров*

*Техник муҳаррири Татьяна Смирнова*

*Мусахҳиҳ Фотима Ортиқова*

*Компьютерда саҳифаловчи Зилола Маннопова*

**ИБ № 4524**

Босишга 15.10.07 й. да рухсат этилди. Бичими 84x108 <sup>1</sup>/<sub>32</sub>.  
Таймс гарнитураси. Офсет босма. 11,34 шартли босма тобоқ.  
12,5 нашр тобоғи. 3000 нусха. 391 рақамли буюртма.  
68–2007 рақамли шартнома. Баҳоси шартнома асосида.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи.  
100129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.  
100128. Тошкент, Усмон Юсупов кўчаси, 86.

**Бизнинг интернет манзилимиз: [www.iptdugulom.uz](http://www.iptdugulom.uz)**